

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
МАЛАКА ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

**«ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ
ХУҚУҚИЙ ОНГИ ВА МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШДА
ХУҚУҚИЙ ТАЪЛИМНИНГ ЎРНИ»**

Республика илмий-амалий конференция тўплами

ТОШКЕНТ-2023

УДК 343.9(571.1)(063)

«Ички ишлар органлари ходимларининг касбий ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришда ҳуқуқий таълимнинг ўрни» мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент: ИИВ Малака ошириш институти, 2023. – 247-б.

Масъул муҳаррир:
О.Т.Ахмедов, техника фанлар номзоди, доцент

Тузувчи ва тартиб берувчи:
Н.З.Тасимов.

Таҳрир ҳайъати:
М.И.Суванкулов, Х.А.Тураббаев, Ж.Қ.Хамраев, Д.Ж.Эшқулов

Ушбу тўпламда Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институтида «**Ички ишлар органлари ходимларининг касбий ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришда ҳуқуқий таълимнинг ўрни**» мавзусида ўтказилган республика илмий-амалий конференциясининг материаллари жамланган. Хусусан, тўпламда ички ишлар органлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг касбий ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти юксалтириш, ҳуқуқий тарбиясини ривожлантириш масаласида илмий тадқиқотчилар, профессор-ўқитквчилар ва амалиёт ходимлари ўзларининг назарий ва амалий фикрлари ва тавсияларини баён қилган.

Тўплам профессор-ўқитувчилар, илмий ходимлар, тадқиқотчилар, амалиёт ходимлари, тингловчилар ва барча қизиқувчиларга мўлжалланган

К И Р И Ш

Маълумки, мамлакатимизда Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш демократик ҳуқуқий давлат барпо этишнинг бош мезони бўлиб келмоқда.

Юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг самараси, тинчлик ва тараққиётнинг асосий гарови ҳам Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш билан бевосита боғлиқдир. Шунинг учун ҳам ҳаётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида меҳнат қилаётган инсонлар, биринчи навбатда, раҳбар ходимлар, фуқароларнинг Конституция ва қонунларни пухта билиши, уларнинг ижросини тўғри ташкил этиши, бу қоидаларга бутун жамият аъзолари қатъий амал қилиши шарт бўлган муҳитни яратиш ғоят муҳим ва долзарб вазифага айланмоқда.

Ҳуқуқий маданият жамият ва шахснинг ҳуқуқий ҳолати тимсолида қабул қилиниши мумкин бўлган алоҳида ижтимоий ҳодисадир. Юксак ривожланган ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуришни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган ҳар бир давлатнинг асрий орзуси бу ўз аҳолисининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтиришдир. Ҳар қандай давлатнинг ижтимоий ривожланиши фуқароларининг ҳуқуқий маданияти билан боғлиқ бўлади. Зоро, юксак даражада ривожланган ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг ажralmas белгисидир. Юксак даражадаги ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият эса ҳуқуқий тарбиянинг маҳсули.

Мамлакатимиздаги мавжуд ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимида ички ишлар идоралари алоҳида мавқега эга бўлиб, уларга қонунийлик ва ҳуқуқий тартибот ўрнатишда катта ҳажмдаги маъсулиятли вазифа юклатилган. Ички ишлар идоралари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органларга нисбатан иш ҳажми ва штат бирлиги нуқтаи назаридан ҳам жуда катта фарқ қиласди. Шунингдек, ички ишлар идоралари ходимлари кундалик иш фаолиятида узлуксиз равишда, доимо халқ билан ҳамкорликда фаолият юритадилар. Мамлакатимизнинг тинчлиги, осойишталиги ва барқарор тартиботи ҳам кўп жиҳатдан ички ишлар идораларига боғлиқдир. Шундай экан, ички ишлар идоралари ходимларидан халқ билан бўлган турли хил шакллардаги муносабатларида юксак даражадаги ҳуқуқий маданият талаб қилинади.

Ички ишлар органлари ходимларида қонунга ҳурмат руҳини қарор топтириш – жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг гаровидир

Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлашнинг энг муҳим шартлари ҳисобланади.

Мамлакатимиздаги мавжуд ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимида ички ишлар идоралари алоҳида мавқега эга бўлиб, уларга қонунийлик ва ҳуқуқий тартибот ўрнатишда катта ҳажмдаги маъсулиятли вазифа юклатилган. Ички ишлар идоралари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органларга нисбатан иш ҳажми ва штат бирлиги нуқтаи назаридан ҳам жуда катта фарқ қиласди. Шунингдек, ички ишлар идоралари ходимлари кундалик иш фаолиятида узлуксиз равищда, доимо ҳалқ билан ҳамкорликда фаолият юритадилар. Мамлакатимизнинг тинчлиги, осойишталиги ва барқарор тартиботи ҳам кўп жиҳатдан ички ишлар идораларига боғлиқдир. Шундай экан, ички ишлар идоралари ходимларидан ҳалқ билан бўлган турли хил шакллардаги муносабатларида юксак даражадаги ҳуқуқий маданият талаб қилинади.

Ҳуқуқий маданият жамият ва шахснинг ҳуқуқий ҳолати тимсолида қабул қилиниши мумкин бўлган алоҳида ижтимоий ҳодисадир. Юксак ривожланган ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуришни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган ҳар бир давлатнинг асрий орзуси бу ўз аҳолисининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтиришдир. Ҳар қандай давлатнинг ижтимоий ривожланиши фуқароларининг ҳуқуқий маданияти билан боғлиқ бўлади. Зоро, юксак даражада ривожланган ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг ажралмас белгисидир. Юксак даражадаги ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият эса ҳуқуқий тарбиянинг маҳсули

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти бошлиғи, т.ф.н., доцент.

Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ти қонунини 2-моддасида фуқароларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш ички ишлар органларининг асосий вазифаси сифатида белгилаб қуйилганлиги жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда ички ишлар органларининг ўрни нечоғлик даражада муҳим эканлигидан далолат беради.

Мантиқий жихатдан қараганда ички ишлар органлари ходимлари жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни ўрнатиш каби зиммаларига юклатилган вазифаларини тўла-тўкис бажаришлари учун даставвал, ходимларнинг ўзларини касбий ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш каби долзарб вазифа турибди.

Ички ишлар органлари ходимларининг касбий ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришда ҳуқуқий таълимнинг масаласини ёритишида асосий эътиборни мавзуни ташкил қилувчи, бир-бири билан узвий боғлиқликда бўлган категориялар, яъни “**касбий ҳуқуқий онг**”, “**касбий ҳуқуқий маданият**” ва “**ҳуқуқий таълим**” тушунчасига эътибор қаратадиган бўлсак, бу аввалимбор “**касбий ҳуқуқий онг** – бу ходимларни хизмат фаолиятида учрайдиган ҳуқуқий нормалар, қонунлар ҳақида тасаввур ва билимларга эга бўлиши”, “**касбий ҳуқуқий маданият**” эса ходимларнинг хизмат фаолиятларида дуч келаётган ҳуқуқ ва қонун норма талабларига риоя қилиши, қонунга риоя қилмаган шахсларга нисбатан муросасиз булиши ва қонун устуворлигини таъминлаши, қонунни бузган шахсларга нисбатан жазони муқаррарлигини таъминлаши”, “**ҳуқуқий таълим** эса ички ишлар органлари ходимларини касбий фаолиятида лозим бўлган ҳуқуқий билимларни эгаллаши учун таълим муассасаси профессор-ўқитувчиларининг ва амалий идора ходимларининг ходимларни ҳуқуқий билимлар билан қуроллантиришга йўналтирилган хизмат фаолиятининг мажмуи сифатида қарашимиз мумкин”.

Ички ишлар органлари ходимларининг касбий ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришда ИИВ таълим муассаларининг назариётчи

олимлари ва амалиётчи ходимлари уларни ҳуқуқий билимларни эгаллашида ва ҳуқуқий саводхонлигини оширишдаги ҳамкорликдаги вазифаси ҳисобланади.

Ички ишлар органлари фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишлари учун авваламбор фуқароларда қандай конституциявий ҳуқуқлари борлигини билиши ёки фуқароларнинг муайян ҳуқуқларини чеклаш учун уларга кўйиладиган чекловлар меъёрларини билишлари, яъни қандай ҳолатда чеклаш мумкинлиги, оддий мисол сифатида фуқарони ички ишлар органлари ходимлари томонидан қандай асосларда ва қанча муддатга қадар ушлаб туриш мумкинлиги хусусидаги билимларни албатта, сиз билан биз таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, бир вақтни ўзида амалий идорадаги масъул раҳбарлар ходимларнинг ҳуқуқий билимларини шакллантириш ва ҳуқуқий саводхонлигини оширишимиз ҳамда мустаҳкамлашимиз зарурдир.

Сўнгги йилларда миллий ҳукуқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ҳамда малакали юридик кадрларни тайёрлаш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5618-сон Фармонида жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг асосий вазифалари сифатида *биринчидан*, давлат хизматчиларининг, шу жумладан ички ишлар органлари ходимларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириб бориш, уларда коррупция ва бошқа ҳукуқбузарликларга нисбатан муросасизлик муносабатини шакллантириш; *иккинчидан*, юридик таълимни такомиллаштириш, шунингдек, юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ривожлантириш; *учинчидан*, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг илмий асосларини чукур тадқиқ этиш каби белгиланганлиги бежиз эмас албатта.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва ахоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-10-сон Қарорида асосий мақсадларилан бири сифатида, ички ишлар органларида содир этилиши мумкин бўлган ножўя хатти-ҳаракатлар, суиистеъмолчилик ва коррупция ҳолатларининг барвақт олдини олиш, ҳуқук-тартибот тизими обрўсига салбий таъсир кўрсатувчи низоли вазиятларни юзага келтирмаслик белгиланган.

Бундан ташқари, мазкур қарорда 2023 йил 1 сентябрдан бошлаб ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, йўл-патруль ва патруль-пост хизмати бўлинмалари ходимларини «Фуқаролар билан ишлаш модули» бўйича узлуксиз ўқитиш амалиётини йўлга қўйиш орқали уларнинг соҳада самарали хизмат олиб боришдаги шахсий масъулияти ошириши белгиланган.

Мазкур қарорларда белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш ички ишлар органлари ходимларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш орқали амалга оширилади. Ходимлар мамлакатимиз қонунчилик тизими ва ундаги янгиликлар, ўзгартиш ва қўшимчалар хусусида хабардор қилинmas экан, биз қарорда белигиланган “ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш”дек ўз олдимизга қўйган мақсад ва вазифаларга эриша олмаймиз.

Ички ишлар органлари шахсий таркибини юридик маълумотга эга бўлган қисмини ҳуқуқий билимлари масаласи бизни қисман ташвишга солмаслиги мумкин, аммо тизимда хизмат қилаётган ноюридик таълим муассасаларини тамомлаган ва тўлиқ юридик маълумотга эга булмаган тоифасига эса алоҳида эътиборда булиши шарт ва зарурдир. Биз асосан ҳуқуқий таълим беришда мазкур контингентни ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор беришимиз лозим бўлади. Чунки мазкур ноюридик таълим муассасаларини тамомлаган ва тизимда хизмат қилаётган ходимлар ҳам кундалик фаолиятида фуқаролар билан

хуқуқий масалада рўбарў келади ҳамда уларда хуқуқий билимларнинг етарли даражада эмаслиги фуқаролар билан низоли вазиятларни юзага келтиради ва бу эса ўз навбатида ички ишлар тизими обрўсига путур етказади. Бунга яққол мисол сифатида ички ишлар органлари ходимларининг фуқаролар билан ностандарт вазиятларда юзага келаётган ҳолатлар бўйича ижтимоий тармоқдаги хабарларда кўришимиз мумкин. Шу сабабли бугун конференцияда қўйилган мавзумизни нечоғлик даражада долзарблиги бўйича ҳеч кимда шубҳа ўйғотмайди деб ўйлайман.

И.Исмаилов*

Жамоат хавфсизлиги таъминлаш тизимида хуқуқий таълим ва тарбияни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари

Инсоният тарихида хавфсизлик шахс, жамият ва давлат учун барча даврларда ҳам сув ва ҳаводек зарур бўлган ҳаётий эҳтиёж бўлиб келган. Бугунги глобаллашув, шиддатли ўзгаришлар юз бераётган, шунингдек таҳдид ва тажовузлар кўпайиб ҳамда кучайиб бораётган мураккаб шароитда миллий хавфсизликнинг ажралмас таркибий қисми бўлган жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳар қандай жамиятнинг олдида турган энг долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Жамият ижтимоий ҳаётининг барча йўналишларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг мавжуд ва вужудга келаётган таҳдид ҳамда тажовузларга муносиб жавоб бероладиган самарали тизимни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 2021-2022 йилларда қабул қилинган бир қатор қонун^[1] ва қонунчилик хужжатларига^[2] мувофиқ жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг мутлақо янги механизми ва тартиблари жорий этилиб, давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан мақсадли ва тизимли ҳамкорлиги йўлга қўйилмоқда.

Мустақиллик йилларида жамоат хавфсизлигини таъминлаш учун бевосита масъул бўлган давлат органлари тизимида ҳам туб ислоҳотлар

амалга оширилди ва янги институционал тузилмалар ташкил этилиб ҳамда фаолияти йўлга қўйилиб, уларни тартибга солувчи қонунлар қабул қилинди[3].

Дастлаб туризм ривожланган худудларда[4], Тошкент шаҳрида[5], кейинчалик қолган барча худудларда[6], транспорт ҳамда туризм объектларида[7], Тошкент вилояти минтақасида[8] жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича туб ислоҳотлар ўтказилди, бу соҳада асосий масъул субъект ҳисобланган ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари амалга оширилиб[2], “хавфсиз пойтахт”[9], “обод ва хавфсиз маҳалла” [10], “хавфсиз хонодон”, “хавфсиз ҳовли” ”[11] концепциялари, “фуқаробай”, “оилабай” ва “маҳаллабай” ишлаш тизимлари жорий этилди, жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегиясига мувофиқ олтида устувор йўналишларда[2], шунингдек йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида[12] комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиши таъминланмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, мамлакатимиздаги тинчлик ва осойишталиқ, барқарорлик миллий ва халқаро эксперталар томонидан сўнгги йилларда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, қонун устуворлиги ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимида амалга оширилаётган тизимли ислоҳотларнинг амалий натижаси сифатида эътироф этилмоқда.

Янги Ўзбекистонда амалга оширилган Конституциявий ислоҳатлар мамлакатнинг барча худудларида, ҳар бир маҳаллада жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида тизимга замонавий илғор тартиб ва механизmlарни, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, масъул давлат органлари ҳамда давлат ва фуқаролик жамияти ўртасида самарали ҳамкорликни йўлга қўйишини сифат жиҳатдан миллий қадриятларга асосланган замонавий усул ва шаклларини ишлаб чиқишини тақозо этмоқда.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, амалга оширилган ислоҳотлар ва амалга оширилаётган чора-тадбирларга қарамасдан Ўзбекистонда жамоат

хавфсизлигини назарий, хуқуқий, ташкилий-тактик жиҳатдан таъминлаш ҳамда соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали тизимни рақамлаштириш билан уйғунликда ахолининг, айниқса ўсиб келаётган келажак авлоднинг, шунингдек жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳаси учун тайёрланаётган кадрларнинг хуқуқий билим ва тарбиясини ривожлантириш, уларда юксак хуқуқий онг ва маданиятни шакллантириш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Мазкур долзарб вазифаларни самарали амалга ошириш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618-сон фармони ва унинг 1-иловасига мувофиқ тасдиқланган “Жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтириш Концепцияси”да жамиятда хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни юксалтириб бориш қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлашнинг энг муҳим шартларидан бири эканлиги, шунингдек сўнгги йилларда миллий хуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш, жамиятда хуқуқий маданиятни шакллантириш ҳамда малакали юридик кадрларни тайёрлаш борасида сезиларли ишлар амалга оширилганлиги қайд этилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур хужжатда жамиятда инсон хуқуқ ва эркинликларига хурмат муносабатини шакллантиришга, ахолининг хуқуқий онги ва хуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда фуқароларнинг хуқуқий саводхонлиги даражасини оширишга тўсқинлик қилувчи бир қатор муаммо ва камчиликлар сақланиб қолинаётганлиги ҳам эътироф этилган [13].

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепциясида ахолининг хуқуқий онги ва сиёсий-хуқуқий маданиятини, сиёсий ҳамда ижтимоий фаоллиги, фуқаролик масъулиятини ошириш асосида мамлакатда хуқуқий жамиятни барпо этиш ва мустаҳкамлаш жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги миллий манфаатлардан бири сифатида белгиланган[2].

Бундан ташқари Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясининг “Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш” деб номланган 70-мақсадида ёшларнинг хуқуқий онги ва хуқуқий маданияти даражасини юксалтириш унга эришишни таъминлашга қаратилган асосий вазифаларда бири сифатида кўрсатилган[14].

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, Ўзбекистонда бугунги кунда жамият хуқуқий онги ва хуқуқий маданиятини юксалтириш тизимини такомиллаштириш зарурати қуйидагилар билан тақозо этилмоқда:

биринчидан, хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни юксалтириб бориш қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлашнинг энг муҳим шарт эканлиги;

иккинчидан, хуқуқий таълим ва тарбия борасидаги ишлар тизимли ва узвий олиб боришга бўлган талабнинг юқорилиги;

учинчидан, хуқуқий таълим ва тарбия борасидаги ишлар тизимли ва узвий олиб боришга бўлган талабнинг юқорилиги;

тўртинчидан, оила, маҳалла ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг хуқуқий таълим ва тарбиядаги иштироки етарлича таъминланмаганлиги;

бешинчидан, ёшларнинг хуқуқий таълими ва тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи омилларга нисбатан хуқуқий иммунитетни шакллантиришга комплекс ёндашиш талаби;

олтинчидан, шахсда қонунларга ва одоб-ахлоқ қоидаларига хурмат, миллий қадриятларга садоқат, хуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлик ҳиссини уйғотишишига комплекс ёндашиш талаби;

еттинчидан, аҳолининг хуқуқий билимларини оширишга доир вазифаларнинг умумий тусда белгиланганлиги ҳамда уларни амалга оширишнинг аниқ таъсирчан механизми мавжуд эмаслиги.

Тадқиқотлар ва амалиёт шуни кўрсатмоқдаги, бугунги кунда жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида жамият хуқуқий онги ва хуқуқий

маданиятини юксалтиришнинг асосий йўналишлари кўйидагилар хисобланади:

биринчи йўналиши, оилаларнинг болаларда ҳаёт хавфсизлигига оид ҳуқуқий билим ва кўнилмаларни шакллантиришнинг шакл ва усусларини ҳамда механизмларини ривожлантириш;

иккинчи йўналиши, хавфсиз таълим тизимининг «ўкувчи, ўқитувчи ва ота-она»ларда хавфсиз муносабат ва ҳаётга оид ҳуқуқий билим ҳамда кўнилмаларни шакллантиришни ривожлантириш;

учинчи йўналиши, ахолига хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият олиб борувчи шахсларнинг хавфсиз мулоқат ва муносабатни таъминлашга оид ҳуқуқий билим ҳамда кўнилмаларни шакллантиришни ривожлантириш;

тўртинчи йўналиши, жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасига кадрлар тайёрловчи таълим муассасаларининг курсант ва тингловчиларида ҳуқуқий билим ҳамда кўнилмаларни шакллантиришни ривожлантириш;

бешинчи йўналиши, жамоат хавфсизлигини таъминловчи субъектлар ходимлари ва ҳарбий хизматчиларининг касбий фаолиятига оид ҳуқуқий билим ҳамда кўнилмаларни шакллантиришни ривожлантириш;

олтинчи йўналиши, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари вакилларининг жамоат хавфсизлигини таъминлашга ва касбий фаолиятига оид ҳуқуқий билим ҳамда кўнилмаларни шакллантиришни ривожлантириш.

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепциясини самарали амалга оширишнинг асосий шартларидан бири бўлган жамиятда юксак ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга эришиш биринчи навбатда ҳуқуқий таълим ва тарбияни ривожлантириш:

биринчиси, маънавий ва ҳуқуқий таълим ҳамда тарбия уйғунлиқда амалга ошириладиган узликсиз жараён бўлиб, у болаликдан бошланиб “оила – мактабгача таълим – мактаб – ўрта маҳсус ва олий таълим – меҳнат жамоасида” инсон ҳаёти давомида унинг барча соҳаларига, шу жумладан “шахс, жамият, давлат” хавфсизлигини таъминлашга оид ахлоқ ва ҳуқуқ

нормалари талабларининг мазмун-моҳиятини англаш, тушуниш ҳамда уларга риоя этиш бўйича зарур билим ва кўникмаларни эгаллаш орқали таъминлаш;

иккинчиси, хукуқий таълим ва тарбия инсоннинг ёши, таълим ва қасбий фаолият йўналиши, жамиятдаги ҳақиқий вазият, яъни мавжуд таҳдид, хавфхатар ва улар билан боғлиқ жараёнларни инобатга олган ҳолда мунтазам, тизимли ва комплекс амалга оширилиш;

учинчиси, хукуқий таълим ва тарбия педагогика, психология ва юриспруденция фанларининг таълимотлари ва методологияси талаблари асосида, шунингдек миллий қадриятларга таянган ҳолда ишлаб чиқилган ҳамда замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишни назарда тутувчи усул ва шаклларни уйғунликда қўллаш;

тўртинчиси, хукуқий таълим ва тарбияни амалга оширишда, айниқса болаликдан оилада, маҳаллада, таълим муассасасида, жамоат жойларида, жамиятда ва давлатда ўз хукуқ ва бурчлари нималардан иборат нималардан иборат эканлиги, уларни белгиловчи одоб-ахлоқ ва хукуқ нормаларини оддий мисоллар асосида, кўргазмали воситалардан кенг фойдаланган ҳолда тушунтириб бориш орқали шахсий манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш билим ва кўникмаларини сингдириш;

бешинчиси, оилада, мактабгача таълим муасасасида, мактабда, ўрта-маҳсус ва олий таълимда, ҳар бир қасб йўналишида, яъни инсон ҳаётининг ҳар бир босқичида у иштирок этаётган ижтимоий муносабатлар мазмун-моҳиятидан келиб чиқсан ҳолда улар билан олиб бориладиган хукуқий таълим ва тарбиянинг ўзга хос ёндашув асосида ишлаб чиқилган усуллар, шакллар ва механизmlарни кенг қўллаган тарзда бевосита мутахассислар томонидан амалга оширилиш каби методологик аҳамиятга эга бўлган қоидаларга риоя этишни талаб қиласди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини ҳаётга жорий этиш, хусусан Ўзбекистоннинг суверен, демократик, хукуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат сифатида “инсон – жамият – давлат” хавфсизлигини таъминлаш орқали

қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлашнинг асосий шартларидан бири бўлган “жамиятда ҳуқуқий онг ва маданиятни юклалтириб бориш” бевосита унинг барча буғинларида маънавий ва ҳуқуқий таълим ҳамда тарбияни тизимли ривожлантириб боришни талаб қиласди.

Фойдаланилган манбалар:

1. Ўзбекистон Республикасининг: 2021 йил 15 декабрдаги “Фавқулодда ҳолат тўғрисида”ги қонуни. <https://lex.uz/uz/docs/5774840>; 2022 йил 15 апрелдаги “Кирберхавфсизлик тўғрисида”ги қонуни. <https://lex.uz/uz/docs/5960604>; 2022 йил 15 июндаги “Қўриқлаш фаолияти тўғрисида”ги қонуни. <https://lex.uz/docs/6066682>; 2022 йил 17 августдаги «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги <https://lex.uz/docs/6161244>

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартағи “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сонли Фармони <https://lex.uz/docs/5344118>; 2021 йил 29 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-27-сон фармони. <https://lex.uz/docs/5749291>

3. Ўзбекистон Республикасининг: 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонуни. <https://lex.uz/docs/3027843>; 2020 йил 18 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида”ги қонуни. <https://lex.uz/docs/5128310>; 2018 йил 5 апрелдаги “Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги қонуни. <https://lex.uz/docs/3610935>; 2021 йил 6 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги қонуни. <https://lex.uz/docs/5491505>

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 ноябрдаги “Бухоро, Самарқанд, Хива ва Шахрисабз шаҳарларида хавфсиз

туризмни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 939-сон қарори <https://lex.uz/ru/docs/3422675>

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши қурашишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида»ги ПҚ-3528-сонли қарори <https://lex.uz/docs/3556832>; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 июндаги “Тошкент шаҳрида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши қурашиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3786-сон қарори. <https://lex.uz/docs/3786903>

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 декабрдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4075-сон қарори <https://lex.uz/docs/4124831>.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 марта ги “Транспорт ва туризм обьектларида жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг самарали тизимини жорий этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4229-сон қарори <https://lex.uz/docs/4229310>;

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 майдаги «Тошкент вилоятида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши қурашиш соҳасида ички ишлар органлари куч ва воситаларини бошқаришнинг сифат жиҳатдан янги тизимини жорий этиш тўғрисида»ги ПҚ-4343-сон қарори // <https://lex.uz/docs/4355767>;

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 августдаги “Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида лойиҳа бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3245-сон қарори <https://lex.uz/docs/3324016>

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш,

маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиши чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5938-сон фармони <https://lex.uz/docs/4740345>

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги «Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка карши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича кўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5050-сон қарори. // <https://lex.uz/ru/docs/5353841>

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 4 апрелдаги “Автомобиль йўлларида инсон хавфсизлигини ишончли таъминлаш ва ўлим ҳолатларини кескин камайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-190-сон қарори. // <https://lex.uz/docs/5937573>; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 30 июлдаги “Йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасини илмий-методик таъминлаш, йўлларда эксплуатация-монтаж фаолиятини тартибга солиш ҳамда “Хавфсиз йўл” интексини юритиш амалиётини жорий этиш тўғрисида”ги ПҚ-415-сон қарори. // <https://lex.uz/ru/pdfs/6136750>

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5618-сонли Фармони <https://lex.uz/docs/4149765>;

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5618-сонли Фармони <https://lex.uz/docs/5841063>

Профессионализм и правовая культура

В юридической литературе правовая культура рассматривается как категория, включающая не только социально–психологические процессы, протекающие в обществе, но юридически значимое поведение членов общества, правовую деятельность, практику функционирования правовых институтов¹. Значит, важнейшим элементом, определяющим зрелость правовой культуры, является уровень развития правовой деятельности. Последняя состоит из теоретической (деятельность ученых–юристов) и практической (правотворческая и правоприменительная деятельность). Поскольку правовая культура общества во многом зависит от уровня и качества юридической деятельности, то ею должны заниматься компетентные в юридическом и многих других отношениях лица с соблюдением юридических процедур и принципов.

По мнению А. А. Матюхина, правовую культуру можно представить в виде институционально–функциональной модели, состоящей из следующих компонентов: а) правовые нормы и институты; б) правовое поведение и правоотношения; в) правосознание; г) правотворчество (результат действия специализированного правосознания и важнейший источник правовых норм и институтов); д) правоприменение; е) правовая наука и философия права (научно–теоретическая, понятийная форма правосознания, которая определяется в правотворчестве и правоприменении); ж) юридическое образование (правовое просвещение, самосохранение правовой культуры; способ самовоспроизведения «корпорации юристов» как носительницы наиболее развитых форм правовой культуры)².

*Доктор юридических наук, профессор (ТГЮУ)

¹ См.: Сайдов А., Тожихонов У. Ҳуқуқий маданият назарияси. Икки жилдли. 2–жилд. – Т., 2001. – С. 36; Таджиханов У. Т. Мұстакиллик, ҳуқуқий мағұрура ва Конституция. – Т., 1996. – С. 56–57.

² См.: Матюхин А. А. Государство в сфере права (институциональный подход): Автореф. дис. ... д–ра юрид. наук. – Алматы, 2001. – С. 25–26

Повышение уровня правовой культуры предполагает, с одной стороны, повышение правосознания и совершенствование юридической практики, а с другой — надлежащее кадровое обеспечение правоохранительных органов. Было бы утопичным желание сделать каждого чиновника юристом. Но преодолеть юридическую безграмотность и правовой нигилизм — это одно из условий развития правовой культуры. Отсюда вытекают задачи для тех, кто по роду своей деятельности обязан иметь необходимый их минимум. Это следующие задачи:

- умение ориентироваться в основных началах и принципах государственно-правовой жизни;
- наличие базовых правовых знаний;
- владение основами правил и навыков законодательной техники.

Что же представляет собой правовая культура сотрудника правоохранительного органа либо другого государственного служащего? Это в первую очередь совокупность методов, знаний, ценностей, умений и навыков, позволяющих принимать качественные и эффективные правовые акты. Это система этико-правовых ценностей, основанных на высокой юридической грамотности и квалификации, позволяющих вырабатывать такие разумные правовые решения, которые бы отвечали действительным потребностям юридической практики. Другими словами, профессионализм есть культура служебной, юридической деятельности, базирующаяся на высокой правовой культуре.

Профессионализм сотрудника как комплексное социально-правовое явление состоит, на наш взгляд, из следующих компонентов:

- 1) общая культура, представляющая собой систему общечеловеческих духовно-нравственных ценностей, основанная на определенном уровне знаний, умений и навыков всесторонне развитого человека;
- 2) правовая культура, составляющая систему взглядов, ценностей, идей, знаний, чувств и переживаний относительно права. Ведь, как гласит классическая теория права, правовая культура включает в себя собственно

право, правосознание, правовую практику и ряд других компонентов. Она предполагает наличие правовой грамотности, уважения к праву, высокую правовую активность и правосознание;

3) организационная культура, т.е. совокупность правил и принципов эффективной и умелой организации процесса разработки и принятия управлеченческих (в данном случае правовых) решений. Это эффективная бюрократия (в позитивном смысле этого слова), высокий профессионализм государственного служащего.

На уровень правовой культуры, как нам представляется, влияет уровень знаний и навыков применения правил юридической техники. Умение грамотно составить текст правового акта, хорошая ориентация в довольно сложных вопросах языка и стиля законов – свидетельство высокой правовой культуры сотрудника. По нашему мнению, именно высокая правовая культура и профессионализм позволяют сотрудникам правоохранительных органов успешно выполнять свои функции.

Однако, чтобы стать действительным профессионалом, им необходимо обладать многими качествами, навыками и отвечать определенным требованиям. Возникает вопрос: что следует понимать под профессионализмом в данном случае?

Профессия – это формируемая системой образования совокупность определенных знаний, умений и навыков, это род трудовой деятельности человека, обладающего вышеуказанными качествами. Профессионализм содержит две основные характеристики: с одной стороны мастерство, которым обладают специалисты своего дела, с другой – ценности и идеалы, то, что конституирует данную профессию¹. Значит, профессионал – это человек владеющий знаниями и мастерством в определенной сфере жизнедеятельности. Конечно же, этого профессионала нужно формировать.

¹ См.: Жалинский А. Э. Профессиональная деятельность юриста. Введение в специальность. – М., 1997. – С. 37.

Во многом формирование профессионального юриста – это результат их самообразования и повседневной юридической практики.

Что представляют собой модель профессионала – сотрудника правоохранительных органов, какими качествами он должен обладать? Во-первых, сотрудник – прежде всего личность, которую характеризует высокий уровень нравственности и морали, составляющих суть юридической деятельности. Во-вторых, он должен обладать коммуникабельностью, знанием и пониманием сути правовых процессов и проблем. Другими словами, это должна быть глубоко социальная личность. В-третьих, ему должны быть присущи обширные юридические знания, хорошие навыки правовой техники, высокий уровень правовой культуры и правосознания. Наличие приведенных и некоторых других качеств и навыков у сотрудника правоохранительных органов дает возможность назвать его профессионалом, специалистом своего дела.

Итак, профессионал – это специалист, прошедший специальное обучение, владеющий знаниями и практическими навыками в юридической деятельности. Понятно, что правоохранительная функция не может быть успешно решена непрофессионалом, лицом, не владеющим специальными познаниями и навыками. Профессионализм государственных служащих, т.е. лиц, работающих по найму в государственных органах и занимающихся в них государственные должности, предполагает наличие образования в соответствующей сфере, часто - юридического. Причина этого вытекает из самой природы правоохранительной деятельности.

Сегодня правоохранительные органы имеют сложную организационную систему, особую внутреннюю структуру и осуществляют целый ряд специальных функций. Для повышения уровня профессиональной подготовки функционируют образовательные учреждения. Так, в системе МВД для формирования профессионалов создана комплексная система их обучения, повышения квалификации и переподготовки. В Институте повышения квалификации МВД сотрудники на системной основе достигают

требуемого уровня квалификации, повышают уровень правовых знаний и навыков.

В процессе формирования сотрудника–профессионала особое внимание должно быть уделено освоению процедур подготовки и принятия правовых актов, методике разработки и оформления служебных и процессуальных документов, составлению, разъяснению и толкованию правовых актов. Они должны хорошо ориентироваться в законодательстве, в том числе в вопросах согласованности и преодоления противоречий законов и подзаконных актов, способах их реализации.

Итак, видится несколько направлений обеспечения профессионализма сотрудников и повышения их правовой культуры. Первое – совершенствование механизма их юридической и служебной подготовки. Второе – обучение сотрудников, не имеющих юридического образования, основам юриспруденции и юридической техники. На наш взгляд, в понятие правовой культуры сотрудника также входит такое качество, как правовой опыт. Правовой опыт можно определить как систематизированный результат восприятия и освоения сотрудником всего многообразия правовых явлений, процессов и действий. Юридическая практика тесно связана с правовым опытом, основывается на нем. Итак, можно выделить ряд общих требований к правовой культуре сотрудников: компетентность и профессионализм.

Исходя из изложенного, можно утверждать, что правовая культура сотрудника, обусловленная специфическими условиями, характером и потребностями правоохранительной деятельности, оказывает на него ценностно-мотивационное влияние, обеспечивает качество и эффективность его деятельности, помогает повышению уровня его профессионализма, способствует результативному выполнению им служебных задач и функций.

М.И.Суванкулов*
И.Ш.Ниёзов*

Инсон хуқуқларига оид саводхонликни ошириш – ички ишлар органлари ходимларининг қонунийликни таъминлашнинг гарови

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва хуқуқ-тартиботни, жамиятда қонун устуворлигини, инсон хуқуқ ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлаш учун муҳим пойдевор бўлди, ҳалқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди³.

Жамиятда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш, инсон хуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш мамлакатни ижтимоий-иктисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлардан кўзланган мақсадларга эришишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Мамлакатимизда инсон хуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш – ҳалқимиз учун фаровон ҳамда муносиб турмуш шароитини яратиб беришга қаратилган демократик ислоҳотларнинг бош мезони ва олий қадриятидир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳам, “Асосий қомусимиз кафили сифатида Конституция ва қонунларнинг талабларини сўзсиз бажариш, “Инсон қадри учун” деган устувор тамойилни тўла рўёбга чиқариш бундан буён ҳам фаолиятимизнинг бош мезони бўлиб қолади.... Инсон қадри деганда, биз ҳар бир фуқаронинг тинч ва хавфсиз ҳаёт кечиришини, унинг

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти Юридик фанлар кафедраси бошлиги, ю.ф.н., доцент.

*Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ихтисослаштирилган ўқув маркази, Жамоат хавфсизлиги таъминлаш ва хуқуқий тайёргарлик цикли катта ўқитувчиси.

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”Фармони, 07.02.2017 йилдаги ПФ-4947-сон.

фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни назарда тутамиз...”, деб таъкидлаган⁴.

2022 - 2026 йилларга мўлжалланган “Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси”нинг биринчи муҳим устувор йўналиши “Инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш” деб белгиланиши ҳам мамлакатимизда инсон ҳуқуқларига нечоғлик даражада аҳамият берилаётганлигидан далолат беради⁵.

Сўнгти йилларда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонунчилик ва ташкилий-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни миллий қонунчилигимизга имплементация қилиш ҳамда халқаро мажбуриятларни бажариш, шунингдек, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари юзасидан халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни фаоллаштиришга доир тизимли ишлар олиб бориш мақсадида 22.06.2020 йил куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6012-сон Фармони қабул қилинди⁶.

ПФ-6012-сон Фармон билан “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси”, “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси», “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқлари бўйича устав органлари ва шартномавий қўмиталари хабарномалари ва қарорларини кўриб чиқиши юзасидан Ўзбекистон Республикаси давлат органларининг ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисидаги низом” тасдиқланди.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар

⁴ Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик ислоҳотлар йўлини қатъий давом эттирамиз//<https://president.uz/uz/lists/view/4743>.

⁵ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон

⁶ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.06.2020 й., 06/20/6012/0953-сон.

профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича республикада яхлит хуқуқий тизим яратилган бўлиб, унда ички ишлар органлари муҳим ўрин эгаллайди.

Зеро, жамоат хавфсизлиги тушунчасининг таг замирида эса жамиятнинг қонунга хилоф тажовузлар, ижтимоий ва миллатлараро низолар, фавқулодда вазиятлар ва бошқа таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолати бўлиб, у жамиятнинг барқарор ривожланишига хизмат қиласи ҳамда инсоннинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишини таъминлайди.

Инсон хуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясининг шахсий ва сиёсий хуқуқларни ҳимоя қилиш соҳасидаги устувор йўналиши сифатида шахсий ва сиёсий хуқуқларига оид халқаро шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг бажарилиши юзасидан давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг масъулиятини ошириш белгиланган бўлиб, бу бевосита ички ишлар органлари учун ҳам тааллуқли эканлиги ҳаммамизга маълум.

Ички ишлар органлари мамлакатимизда инсон хуқуқлари ва эркинликларини таъминловчи алоҳида аҳамиятга эга бўлган хуқуқни муҳофаза қилувчи органи ҳисобланади.

Зеро, “Ички ишлар органлари тўғрисидаги”ги қонунда фуқароларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ички ишлар органларининг асосий вазифаси (2-модда), фаолиятининг асосий йўналиши (4-модда) ва фаолиятининг асосий принципи (8-модда) сифатида белгилаб қўйилганлиги⁷, инсон хуқуқлари масаласи ички ишлар органлари фаолияти учун нечоғлик даражада муҳим эканлигидан ва фаолиятининг бош мезони эканлигидан далолат беради.

“Ички ишлар органлари тўғрисидаги”ги қонуннинг 8-моддаси “Фуқароларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ҳамда ушбу хуқуклар, эркинликлар ва қонуний манфаатларни ҳурмат

⁷ Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2016 й., 38-сон, 438-модда;

қилиш принципи” деб номланган бўлиб, ушбу қонун нормасида ички ишлар органлари ўз фаолиятини фуқароларнинг ҳукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ҳамда ушбу ҳукуклар, эркинликлар ва қонуний манфаатларни ҳурмат қилиш асосида амалга ошириши, фуқароларнинг ҳукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари уларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, ҳимоя қилинишини таъминлаши белгилаб қўйилган.

1984 йил 10 декабрда БМТ қабул қилган Қийноқларга солишга ва муомалада бўлиш ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни таҳқирловчи турларига қарши конвенцияни 1995 йил 31 август куни ратификация қилганидан сўнг, конвенциядаги халқаро ҳукуқ нормалари миллий қонунчиликка имплементация қилинган бўлиб, бунинг амалий ифодасини “Ички ишлар органлари тўғрисидаги”ти қонуннинг 8-моддасидаги “Қийноқларга солиш, зўравонлик қилиш, бошқа шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситадиган тарзда муомалада бўлиш ички ишлар органи ходимига тақиқланади⁸. Ички ишлар органининг ходими фуқарога қасдан оғриқ, жисмоний ёки маънавий азоб етказиладиган хатти-ҳаракатларга чек қўйиши шарт” деб белгилаб қўйилган нормасида кўришимиз мумкин.

Бош қомусимизда белгилаб қўйилганидек, Ўзбекистон халқаро ҳукуқнинг teng ҳукукли субъекти сифатида халқаро ҳукуқ нормаларнинг устуворлигини тан олган ҳолда Инсон ҳукуқлари бўйича Миллий стратегиясининг асосий йўналишларидан бири бўлган халқаро ҳукуқ принциплари, нормалари ҳамда Ўзбекистоннинг халқаро шартномалари судлар ва ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан кенг қўлланилиши, халқаро ҳукуқ устуворлиги принципини амалга оширишнинг самарали механизмини яратиш деб белгиланган. Шу сабабли миллий қонунчилигимизда ва ҳукуқни қўллаш амалиётида “Хабеас корпус”

⁸ Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2016 й., 38-сон, 438-модда;

институти, “Миранда қоидалари”, “Нельсон Манделла қоидалари”, “Махбусларни сақлаш бўйича минимал қоидалар”, “Бангкок қоидалари”, “Гендер тенглиги”, “Бола ҳуқуқлари” ва бошқа шу сингари инсон ҳуқуқларига оид халқаро стандарт талабларига ички ишлар органлари ходимлари ўзларининг хизмат фаолиятларида амал қилиши лозим бўлади.

Мазкур халқаро стандартларга риоя қилишимиз учун эса ички ишлар органлари ходимларини етарли даражада ҳуқуқий билимлар билан қуроллантиришимиз, уларнинг ҳуқуқий билимлари ва саводхонлигини оширишимиз, айниқса инсон ҳуқуқларига оид ҳуқуқий билимлар ва халқаро ҳуқуқ нормаларига оид хабардорлик даражасига алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Чунки, халқаро стандартга амал қилиш учун дасталаб ходим мазкур халқаро стандартни мазмун ва моҳиятини тушиниб олиши, яъни ҳуқуқий онгли ва ҳуқуқий маданиятли бўлиши лозим.

Ички ишлар органлари ходимларини инсон ҳуқуқлари борасида ҳуқуқий билимларини ошириш ҳозирги кундаги долзарб масалалардан бири эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Чунки, ички ишлар органлари жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш жараёнида аксарият ҳолларда ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир қилган шахслар билан рўбарў келади ва айрим ҳолатларда уларни айрим ҳуқуқ ва эркинликларини қонуний равища чеклашга мажбур бўлади. Ички ишлар ходимлари хизмат нуқтаи назаридан фуқаролар билан зиддиятли муносабатларда бўлади, натижада ходимларнинг қонуний фаолиятлари устидан шикоят қилиш ҳолатлари тез-тез учраб туради. Бундай ҳолатларда эса қонунларни тўғри қўллашлари учун инсон ҳуқуқларига оид норма талабларини билишлари зарурий талабдир.

Ички ишлар органлари ходимлари ўзларининг ҳуқуқий билимларини мустақил ўрганиш орқали ўзлаштириб олишлари мумкин, аммо иш ҳажмининг кўплиги, доимий равища иш билан бандлиги сабабли, мустақил равища инсон ҳуқуқларига оид ҳуқуқий саводхонлигини оширишга имкони бўлмайди, айрим ҳолларда вақт бўлган тақдирда ҳам қонун нормаларнинг

мазмун-моҳиятини тўлиқ тушунавермайди, чунки ходимларнинг барчаси ҳам юридик маълумотга эга эмас.

Миллий стратегиянинг Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартларни қонунчиликка ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига имплементация қилишининг устувор йўналишида Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган халқаро шартномаларнинг мазмуни тўғрисида аҳоли ҳамда давлат органлари вакилларининг хабардорлигини ошириш белгиланган бўлиб, ички ишлар органлари тизимида ходимларни ҳуқуқий саводхонлигини ошириш буйича ички ишлар органларида тизимли равишда ташкил этилган маънавий-маърифий ўқув машғулотларида масъул раҳбарлар ёки маърифат машғулотларига жалб этилган мутахасис маъruzачилар томонидан қонун нормаларининг мазмуни етказилсада, аммо бу ажратилган вақт ходимларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш учун етарли бўлмайди. Айниқса, инсон ҳуқуқларига оид халқаро стандартларнинг мазмун ва моҳиятини битта машғулот доирасида ходимларга тушинтириб бериш учун камлик қиласди.

Миллий стратегиянинг инсон ҳуқуқлари соҳасида ҳуқуқий саводхонликни ошириш, жумладан бу борада ахборот тарқатиш, таълим бериш фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича устувор йўналишлардан бири сифатида инсон ҳуқуқлари ва гендер масалалари бўйича узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш, жамиятда қонунга хурматни шакллантиришнинг замонавий усулларини жорий этиш белгиланган бўлиб, ички ишлар вазирлиги тизимидағи олий таълим муассасаси бўлган ИИВ Академияси “Давлат ва ҳуқуқий фанлар ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш” кафедраси томонидан инсон ҳуқуқларига оид назарий билимлар кундузги, сиртқи ва магистратура босқичида тингловчиларга берилади, аммо бутун ички ишлар органлари тизимидағи ходимларни ўқитиши қамраб ола олмайди.

Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институтида бошланғич тайёргарлик, қайта тайёрлаш, малака ошириш ва маҳсус курсларда кундузги,

масофавий ва сайёр шаклдаги ўқув машғулотларда инсон хуқуқларига оид билимлар берилсада, аммо ижтимоий-гуманитар, юридик, махсус-касбий, ахборот-технологиялар, жисмоний ва жанговар соҳага оид билимлар учун ажратилган жами ўқув соатлари тақсимотида етарли даражада ўқув машғулотлари ўтиш учун имкон бўлмайди.

Шиддат билан ўзгараётган Янги Ўзбекистонда қабул қилинаётган янги миллий қонунчилик билан бир вақтда ратификация қилинаётган инсон хуқуқларига оид халқаро стандартларнинг мазмун ва моҳиятини ички ишлар ходимларига ўз вақтида тушунарли тарзда етказиш ҳозирги кундаги ички ишлар органлари таълим муассасаларининг олдида турган долзарб вазифалардан биридир.

Зеро, ходимларни инсон хуқуқларига оид билимлар билан қуроллантирмасдан туриб, улардан инсон хуқуқларини ва эркинликларини ҳимоя қилишни ёки ўзларини хизмат фаолиятлари жараёнида инсон хуқуқларига риоя этишларини талаб этишимиз бироз ўринсиздир.

ИИВ Малака ошириш институтида 2022 йилнинг 11 ой якуни бўйича 32.340 нафар ички ишлар орган ходимлари бошланғич тайёргарлик, қайта тайёрлаш, малака ошириш ва махсус курслардаги кундузги, масофавий ва сайёр шаклдаги ўқув машғулотларда таълим олганлигини инобатга олган ҳолда ички ишлар органлари ходимларини инсон хуқуқларига оид билимлар беришни такомиллаштириш мақсадида алоҳида муқаддам ИИВ Академиясида академик А.Х.Саидов республикада биринчилардан бўлиб, мустақил кафедра сифатида тамал тоши қўйган “Ички ишлар органларида инсон хуқуқлари назарияси ва амалиёти” кафедрасини ташкил қилиб, мазкур кафедра доирасида ички ишлар органлари ходимларга инсон хуқуқларига оид халқаро стандартлар бўйича билимлар берилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 июнданги ПФ-6012-сон Фармони⁹ билан тасдиқланган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясинининг З-банди, З-хатбошисида белгиланган “олий таълим муассасалари ҳамда кадрларни, шу жумладан судьялар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ўқув марказларида, шунингдек, мактабгача таълим ва умумтаълим муассасаларида, академик лицей ва коллежларда «Инсон ҳуқуқлари», «Аёллар ҳуқуқлари», «Бола ҳуқуқлари» ўқув курсларини жорий этиш” чора-тадбирлар талаби ҳам шундан иборат.

Бундан ташқари, мазкур “Ички ишлар органларида инсон ҳуқуқлари назарияси ва амалиёти” кафедраси ўз фаолиятини Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ билан бевосита ҳамкорликда амалга оширилса янада самарали бўлар эди.

11. А.Э.Имамов,Э.З.Имамов Х.Н.Каримов, С.С.Халилов // Будущее за обучением с активным процессом самообразования студентов. //«Science and innovation» international scientific journal. (ISSN: 2181-3337) 2022. № 5. -C. 479-482.

12. Имамов А.Э., Имамов Э.З., Холмедов Х.М. //Значение парадигмы самообразования в совершенствовании системы современного высшего образования. //Высшая школа: научные исследования. Материалы Межвузовского международного конгресса (г. Москва, 12 ноября 2020 г.). – Москва: Издательство Инфинити, 2020. –176 с. С.61-69.

13. A.E.Imamov,E.Z.Imamov, A.Karimkhodjaev // The place and role of vocational education in the 21st century. // Perspectives of higher education development/ The proceeding №7. 2019. With the support of the Erasmus+ Programme of the European Union. p.p.32-40.

14. Э.З.Имамов, А.Э.Имамов. //Взгляд на систему образования// Монография, “Fan va texnologiyalar Markazining bosmoxonasi”. Ташкент.2016. -C. 96.

15. А.Э.Имамов,Э.З. Имамов, Х.Н.Каримов // Янги Ўзбекистонда қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этиш билан боғлиқ муаммолар. //«Science and innovation» international scientific journal. 2022. № 3. -C. 367-372.

16. A.E.Imamov, X.N.Karimov, E.Z.Imamov, //Development of creative thinking in higher education.// Science and innovation» international scientific journal. (ISSN: 2181-3337) 2023. №3. -C. 359-361

17. A.E.Imamov,E.Z.Imamov, Kh.N.Karimov, S.S.Xalilov // The future belongs to learning with an active process of self-education of students // //«Science and innovation» international scientific journal. Volume 1 Issue 5. 2022. -C. 479-482.

Ички ишлар органлари учун юксак малакали мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда ҳуқуқий онг ва касбий маданиятиюксалтириш масалалари

Республикамизда амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартибот, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлаш учун муҳим пойdevor бўлди, ҳалқимизнинг муносаб ҳаёт кечириши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди.

Мазкур ислоҳотларни тизимли давом эттириш ва юксак натижаларга эришиш учун юксак малакали мутахассис кадрларни тайёрлаш, танлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш долзарб масаллалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Жаҳон миқёсидаги мураккаб жараёнларни ва мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт натижаларини чукур таҳлил қилган ҳолда кейинги йилларда «Инсон қадри учун» тамойили асосида ҳалқимизнинг фаровонлигини янада ошириш, иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инсон ҳукуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислоҳотларнинг устувор йўналишларини белгилаш мақсадида кенг жамоатчилик муҳокамаси натижасида «Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари» тамойилига асосан ишлаб чиқилган 7 та устувор йўналиш, 100 та мақсад ва 398 та амалга оширилиши лозим бўлган чоратадбир (механизм)лардан иборат 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси Ўзбекистон Республикаси

*ИИВ Малака ошириш институти Юридик фанлар кафедраси катта ўқитувчиси.

Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланди¹⁹.

Мазкур тарихий муҳим ва устувор ҳужжат барча соҳаларни янада ривожлантириш бўйича йўналишлар ва устувор вазифаларни белгилаб берди. Жумладан:

- инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш;
- мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш;
- ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш;
- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг янги қиёфасини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини халқ манфаатлари, инсон қадр-киммати, ҳуқук ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишга йўналтириш;
- ички ишлар органларини халқнинг ишончли ҳимоячиси сифатида халқчил профессионал тузилмага айлантириш ҳамда аҳоли билан мақсадли ишлашга йўналтириш;
- қонунийликни қатъий таъминловчи, очик ва адолатли прокуратура фаолиятининг мустаҳкам ҳуқуқий асосларини яратиш ҳамда «Қонун – устувор, жазо – муқаррар» тамойилини бош мезонга айлантиришкаби вазифалар.

Сир эмаски, жамиятда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш, инсон ҳуқук ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш ички ишлар органларининг халқпарвар малакали мутахассис кадрлари томонидан амалга оширилиши мумкин. Шу боис, ички ишлар органлари учун малакали етук профессионал қадрларни тайёрлаш ва тизимли малакасини ошириб бориш ҳуқуқий демократик давлат қуриш бўйича кўзланган мақсадларга эришишнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

¹⁹ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон, 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон, 21.04.2022 й., 06/22/113/0330-сон.

Шу боис, давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев томонидан Ички ишлар органлари учун мутахассислар тайёрлашнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш, ходимларнинг малакасига қараб хизмат бўйича ўсишини таъминлаш, шунингдек, куч ва воситаларни самарали бошқаришда раҳбар кадрларнинг интеллектуал ва профессионал салоҳиятини янада ошириш мақсадида “Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5076-сонли Қарор²⁰ қабул қилинди.

Мазкур қарор билан, илк маротаба Ички ишлар органларида хизматни ўташ тартибига узлуксиз ўқув-карьера жараёни тизими 2021 йил 1 сентябрдан эътиборан жорий этилиши белгиланди.

Ушбу ҳужжат билан 2021-2022 ўқув йилидан бошлаб, Ички ишлар вазирлигининг Академиясида кадрларни тайёрлаш жараёнига бакалавриат ва магистратурани ўз ичига олувчи икки босқичли олий таълим тизими жорий этилиши белгиланди.

Бу борада Академиядаги таълим тизими ички ишлар органлари учун кадрларни мақсадли касбий тайёрлашга қаратилиши ҳамда биринчи курсдан бошлаб мутахассислик ва юридик фанларни ўқитиш, жанговар ва жисмоний жиҳатдан тайёрлаш чуқурлаштирилган ҳолда амалга оширилиши, ИИВ Академиясининг магистратура дастури бўйича ўқитиш ички ишлар органларининг раҳбар кадрларини тайёрлашга қаратилади ҳамда иккинчи даражадаги «ташкилий-тактик бошқарув» ва биринчи даражадаги «ташкилий-стратегик бошқарув» йўналишларида ташкил этилиши белгиланди.

Бундан ташқари, мазкур қарор билан Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институтига юридик шахс мақоми берилиб, фаолиятининг асосий йўналишлари этиб қуидагилар:

²⁰ Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.04.2021 й., 07/21/5076/0347-сон.

ички ишлар органлари соҳавий хизматларининг барча йўналишлари бўйича сержантлар таркиби ходимларини жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини ташкил этиш соҳасида маҳсус касбий тайёrlаш;

ички ишлар органларининг сафдор ва офицерлар таркибидаги лавозимларига биринчи марта тайинланган ходимларни бошланғич касбий тайёргарлик бўйича ўқув дастурлари асосида ўқитиш;

ички ишлар органларининг барча тоифадаги ходимларини инновацион ахборот ва педагогик технологияларни қўллаган ҳолда, шу жумладан турдош йўналишдаги республика олий таълим муассасалари базасида қайта тайёrlаш ва малакасини оширишни ташкил этишбелгиланди.

Муқаддам фаолият юритган Ички ишлар органлари ходимларини бошланғич тайёrlаш ва уларнинг малакасини ошириш марказлари тугатилиб, уларнинг штат бирликлари ва моддий-техника базаси Малака ошириш институтига ўтказилди. Малака ошириш институтини тугатилаётган ўқув марказининг Тошкент шаҳар Бектемир туманидаги манзили бўйича жойлаштиришни, унинг бино ва иншоотларини қуриш ва реконструкция қилишни, мақсадли ситуациян-иммитацион полигонларни яратиш вазифаси қўйилди. Ички ишлар органлари ходимларининг хизматдан ажralмаган ҳолда бевосита жойларда малакасини оширишни таъминлаш мақсадида масофавий ва мобиљ сайёр курсларни ўтказиш амалиётини жорий этиш ҳам белгиланди. Шунингдек, Малака ошириш институтининг касбий тайёргарлик факультетида 5 ойлик дастур бўйича ички ишлар органларининг сержант таркибидаги лавозимларига номзодларни маҳсус касбий тайёrlаш амалга оширилиши, касбий тайёргарлик факультетини тамомлаган ходимларга «кичик сержант» маҳсус унвони ҳамда белгиланган намунадаги диплом берилиши ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди.

Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёrlашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирларни назарда тутган мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2021 йил 27 августдаги “Ички

ишилар органларида узлуксиз ўқув-карьера жараёни тизимини ташкил этиш тўғрисида”ги 310-сонли буйруғи қабул қилиниб ИИОларида узлуксиз ўқув-карьера жараёни тизимини ташкил этиш механизмлари белгилаб берилди. Шунингдек, мазкур ҳужжат билан “Ички ишилар органларида узлуксиз ўқув-карьера жараёни тизими асосида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги низом тасдиқланди.

Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Агар давлат таянадиган асосий устун қонун бўлса, унинг кучини амалда намоён этадиган энг самарали тизим бу – ички ишилар соҳаси, десак, айни ҳақиқат бўлади”²¹.

Юқоридаги талаблар асосида узлуксиз ўқув-карьера жараёни тизими асосида ички ишилар органлари учун кадрларни тайёрлаш қуидаги: 1) бошланғич касбий тайёргарлик; 2) маҳсус касбий тайёргарлик; 3) қайта тайёрлаш; 4) малака ошириш; 5) олий таълим; 6) бошқарув кадрларини тайёрлаш; 7) олий таълимдан кейинги таълимда ўқиш; 8) хизмат, жанговар ва жисмоний ҳамда маънавий-маърифий тайёргарликлардан иборатлиги белгиланди.

Юқорида таъкидланган ҳужжатлар талабидан келиб чиқиб ИИВ ва унинг бўлинмаларига қуидагиларни самарали ҳал этиш муҳим вазифалар сифатида белгиланди:

- ички ишилар органлари ходимларининг малакасига қараб хизмат бўйича ўсишини таъминлаш, куч ва воситаларни самарали бошқаришда раҳбар кадрларнинг интеллектуал ва профессионал салоҳиятини янада ошириш;

- барча тоифадаги ички ишилар органлари ходимларининг самарали хизмат ўташи ва уларнинг хизмат мартабаси ошиши учун хизматнинг

²¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Ички ишилар органлари ходимларига табриги. // Постда. ЎзР ИИВ нашри 2020 йил 25 октябрь. 39(4477)-сон.

бутун муддати давомида узлуксиз равища таҳсил олиш ва малака ошириб боришига эришиш;

- доимий равища ички ишлар органлари ходимларининг хизматдан ажралмаган ҳолда бевосита жойларда малакасини оширишни таъминлаш мақсадида масофавий ва мобиљ сайёр курсларини ўтказиб бориш;

- анъанавий малака ошириш билан бир қаторда касбий ўқитишининг уйғунлашган, иш жараёни билан биргаликда олиб бориладиган шаклларини, кадрлар малакасини оширишни белгиланган даврийлигига риоя қилинган ҳолда таълим дастурларини, билим ва қўникмаларни доимий такомиллаштиришдан иборат кредит-модуль механизмини жорий қилиш.

Мазкур вазифаларни самарали ҳал этиш мақсадида бизнингча қуидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз:

биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органлари ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлашга қўйиладиган давлат таълим талаблари, стандартларини замонавий талаблар, илғор халқаро юридик тажриба асосида янада такомиллаштириш;

иккинчидан, тасдиқланган давлат таълим талаблари асосида ўқув дастурлари, ишчи фан дастурларини, дарсликлар, ўқув-услубий ҳужжатлар, ўқув қўлланмалар, маъruzалар тўпламларини янада сифатли ва тизимли тайёрлаб чоп эттириб бориш;

учинчидан, ўқув жараёни ва ички ишлар органларида ҳуқуқни муҳофаза қилиш ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти ўртасида узвий алоқани таъминлаш;

тўртинчидан, ривожланган хорижий ва МДҲ давлатларнинг етакчи соҳавий таълим, малака ошириш ва илмий муассасалари билан янада яқин ҳамкорликни, қўшма ҳуқуқий тадқиқотларни, профессор-ўқитувчилар ўзаро тажриба алмашинувини малака оширишини ташкиллаштириш ва фаоллаштириш шунингдек, ўқув-таълим жараёнига хорижий олимлар ва мутахассисларни фаол жалб қилиш;

бешинчидан, мамлакатимизнинг олий ҳарбий таълим муассасалари, малака ошириш ҳамда илмий муассасалари билан ўзаро ҳамкорликни ўрнатган ҳолда профессор-ўқитувчилар ўзаро тажриба алмашинувини малака оширишини ташкиллаштириш ва фаоллаштириш, мастер-класс машғулотларга ўзаро қатнашувни йўлга қўйиш;

олттинчидан, ички ишлар органларининг барча тоифадаги ходимларини самарали инновацион ахборот ва педагогик технологияларни қўллаган ҳолда ўқитиши ва малакасини ошириши ташкил этиш;

еттингчидан, ўқитишининг кредит-модуль тизимини ва тингловчилар билимини баҳолаш усулларини такомиллаштириш, ўқув жараёнида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш ҳамда ўқув базасини модернизациялаш;

саккизинчидан, ички ишлар органлари учун юқори ҳуқуқий онгли ва маданиятли малакали, ижодий фикрлайдиган, халқпарвар ва ҳалол кадрлар тайёрлашни таъминлаш.

Шу боис, ички ишлар органларига юксак ҳуқуқий онгли ва маданиятли малакали мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш доимо давлатимиз ва жамиятимиз олдида турган долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

*O.C. Субанов**

Ички ишлар органлари ходимлари, таълим муассасалари тингловчи ва курсантларининг касбий-ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш тизимини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари

Хозирги кунда юртимида ёшларнинг интеллектуал ва касбий маданиятини юксалтириш, уларни мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг фаол иштирокчисига айлантириш борасида улкан ишлар олиб борилмоқда. Зоро, замонавий билим ва кўникмаларга эга, мамлакатнинг порлоқ келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига оладиган баркамол, етук, мақсадга интилувчан ва серғайрат ёшларни тарбиялаш

*ИИВ Малака ошириш институти Юридик фанлар кафедраси катта ўқитувчиси.

ҳозирги куннинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Мустақиллигимизнинг 29 йиллигига бағишланган тадбирда Президентимиз Ш.М. Мирзиёев «Янги Ўзбекистон» иборасига алоҳида тўхталиб, «Халқимизнинг улуғвор қудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш – Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда, десак, айни ҳақиқат бўлади», деб таъкидлаган эди.

Бу бежиз эмас. Зеро замон талабларига жавоб бера оладиган, хукуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларни тайёрлаш учун кенг имкониятлар яратиш, хукуқни муҳофаза қилувчи органларнинг янгидан ташкил этилаётган бўлинмаларини ва киритилаётган лавозимларини зарур билим, амалий кўникма, маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, қўйилган вазифаларни самарали бажаришга қодир бўлган юқори малакали кадрлар билан тўлдириш мақсадида бир қанча норматив-ҳуқуқий хужжатлар тасдиқланди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5005-сонли фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 апрелдаги «Ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2883-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 авгуstdаги «Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3216-сон қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги «Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3413-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги «Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»

ПФ-5618-сон фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартағи «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6196-сон фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрелдаги «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида профессионал кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-5077-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги «Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-10-сон қарори асосида ички ишлар органлари тизимида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими ривожлантирилди ва таълим муассасаларининг энг муҳим вазифаси деб белгиланди.

Бугунги кунда ички ишлар вазирлиги олий таълим муассасаларида юксак профессионал маҳоратга эга бўлган мутахассисларни тайёрлаш жамият истиқболини юксалтиришнинг негизи ҳисобланади. Шунинг учун ҳам тингловчи ва курсантларда касбий маданият ва хуқуқий онгни шакллантириш жамиятнинг, миллатнинг ички ҳаёти, руҳий кечинмалари, ақлий қобилияти, идрокини мужассамлаштирувчи кудратли куч, инсон ва жамият ривожланишининг негизи сифатида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳатларнинг бош омили ҳисобланади.

Хуқуқий онги юксак ва касбий маданиятли мутахассисларни тайёрлаш иқтисодий-ижтимоий ҳаёт тизимининг шаклланишига, ўзгаришига кучли таъсир кўрсатади. Унинг ривожланиб бориши натижасида жамият равнақ топади. Хуқуқий онги юксак ва касбий маданиятга эга бўлган мутахассислар жамият ва миллат равнақининг пойдевори саналади. Демак, хуқуқий онг ва юксак маданият ниҳоятда кенг тушунча бўлиб, юртимизда ислоҳатларни амалга оширишни ўзида мужассам этади. Республикамизда хуқуқий онги юксак ва касбий маданиятли мутахассисларни ҳамда кадрларни тайёрлашга

кучли эътибор берилишининг боиси ҳам ана шунда. Бундан кўриниб турибдики, тингловчи ва курсантларни касбий тайёрлашда касб маданияти, маданиятлилик тушунчалари ходимлар фаолиятининг ажралмас қисмларидан бири сифатида майдонга чиқади.

Бугун ҳаётимизнинг барча жабҳаларига янги технологиялар кириб келмоқда ва бу ходимлардан ҳар куни ўз устида ишлашни, билимини оширишни талаб этади. Албатта, ҳалқ манфаатлари йўлида хизмат қилаётган ҳар бир ходим, аввало, ўз билими, маънавий-ахлоқий сифатлари ва дунёқараши кенглиги билан ажралиб туриши керак. Тан олиб айтиш керак, ислоҳотлар суръатига ва янгича иш услубига мослаша олмаётган, ҳамон эскича фикрлайдиган ходимлар ҳам учраб турибди. Айрим ходимларнинг ноқонуний хатти-харакатлари одамларнинг асосли норозиликларига ҳам сабаб бўлаётган ҳолатлар бор. Бундай ҳолатларнинг барчасини чуқур ўрганиб, текширувлар ўтказилиб, айборларга нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда жазо чоралари кўрилиши тизими йўлга қўйилган бўлиб, сафимизни бундай ходимлардан тозалаш ва уларнинг ўрнини ватанпарвар, ҳалқ осойишталиги йўлида ҳалол хизмат қиласидиган, садоқатли, ўз билимларини доимий равища ошириб борадиган, касбий ва жанговар тайёргарлиги юқори бўлган кадрлар билан тўлдириш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда. Келгусида ходимларда касбий билим ва амалий кўникмаларни шакллантириш, улар томонидан фуқароларга сифатли, профессионал хизмат кўрсатилишини таъминлаш мақсадида, кадрларни тайёрлаш, ўқитиш ва малака ошириш борасида ҳам бутунлай янги тизим асосида иш ташкил этилди. Ички ишлар органлари учун мутахассислар тайёрлашнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш, ходимларнинг малақасига қараб хизмат бўйича ўсишини таъминлаш, шунингдек, куч ва воситаларни самарали бошқаришда раҳбар кадрларнинг интеллектуал ва профессионал салоҳиятини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрелда «Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги

тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5076-сон қарори қабул қилинди ва унга асосан ички ишлар органларида хизматни ўташ тартибига қуидагиларни назарда тутувчи узлуксиз ўқув-каръера жараёни тизими жорий этилди:

- ички ишлар органлари раҳбар таркибининг тегишли лавозимларига тайинланиш учун Академия магистратурасида ўқиш шартлиги;

- ходимларга маҳсус унвонлар берилишининг ҳамда сафдор ва сержантлар таркибидаги ходимлар офицерлик лавозимларига тайинланишининг асосий талабларидан бири сифатида уларнинг қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидан ўтиши зарурлиги.

Ички ишлар органлари ходимларининг касбий ва жанговар тайёргарлиги хизмат фаолиятини амалга оширишдаги тайёргарлик даражасини назарда тутади. Касбий тайёргарлик даражаси ҳуқуқий, хизмат, маҳсус-тактик, жанговар, жисмоний ва ахлоқий-психологик тайёргарлик каби жиҳатлар билан тавсифланади. Бу соҳалар бўйича нафақат назарий билим ва кўникмаларни эгаллаш, балки уларни амалий хизмат фаолияти ва экстремал вазиятларда самарали ва мақсадга мувофиқ қўллаш қобилияти ҳам муҳимдир.

Сўнгги йилларда ички ишлар органлари ходимларининг касбий ва жанговар тайёргарлигига вазирлик ва худудий ички ишлар органлари раҳбарлари томонидан катта эътибор берилмоқда, уни ташкил этиш ва мувофиқлаштиришни такомиллаштириш долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. Чунки ҳар бир ички ишлар органлари ходими ўз касби бўйича профессионал бўлмоғи лозим.

Ички ишлар органлари ходимининг профессионаллиги деганда зарур билим, кўникма, ҳарақатланиш ва амалий қобилият, жисмоний ва ахлоқий-психологик тайёргарликнинг юқори даражаси, қурол-яроғ, маҳсус воситалар ва техникаларни мукаммал эгаллаш, кундалик тезкор-хизмат фаолиятида улардан моҳирона фойдаланиш тушунилади.

Ички ишлар органларида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, уларга қуйидаги вазифаларни киритишимиз мумкин:

- ёшларда ички ишлар органлари ходимлари учун зарур бўлган дастлабки касбий билим, юксак ватанпарварлик ва маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантиришни назарда тутадиган идоравий олий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни мақсадли тайёрлаш бўйича самарали тартибни жорий этиш;
- асосий қисми соҳавий фанларни ўқитищдан таркиб топган, шунингдек ҳудудий ички ишлар органларига бевосита чиқишни ва тергов-тезкор тадбирларни ўtkазиша иштирок этишни назарда тутган амалий машғулотларни ташкил этишни ўз ичига олган янгиланган таълим стандартлар ва ўкув дастурларни ишлаб чиқиш ва киритиш;
- таълим муассасалари профессор-ўқитувчилар таркибини малакали илмий-педагогик, биринчи навбатда соҳавий фанларни ўқитишига ихтисослашган кадрлар билан жамлаш, назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларида катта амалий тажрибага эга бўлган мутахассисларни ўкув жараёнига кенг жалб этиш;
- ўқитишининг замонавий шакл ва усулларини, энг янги педагогик ва ахборот-коммуникацион технологияларни, шу жумладан ситуацияон машғулотларни, масофадан ўқитиши тизимини кенг жорий этиш, таълим олувчилар ва ўқитувчиларни глобал ахборот-ҳуқуқий ва таълим ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини таъминлаш;
- идоравий таълим муассасаларида ўқитиши ўналишлари ва мутахассисликларини амалиёт эҳтиёжини ҳамда ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги фаолиятини такомиллаштириш истиқболларини инобатта олган ҳолда тизимли равишда мақбуллаштириш;

- ички ишлар органлари фаолиятида, биринчи навбатда ҳукуқбузарликлар профилактикаси, тезкор-қидирув фаолияти ва жиноятларни тергов қилиш соҳасида мавжуд бўлган муаммолар бўйича фундаментал ва амалиётга йўналтирилган илмий тадкиқотлар ўтказилиши самарадорлигини ошириш;
- етакчи хорижий таълим муассасалари билан кадрлар тайёрлаш бўйича тажриба алмашиш, ҳамкорликдаги таълим дастурларини жорий этиш, профессор-ўқитувчилар таркибини, хорижий тилларни ўқитишни назарда тутган ҳолда, малакасини ошириш ва стажировкадан ўтказиш орқали ҳалқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалар ички ишлар органларида кадрлар малакасини ошириш уларнинг ҳукуқий онг ва касбий маданияти, малака ва қўникмаларнинг чуқурлаштирилиши ҳамда янгилашиб борилишини таъминлайди, шунингдек, кадрларнинг тоифаси, унвони ва лавозими ошишига хизмат қиласди.

*Б.Қ.Мусурмонов
А.А.Абдибоситов**

Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданиятида ҳукуқий онгнинг ўрни

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари жамоат тартибини химоя қилиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мулкини химоя қилиш каби муҳим ва зарур вазифаларни бажаради. Шу билан бирга, иқтисодиётнинг жадал ривожланиши, жамият учун юқори даражадаги очиқлик, фикр-мулоҳазаларга фавқулодда еҳтиёж ва жамият олдида имиджни яхшилаш каби талаблар бўлинмалар олдига янги вазифаларни қўяди. Ушбу вазифаларни амалга ошириш барча ходимлардан юқори даражадаги касбий маданиятни талаб қиласди.

*ИИВ Малака ошириш институти Юридик фанлар кафедраси катта ўқитувчиси.,
ИИВ Малака ошириш институти Юридик фанлар кафедраси ўқитувчиси.

Касбий маданият - бу ўз таркибига билим, еътиқод, қадрият йўналишлари, қўникмалар, қобилияtlар, муносабат ва қўшимча равища бошқаларга, содир бўлаётган ҳодисаларга ва шахсан ўзига муносабат шаклидаги ахлоқий ва психологик фазилатларни ўз ичига олган ижтимоий тушунча. Ички ишлар органалари хуқуқни муҳофаза қилиш тизимининг муҳим элементларидан биридир. Уларнинг фаолияти доимо жамиятнинг дикқат марказида бўлган, бу кўплаб сўровлар натижаларидан далолат беради. Шундай экан ички ишлар органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш масаласи бугунги кунда долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Самарадорлик, ўз навбатида, кўп жиҳатдан ходимларнинг профессионаллиги ва малакаси даражасига боғлиқ. Бу борада президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг ички ишлар органларининг 30 йиллигига бағишлиланган байрам табригида ички ишлар органларида мутахассислар тайёрлашнинг мутлақо янги тизими йўлга кўйилиб, ходимларнинг малакасига қараб хизмат бўйича ўсишини таъминлаш, шунингдек, раҳбарларнинг профессионал салоҳиятини ошириш борасида тизимли чоралар кўрилаётганлигини, Ички ишлар вазирлиги Академиясида бакалавриат ва магистратурани ўз ичига оладиган икки босқичли замонавий олий таълим тизими, ўқув жараёнига назария билан амалиёт уйғунлигини таъминлаш учун янги таълим механизmlари жорий қилинганлигини, янги ташкил этилган Жамоат хавфсизлиги университетида ички ишлар соҳаси учун ҳам етук кадрларни тайёрлаш жараёни бошлаганлигини, ходимларни хизмат даврида узлуксиз ўқитиш учун илк бор Малака ошириш институти очилиб, замонавий ёндошувлар асосида масофавий ва мобил сайёр курсларни ўtkазиш амалиёти жорий этилганлигини таъкидлаб ўтди. Бундан ташқари давлат раҳбари тажриба алмашиш, ўзаро хуқукий ёрдам қўрсатиш, ходимларни ўқитиш соҳасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлида жаҳоннинг 29 та давлати хукуқ-тартибот идоралари билан эришилган икки томонлама

халқаро келишувларга мувофиқ амалий ишлар олиб борилаётганлигига алоҳида ургу берди²².

Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданияти учта таркибий қисмнинг комбинацияси сифатида ифодаланиши мумкин: коммуникатив, ҳиссий ва деонтологик. Шу билан бирга, ички ишлар органлари фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ва ушбу таркибий қисмларни умумлаштирган ҳолда, ҳуқуқий онг каби фаолият самарадорлигини белгиловчи муҳим омилга эътиборни қаратсак.

Юридик фанлар номзоди, доцент Ш.А.Сайдуллаевнинг нуқтаи назари билан танишар еканмиз, ҳуқуқий онг ижтимоий онгнинг шаклларидан бири эканлигини, кишиларда ҳуқуққа, қонунчиликка, ҳуқуқ-тартиботга ва бошқа ҳуқуқий ҳодисаларга нисбатан бўлган ғоялар, ҳис-туйғулар, тасаввурлар йиғиндиси эканлигини тушунамиз²³. Албатта, ҳуқуқий онг жамиятнинг маънавий томони(хаёти) инъикосидир. Унинг даражасини ошириш ҳар бир фуқаро учун муҳим, ички ишлар органларининг ходимлари учун еса шарт, чунки улар жиноятчиликка қарши курашда асосий ўринни эгаллади ва амалдаги қонунчилик нормаларига риоя қилинишини таъминлайди. Шахсда ҳуқуқий онгнинг шаклланиши, қоида тариқасида, болаликдан бошланади ва бутун хаёти давомида давом етади. Унинг ижтимоий, индивидуал ва профессионал турларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Ички ишлар органлари ходимларининг фаолиятига келсак, уларнинг касбий-ҳуқуқий онги катта қизиқиши уйғотади. Бу маълум бир чўққи бўлиб, ходимнинг расмий фаолиятни тартибга соловчи шахсий, ахлоқий ва касбий фазилатларининг кўрсаткичидир. Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданияти таркибида ҳуқуқий онгнинг ўрнини батафсил қўриб чиқиши учун унинг тузилиши, хусусиятлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш амалиётидаги роли, шу жумладан касбий бузилишига таъсирини қўриб чиқиши керак.

²² <https://daryo.uz/k/2021/10/24/shavkat-mirziyoyev-ichki-ishlar-organlarining-30-yilligi-munosabati-bilan-soha-xodimlari-va-faxriylarini-tabrikldi/>

²³ Сайдуллаев Ш.А. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Т. 2. – Т., 2018. – Б. 93.

Хуқуқий онгнинг тузулиши масаласида О.В.Пересадинанинг фикрлари билан танишсак, ушбу тадқиқотчи қуйидаги элементларни ажратиб кўрсатган:

- 1) хуқуқий мафкура;
- 2) хуқуқий психология;
- 3) хуқуқий созлама (ўрнатиш)²⁴.

Хуқуқий мафкуруни хуқуқий онгнинг таркибий элементи сифатида таҳлил қиласар екан, тадқиқотчи нормалар, принциплар ва асослар инсон томонидан бутун ҳаёти давомида ўзлаштирилишини ва ички ишлар органларига хизматга қабул қилинганида ходим аллақачон маълум бир хуқуқий онг асосига эга еканлигини, касбий-хуқуқий билимлар эса фақат мафкуруни янада такомиллаштиришини таъкидлайди. Бу борада тадқиқотчининг фикрига қўшилиш мумкин, чунки ҳақиқатан ҳам умуман мафкура масалалари, хусусан, хуқуқий масалалар ахлоқ, тарбия ва хуқуқий тартибга солиш механизмини тушуниш масалаларидир.

О.В.Пересадина хуқуқий психологиянинг моҳиятига тўхталиб, асосий эътиборни ходимлар руҳиятининг элементар эмоционал ҳолатлари ва ҳиссий шаклланишига қаратади. Албатта, агар биз хуқуқий воқеликка қадриятлар орқали қараш муаммосини кўриб чиқсак, унда бу нуқтаи назар асосли ва илмий жиҳатдан тушунарли. Агар ички ишлар органлари хизматига қабул қилинаётган номзоднинг касбга бўлган иштиёқини таҳлил чиқсак, шуни таъкидлаш керакки, аксарият ҳолларда улар келажакдаги ходим қандай қийинчиликлар, муаммолар ва ахлоқий бузилишларга дуч келишини тўлиқ англамаган бўлишади. Аксарият ҳолларда номзодлар хуқуқий воқеликларни онгли равишда идрок этмайди, бу эса ўз навбатида номзоднинг хуқуқий онг даражасини аниқлашнинг имконини бермайди.

²⁴ Peresadina O.V. Struktura professional'nogo pravosoznaniia sotrudnikov organov vnutrennikh del [The structure of professional legal awareness of employees of internal affairs bodies]. Ist., filos., polit. i iurid. nauki. Kul'turologiya i iskusstvovedenie. Vopr. teorii i praktiki [Historical, philosophical, political and legal sciences. Cultural studies and art history. Questions of theory and practice], 2015, no. 7-1 (57), pp. 128-130. (In Russ.).

Бироқ, учинчи элемент — ҳуқуқий тартибга солиш — муҳим элемент ҳисобланади, чунки бу ходимга билимларни, қадриятларни, еътиқодларни тизимлаштириш ва уларни муайян вазиятларда намоён етишга имкон беради. Ҳуқуқий тартибга солишнинг асосий ифодаси ички ишлар органлари ходимларининг ҳар бир ҳаракатида қонун устувор бўлиши билан ифодаланади. Ушбу нуқтаи назар билан келиб чиқиб хизматнинг мотивацион компонентидан фарқли ўлароқ, ҳуқуқий воқеликка тўғри йўналтирилган муносабатнинг асл ифодаси ички ишлар органлари ходимининг юқори даражадаги ҳуқуқий онгини тасдиқлайди.

Умуман олганда, ҳуқуқий онг тузилиши ҳақида айтилганларни умумлаштириб, шуни таъкидлаш керакки, бу ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданиятининг мураккаб психологик, ҳуқуқий ва ахлоқий таркибий элементи бўлиб, унинг таркибий қисмларини (коммуникатив, деонтологик ва ҳиссий) қиймат позициялари нуқтаи назаридан тавсифлайди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятида ходимнинг амалиётда орттирган касбий малакаси ва ҳуқуқий билимлари узвий боғлиқдир. Ҳуқуқий онгнинг ушбу турини касбий-ҳуқуқий онг деб ҳисобласак, бу адвокат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг ҳуқуқий онги дейишимиз мумкин бўлади. Бу ички ишлар органлари ходимларининг ҳуқуқий онгининг табиати бўлиб, у фаолиятнинг ахлоқий таркибий қисмлари ўзлаштирилган ҳуқуқий нормалар тўғрисидаги билимлар ва уларни қўллаш малакалари билан узвий боғлиқлиги билан ажралиб туради. Ушбу соҳалар ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданияти таркибида ҳуқуқий онгнинг моҳиятини етарли даражада тавсифлаб беради. Айнан ҳуқуқий билим ва уларни сифатли ва холисона қўллаш қобилияти ходимнинг профессионаллиги ва маданияти даражасини белгилайди. Ўз ҳаракатларини нафақат муайян бир вақтда, балки, ушбу ҳаракатларининг истиқболларини ҳам баҳолаш ва башорат қила олиш ходимнинг ҳуқуқий онг даражасини белгилайди. Шу муносабат билан ички ишлар органлари ходимларининг

хуқуқий онгини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнига қонунни қўллашнинг башорат қилиш функцияси нуқтаи назаридан ёндашиш зарур.

Башорат қилиш функцияси ички ишлар органлари ходимларининг касбий-хуқуқий онгининг асосий хусусиятларидан биридир. Ҳар қандай қонун хужжатлари ҳам меъёрий, ҳам аҳлоқий таркибий қисмга эга. Ички ишлар органлари ходими ушбу чегараларни билиши ва тушуниши, қонун хужжатларига мувофик ҳаракат қилиши, шу билан бирга қабул қилинган қарорларининг аҳамияти ва жавобгарлик даражасини ички ишонч ва аҳлоқ тарозиларида ўлчай билиши лозим. Ўз ҳаракатларини аҳлоқ нуқтаи назаридан келиб чиқиб баҳолай олмаслик "хуқуқий деформация" жараёнини шакллантиришга туртки бўлиши мумкин. Бу, ўз навбатида, жиноий ҳаракатларни содир этишда ифодаланадиган хуқуқий онг деформацияси шаклларидан бири бўлган "қайта туғилиш"ни шакллантиради. Бироқ, жиноий ҳаракатлар ҳақида гапирганда, умуман ходимларнинг ҳалокатли хатти-ҳаракатлари ҳақида гапирмаслик мумкин емас. Ҳуқуқий онгнинг башорат қилиш функциясини таҳлил қилиб, хulosha қилишимиз мумкинки, ходим учун майший соҳадан бошлаб ва расмий фаолият доирасидаги майдада бузилишлар билан якунланган хуқуқий меъёрларга бепарволик янада жиддий бузилишларга олиб келиши мумкин. Фикримиз давомида хуқуқий онгнинг таркибий елементларини ўрганишда давом этиб, хуқуқий муносабат ва хуқуқий психологияни таҳлил қилсак. Ҳуқуқий онгнинг бу икки таркибий элементи хуқуқий онг ҳалокати ва уни деформациялашнинг ажойиб омиллари ҳисобланади. Бундан ташқари хуқуқий онг деформацияси умуман олганда ходимнинг касбий деформациясининг кўрсаткичидир, чунки ички ишлар органлари ходимларининг касбий фаолияти айнан ҳуқуқни қўллаш ва уни ҳимоя қилиш билан боғлиқдир.

Ички ишлар органлари ходимларининг ҳуқуқий онгини асосан психологик ва хуқуқий таркибий қисм нуқтаи назаридан ҳисобга олган ҳолда таҳлил қилиш жараёнида унинг педагогик томонига назар солайлик. Ички ишлар органлари ходимларининг ҳуқуқий онгини шакллантириш уларнинг

касбий маданиятининг таркибий элементи сифатида кадрлар тайёрлаш ва ўқитиш бўйича тизимли ишларни талаб қиласиган жараёндир. Шу муносабат билан биз Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг идоравий таълим ташкилотлари, бунда нафақат олий таълим муассасалари, балки қўшимча малака ошириш ва вазирлик таркибидаги ўрта ва ўрта-максус таълим муассасаларининг муҳим роли ҳақида гапиришимиз мумкин. Касбий ёки ихтисослаштирилган маълумот олиш ушбу мақола доирасида ҳукуқий онгни касбий онгга айлантириш жараёни сифатида кўриш мумкин. Таълим олиш даврида тингловчи ўзини хизмат ва ўқиш муҳитидахис этади, бу еса ёш ходимнинг онгида хизматга ва ундан ташқаригаоид муайян урф-одатлар, тушунчалар, тўғри хулқ-автор қоидалари шаклланишига олиб келади. Бу ҳукуқий онгнинг ҳукуқий мафкура ва ҳукуқий психология каби таркибий элементларига ўз таъсирини кўрсатади.

Ички ишлар органлари ходимларининг ҳукуқий хабардорлигининг айрим хусусиятларини кўриб чиқиб, биз қўйидаги холосаларни чиқарамиз:

1. Ички ишлар органлари ходимларининг ҳукуқий онгини шакллантириш анча узоқ ва динамик жараёндир. Касбий маданиятнинг таркибий элементи сифатида у умумлаштирувчи хусусиятга эга бўлиб, унинг элементлари фаолиятнинг ташқи кўрсаткичидир.

2. Ҳукуқий онгни жамоавий, индивидуал ва касбий турларига ажратиш мумкин.

3. Ҳукуқий онг аниқ белгиланган тузилишга ега бўлиб, ҳукуқий мафкура, ҳукуқий психология ва ҳукуқий муносабатларни ўз ичига олади.

4. Хизматга киришдаги иштиёқ номзод ҳукуқий онгини шакллантиришнинг ўзига хос хусусияти емас.

5. Ҳукуқий онг таркибида башорат қилиш функцияси жуда муҳимдир. Ўз ҳаракатларининг оқибатларини олдиндан билиш, уларга ахлоқий позициядан объектив баҳо бериш қобилияти ходимлар ҳукуқий онгидаги бузилишларнинг олдини олишга ёрдам беради.

6. "Хуқуқий онгнинг деформацияси" ходимнинг жиноят содир этиш еҳтимоли билан ифодаланган "қайта туғилиш" даражасига олиб келиши мумкин.

7. Касбий маданиятнинг таркибий элементи сифатида ички ишлар органлари ходимларининг хуқуқий онгини шакллантириш ва ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири бу педагогикадир.

*Ш.Х.Ғаниев**

Хуқуқбузарликлар профилактикасида – хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятнинг аҳамияти

Демократик давлат ва жамият етуклигининг асосий мезонларидан бири бу фуқароларнинг хуқуқий онг ҳамда маданият даражасидир. Бу ўз навбатида жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлашнинг энг муҳим шартларидан бири бўлиши каторида, хуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги фаолият самарадорлигини оширишга хизмат қиласди.

Бинобарин, юртимизда сўнгги йилларда миллий хуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш, жамиятда хуқуқий маданиятни шакллантириш ҳамда малакали юридик кадрларни тайёрлаш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди. Айни чоғда инсон хуқуқ ва эркинликларига ҳурмат муносабатини шакллантиришга, аҳолининг хуқуқий онги ва хуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда фуқароларнинг хуқуқий саводхонлиги даражасини оширишга тўсқинлик қилувчи бир қатор камчиликларни бартараф этиш борасида зарур чора-тадбирлар амалга ошириляпти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2019 йил 9 январь куни имзоланган «Жамиятда хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонига мувофиқ тасдиқланган жамиятда хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни юксалтириш концепцияси бу борадаги муҳим дастуриламалга айланди. Хўш,

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти, юридик фанлар кафедраси катта ўқитувчиси.

бу ҳужжат нима учун қабул қилинган эди? Сабаби, ўша пайтда соҳада ҳамон ўз ечимини кутаётган муаммолар талайгина эди.

Биринчидан, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишлари тизимли ва узвий ташкил этилмаганди. Жамиятда, оилада, маҳаллада, таълим муассасаларида ва ташкилотларда ҳуқуқий ахборотларни етказишининг таъсирchan механизми мавжуд эмас эди. Шахсий манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни таъминлаш ғоялари аҳоли, айниқса, давлат хизматчилари онгига етарли даражада сингдирилмасди.

Иккинчидан, узлуксиз таълим тизимида таълим жараёнлари ҳуқуқий тарбия билан уйғун олиб борилмас, аҳоли, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда ўзбек халқининг тарихи, дини, урф-одатлари, миллий қадриятларига таянилмасди.

Учинчидан, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга доир тадбирларни ташкил этишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорлик тизими яратилмаган, ижтимоий шериклик принципи асосида ишлар ташкил этилмаганди.

Тўртинчидан, ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясиغا салбий таъсир кўрсатувчи омилларга нисбатан ҳуқуқий иммунитетни шакллантиришнинг аниқ мақсадли чора-тадбирлари белгиланмаганди.

Бешинчидан, жамиятда манзилли ҳуқуқий тарғибот тадбирларини ташкил этишда ва амалга оширишда давлат органлари ва бошқа соҳавий хизматларнинг фаол иштироки таъминланмаётган эди, бу борада юқори натижадорлик ва самарадорлик қўзга ташланмасди

Олтинчидан, ҳуқуқий тадбирлар ҳамон анъанавий усулларда, оддий учрашувларни ўтказиш йўли билан амалга оширилар, бу борада тарғиботнинг инновацион усулларидан, шу жумладан, веб-технологиялардан фойдаланилмаяпти, ҳуқуқий йўналишдаги веб-сайтлар етарли эмас эди.

Еттинчидан, хукуқий саводхонликни оширишга қаратилган лойиҳаларни рағбатлантиришнинг хукуқий механизмлари мавжуд эмас эди. Бу борада тадбирлар номигагина ташкил этилар, хукуқий билимларни юксалтириш бўйича хукуқий адабиётларни чоп этиш ва тарқатиш, илмий изланишларни олиб бориш ишлари самарасиз амалга ошириларди.

Бугунги кунга келиб, профилактика катта инспектори фуқаролар йиғини раисининг хукуқ-тартибот масалалари бўйича ўринbosари вазифасини бажариб келаётганидан яхши хабардормиз. Бу борада фуқаролар йиғини раисига бир қатор қўшимча хукуқлар берилгани ҳам катта аҳамиятга эга. Чунончи, фуқаролар йиғини раиси тегишли ҳудуддаги профилактика инспектори фаолиятига баҳо бериш ҳамда уни рағбатлантириш ёки унга нисбатан эгаллаб турган лавозимидан озод этишгача бўлган жазо чораларини қўллаш бўйича Қорақалпоғистон Ички ишлар вазирлиги, ҳудудий ички ишлар бош бошқармалари ҳамда бошқармаларига кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимнома киритиш хукуқига эга.

Профилактика инспекторлари 5 йил муддатга лавозимга тайинланиб, уларни ушбу муддат давомида бошқа лавозимга ўтказиш тақиқланиши (юқори турувчи раҳбарлик лавозимга ўтказиш ёхуд қонун ёки ички тартиб қоидаларини бузганлиги учун жавобгарликка тортиш ҳолатлари бундан мустасно) ҳам уларнинг иш фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган.

Шунингдек, туман (шаҳар) ички ишлар органлари бошликлари, уларнинг таркибидаги бўлимлари ва ички ишлар бўлимлари (бўлинмалари) бошликлари устуворлик асосида профилактика инспектори лавозимида камида 5 йил ишлаган ходимлари орасидан тайинлаб келинмоқда. Ушбу масъулиятли лавозимларга, қоида тариқасида, олий юридик маълумотга эга бўлган шахслар танланаётгани ҳам масъулият даражасидан дарак бериб турибди.

Ўз навбатида ички ишлар вазирининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ўринbosарига профилактика инспекторларини хизмат вазифаси билан боғлиқ

бўлмаган ишга жалб этганлик учун худудий ички ишлар органларининг раҳбарлари ва масъул ходимларига нисбатан бевосита интизомий жазо чораларини қўллаш ваколати берилди.

Шу маънода айтадиган бўлсак, республикада ҳуқуқ-тартибот тизимининг қуи бўғинларига катта эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Бу масалага давлат раҳбари ҳам алоҳида тўхталиб, «Ҳозирги кунда энг катта масала – бу ички ишлар тизимининг қуи бўғинини мустаҳкамлашдан иборат. Профилактика инспекторларининг яшashi ва ишлаши учун барча шароитларни яратиб берилди. Энди уларнинг салоҳиятини, маҳалла фуқаролар йифини билан ҳамкорлигини кучайтириш зарур. Бундан кейин ҳар бир маҳалладаги профилактика инспектори ўрнига уч нафар энг профессионал ходим саралаб олиб бириктирилади. Шундай бўлса, улар ўртасида рақобат пайдо бўлади, одамларнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлайдиган чинакам самарали тизим яратилади» деб таъкидланган эди.

Мазкур масалага жорий йил февраль ойида ички ишлар вазирлиги хайъатининг кенгайтирилган йиғилишида урғу берилиб, унда тартиб-интизом, қонунларга ҳурмат, аҳолининг осойишталиги, энг аввало, маҳаллада тўғри йўлга қўйилиши зарурлиги таъкидланган эди.

Бу борада Президентимиз томонидан 2021 йил 26 март куни қабул қилинган «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони муҳим дастуриламалга айланди.

Зотан, ушбу ҳужжатга мувофиқ, эндиликда ҳар бир маҳалла, оила ва шахс кесимида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишга оид муаммолар бевосита жойларнинг ўзида ҳал этилади.

Мазкур вазифаларнинг самарали ижроси эса ҳуқуқбузарликлар профилактикасини изчил таъминлаб бериши қаторида, инспекторлардан ҳуқуқий онгини ўстириб боришлари йўлида тинимсиз изланишни ҳам талаб қиласи.

Шу маънода нафақат соҳада кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш, балки уларнинг малакасини ошириб боришга замонавий педтехнологиялар ҳамда методларни жорий этишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти профессор-ўқитувчилари зиммасига янада катта масъулият юклайди.

Д.Ж.Эшқулов*

Ички ишлар органларида юксак маънавиятли, етук, профессионал кадрлар тайёрлашда хуқукий таълимнинг аҳамияти

Юртимизда олиб борилаётган кенг кўламдаги тизимли чора тадбирлар ички ишлар органлари ходимлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва шу ўринда улар томонидан “Халқ манфаатларига хизмат қилиш”ни ўз хизмат бурчи деб биладиган профессионал тузилмага айлантириб борилмоқда.

Бу борада давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 20 январдаги “Ички ишлар органларини халқ касбий тузилмасига айлантириш ва уларнинг фаолиятини аҳоли билан янада яқинроқ ҳамкорлик қилишга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ти қарори муҳим манба бўлиб, унга кўра, “Ички ишлар органлари ходимларининг касб маданияти ва хизмат интизоми тўғрисида”ги кодекси тасдиқланди. Бундан ташқари, Ички ишлар вазирлигининг Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш бошқармаси тўғрисидаги низом ҳам тасдиқланди.

Шунингдек, мазкур хужжатга асосан, “2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси”га мувофик, ички ишлар органларини аҳолининг ишончли ҳимоячиси сифатидаги касбий халқ тузилмасига айлантириш ва қонун устуворлиги, тинчлик ва осойишталикни янада мустаҳкамлаш кўзда тутилган бўлиб, унга кўра, Ички ишлар вазирлигига Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш бошқармаси ташкил этилиб, у ички ишлар бошқармасига хизматга номзодларни танлаш, тизимнинг шаффофлигини таъминлаш, шахсий таркиб

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти, Юридик фанлар кафедраси ўқитувчиси.

билин ишлаш, маънавий-маърифий ишлар тизимини рақамлаштириш билан шуғулланиши белгиланган.

Ички ишлар вазирлиги тузилмасида Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти ташкил этилиб, шу ўринда ички ишлар органларида хизматга қабул қилиш бўйича номзодларни танлашнинг адолатли, холис ва шаффоф тизимини яратиб, ўрнатилган тартибларни тубдан соддалаштириш ва бюрократик тўсиқларни бартараф этишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни белгилаш, маънавий-маърифий ишларни «таълим муассасасидан — хизматнинг охирига қадар» тамойили асосида тизимли ва узлуксиз ташкил этиш орқали уларнинг самарадорлиги ҳамда таъсирчанлигини ошириш, хизматнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, ички ишлар органлари шахсий таркиби ўртасида манзилли психологик тадбирларнинг замонавий усулларини татбиқ этиш, лавозимга тайинлаш ва аттестация ўтказиш жараёнларида мутахассис-психологларнинг ролини ошириш, ички ишлар органларида истиқболли ёш раҳбар кадрлар захирасини шакллантиришнинг янги тизимини жорий этиш, уларнинг фаолиятини тизимли мониторинг қилиш ва доимий равища ўқитиб бориш механизмларини яратиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасининг хусусиятларидан келиб чиқиб, ички ишлар органлари шахсий таркибининг жанговар ва жисмоний тайёргарлик даражасини оширишнинг узлуксиз тизимини яратиш ва уни баҳолашни янги мезонлар асосида амалга ошириш, инсон омилини истисно этиш ҳамда коррупция ҳолатларининг барвақт олдини олиш мақсадида ички ишлар органларида кадрлар билан ишлаш, хизматни ўташ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш, шунингдек, шахсий таркиб ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини замон талабларига мос равища тўлиқ рақамлаштириш каби масалалар ички ишлар органларида кадрлар салоҳиятини ошириш замон талаби ва долзарб вазифа эканидан келиб чиқсан ҳолда, Департамент фаолиятини янада такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари этиб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти ички ишлар органларида кадрлар сиёсатини амалга ошириш, маънавий-маърифий ва мукофотлаш ишларини ташкил этиш, хизматни ўташ қоидалари ва меҳнат муносабатларига риоя этиш, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, ижтимоий ҳимоя жараёнларини таъминлайдиган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги марказий аппаратининг мустақил бўлинмаси ҳисобланиши билан бирга - ички ишлар органларининг маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш бўлинмалари тизимиға кирадиган тузилмаларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, комплекс таҳлил қилиш, баҳолаш, уларга амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш, ички ишлар органларида маънавий-маърифий ва ахлоқий-руҳий ишларни ташкил этиш, касбий маданият ва хизмат интизоми талабларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, шунингдек, шахсий таркибни ватанпарварлик руҳида доимий равища тарбиялаш фаолиятини амалга ошириш, ички ишлар органларидаги хизматга, шунингдек, идоравий таълим муассасаларига номзодларнинг танлов асосида қабул қилинишини ташкил этиш, кадрлар сиёсатини амалга оширишни таъминлаш, хизматни ўташ тартибининг қоидалари ва меҳнат муносабатларига риоя этилишини, узлуксиз ўқув-карьера жараёнига доир талабларнинг бажарилишини назорат қилиш, ички ишлар органлари учун профессионал кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг доимий равища малакасини ошириш жараёнини ташкил этиш, ички ишлар органларида шахсий таркибни мукофотлаш ишларини таъминлаш, номзодларни давлат ва идоравий мукофотларга холислик тамойили асосида тақдим этишни амалга ошириш, ички ишлар органларида шахсий таркибнинг хизмат, жанговар, жисмоний ва психологик тайёргарлигини таъминлаш, тизимда мусобақаларни ўтказиш орқали ходимлар ва уларнинг оила аъзоларида спортга бўлган қизиқишини ошириш, ички ишлар органлари шахсий таркиби ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш, соғлиғи муҳофаза

қилинишини ва малакали тиббий хизмат кўрсатилишини ташкил этиш, ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш соҳасидаги қонунчиликни, фаолият шакллари ва усулларини янада такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш Департаментнинг асосий вазифалари этиб белгиланган.

Юқоридаги вазифалардан келиб чиқсан ҳолда Департамент ички ишлар органлари учун профессионал кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг доимий равища малакасини ошириш жараёнини ташкил этиш йўналишида кадрларни мақсадли тайёрлашни ташкил этиш, идоравий таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилиш, уларнинг ўқув-тарбия жараёнини назорат қилиш ҳамда мувофиқлаштириш, идоравий таълим муассасаларининг ўқув-методик, илмий-тадқиқот, кадрлар билан ишлаш ва тарбиявий йўналишлардаги фаолиятини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш, ички ишлар органларининг кадрларга бўлган эҳтиёжларини ўрганиш ва идоравий ҳамда турдош таълим муассасалари, шу жумладан хорижий давлатлар хукуқ-тартибот органларининг таълим муассасаларига ўқишига қабул ўринларини ажратиш бўйича таклифлар киритиш, идоравий таълим муассасаларига номзодларни қабул қилиш бўйича танловлар ўтказилишини ташкил этиш, ушбу фаолиятни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш, идоравий таълим муассасаларида ўқитиладиган мутахассислик йўналишларида кадрлар тайёрлаш бўйича давлат таълим стандартлари, малака талаблари ҳамда ўқув режалари ва дастурларини тайёрлашни ташкил этиш, идоравий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёни, илмий-тадқиқот ишлари ташкил этилганлигини, олий таълимдан кейинги таълим жараёнини мунгозам равища ўрганиб бориш, ички ишлар органларининг кадрларга бўлган эҳтиёжидан келиб чиқиб, идоравий ва турдош олий таълим муассасалари, шу жумладан хорижий давлатлар хукуқ-тартибот органларининг таълим муассасалари битирувчиларининг тақсимотини ўтказиш, ёш кадрларга бириктирилган мураббийлар фаолиятини ўрганиш орқали уларнинг касбий ўсишлари узлуксиз

мониторинг қилинишини ташкил этиш, идоравий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари таркибига педагог кадрларни ишга қабул қилиш бўйича комиссия фаолиятини назорат қилиш, идоравий таълим муассасалари ва ҳудудий ички ишлар органларида конференция, илмий анжуманлар, ўқув-услубий семинарлар, давра сухбатлари ва фан олимпиадалари, шунингдек, ходимларнинг касбий маҳоратини ошириш юзасидан ўқув йигинлари ва тренинглар ўтказилишини ташкил этиш, идоравий таълим муассасалари курсантлари ва тингловчиларига белгиланган намунадаги кўкрак нишонлари ва стипендиялар тайинлашга оид ҳужжатларни кўриб чиқиш ва расмийлаштириш, ИИВнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари билан биргалиқда ходимларнинг малака оширишга бўлган эҳтиёжини ўрганиш, кадрларни бошланғич тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнини ташкил этиш, мониторингини ўтказиш ва мувофиқлаштириш, шахсий таркибнинг республика давлат бошқаруви органлари, суд ва хукуқни муҳофаза қилувчи органлар, таълим муассасалари ва бошқа ташкилотларда белгиланган келишувлар асосида малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ишларини ташкил этиш, ходимларнинг хорижий давлатлар, хусусан таълим муассасаларида узоқ муддатли ўқув дастурлари асосида малака ошириши ва тажриба орттириши бўйича чора-тадбирларни ташкил этишдаги функцияларни амалга оширади.

Юқоридаги қарор асосида ички ишлар органлари тизими учун кадрлар тайёрлашнинг алоҳида йўналиши бўлган, педагог ходимларни тайёрлаш тартибига доир муҳим қоида киритилиб, унга мувофиқ Ички ишлар вазирлиги Академиясига — ички ишлар органлари таълим ва ўқув муассасаларининг педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш вазифаси юклатилди. Қайд этиш лозимки, бунга қадар ички ишлар органларининг таълим ва ўқув муассасалари педагог ходимларини тизим доирасида ўқитишнинг аниқ механизмлари мавжуд эмас эди. Шунингдек, Ички ишлар вазирлигининг академик лицейларига — ўқув-тайёрлов марказларини ташкил этган ҳолда, иш вақтидан ташқари пайтда академик

лицей ўқитувчилари томонидан ўқувчи ва фуқаролар учун ихтиёрийлик асосида қўшимча ўқув машғулотларини ўтказиш бўйича пулли таълим хизматларини кўрсатиш хуқуки берилганлиги тизим учун кадрлар тайёрлаш амалиётининг мақсадли йўналтирилишига хизмат қилди.

Таъкидлаш лозимки, юқорида келтирилган янги механизмларнинг жорий этилиши натижасида ички ишлар органларида хизмат ўташ тартиб-таомиллари такомиллаштирилиб, тизимнинг замон талабларига мос бўлган тузилмага айланиши учун замин яратилади. Бунинг натижасида ички ишлар органлари ходимларини ўз бурчига содик, ватанпарвар ва халқпарвар этиб тарбиялаш орқали аҳолининг чинакам розилигига эришилади.

Ж.Қ.Хамраев*

Ички ишлар органлари ходимларнинг профессионал кадрлар сифатида тайёрлашда хукуқий таълимнинг ўрни.

Мамлакатимизда юртбошимиз ташаббуси ва раҳбарлигига хукуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш, жамоат тартибини сақлаш, уларни тубдан такомиллаштиришга қаратилган кенг қамровли ислоҳотлар изчил амалга ошириб келинмоқда.

Ички ишлар органларининг Хукуқбузарликлар профилактикаси хизмати ходимларини аҳолининг ишончли ҳимоячиси сифатида халқчил профессионал кадрлар сифатида тайёрлаш, уларнинг фуқаролар, жамоат ташкилотлари, шунингдек Ички ишлар органларининг Тергов бўлинмари билан яқин ҳамкорликда, ўзаро ишонч ва ҳамжиҳатлик руҳида ишлашини таъминлаш, маҳаллалар, аҳоли турар жойлари ва бутун юртимизда қонун устуворлиги, тинчлик-осойишталикни янада мустаҳкамлаш, уларнинг хукуқий онги ва маданиятини юксалтириш, хизматга салбий таъсир ўтказаётган сабабларини назарий жиҳатдан ўрганиш мақсадга муофикдир.

*Малака ошириш институти Юридик фанлар кафедраси ўқитувчиси.

Сўнги вақтларда ижтимоий тармоқларда Ички ишлар органлари ходимлари ва фуқаролар ўртасидаги низоли ҳолатлар акс этган видео лавҳалар тарқалмоқда. Бу каби ҳолатлар соҳада бир қатор камчиликлар борлигини кўрасатади. Низоли ҳолатларнинг юзага келиш сабалари назарий жиҳатдан ўрганилганда бир қанча, хусусан;

- фуқаролар билан баҳсли ҳолатлар юзага келганда психологик жиҳатдан тўғри мулокот қилиш ҳамда тезкор қарор қабул қилиш кўникумларига эга эмаслиги;
- хизмат фаолиятида жисмоний куч ишлатиш ва маҳсус воситаларни қўллаш қоидаларини тўлиқ билмаслиги;
- етарли психологик ва маданий билимларга эга эмаслиги сабабли фуқаронинг ёши, жинси, жисмоний, ижтимоий ва руҳий ҳолатидан келиб чиқган ҳолда муомала қилиш усувларини қўллай олмаслиги;
- одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилмаслик каби омиллар кўзга яққол ташланади.

2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясининг “*Мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириши*” – деб номланган иккинчи устувор йўналишида жамоат хавфсизлигини таъминлаш, хуқуқбузарликларнинг содир этилишига сабаб бўлган шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишининг самарали тизимини яратиш (16-мақсад) ва хуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг янги қиёфасини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини халқ манфаатлари, инсон қадр-қиммати, хуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишга йўналтириш (17-мақсад) каби бир қатор вазифалар белгилаб берилган¹.

Бу йўналишда тегишли қонунчилик ва меъёрий-хуқуқий база шакллантирилиб, доимий равища такомиллаштириб келинмоқда.

¹ Конунчилик маълумотлари миллый базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон

Таъкидлаш жоизка фақат қонунчилик баъзасини мустаҳкамлашнинг ўзи билангина Халқчил Ички ишлар органларини ташил этиш айниқса профессионал ходимларни тайёрлашнинг имкони йўқ. Шу маънода, 2021 йил 12 февраль куни Ички ишлар вазирлиги ҳайъатининг кенгайтирилган йиғилиги иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ички ишлар органлари фаолияти, тизимда мавжуд муаммо ва камчиликлар, истиқболдаги вазифаларга багишланган йиғилишдаги маърузасида жиноятчиликка қарши курашиш борасида қўйдаги; “Хуқуқтарни идораларига ҳамма шароитларни яратиб, энг замонавий техникаларни олиб бердик. Катта ваколат, куч ва воситалар бор. Лекин натижа кутилганидек эмас. Органлар яқдил бўлиб, вертикал бошқарувни тўғри ташкил эта олмаяпти. Уларнинг ишидан халқимиз норози”²⁵ фикрларни билдирган.

Юқорида келтирилган мақсадларни амалга ошириш, Ички ишлар органлари учун мутахассислар тайёрлашнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш, ходимларнинг малакасига қараб хизмат бўйича ўсишини таъминлаш, шунингдек, куч ва воситаларни самарали бошқаришда раҳбар кадрларнинг интеллектуал ва профессионал салоҳиятини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилингна қарорда 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб, Ички ишлар вазирлигининг Академиясида кадрларни тайёрлаш жараёнига бакалавриат ва магистратурани ўз ичига оловчи икки босқичли олий таълим тизими жорий этилиши, кадрларни мақсадли касбий тайёрлашга қаратилади ҳамда биринчи курсдан бошлаб мутахассислик ва юридик фанларни ўқитиш чукурлаштирилган ҳолда амалга оширилиши белгиланди²⁶. Президентимизнинг ушбу қарори билан фақатгина Ички ишлар вазирлиги Академиясига алоҳида эътибор қаратилмасдан Ички ишлар вазирлги Малака ошириш институти зиммасига ҳам бир қатор вазифалар юклади десак муболаға бўлмайди.

²⁵ Ш.М.Мирзиёев 12.02.2022 йилдаги ИИВ ҳайъатининг кенгайтирилган йиғилишидаги сўзлаган нутқидан.

²⁶ <https://lex.uz/docs/5377619>

Хусусан, Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институтига юридик шахс мақоми берилиб ва унинг фаолияти асосий йўналишлари;

- Ички ишлар органлари соҳавий хизматларининг барча йўналишлари бўйича сержантлар таркиби ходимларини жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини ташкил этиш соҳасида маҳсус касбий тайёрлаш;
- Ички ишлар органларининг сафдор ва офицерлар таркибидаги лавозимларига биринчи марта тайинланган ходимларни бошланғич касбий тайёргарлик бўйича ўкув дастурлари асосида ўқитиш;
- Ички ишлар органларининг барча тоифадаги ходимларини инновацион ахборот ва педагогик технологияларни қўллаган ҳолда, шу жумладан турдош йўналишдаги республика олий таълим муассасалари базасида қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиб белгиланди.

Шунингдек, Ички ишлар органлари ходимларини бошланғич тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказлари тугатилиб, уларнинг штат бирликлари ва моддий-техника базаси Малака ошириш институтига ўтказилди²⁷.

Ўз ўрнида айтиш лозимки, Ички ишлар вазирлиги малака ошириш институти юридик шахс мақомини олганидан кейиш бир қатор ижобий ишларни амалга ошириб, Ички ишлар органларини ватанга ва халқقا содик бўлган профиссанал кадрлар сифатида тайёрлаш бўйича бир нечта кафедра ва цикллар ташкил қилиб, уларда ходимларни хар томонлама етук кадрлар сифатида тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича самарали тизим жорий этилди. Ушбу тизим бўйича Ички ишлар органларига танлов асосида офицерлик ва сафдорлик лавозимларига қабул қилинган ходимлар билан бошланғич касбий тайёргарлик, Ички ишлар органлари ходимларига навбатдаги “катта сержант”, “капитан” “майор” ва “подполковник” маҳсус унвонини олиш учун маҳсус малака ошириш курси, шунингдек Ички ишлар

²⁷ <https://lex.uz/docs/5377619>

органларининг барча даражадаги бўлим бошлиқлари, туман (шахар, тармоқ) ички ишлар органлари бошлигининг ўринбосари лавозимига тайёрлаш учун заҳирадаги ходимлар билан малака ошириш ўкув курслари мунтазам равишда ташкил этилиб, уларда ридик тайёргарлик модули бўйича хуқукий таълим берилмоқда.

Ушбу модул бўйича тингловчилар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, унда шахснинг хуқукий мақоми, инсон хуқуqlари, хуқуқбузарликлар тушунчаси ва турлари, маъмурий хуқуқбузарлик ва маъмурий жавобгарлик, жиноят ва жиноят-процессул қонунчилиги, фуқаролик ва оила хуқуқига оид умумий билимлар;

- ИИО фаолиятга тааллуқли хуқуқ нормаларидан фойдаланиш ва қўллаш, маъмурий ишларни кўрий чоралари ва процессуал мажбурлов чоралари, маъмурий ишларни кўриб чиқиши, далиллар тўплашда тузиладиган хужжатларни расмийлаштириш ва жамоат тартибини сақлаш фаолиятида қийноққа қарши курашиш юзасидан **кўникмаларга**;

- фаолиятни тартибга солувчи хуқуқ нормаларидан фойдаланиш, маъмурий хуқуқбузарликларнинг таркиби ва таспифлаш меъзонлари, жиноят қонунининг қўллаш, жиноятларнинг бошқа турдаги хуқуқбузарликлардан фарқлаш, қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи (зарурий мудофаа, охирги зарурат, ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш ва х.к) ҳолатларни ажратиш, процессуал хужжатларни тузиш қаби **малакаларини** эгаллашига алоҳида эътибор қаратилди.

Бир сўз билан айтганда юридик тайёргарлик модули бўйича эгаллаган билим, **кўникма** ва **малакаларини** касбий, шахсий ва ижтимоий фаолиятларида амалий қўллай олиш компетенцияларини шакиллантириш бўйича бой амалий тажрибага эга бўлган профессор-ўқитиувчилар томонидан ўкув мағулотларни ўтказилмоқда.

Бўлажак божхона хизмати органи ходимларининг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини такомиллаштиришда ҳуқуқий тарбиянинг ўрни

Ҳар қандай мамлакат ўз келажагини ёшлар тимсолида, аникроғи уларнинг жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол бўлиб вояга етишишида кўриши табиий ҳолдир. Ҳуқуқий демократик давлат тараққиётининг ривожи ҳам айнан ўсиб қелаётган ёш авлоднинг таълим ва тарбия даражаси билан бевосита боғлиқдир. Бунга эришиш учун эса аввало, жамият аъзоларининг, шу жумладан, ёшларнинг сиёсий, ижтимоий, маънавий ва ҳуқуқий савияси юқори даражада бўлиши талаб этилади. Бу борада, мамлакатимизда ёшларнинг баркамол инсон бўлиб, улгайишига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда.

Ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида ёшларнинг фаоллигини ошириш, юксак маънавиятли, мустақил фикрловчи, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва чуқур билимга эга бўлган юксак ҳуқуқий маданиятли ёшларни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилгани бежис эмас. Чунки юртимизни юксак ривожланган давлатлар қаторига қўшиш мақсадида амалга ошираётган кенг қўламли ислоҳотлар самараси кўп жиҳатдан билимли, ҳуқуқий тафаккури юксак, интилувчан ёшларга боғлиқ.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 26 йиллигига бағишланган тантанали тадбирда биринчи навбатда аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида ҳуқуқий тарбияни кенг йўлга қўйишимиз лозим. Оддий қилиб айтганда, фарзандларимизга болалик пайтидан “яхши” ва “ёмон”, “мумкин” ва “мумкин эмас” деган тушунчалар ўртасидаги фарқни ўргатишимиз, ўзимиз эса уларга доим шахсий намуна бўлишимиз керак”[1]

*Педагогика фанлари бўйича фалсафа фанлари доктори (PhD) Божхона институти Умумхуқуқий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси.

эканлигини таъкидлаб ўтган.

Мазкур фикрларнинг мантиқий давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 9-январдаги ПФ-5618-сон Фармони билан тасдиқланган Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепциясининг асосий мақсади сифатида аҳолининг барча қатламларининг ҳуқуқий саводхонликка эришиши, мустаҳкам иродали, ўз ҳуқуқларини биладиган ва қонунларни ҳурмат қиласиган, ҳуқуқий билимларини кундалик ҳаётда қўллай оладиган, фаол фуқаролик позициясига эга бўлган ва ҳуқуқбузарликка нисбатан муросасиз муносабатда бўладиган фуқароларни тарбиялашнинг кенг қамровли мунтазам тизимини яратиш мақсадга мувофиқлигидан далолат беради. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепциясида бир қатор муҳим аҳамиятга эга бўлган йўналишлар белгиланиб, асосий эътибор ҳуқуқий таълим ва тарбия борасидаги ишлар тизимли ва узвий олиб борилишига аҳамият қаратилди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда ёшлар ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ҳуқуқий таълим-тарбиянинг ўрни бекиёсдир. Ҳуқуқий тарбия алоҳида жараён бўлиб, инсон ҳаётининг муайян босқичида амалга оширилади. Тарбиянинг муайян вақт давомида амалга оширилмаслиги кейинги босқичларда ушбу жараённи қийинлаштиради. Бу энг аввало, инсоннинг ёш хусусиятлари билан боғлиқ бўлиб, унинг ўқиб-ўрганиш, тарбия шаклидаги ташқи таъсирларига бўлган қобилиятининг пасайиши билан изоҳланади.

Ҳуқуқий тарбия – тарбиянинг ажралмас қисми бўлиб, барча фуқароларда, хусусан, ёшларда ҳуқуқий билимлар асосида, ҳуқуқий онг тушунчасини шакллантириш, ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш борасида давлат органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва жамоатчилик томонидан олиб бориладиган тадбирлардир. Бунинг натижасида қонунчликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий нормаларни ҳурмат қилиш, уларни билишга эришилади.

Ҳуқуқий тарбиянинг асосий вазифаларидан бири шахсда ҳуқуқ нормаларини ўрганишга эҳтиёж уйғотиш, яъни ўзини мустақил равища

хуқуқий тарбиялашга одатлантиришдир. Ҳуқуқий нормаларга ҳурмат руҳида тарбияланган шахс қонун-қоидаларга мунтазам равишида амал қилиб боради ва бошқаларни ҳам шунга чорлайди.

Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, инсон ўттиз ёшга қадар зарур тарбияга, шу жумладан ҳуқуқий тарбияга эга бўлмаса, ҳаётининг кейинги даврида жамият ундан талаб қилаётган йўналишда қайта тарбиялашга таъсирчанлиги камаяди, шаклланиб бўлган фикр, эътиқод ва дунёқарашни ўзгартириш мушқул вазифага айланади. Аксинча, ўттиз ёшга қадар мактаб, лицей ва олий ўқув юртларида таҳсил олаётган ёшлар эса ҳуқуқни тўғри тушуниши, унга амал қилиш ҳисси кўпроқ ривожланган бўлади. Улар жамиятдаги ўзгаришлар, жумладан, ҳуқуқ соҳасидаги ўзгаришлага тезроқ кўникума ҳосил қиласидар, қонунчиликдаги ўзгаришларни англаб борадилар. Мамлакатмизда ўн саккиз ёшгача бўлганлар аҳолининг 40 фоизни, ўттиз ёшгача бўлганлар эса 64 фоизни ташкил этишини инобатга олсак, ёшларнинг ҳуқуқий таълим-тарбиясини фаолиятимизнинг бош йўналиши сифатида белгилашимиз зарурлиги маълум бўлади[3].

Хусусан, Божхона қўмитаси Божхона институтида таълим олаётган курсант ва тингловчиларни маънавий-аҳлоқий тарбиялаш, жанговар ва жисмоний тайёргарлиги, ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш бўйича самарали тизимни яратиш, уларда юксак маънавий, аҳлоқий ва ватанпарварлик фазилатларни шакллантириш ҳамда ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади[4].

Ҳуқуқий тарбия – бу муҳим ижтимоий йўналиш бўлиб, у бўлажак божхона хизмати органи ходимларга ҳуқуқий билимларни сингдириш имкониятини беради.

Бўлажак божхона хизмати органи ходимларнинг ҳуқуқий тарбияси деганда - бўлажак божхона хизмати органи ходимларининг ҳуқуқий онгига таъсир кўрсатишнинг маҳсус яратилган ҳуқуқий тарбия шакллари ва воситалари ёрдамида амалга оширишга қаратилган, ташкилий, бошқарилувчан ва олдиндан белгиланган педагогик жараён тушунилади.

Хукуқий тарбия беришда бизнинг фикримизча, курсантларнинг хукуқий онгидаги қуйидаги хусусиятларини шакллантириш лозим:

- асосий хукуқий талаблар тизимини билиш, уларнинг мазмуни ва аҳамиятини түғри тушуниш ҳамда тушунтира олиш;
- хуқукқа, қонунларга, қонунчиликка ва хукуқ-тартиботга чукур ички хурмат;
- хукуқий билимлардан амалиётда мустақил фойдалана олиш, кундалик хулқ-атворни ва реал воқеликка шахсий муносабатни олинган хукуқий билимларни ўз амалий фаолияти билан мослаштира олиш маҳорати;
- хулқ-атвор одатларини олинган хукуқий билимлар билан аниқ мослаштира олиш;
- хукуқий меъёрларни исталган шаклларда бузишни амалга оширишга мустаҳкам ва барқарор маънавий хукуқий иммунитет.

Бу жамланмага киравчи хукуқий онг компонентлари аслида бўлажак божхона хизмати органи ходимининг психологик ва ғоявий йўл-йўриқларини – хукуқий билимларни ҳаётда фаол қўллашга доимий тайёр бўлиш заруратини ташкил этади. Айнан мана шундай тайёргарлик даражаси хукуқий тарбия ишлари самарадорлигининг асосий кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади.

Хукуқий тарбия жараёни бир томондан бўлажак божхона хизмати органи ходимларида хукуқ ҳақида зарурый тасаввурларни шакллантириш, бошқа томондан эса хукуқий меъёрларга мос ҳолда ҳаракат қилиш эҳтиёжини тарбиялашни кўзда тутади, шунингдек, бўлажак божхона хизмати органи ходимларнинг хукуқий онгидаги чукур ва барқарор хукуқий билимлар, ишонч, эҳтиёж, қадриятлар, қонуний хулқ-атвор одатларини шакллантириш, хукуқий тарбия шакллари, воситалари ва методларининг бутун жамланмаси ёрдамида бўлажак божхона хизмати ходимларининг онгига ва психологиясига режали, бошқарилувчи, ташкилий, тизимли ва мақсадга қаратилган таъсирдир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, хуқуқий тарбия бўлажак божхона хизмати органи ходимларнинг ҳуқуқий онгига чуқур ва барқарор ҳуқуқий билимлар, ишонч, эҳтиёж, қадриятлар, қонуний хулқ-атвор одатларини шакллантиради, шунингдек, ҳозирги замон педагогик ва ҳуқуқий фаолият жараёнида мавжуд бўлган турли-туман ҳуқуқий тарбия шакллари, воситалари ва методларининг бутун жамланмаси ёрдамида бўлажак божхона хизмати органи ходимларининг онгига ва психологиясига режали, бошқарилувчи, ташкилий, тизимли ва мақсадга қаратилган таъсир бўлиб, уларда юксак ахлоқий фазилатлар шаклланади, таълимга бўлган талаб фаоллашади ҳамда касбий фаолиятга тайёрлаш сифати юксак даражага кўтарилади.

Фойдаланилган манбалар:

1. Ш.М.Мирзиёев. Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 26-йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маъruzаси. 8-декабрь 2018-йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2022-2023 йилларда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғриси”даги 2022-йил 16-майдаги 259-сон қарори.
- 3.М.А.Амонова. Ёшлар ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда Конституциянинг ўрни ва аҳамияти / Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ахборотномаси. 2018-йил. Махсус сон. – 53-бет
4. Давлат божхона қўмитаси Божхона институтининг 2018-йил 29-ноябрдаги «Давлат божхона қўмитасининг Божхона институти Устави тўғрисида»ги 661-сон бўйруғи.

Қонунбузарликларни фош қилишда ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришнинг айрим масалалари

Мамлакатда қонун устуворлиги ва фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ишончли ҳуқуқий таъминлаш бу борада давлат органларининг мас'улиятини янада ошириш, улар фаолиятининг хисобдорлиги ҳамда очиқлигини кучайтириш сўнгти йилларда изчил давом эттирилаётган ислоҳотларнинг асосий ё‘налишларидан бири бўлиб келмоқда.

Мамлакатимизни 2017-2021-йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор ё‘налиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида ўтган давр мобайнида изчил давом эттирилган ишлар, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан ислоҳ этишга қаратилган 300 га яқин қонун, 4 мингдан зиёд Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари қабул қилинганлигини қонун устуворлигини таъминлаш борасидаги ислоҳотларнинг тасдиғи сифатида э’тироф этиш ўринлидир[1].

Бундан ташқари сўнгти йилларда қабул қилинаётган давлат ва жамият ҳаётига алоқадор норматив-ҳуқуқий хужжатларнинг кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилаётганлигини ҳам алоҳида қайд этиб ўтиш ниҳоятда ўринлидир. Биз ўз олдимизга аввало инсон ва халқ манфаатларини барча нарсадан устун қўювчи демократик фуқаролик жамиятини ривожлантиришни асосий мақсад қилиб қўяр эканмиз, фуқароларимизнинг бу борадаги фикр-мулоҳазаларини тинглашимиз, уларнинг орзу-истакларини ҳам инобатга олишимиз лозим.

Фикримизнинг тасдиғи сифатида кенг жамоатчилик муҳокамаси натижасида “Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари” тамойилига асосан ишлаб чиқилган ва муҳим бўлган еттига устувор ё‘налишдан иборат “2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги

*Божхона қўмитасининг Божхона институти Илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш бўлими катта инспектори, божхона хизмати майори.

Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси"ни мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Юртимизда олиб борилаётган ислоҳотларни кўллаб-қувватлаш, улардан кўзланган амалий натижаларга эришиш нафақат давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларидан балки барча инсонлардан ўзига яраша интизом ҳамда шахсий мас'улиятни талаб қилади.

Мазкур мақолани тайёрлашда мамлакатимизда қонун устуворлигини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳуқуқий таъминлашда мавжуд асосий муаммоларни аниқлаш ва уларни илмий жиҳатдан тадқиқ қилган ҳолда истиқболни белгилаш мақсад қилинган.

Тадқиқотнинг обекти ва усувлари. Ўрганилаётган адабиётларнинг таҳлили ва айрим кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида қонун устуворлигини таъминлаш, нафақат улар фаолиятининг, балки жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг долзарб масалаларидан бўлиб қолмоқда. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида ҳуқуқни кўллаш амалиётини такомиллаштиришни жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг муҳим шартларидан бири сифатида ҳисобга олган ҳолда, тадқиқотнинг терминологик соҳасида назарий, ҳуқуқий-амалий қонунчилик жиҳатларини ажратиб кўрсатишни таклиф қиласиз.

Бизнинг фикримизча ҳуқуқий нуқтайи назардан ҳуқуқни кўллаш амалиёти бу - норматив-ҳуқуқий хужжатни қабул қилиш ва унинг нормаларини амалда тўғри қўллаган ҳолда муайян ижтимоий муносабатларни тартибга солишини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилиш орқали жамиятда ҳуқуқий-тартиботни таъминлаш борасида кўзланган асосий мақсадларга, халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ умуммиллий жамият манбаатлари нуқтайи назаридан эришилишидир. Фақатгина ҳуқуқни тўғри кўллаш амалиётигина давлатда адолат ва қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қиласиз.

Тадқиқот жараёнида ҳукуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича мавжуд бўлган илмий тадқиқотларни ўрганиш, тенденсияларни қиёсий солиштириш, статистик маълумотларни ўрганиш, уларни назарий ҳукуқий ва амалий жиҳатдан таққослаш ҳамда таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш, илмий абстракциялаш, маълумотни гурухлаш, анализ ва синтез, индуксия ва дедуксия усулларидан кенг фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Тадқиқот мақсадига эришиш учун Ўзбекистон Республикасида ҳукуқни қўллаш амалиёти билан боғлиқ айrim ижтимоий муносабатлар соҳасини ва ушбу соҳадаги юзага келаётган баҳс-мунозарали ҳолатларни амалий мисоллар, илмий қарашлар ҳамда хорижий тажрибадан айrim мисоллар билан кўриб чиқамиз.

Ўз-ўзидан маълумки жамият ҳаётида ахлоқий нормалар ва қадриятлар аввало инсон туғилиб ўсган оиласдаги ижтимоий муҳитдан, унинг психофизиологик ҳолатидан келиб чиқиб вужудга келади ҳамда умуммиллий қадриятларга мос равишда кенг жамоатчилик томонидан э’тироф этилади ва қўллаб кувватланади. Ахлоқий нормалар ҳуқук нормаларидан фарқли равишда расмий тусга эга бўлмасада жамоатчиликнинг умуммиллий манфаатларини ифода этганлиги ва муайян маконга хос азалий миллий қадриятлар сифатида авлоддан-авлодга оиласвий тарбия, ўгит, панд-насиҳат кўринишида оғзаки-амалий шаклда ўтиб бориши билан характерланади. Айнан ахлоқий нормалар ҳуқук нормаларининг шаклланишига ва ҳуқук нормаларига амалда риоя этилишининг сифатига бевосита таъсир қиласди.

“Ахлоқ нормалари – ижтимоий нормаларнинг тури бўлиб, у ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини ўзининг ўлчови билан қамраб олади. У ижтимоий онгнинг бир шакли бўлиб, ўзида инсонларнинг яхшилик ва ёмонлик, адолат ва адолатсизлик, ҳалол ва ҳаром, эзгулик ва гуноҳ тўғрисидаги қарашлари, тасаввурлари йигиндиси сифатида намоён бўлади ҳамда кишилар онгиди, жамоатчилик фикрида, сан’ат асарларида тамойиллар, ме’ёрлар, эзгуликка интилиш каби ҳолатларда мустаҳкамланади ва уларнинг фаолиятида маънавий асос сифатида хизмат қиласди [2; Б-9].”

Хукуқ нормалари эса давлатнинг ваколатли органлари томонидан белгиланган тартибда қабул қилинади ва унинг ижроси, ҳукуқ нормасини қабул қилишдан кўзланган мақсадга эришилиши жараёни я'ни уни амалда қўллаш ваколатли органларнинг мансабдор шахслари томонидан назорат қилиб борилади. Қисқача қилиб айтганда ҳукуқ нормалари расмий хужжат сифатида қабул қилинади ва ижро этилиши ҳам расмий тарзда олиб борилади.

Ҳукуқни қўллаш амалиётида ахлоқ ва ҳукуқ нормалари ўзининг муҳимлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Чунки ахлоқни ҳукуқий онг шаклланишининг бошланғич ва уни тўлдирувчи категорияси десак ўринли бўлади, боиси ҳукуқшунослик фанининг ўрганиш обектларидан бири бўлган шахс тушунчasi мисолида олсак, ҳукуқقا бўлган муносабат, ҳукуқий онг шаклланиши ахлоқий тарбиядан бошланади. Ахлоқ инсонни муайян ҳаракатлардан ўзини тийишга ва муайян ҳаракатларни бажаришга ўргатади. Бу эса ҳукуқ каби уни қабул қилиш ва амалда қўллаш учун узоқ муддатли босқични талаб қилмайди. Унинг қўлланиши ва амалдаги натижасини баҳолаш қисқа вақтда намоён бўлади. Ҳукуқ нормасининг самарали қўлланиши ўз навбатида уни қўлловчи ва ундан фойдаланувчиларнинг ахлоқий даражасига боғлиқ бўлади.

“Ҳукуқни қўллаш – ваколатли давлат органларининг ҳукуқ субектларига тегишли бўлган ҳукуқ ва мажбуриятларини амалга оширишига ёрдам бериш ҳамда мазкур жараён устидан назорат олиб бориш мақсадида амалга оширадиган ҳокимий ташкилий фаолиятидир. [2; Б-17]”

“Ҳукуқни қўллаш”, “ҳукуқни қўллаш фаолияти”, “ҳукуқни қўллаш амалиёти” атамалари биз таҳлил қилаётган муаммолар нуқтайи назаридан анча кенг юридик ҳодисани тавсифлайди. Уларнинг моҳияти ҳукуқ нормаларини қўллаш расмий жараёнини тўла қамраб олади. Бу шундай бир жараёнки, унда давлат органлари ва мансабдор шахслар қонунни конкрет ҳаёт шароитларига татбиқ этадилар. Ҳукуқни қўлловчи субект ҳар бир конкрет ҳолда у ёки бу таърифлар, андозалар ва тартиб-таомиллардан

фойдаланиб, муайян ҳуқуқий оқибатларга олиб келувчи қарор қабул қиласи. Бунда шуни таъкидлаш лозимки, ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг моҳияти ҳуқуқ нормаларини расмий даражада амалга оширишдан иборат бўлган мураккаб моддий-протессуал тузилма (механизм) хисобланади [3; Б-10].

Ж.Азамовнинг мулоҳазаларига кўра, ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг самарадорлигини оширишнинг ўзаги, энг аввало, ҳуқуқни қўлловчи субектларнинг касбий маҳорат даражаси бўлиб хисобланади. Мавжуд ҳуқуқни қўллаш фаолиятини таҳлил қилиш унинг бир қанча камчиликларини аниқлаш имкониятини берди. Уларнинг қаторига, хусусан, норматив тусдаги қуидаги камчиликларни киритиш мумкин:

- қонунчилик базасининг ноаниқлиги ва зиддиятларга эгалиги, шунингдек, норматив тартибга солишни талаб этувчи бир қатор жиддий масалалар бўйича бўшлиқларнинг мавжудлиги;
- норматив-ҳуқуқий хужжатлардаги қоидаларни амалга ошириш нуқтайи назаридан уларга баҳо берувчи мустақил ҳуқуқни қўллаш экспертизасининг ё‘қлиги;
- ҳуқуқни қўлловчи субектларни ҳуқуқий ҳимоялаш ишлари лозим даражада эмаслиги;
- ҳуқуқий нигилизмнинг сақланиб қолаётганлиги, айрим ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ҳуқуқий маданияти етарли даражада эмаслиги;
- кўпчилик ҳолларда ҳуқуқни қўллаш фаолиятини амалга оширувчи субектлар билан ҳуқуқни қўллашга доир муносабатнинг бошқа субектлари ўртасида ўзаро психолого-аплоқанинг мавжуд эмаслиги;
- ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг баъзан оқилона ташкил этилмаслиги, унинг серҳаражатлилиги, шунингдек тежамли ва самарали эмаслиги;
- ҳуқуқни қўллаш фаолияти билан ҳозирги замон фанининг энг сўнгги ютуқлари ўртасида узвийликнинг ё‘қлиги;
- ҳуқуқни қўллашнинг синалган технологиялари ва бошқа хил юридик технологиялардан етарлича фойдаланилмаслиги ва бошқалар [3; Б-11-12].

Бизнинг фикримизча, ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги камчиликларни бартараф этишда ҳуқуқни қўлловчи субектлар касбий маҳоратини ошириш билан бир қаторда, ҳуқуқдан фойдаланувчилар (шахслар, инсонлар) ҳуқуқий маданиятини юксалтириб, жамоатчилик назоратининг самарали ва таъсирчан механизмини жорий қилишни ўзаро боғлиқ ҳолда олиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги камчиликларни нафақат Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ амалиётида балки дунёning ривожланган қўплаб демократик давлатлари ҳуқуқ амалиётида ҳам учратиш мумкин. Қайсиdir маънода бу камчиликларни давлатларнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий ва демографик ҳолати, аҳолисининг менталитетига ҳам боғлиқ ҳолда кўриш мумкин.

Ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан боғлиқ муаммоли ҳолатлар мансабдор шахслар, инсонлар ва жамият манфаатлари ўзаро тўқнаш ёки қарама-қарши келадиган ижтимоий муносабатларда кўпроқ намоён бўлиши мумкин. Бунга мисол тариқасида қонунбузарлик ҳолатларини олдини олишни тартибга солувчи қонунчилик амалиётини келтириш мумкин. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар ва жиноят қонунчилиги амалиёти айнан шулар жумласидандир. Боиси бу икки турдаги қонунчилик шахсларнинг энг муҳим Конститутивий ҳуқуқ ва эркинликларига даҳлдор бўлган масалалар билан чамбарчас боғлиқдир. Бу соҳалардаги қонунчиликнинг бузилиши шахс ва жамият манфаатларига кўпроқ путур етказиши билан ҳам характерланади.

Шу боисдан ҳам барча демократик давлатлар қаторида мамлакатимизда ҳам ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни янада юксалтиришга, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини тизимли ташкил қилиш орқали жиноятчилик ва қонунбузарликларнинг олдини олишга алоҳида э’тибор қаратиб келинмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида” қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.03.2017-йилдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва

жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” ПҚ-2833-сонли қарори қабул қилиниб ушбу ё‘налишда бир қатор муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Мазкур ё‘налишдаги ишларнинг мантиқий давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 9-январдаги “Жамиятда хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5618-сон Фармони ҳамда унинг ижроси бўйича қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019-йил 16-майдаги “2022-2023-йилларда жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида” 259-сон қарорида белгиланган вазифаларни келтириш мумкин.

Шу ўринда ушбу норматив ҳужжатларда қайд этилганидек, “хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни юксалтиришда **шахсий манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўргасидаги мувозанатни сақлаш ғояларини** аҳоли онгига сингдириш ишларининг етарли олиб борилмаслиги ҳам қонун устуворлигини таъминлашга ўзининг жиддий салбий таъсирини кўрсатмоқда”[4].

Шахсий манфаатларини бошқа инсонлар ва жамият манфаатларидан устун қўймасликни нафақат аҳоли онгига сингдириш балки бу ғоя хуқуқ амалиётини қўлловчи органлар ходимларининг барча тоифаси учун ўз вазифаларини вижданан адо этишларида муҳим ахлоқий ғоя бўлиб хизмат қилишини таъминламоқ керак деб ўйлаймиз.

Буюк бобокалонимиз, жаҳонда марказлашган давлат асосчисига айланган, давлат бошқаруви соҳасида ўзидан улкан ва бой тажриба қолдирган, адолатли ҳукумдор тимсолига айланган Амир Темурнинг қуидаги фикрлари ҳам биз ўрганаётган мавзунинг барча замонларда нақадар долзарб бўлганлигини кўрсатади. Зероки у зот шундай фикрни билдирган эдилар: “Давлат лашкару, фуқароларнинг фидоийлиги ва садоқати билан кудратлидир.”

Француз олими Керен Люсен Темур давлатида ўрнатилган адолат ва интизомдан ҳайратда бўлиб, “Темурбек бутун умри бўйи одил бўлган, гуноҳ қилган кишини сарой мулизимларига алоқадорлиги, мансаби ва бойлигига қарамай, қаттиқўллик билан жазолаган” [5; Б-365], дея таърифлайди.

Ҳуқуқшунос олим А.Сайдов Амир Темурнинг адолати ва давлатда қонунчиликни мустаҳкамлашдаги фаолияти ҳақида қуйидагиларни келтириб ўтади. “Зафарнома”да келтирилишича, Соҳибқирон шундай деган: “Менинг мақсадим давлат ишларида адолат ва тартибни, қонунчиликни тиклашдир. Фуқаролар тинч-тотув яшасинлар, дейман. Мен шариат ва қонунчиликни ўрнатай. Эндиликда менинг мақсадим мамлакатларни забт этиш эмас, қўлга киритилган давлатларни идора қилишдан иборатдир [5; Б-365].”

Бугунги кунда биз оммавий ахборот воситалари орқали кузатаётган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ва фуқаролар ўртасидаги ўзаро зиддиятли тортишувлар, муштлашувлар, куч ишлатишлар баъзида ҳар иккала томоннинг ҳам хатти-ҳаракатлари нотўғри эканлиги ҳақида фикр қилишга ундейди. Бу эса ҳуқуқни қўллаш ва ҳуқуқдан фойдаланишдаги муаммо сифатида яъни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятига, жамиятдаги ҳуқуқий маданиятнинг ҳолатига кенг жамоатчилик ва халқаро ҳуқуқ ташкилотлари томонидан салбий баҳо берилишига сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирда қабул қилинган Конститусиясида ҳам давлат томонидан шахснинг энг муҳим ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилганлиги ҳам аҳамиятлидир.

Оммавий ахборот воситаларининг ривожланиши ва маълумотларни кенг жамоатчиликка тезкор етказиш борасидаги имкониятлари ва унинг бугунги кундаги фаолиятидан келиб чиқиб, ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги камчилик ва муаммоларни ёритиш, уларни аниқлаш орқали ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги муаммолар кўзга ташланадиган асосий йўналишларни таҳлил қилиш имконияти юзага келмоқда.

Хорижий тажриба шуни кўрсатмоқдаки хукуқни қўллаш амалиёти билан боғлиқ муаммолар нафақат бизда дунёнинг ривожланган давлатларида ҳам мавжуд. Хусусан, “фаиртриалс.орг” сайтидан олинган маълумотларга кўра Европа иттифоқи давлатларида ишни судга қадар юритиш босқичида қамоқда ушлаб туриш чоралари дискриминатсияга ва айбизлик презумпсияси талаблари бузилишига сабаб бўлаётганлиги, гумон қилинувчилар ўз вақтида адвокат билан таъминланмаслиги, бу эса одил судлов фаолиятига ҳам ўз таъсирини ўтказаётганлиги баён қилинган.

Бундан ташқари, хукуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида жорий қилинаётган суний интеллект ва ахборот тизимларидан фойдаланиш айrim ҳолатларда айбиз инсонларнинг хукуқлари бузилишига ҳам сабаб бўлиб қолаётганлиги қайд этилган. Бунинг сабабларидан бири сифатида хавф профиллари нотўғри танланиши натижасида дастурнинг хатога ё‘л қўйиши айтиб ўтилган[6].

Хулоса. Мулоҳазаларимизнинг якуни, хулоса ва таклиф ўрнида шуни айтиб ўтиш мумкинки, сўнгги йилларда норма ижодкорлиги борасида алоҳида э’тироф этиш мумкин бўлган кенг миқиёсли ишлар олиб борилмоқда. Айниқса, сўз эркинлиги, давлат ва жамият бошқарувида шаффофликни таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг иштироки хукуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштиришга имкон яратмоқда. Ўз навбатида давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан оммавий ахборот воситалари фаолиятига фақатгина танқид қилувчи тузилма сифатида қаралмасдан ўзаро ҳамкорликни тўғри йўлга қўйиш, жамиятда бўлаётган воқеа-ҳодисалар ҳакида инсонларни ўз вақтида ишончли маълумотлар билан таъминлаш борасида ҳамкорликдаги ишлар кенг олиб борилса жамият манфаатлари нуқтайи назаридан фойдали бўлади деб ўйлаймиз.

Хукуқбузарликлар профилактикаси, қонунчилик тарғиботи, хукукий маданиятни юксалтириш ва хукуқни қўллаш амалиёти тўғри олиб борилишида жамоатчилик назоратини кучайтиришнинг муҳим воситаси

сифатида оммавий ахборот воситалари самарали хизмат қилиши мумкин. Шу боисдан давлат органларининг мансабдор шахслари, фуқаролар билан бир қаторда оммавий ахборот воситалари ходимларининг ҳуқуқий билимларини оширишга (улар учун юридик таълим бўйича қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил этиш) алоҳида эътибор қаратилиши самаравий натижаларга олиб келади.

Ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, уларни фош қилиш ва иш юритиш босқичида ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш ҳам долзарб бўлиб қолмоқда. Бу соҳада ҳам ахборот-технологиялари имкониятларидан кенг фойдаланилмоқда ва бунинг натижасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ишида самаравий натижаларга эришилмоқда. Иш ҳужжатларини кўриб чиқиши учун кетадиган вақт ва қогоз сарфи тежалмоқда. Иш юритиш босқичида баённома, ҳужжатларни электрон расмийлаштириш, сўровномаларни юбориш ва уларга жавоб олиш, иш ҳужжатларини тааллуқлилиги бўйича электрон тизимлар орқали юбориш амалиёти жорий этилди. Шундай бўлсада ушбу ё‘налишда бир қатор камчиликлар кўзга ташланиб қолмоқда. Бу эса фуқароларнинг асосли э’тиrozларига сабаб бўлмоқда. Ҳуқуқбузарларга ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилмаслиги, иш ҳужжатларини кўриб чиқилишида уларнинг иштироки таъминланмай қолиши, қабул қилинган қарорлар нусхалари уларга етиб бормаётганлиги, қарорлар ижросини таъминлаш босқичидаги камчиликлар, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг турлича эканлигидан далолат беради.

Бундай турдаги камчиликлар давлат органларининг ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги хатолари, кадрларни жамлашда шаффофликни таъминлаш муаммолари, ахборот тизимлари имкониятидан мақсадли фойдаланмаслик ва уларнинг имкониятларини яхши ўзлаштирумаслик, ахборот тизимларини алгоритмлашдаги камчиликлар, манфаатлар тўқнашуви, таркибий тузилмаларда ҳуқуқни қўллаш амалиёти назоратининг етарли даражада эмаслиги, тузилмаларнинг юридик хизматлари фаолиятига жиддий эътибор қаратилмаслиги, ходимлар иш юкламасининг кўплиги, меҳнат қонунчилиги

нормаларига амал қилинмаслиги билан боғлиқ бўлиши мумкин. Шу боисдан юқоридаги йўналишларни такомиллаштиришни алоҳида қайта кўриб чиқиш лозим деб ўйлаймиз.

Фойдаланилган манбалар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” 29.01.2022-йилдаги ПФ-60-сон Фармони.
2. Ахмедшаева М.А. Давлат ва ҳукуқ ривожининг ҳозирги замон тенденсиялари. Ўкув қўлланма. Тошкент 2016. 9-бет. [хттпс://сектор-апи.аргос.уз/медиа/3.Ахмедова_Мавлюда._Давлат_ва_ҳукуқ_ривожининг_ҳо зирги_замон_тенденсиялари.пдф](http://сектор-апи.аргос.уз/медиа/3.Ахмедова_Мавлюда._Давлат_ва_ҳукуқ_ривожининг_ҳо зирги_замон_тенденсиялари.пдф)
3. Азамов Ж.М. Юрист ахборотномаси 2-сон, 1-жилд, 2020.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” 10.01.2019-йилдаги ПФ-5618-сон Фармони.
5. Керен Люсен, Сайдов А. - Амир Темур ва Франция. – Тошкент: Адолат, 2016. – 559 б.
6. https://www.fairtrials.org/campaigns/pretrialdetention/?gad=1&gclid=EAIAIQobChMI8LmujvPY_gIVYxQGAB0z7gTgEAMYASAAEgIeCPD_BwE

*P.A.Абсаламов**
*A.B.Ахмедов**

Маҳалла фуқаро муҳофазаси тизимини ташкил этишда ҳамда машғулотларда профилактика инспекторларининг вазифа ва мажбуриятлари

Бизга маълумки, ҳар бир мустақил давлат ўзининг мудофаа қудратига эга. Мудофаа сиёсатини қай тарзда амалга ошириш имкониятлари ўша давлатнинг қудратини белгилайди. Чунки ҳар бир давлат моддий

*Ўзбекистон Республикаси ФВВ Академияси Бошқарувуни ташкил этиш, назорат ва ҳуқуқий таъминот кафедраси бошлиғи в.б, техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

*Бошқарувуни ташкил этиш, назорат ва ҳуқуқий таъминот кафедраси катта ўқитувчisi доцент.

бойликларини, техникаларини, ҳарбий аҳамиятга молик бўлган иншоотларини, ҳалқни ҳимоя қилишда, сақлашда янги турдаги омилларни яратади ва ишлаб чиқади. Шу тариқа давлатларда янги-янги қуроллар яратилдики, бўлар нафақат инсониятга, балки бутун жонли табиатга, атроф муҳитга жуда катта зиён етказади.

Фуқаролар муҳофазаси-умумдавлат мудофаа сиёсатларидан бири бўлиб, у ҳар қандай фавқулодда ҳолатлардан фуқароларни, ҳал хўжалиги тармоқларини муҳофаза қилишда, уларнинг муттасил ишлашини таъминлашда ҳамда қутқариш ва тиклаш ишларини бажаришда катта аҳамият касб этади. Албатта, фуқаролар мудофааси олдига қўйилган юқоридаги ишлар 1945 йилдан то 1990 йилгача давом этиб келди, лекин шу давргача юқоридаги ишларни бажариш учун эхтиёжлар бўлмади. Афсуски бу даврларда (тинчлик даврларида) табиий оғатлар, ишлаб чиқариш авариялари, турли хил ҳалокатлар юз бердики, ҳалқимиз, ҳалқ хўжалигимиз бундан жиддий заараланди. Бундай ҳолатларда биз бир-биrimизга ёрдам беришга тайёр эмас эдик. Мустакиллик давридагина фавқулотда ҳолатларда фуқаролар муҳофазаси томонидан етарли ижобий ишлар қилина бошланди.

ФВВнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналиши асосан: фавқулодда вазиятларни бартараф этиш, фуқаролар ҳаёти ва саломатлигини муҳофаза қилиш, фавқулодда вазиятлар юз берганда уларнинг оқибатларини тугатиш ҳамда зарарини камайтириш соҳасида давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва малга ошириш, фавқулотда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай ҳоллардаги ҳаракатларни бошқаришни Давлат тизими (ФВДТ)ни ташкил этиш ва унинг фаолиятини таъминлаш, вазирликлар идоралар, маҳаллий давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириб бориш мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш ва хакозоларга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси ФВДТ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 11 декабрдаги фармонига асосан бош вазир томонидан бошқарилади. Хозирги кунда ФВДТнинг республика, маҳаллий ва объект босқичидан иборат 14 дан худудий ва 40 тадан ортиқ функционал

куйи тизимдан иборат бўлган фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва уларда ҳаракат қилиш давлат тизими ўз фаолиятини кўрсатмоқда.

Маълумки фуқаро муҳофазаси умумхалк мудофаа ишларидан бири хисобланади. Ҳамма фуқароларнинг фуқаро муҳофазаси масалаларини хал қилишда фаол иштирок этишлари тақазо этилади. Шунинг учун хам фуқароларнинг фуқаро муҳофазаси соҳасидаги ҳуқуқлари ва бурчлари Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида» ги (2000й.) қонунининг 13 ва 14 моддаларида аниқ кўрсатиб ўтилган.

Инсонларнинг оддий ҳаёт тарзини ўзгаришига ва уларнинг соғлигига зарар келтирувчи, моддий бойликларга талофат етказувчи воқеа ходисалар юз берган ҳолатга фавқулодда вазиятлар дейилади.

Фуқароларнинг фуқаро муҳофазаси соҳасидаги ҳуқуқлари қуидагилардан иборат:

- а) Ўз ҳаёти, соғлиги ва мол-мулки ҳарбий ҳаракатлардан муҳофазаланиши;
- б) Умумий ва якка муҳофазаланиш воситаларидан текин фойдаланиш;
- в) Ҳарбий ҳаракатлар кечаётган жойларда ўзлари йўлиқишли мумкин бўлган хавф даражаси ва зарур хавфсизлик чоралари тугрисида ахборот олиш;
- г) Ҳарбий ҳаракатлардан жабрланганларга уларнинг ҳаёт-фаолиятини таъминлаш учун шароитлар яратилади, тиббий, моддий-молиявий ва бошқа хил ёрдам кўрсатилади.

Фуқароларнинг фуқаро муҳофазаси соҳасидаги мажбуриятлари қуидагилардан иборат:

- а) Фуқаро муҳофазаси соҳасидаги барча конун хужжатларига риоя қилиши;
- б) Фуқаро муҳофазаси тадбирларини бажаришда иштирок этишлари ва тегишли тайёргарликдан утишлари;
- в) Фуқаро муҳофазаси сигналларини, умумий ва якка муҳофазаланиш воситаларидан фойдаланиш қоидаларини билишлари;

г) жабрланганларга дастлабки тиббий ва бошқа хил ёрдам кўрсатишни билишлари;

д) Давлат органларига, шунингдек, ташкилотларга фуқаро муҳофазаси соҳасидаги вазифаларни хал этишда кумаклашишлари;

с) Фуқаролар муҳофазаси обьектлари ва мол-мулкини асрай билишлари шарт.

Юқоридаги мажбуриятларни тулик бажарилиши, фуқаролар муҳофазаси тизимишининг мустахкамланишини, жумладан, давлатнинг мудофаа кудратини оширишни таъминлайди.

Хозирги замонда фан ва техника тараққиёти ишлаб чиқаришнинг ҳамма тармоқларида мисли кўрилмаган даражада ўзгаришларга сабаб бўлмоқда. Ушбу ўзгаришлар бир томондан ишлаб чиқаришда юқори иқтисодий ва сифат кўрсаткичларнинг ривожига олиб келса, иккинчи томондан эса инсон ҳаёти учун ўта хавфли бўлган турли хил қирғин куролларини, турли хил авариялар, катастрофаларни вужудга келтириб табиий оғатлар билан бир қаторда инсон ҳаётига хавф туғдирмоқда.

Инсонларнинг оддий ҳаёт тарзини ўзгаришига ва уларнинг соғлигига зарар келтирувчи, моддий бойликларга талофат етказувчи воқеа ходисалар юз берган ҳолатга фавқулодда вазиятлар дейилади.

Фавқулодда вазиятларда обьектларга турли даражада зарар етиб, ишлаб чиқариш жараёнини қисман ёки бутунлай ўзгаришига сабаб бўлиши мумкин.

Фавқулодда вазиятлар қўйидаги ҳолатларда юзага келиши эҳтимоли бор.

1. Тинчлик ҳолатида:

а) табиий оғатлар натижасида;

б) ишлаб чиқаришда авария, катастрофалар юз берганда;

в) тез тарқалувчи юқумли касалликлар юзага келганда.

2. Уруш ҳолатида:

а) мамлакатлараро келишмовчиликлар;

б) мамлакатлар ичидағи келишмовчиликлар натижасида.

3. Мураккаб ҳолатда: юқоридаги ҳолатлардан бир нечаси бир-бирига боғлиқ равища юз бериши натижасида.

Фавқулодда ҳолатларга инсонлар ҳаётига зомин бўлувчи ёки уларга хавф солувчи, биноларни бузувчи, моддий бойликларни йўқотувчи катта майдонларни эгаллаган ёнгинлар, сув босиши, сув тошқини, қор кучиши, ер қимирлаш, ер кўчишлари, қулаши, бўрон ва бошқа табиат ходисалари киради.

Ишлаб чиқариш авариялари фавқулодда вазият ёки ишлаб чиқариш технологияларини бузилиши, уларнинг хавфсиз ишлатиш технологияларини бузилиши натижасида содир бўлиши мумкин.

Катта ишлаб чиқариш авариялари фавқулодда вазиятлар сифатида одамларни ҳалок бўлишига ҳалқ хўжалиги моддий бойлигини йўқолишига, ишлаб чиқариш жараёнини бузилишига олиб келади.

Фавқулодда вазиятлар кўп ҳолларда кутилмагандан тўсатдан содир бўлади ва уларни тулиқ олдини олиш мумкин бўлмайди. Шу сабабли бундай хавф содир бўлиши мумкин бўлган худудлар аҳолиси унга қарши ҳимоя тадбирларига ва уларни асоратларини тугатишга тайёр бўлиб туриши керак.

Бунда асосий қуч биринчи ўринда фавқулодда вазият худудидаги одамларни қуткаришга сўнг моддий бойликларни асрашга қаратилган бўлиши керак.

Фавқулодда ҳолатлардан ҳимояланишга қаратилган тадбирлар системаси асосан қўйидагиларни ўз ичига олади:

- фавқулодда ҳолатларни ретроспектив тахлил қилиш;
- тайёргарлик ишларини олиб бориш;
- фавқулодда ҳолатлар даврида ҳаракатга тайёрланиш;
- фавқулодда ҳолатлар оқибатларини бартараф этиш ва ҳк.;

Аварияларда ҳалокатлар ва табиий оғатлар оқибатларини бартараф этиш, мамлакатнинг авария-қутқарув хизматини доимий тайёр ҳолатини таминлаш ҳамда ишлаб чиқариш корхоналарида авариялар ва ҳалокатларни

олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни бажарилиши устидан назорат қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикасида фавқулодда ҳолатлар қўмитаси тузилган.

Фавқулодда ҳолатлар оқибатларини бартараф этишга қаратилган барча вазифалар босқичма-босқич, аниқ кетма-кетлик асосида максимал қисқа муддатлар ичида бажарилиши лозим.

Биринчи босқичда аҳолини тезкор ҳимоялаш масалалари, фавқулодда ҳолатлар хавфли омилларини тарқалишини чеклаш ва унинг таъсир даражасини камайтириш чора-тадбирлари ҳамда қутқарув ишлари каби вазифалар амалга оширилади.

Аҳолини тезкор ҳимоялашнинг асосий тадбирларига хавф тўғрисида хабар бериш; ҳимоя воситаларидан фойдаланиш; фавқулодда ҳолатлардаги режимга риоя қилишни таминлаш; хавфли зоналардан эвакуация килиш; тиббий ва бошқа турдаги ёрдамлар кўрсатиш каби ишлар киради.

Меҳнатни муҳофаза қилиш борасида қабул қилинган Қонунлардан биринчи навбатда қуидагиларни таъкидлаб ўтиш мумкин:

1992 йилнинг 13 январида “Аҳолини иш билан таъминлаш” тўғрисидаги;

1992 йилнинг 2 июлида Ўзбекистон Республикасининг “Касаба уюшмалари, улар фаолиятининг хуқуқ ва кафолатлари” тўғрисидаги;

1993 йилнинг 6 май куни Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш” тўғрисидаги;

1995 йилнинг 21 декабряда Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнат Кодекси” тўғрисидаги.

Шу билан биргаликда, меҳнатни муҳофаза қилиш қонунчилик томонидан бошқа ҳар хил меъёрий ҳужжатлар асосида ҳам таъминланади. Булар: Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисининг фармонлари, фармоишлари, қарорлари ва кўрсатмалари ҳисобланади. Ундан ташқари меъёрий ҳужжатларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ва унинг

вазирликлари, қўмиталари ҳамда маҳкамаларини қарорлари, буйруқлари ва кўрсатмалари ҳам меҳнатни муҳофаза қилишнига қаратлаган юридик хужжатлар ҳисобланади.

Юқори органларда соғлом ва хавфсиз меҳнатни ташкил этиш, меҳнаткашларни соглигини сақлашга қаратилган ҳар хил йўналишдаги ва дахлдор қонунчиликка доир норматив хужжатлар тайёрлаб чиқарилади ва уни амалга оширилиши таъминланади. Булар қаторига умумий қоидалар, меъёрлар, йўриқномалар, йўлланмалар ва бошқа юридик актлар киради.

“Меҳнат хавфсизлиги стандартлар тизими” (МХСТ).

Умумий меъёр ва қоидаларнинг талабларини бажарилиши барча давлат ва нодавлат корхоналари томонидан таъминланиши шарт. Масалан: Йўл ҳаракати қоидалари (ПДД) ҳамма юридик ёки ноюридик шахсларга аталади. Ёки, Қурилиш меъёрлари ва қоидалари (КМК эскича СНиП) - бу норматив хужжатнинг талаблари Республиkaning барча корхоналарида қурилиш қоидасини тасдиқлайди.

Ёки: - “Радиация хавфсизлигини меъёри” (НРБ -76/87);

- “Электр ускуналарни жойланиши” (ПУЭ) ва бошқалар.

Тармоқли меъёр ва қоидалар - бу хил юридик хужжатларнинг ижро таъсири фақат бир соҳа, бир йўналишга қаратилган бўлиб, бошқа дахлдор бўлмаган корхоналарга талабларини ижроси шарт эмас Масалан: “Қишлоқ хўжаликда пестицияларни ишлатиш қоидаси” ва бошқалар. Бу хилдаги қоидалар фақат дахлдор корхоналарга, ташкилотларга йўриқнома ҳисобланади.

Шу шаклда бошқа қоидалар тузилади. Масалан: “Техника хавфсизлиги”, “Меҳнат хавфсизлиги йўлланмаси”, йўриқномалар ва бошқалар.

Меҳнат муҳофазаси бўйича давлат ва жамоа назорати.

Ишлаб чиқариш усуллари, мулк шаклидан қатъи назар меҳнатни муҳофаза қилишни ташкил этишнинг ягона тартибини белгилайдиган ҳамда фуқароларининг соғлиғи ва меҳнатни муҳофаза қилинишини таъминлашга

қаратилган “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 1993 йил 6 май кунидан бошлаб амалга киритилди.

Ушбу Қонун 29 моддадан таркиб топган бўлиб 5 бўлимга тартиблаштирилган.

Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва меъёри, шунингдек меҳнат қилиш қонуниятларининг бажарилишини таъминловчи умумий ва маҳсус давлат назорат ташкилотлари мавжуд.

Меҳнатни муҳофаза қилишдаги давлат бошқаруви - бу меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини текшириш ва назорат қилиш бўлиб, улар қуидагилардир:

- давлат органларининг маҳсус вакиллари томонидан белгиланган инспекциялар;
- қасаба уюшмалари ҳамда улардаги меҳнат ҳуқуқи ва техника бўйича инспекциялар.

Ҳамма вазирликлар, бошқармалар ва корхоналарда меҳнат қонуниятларининг аниқ бажарилиш Республика Прократураси назорати остида олиб борилади. Прократура назорати Машғулот саволлари: асосида ёки фуқароларнинг аризаси, ёки корхоналарнинг маълумотлари ҳамда фуқароларнинг аризалари асосида текшириш йўли билан амалга оширилади.

Прократура умумий назорат тартибида текшириш натижаларидан корхона раҳбар ходимларини хабардор этади ва меҳнат қилиш қоидаси бузилишини тезда бартараф этишни талаб қиласи ва раҳбар ходимларга маъмурий чора кўрилишини сўраб юқори раҳбар ходимларга мурожаат этади. Агар жиноят содир бўлганлиги аниқланса, раҳбар ходимларни жиноий жавобгарликка тортади. Ўлим содир бўлган оғир баҳтсиз ходисага учраган ҳолатларда прократура мустақил текшириш ўтказади.

Меҳнат қонуниятлари бузилмаслигининг умумий назоратини меҳнаткашлар депутатлари кенгashi ва уларнинг ижроия қўмиталари ҳам амалга оширади.

Бундан ташқари, меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга ҳамма жойларда риоя этилиши устидан давлат назоратини бунга маҳсус ваколат берилган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган низом асосида ишловчи давлат идоралари ва инспекциялари амалга оширадилар.

Шулар қаторига;

1. Касаба уюшмаси марказий қўмитаси техник инспекцияси;
2. Саноатда хавфсиз иш олиб бориш ва тоғ ишлари хавфсизлиги техник давлат назорати (Госгортехнадзор);
3. Давлат санитар - эпидемиологик назорати. (Санэпидстанция);
4. Давлат энергетика назоарти. (Энергонадзор);
5. Давлат ёнғин назорати (Госпожнадзор);
6. Табиатни муҳофаза қилиш давлат назорати;
7. Сув ва сув манбаларининг тозалигини ҳимоялаш давлат назорати;
8. Давлат автомобил назорати (ДАН, ЙХХХ).

Касаба уюшмасининг техник назорати. Касаба уюшмалари давлат ва хўжалик идоралари олдида ходимларнинг меҳнати муҳофаза қилинишига доир ҳуқуқларини ҳимоя қиласидилар, унинг рўёбга чиқарилиши устидан назоратни ҳар бир саноат корхонасида амалга оширадилар, ана шу мақсадда ўз қарамоғларида низом асосида ишловчи меҳнат техник инспекциясига эга бўладилар, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича давлат сиёсатини ишлаб чиқаришда, меъёрий ва ҳуқуқий фаолиятда иштирок этадилар. Меҳнат муҳофаза қилиш масалаларига доир барча меъёрий ҳужжатлар (стандартлар, қоидалар, меъёрлар, йўриқномалар ва ҳакозо) касаба уюшмалари олдиндан кўриб чиққанидан кейин тегишли идоралар томонидан қабул қилинади.

Ходимнинг меҳнатини муҳофаза қилинишига бўлган ҳуқуқлари рўёбга чиқарилиши устидан назоратни амалга ошириш чоғида касаба уюшмаларининг меҳнат бўйича техник инспекцияси исталган корхонани bemalol кўриш, аниқланган нуқсонларни бартараф этиш тўғрисида маъмуриятга кўрсатмалар бериш, мансабдор шахсларга жарима солиш, агар

бундан буён ишлатиладиган ускуналар мөхнат қилувчилар соғлиги ёки ҳаётига хавф туғдирса ускуналар, участкалар, сехлар ишилари вақтинча түхтатиб қўйиш, ишлаб чиқаришда ходим дучор бўлган баҳтсиз ҳодисаларни текширишда қатнашиш (ёки уни мустақил ўтказиш)га ҳақлидир.

Саноатда хавфсиз иш олиб бориш ва тоғ ишлари хавфсизлиги техник давлат назорати тоғ саноати, тоғ руда саноати, нефт қазиб чиқариш, металлургия, геология, сув иситиш қозонлари, буғ ва иссиқ сув қувурлари, юк кўтариш кранлари, лифтлар, эскалаторлар, осма пассажир йўллари (ва ҳоказо) ишларини назорат қиласди.

Давлат санитария назорати. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат санитария назорати хизматлари орқали амалга оширилади. Санитар назоратининг асосий вазифаси ташки мухитнинг (сув ҳавзалари, тупроқ, атмосфера) саноат чиқиндилари билан ифлосланмаслигини кузатиб бориш, шунингдек саноат корхоналарининг санитария-гигиена ҳолатини ва касб касалликларининг келиб чиқмаслик чора-тадбирларини амалга оширишдан иборатдир. Давлат энергетика назорати. Энергетика вазирлиги томонидан амалга оширилади. Уларнинг асосий вазифаси электр ва иссиқлик курилмаларидан тўғри фойдаланишни кузатиш ҳамда уларнинг хавфсиз ишлатилишини таминлаш борасидаги чора-тадбирларнинг амалга оширилишини назорат қилишдан иборат.

Фойдаланилган манбалар:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 17 августдаги “Аҳолини ва худудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни ЎРҚ-790-сон.
2. “Фуқаро муҳофазаси тўғрисида”ги Қонун. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. –Т.: 2000 й., 5-6-сон.
3. “Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонун. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. –Т.: 2006 й., 39-сон.

4. Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 сентябрдаги “Ёнгин хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуни ЎРҚ-226-сон.

*P.A.Абсаламов**
*A.Б.Ахмедов**

Шаҳар ҳудудларида фавқулодда вазиятлар шароитида ва уларнинг оқибатларини бартараф этишда профилактика инспекторларининг вазифалари

ФВДТ бошқарув органларининг объектлар даражасидаги вазифалари қуидагилардан иборат:


- Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш, объектлар ишининг ФВ чоғида ишончлилиги ва барқарорлигини оширишга доир тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга раҳбарлик қилиш;
- Бошқарув органларининг, объектлар куч ва воситаларининг ФВ чогидаги ҳаракатларга тайёрлигини таъминлаш;
- Авария қутқарув ҳамда бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларга шу жумладан, объектлар ходимларини эвакуация қилишга раҳбарлик қилиш;
- Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун молиявий ва модций ресурслар захираларини яратиш;
- Объектларнинг раҳбарлар таркиби, куч ва воситалари, шунингдек, ходимларини ФВлардаги ҳаракатларга тайёрлашни ташкил этиш.

Ҳар бир корхонанинг ФМ бошлиғи ФМни ташкил этилишини, унинг ҳолатини, кучларини, техникасини доимий тайёр ҳолатда бўлишлигини назорат этади, ҳамда қутқарув ва қайта тиклаш ишларига бошчилик кйлади. Корхона ФМнинг бошлиғи шу корхона жойлашган туман ФМга ва шу корхонанинг юқори ташкилоти ФМсига бўйсунади.

1-чизма қутқарув отрядларининг ташқилий тузилиши қуидагича бўлиши мумкин:

*Ўзбекистон Республикаси ФВВ Академияси Бошқарувуни ташкил этиш, назорат ва ҳуқуқий таъминот кафедраси бошлиғи в.б, техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

*Бошқарувуни ташкил этиш, назорат ва ҳуқуқий таъминот кафедраси катта ўқитувчиси доцент.



Хар бир корхонанинг ФМ бошлиғага ўринбосар тайинланади. Катта корхоналарда бир неча ўринбосарлар тайинланади, жумладан:

- а) Ишчи хизматчиларни жойлаштириш (ёки эвакуация бўйича);
- б) Мухандис техник ишлари бўйича;
- в) Моддий техника таъминоти бўйича. ФМнинг ишчи хизматчиларни жойлаштириш бўйича ўринбосари жойлаштириш Режаларини ташкил этади, уларнинг оиласарини эвакуация этиш, жамоат тартибини сақлаш ишларига бошчилик қилиш ҳамда ишчи хизматчиларни бир жойдан иккинчи жойга ташиш ишларини ташкиллаштириш вазифаларини бажаради.

ФМнинг мухандис техник бўлими ўринбосари корхонанинг бош мухандиси хисобланади. Бунинг вазифаси ишлаб чиқаришни алоҳида режим асосида ишлаш Режасини тузиш, тинчлик даврида ишлаб чиқаришни муттасил ишлашини таъминлаш, экстремал ҳолатларда авариятехника ва ёнфинга карши хизматларни, қутқариш ишларини олиб боради.

Бундан ташкари, табиий оғатлар, авария, халоқат бўлганда қутқариш ва аварияни тўсиш ҳамда қайта тиклаш ишларига бошчилик килади.

ФМнинг моддий техника таъминоти бўйича ўринбосари қилиб корхонанинг таъминот бўйича бошлиқ ўринбосари тайинланади. Бу мансабдор шахс маҳсус жихозларни, техника, транспорт ва муҳофазага тааллуқли жихозлар билан таъминлайди ва сақлайди. Яна у бошпаналарни

куриш ва ўз қўл остидаги ишчи хизматчиларни эвакуация қилишни таъминлайди ҳалда иншоотларни таъмирлаш ишларини бажаради.

Корхонада ФМнинг штаби тузилади. Бу штабда ҳар хил бўйруқлар, бажариладиган чора-тадбирлар ва ФМнинг юқори ташкилот талабномалари, иш Режалари ишлаб чиқилади, унинг бажарилиш хисботлари тузилади. Корхона штаб бошлиғи этиб, шу корхонанинг ФМ бошлигининг биринчи ўринбосари тайинланади. ФМнинг штаби зиммасида ишчи хизматчиларни ва корхона ходимлари оиласарини қирғин қуроллар таъсиридан, душманнинг бевакг хўжумидан ўз вақтида огоҳ қилиш вазифаси туради.

ФМ штаби асосида қўйидаги хизматли тизимлар ташкил этилади:

- Алоқа ва ташвикот;
- Медицина;
- Радиация ва кимёвий қуроллар таъсирига карши;
- Жамоат тартибини сақлаш;
- Электр таъминоти;
- Авария техникани таъмирлаш;
- Панада ва қочоқлар масканида хизмат кўрсатиш;
- Транспортда хизмат кўрсатиш;
- Моддий таъминот ва бошқа вазифалар.

Буларга маҳсус топширикларни бажариш вазифалари топширилади. Юқоридаги ҳар бир хизматга ФМ бошлиғи томонидан раҳбар этиб, бўлим, цех, смена бошликлари тайинланади.

Юқорида таъкидланган фуқаролар муҳофазасининг хизматли тизимларидан ташкари техника ва транспорт воситаларига маҳсус қайта ишлов беришда ФМнинг бир катор хизматли қисмлари кенг ишларни ташкил этади. Жумладан, ФМ лабораториялари радиоактив ва заҳарли моддаларни аниклаш учун радиометрик ва кимёвий тахлил ишларини олиб боради. Улар асосан корхона ёки ташкилотларнинг лабораториялари таркибида ташкил этилиб, унга мутахассислар жалб қилинади ва керакли асбоб ускуналар билан жиҳозланади.

Радиоактив моддалар ва биологик воситалар билан захарланган одамларни тулик санитарқайта ишловдан ўтказиш учун ювениш масканлари ташкил этилади. Бу масканлар асосан ҳаммом ва душхоналар асосида ташкил этилиб, улар олдиндан тайёрлаб қўйилади. Бу масканларда кийимкечаклар, пойафзал ва шахсий сақловчи воситаларни дезактивация килувчи майдончалар тайёрланиб жихозланади. Бир ювениш маскани бир соатда 80 одамни санитар қайта ишловдан ўтказади.

Кийим-кечак, пойафзал шахсий сақловчи воситаларни дегазация, дезактивация ва дезинфекция қилиш учун кийимкечакларни зарарсизлантирувчи масканлар ташкил этилади. Булар асосан ҳаммом ва кийим-кечакларни юувучи масканлар таркибида ташкил этилади. Бундай масканлар 1 соат ичидаги 50100 кг кийим-кечакларни қайта ишлаш қувватига эга.

Транспорт воситаларни дегазация, дезинфекция ва дезактивация қилиш учун эса зарарсизлантириш шахобчалари ташкил этилади. Бу зарарсизлантириш шахобчалари асосан транспортларни юувучи қисмлари таркибида ташкил этилиб, улар 1 соат мобайнида 45 та юк автомашиналарини зарарсизлантириш имкониятига эга.

Фавқулодда ҳолатда қўлланиладиган чоралар ва чекловлар.

Ўзбекистон Президентининг фавқулодда ҳолатни жорий этиш тўғрисидаги Фармони билан фавқулодда ҳолатнинг амал қилиш даврида қўйидаги чоралар ва вақтинчалик чекловлар қўлланилиши мумкин:

- комендантилик соатини жорий этиш;
- қарантин жорий этиш, санитария ва эпидемияга қарши, ветеринария ва бошқа тадбирларни амалга ошириш;
- жамоат тартибини сақлаш, ўта муҳим ва тоифаланган обьектлар ҳамда аҳолининг ҳаётий фаолиятини таъминловчи обьектларнинг қўриқланишини кучайтириш;
- Ўзбекистон фуқаролари, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахсларни шахсий текширувдан ўтказиш, уларнинг шахсини тасдиқловчи

хужжатлари, буюмлари, турар жой ва транспорт воситаларини текширувдан ўтказиш;

- фавқулодда ҳолат режимини бузаётган ва фавқулодда ҳолат жорий этилган ҳудудда яшамайдиган шахсларни ўз ҳисобидан, маблағлари бўлмаган тақдирда кейинчалик суд тартибида қоплаш шарти билан Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан мазкур ҳудуддан чиқариб юбориш;

- аҳолини вақтинчалик стационар ёки кўчма турар жойлар билан мажбурий равишда таъминлаган ҳолда хавфсиз ҳудудларга кўчириш;

- моддий ва маданий бойликларнинг йўқ қилиниши, ўғирланиши ёки шикастланишига таҳдид мавжуд бўлган тақдирда, уларни хавфсиз ҳудудларга эвакуация қилиш, кўчмас объектлари бўйича эса сақлашга доир тегишли чораларни кўриш;

- фавқулодда ҳолатни жорий этиш учун асос бўлган ҳолатларни бартараф этишга тўскинлик қилувчи сиёсий партиялар ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларнинг фаолиятини тўхтатиб туриш;

- давлат захираларини жалб қилиш, мулкчилик ва ташқилий-хуқуқий шаклларидан қатъи назар ташкилотларнинг ресурсларини сафарбар этиш, уларнинг иш тартибини ўзгартириш, ушбу ташкилотларни фавқулодда ҳолат шароитларида зарур бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга қайта ихтисослаштириш ва ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятига бошқа зарурий ўзгартиришлар киритиш;

- авария-қутқарув ва бошқа кечиқтириб бўлмайдиган ишларни амалга ошириш ҳамда таъминлаш зарурияти билан боғлиқ бўлган истисно ҳолларда, меҳнат муҳофазаси талабларига мажбурий риоя қилган ҳолда меҳнатга лаёқатли аҳолини, юридик ва жисмоний шахсларнинг транспорт воситаларини мазкур ишларни амалга оширишга жалб этиш;

- озиқ-овқат, дори-дармон ва бирламчи эҳтиёж маҳсулотларини сотиш, харид қилиш ва тақсимлашнинг алоҳида тартибини белгилаш;

- маҳсус воситалар, заҳарли моддаларни сотишни тақиқлаш, таркибида гиёҳвандлик воситалари ва уларнинг аналоглари, психотроп ва

кучли таъсир этувчи моддалар бўлган дори воситалари ва препаратлар, этил спирти, алкоголь маҳсулотлари айланмасининг алоҳида тартибини белгилаш. Истисно ҳолларда, фуқаролардан қурол ва ўқ-дорилар, ташкилотлардан эса қурол, ўқ-дорилар, маҳсус воситалар ва заҳарли моддалар, шунингдек жанговар ва ўкув-жанговар (ўкув) техника, портловчи ва радиоактив моддаларни вақтинчалик олиб қўйиш;

- фавқулодда ҳолат жорий этилган худудларда давлат бошқаруви органлари (уларнинг таркибий бўлинмалари) ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ваколатларини тўлиқ ёки қисман тўхтатиб туриш;
- портловчи, радиоактив, кимёвий ва биологик хавфли моддалардан фойдаланадиган хавфли ишлаб чиқаришлар ва ташкилотлар фаолиятини тўхтатиб туриш;
- фавқулодда ҳолат жорий этилган худуд бўйича ҳаракатланиш эркинлигини чеклаш, мазкур худудга кириш ва ундан чиқишининг алоҳида тартибини жорий қилиш, ушбу худудда, зарур ҳолларда Ўзбекистон Республикасининг бутун худудида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг кириб келиши ва бўлишига чекловлар жорий этиш;
- транспорт воситалари ҳаракатини чеклаш ва уларни текширишни кучайтириш;
- фаолиятнинг айрим турларини, жумладан товарлар, ишлар ва хизматларни амалга оширишга чекловлар ўрнатиш;
- йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар, шунингдек бошқа оммавий тадбирлар ўтказишни тақиқлаш ёки чеклаш;
- оммавий ахборот воситалари фаолиятини шартлари ва тартиби кўрсатилган ҳолда чеклаш, шунингдек, нашр маҳсулотларини, радиоузатувчи, овоз кучайтирувчи воситалар, нусха кўпайтириш техникасини вақтинчалик олиб қўйиш ёки хатловга олиш, журналистларни аккредитациялашнинг алоҳида тартибини белгилаш.

Фавқулодда ҳолатни жорий этиш ҳолатларидан келиб чиқиб, чора-тадбирларнинг бутун мажмуи ёки уларнинг айримлари жорий этилади.

Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида жорий этилган фавқулодда ҳолатнинг бутун амал қилиш муддати мобайнида сайловлар ва референдум ўтказилмайди.

Сайланган тегишли давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва мансабдор шахслар ваколат муддати фавқулодда ҳолат даврида тугаган тақдирда, мазкур органлар ва шахсларнинг ваколат муддати ушбу Қонунда белгиланган тартибда тўхтатиб турилмаса, фавқулодда ҳолат даври тугагунига қадар узайтирилади.

Фавқулодда ҳолат режимини таъминлаш учун Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати ва Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг, шунингдек фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимиға кирувчи бошқа давлат органлари ва ташкилотларининг куч ва воситаларидан фойдаланилади, дейилади ҳужжат лойиҳасида.

Ҳукуқлар кафолати

Авария-күтқарув ва бошқа кечиқтириб бўлмайдиган ишларни амалга ошириш ва таъминлаш учун жалб этилган шахсларга меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ меҳнатига ҳақ тўлаш кафолатланади.

Фавқулодда ҳолат жорий этиш учун асос бўлиб хизмат қилган ҳолатлар натижасида жабрланган ёки бундай ҳолатларни бартараф этиш ёки уларнинг оқибатларини бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар қўлланилиши муносабати билан жабр кўрган шахсларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган шартлар ва тартибда тураг жойлар берилади, етказилган моддий зарап қопланади, ишга жойлашишда кўмак берилади ва зарур ёрдам кўрсатилади.

Фавқулодда ҳолатда қўлланиладиган Ўзбекистон Конституцияси, қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг, уларнинг мансабдор шахслари

ваколатлари, Ўзбекистон фуқаролари, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар, юридик шахсларнинг хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ўзгаришига (чекланишига) олиб келадиган чоралар ва вақтингачалик чекловлар вужудга келган ҳолатнинг кескинлиги талаб қиласидаги чегаралар доирасида бўлиши шарт.

Фавқулодда ҳолатда қўлланиладиган чоралар ва вақтингачалик чекловлар Ўзбекистоннинг инсон хукуқлари соҳасидаги халқаро шартномаларига зид бўлмаслиги керак. Фавқулодда ҳолатнинг жорий этилиши қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала турларини қўллашга, яшаш, фикрлаш, виждан, дин эркинлиги хукуқини ҳар қандай чеклашга асос бўла олмайди.

Фавқулодда ҳолатда қўлланилиши мумкин бўлган фуқаролар ва юридик шахсларнинг конституциявий хукуқларига чекловлар қатъий ҳисобланади, уларни кенгайтириб талқин этишга ва бошқа чекловлар ўрнатилишига йўл қўйилмайди.

Комендантлик соати қоидаларини бузган фуқароларни ушлаб туриш тартиби.

Комендантлик соати қоидаларини бузган шахслар комендантлик соатининг охиригача, шахсини тасдиқловчи ҳужжатга эга бўлмаган шахслар эса — уларнинг шахси аниқлангунга қадар, бироқ 48 соатдан ортиқ бўлмаган муддатга ҳарбий комендант ёки ички ишлар органи бошлигининг қарори билан ушлаб турилади. Белгиланган муддат суд қарори билан ўн суткадан ортиқ бўлмаган муддатгача узайтирилиши мумкин.

Ушлаб турилган шахслар, улар билан бирга бўлган нарсалар ва транспорт воситалари текширилиши мумкин.

Ички ишлар органи бошлигининг ушлаб туриш тўғрисидаги қарори устидан юқори мансабдор шахсга ёки суд тартибида шикоят қилиниши мумкин.

Комендантилек соати қоидаларини бузган шахсларни ҳибсга олиш ва вақтингча ушлаб туриш ва улар бўйича чиқарилган қарорларнинг қонунийлигини назорат қилиш прокурор томонидан амалга оширилади.

Фавқулодда ҳолат жорий этилган ҳудудда одамлар, ҳайвонлар ва ўсимликларнинг хавфли юқумли касалликлари тарқалиш хавфи туфайли қарантин жорий этилган тақдирда, фавқулодда ҳолат режимини бузган, белгиланган ҳудудда яшамайдиган ва ундан ташқарига чиқариб юборилиши лозим бўлган фуқаролар бундай фуқароларни кузатишнинг белгиланган муддати тугагунга қадар умумий асосларда ушлаб турилади.

Қарантин (пандемия) эпидемиологик нокулай шароит.

Пандемия пайтида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумати унинг оғир оқибатларини бартараф этиш мақсадларида алоҳида бошқарувни амалга ошириб, маҳсус Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини қабул қилиши кўзда тутилган. Чунончи, COVID-2019 пандемиясининг асорати Ўзбекистонга унчалик катта таъсир кўрсатмаслиги учун қуйидаги Қарор қабул қилинган эди: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.04.2020 й. 254-сон "Ўзбекистон Республикасида коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олишга доир қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида" ги Қарори

Ушбу қарорга асосан:

1. Тошкент вилоятининг Юқори Чирчик туманида коронавирус инфекциясини юқтирганликда гумон қилинган шахсларни вақтингчалик карантинда сақлашга мослаштирилган мажмуа барпо этилди.

2. Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳокимлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузурида Коронавирус инфекциясини юқтирганликда гумон қилинган шахсларни вақтингчалик карантинда сақлашга мослаштирилган мажмуасини бошқариш бўйича маҳсус марказ ташкил этилди.

3. Қуйидагилар:

Коронавирус инфекциясини юқтирганлиқда гумон қилингандай шахсларни вактингалик карантинда сақлашга мослаштирилған мажмуани башқариш маҳсус марказининг тузилмаси тасдиқланди.

Коронавирус инфекциясини юқтирганлиқда гумон қилингандай шахсларни вактингалик карантинда сақлашга мослаштирилған мажмуада эпидемияга қарши чора-тадбирларни амалга ошириш вактингалик тартиби тұғрисида низом тасдиқланди.

Коронавирус инфекциясини юқтирганлиқда гумон қилингандай шахсларни үй шароитида карантинга жойлаштириш ва сақалаш вактингалик тартиби тұғрисида низом тасдиқланди.

Шу билан бирга:

Қарақалпоғистон Республикаси, вилояттар ва Тошкент шаҳрида карантин мажмуалари ташкил этилганда Коронавирус инфекциясини юқтирганлиқда гумон қилингандай шахсларни вактингалик карантинда сақлашга мослаштирилған мажмуада эпидемияга қарши чора-тадбирларни амалга ошириш вактингалик тартиби тұғрисидаги низомга мувофиқ чора-тадбирлар амалга оширилади.

Тошкент шаҳар ҳокимига карантин мажмуасыда сақланаётган коронавирус инфекциясини юқтирганлиқда гумон қилингандай шахслар сонидан келиб чиқиб Карантин марказининг тузилмасига үзгартеришилар киритиш хуқуқи берилді.

4. Карантин марказининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди:

коронавирус инфекциясини юқтирганлиқда гумон қилингандай шахсларни қабул қилиш, сақлаш ва карантин мажмуасидан чиқаришни ташкил этиш;

карантин мажмуасини самарали башқариш, карантин мажмуасыда коронавирус инфекциясини тарқалишини олдини олиш бүйича зарур чоралар күриш ва карантинга олингандай шахслар, шунингдек жалб қилингандай мутахассис, ходим ва ҳарбий хизматчилар тиббий назоратини тизимли равишда олиб бориши;

хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан карантинга олинган шахсларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, шунингдек уларга юклатилган мажбуриятларни бажаришларини назорат этилишида ҳамкорлик қилиш;

карантинга олинган шахсларни қабул қилиш, сақлаш ва карантин мажмуасидан марказлаштирилган тартибда чиқаришни ташкил этишда давлат органлари ва ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

карантин мажмуасида мунтазам, шу жумладан, карантин тадбирлари якунлангандан кейин дезинфекция ишларини амалга оширишни таъминлаш.

5. Белгилаб қўйилди, Карантин маркази:

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг юридик шахс мақомига эга бўлган давлат унитар корхонаси шаклидаги таркибий бўлинмаси ҳисобланиб, мустақил балансгаҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Газначилигига шахсий ҳисобваракларига эга бўлади;

директори Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган ҳолда Тошкент шаҳар ҳокими томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

фаолияти манфаатдор вазирлик ва идоралар вакиллари ҳамда ёрдамчи ва техник ходимларни жалб қилган ҳолда ташкил этилади;

мажмуадаги барча мол-мулклардан самарали фойдаланишни ва уларни бут сақланишини таъминлайди;

мажмуани сақлаш ва эксплуатация қилиш бўйича шартномалар тузади;

озиқ-овқат маҳсулотлари, биринчи навбатдаги дори воситалари, ниқоб, дезинфекция воситалари ва бошқа зарур товарларни истисно тариқасида, тендер савдоларисиз, ишлаб чиқарувчи (хизмат кўрсатувчи) лар билан тўғридан-тўғри шартнома тузиш орқали харид қиласи;

ўзининг фаолияти, юзага келаётган тизимли муаммолар, карантинга олинган шахслар, шунингдек жалб қилинган мутахассис, ходим ва ҳарбий хизматчилар тиббий назорати тўғрисида ҳар кунлик маълумотлар ҳамда фавқулодда вазиятлар ҳақида дарҳол Ўзбекистон Республикасига

коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича Республика маҳсус комиссиясига электрон тарзда ахборот киритиб боради.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардияси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги карантин мажмуасига меҳнат ва хизмат фаолиятини олиб бориш мақсадида тегишли мутахассис, ходимлар ва ҳарбий хизматчиларнинг бириктирилишини таъминлади.

Белгиланди, жалб қилинган мутахассис, ходим ва ҳарбий хизматчилар меҳнат ва хизмат фаолиятини:

асосий иш жойидан ажралган ва ойлик иш ҳақи (пул таъминоти) сақланган ҳолда олиб борадилар ҳамда уларга тегишли вазирлик ва идоралар томонидан уларни қўшимча моддий рағбатлантириш чоралари кўрилади;

бевосита карантин мажмуасида истиқомат қилиб, унда ўрнатилган режимга риоя қилган ҳолда олиб борадилар.

7. Карантин марказининг моддий-техника базасини шакллантириш ва жорий сақлаш, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ва қўшимча моддий рағбатлантириш, шунингдек карантинга олинган шахсларни ҳамда жалб қилинган мутахассис, ходим ва ҳарбий хизматчиларни озиқ-овқат маҳсулотлари, биринчи навбатдаги дори воситалари, ниқоб, дезинфекция воситалари ва бошқа зарур нарсалар билан таъминлаш харажатлари қуидагилар ҳисобидан қопланди:

8. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Геология ва минерал ресурслар Давлат қўмитаси, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари қўмитаси билан биргаликда эпидемиологик вазиятдан келиб чиқиб карантин тадбирлари тугатилгандан сўнг 5 кун муддатда ушбу мажмуадаги иншоотлардан самарали фойдаланиш юзасидан Комиссияга таклиф киритилиши белгилаб берилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари - карантин марказларига умумий раҳбарлик қилиш ва жалб қилинган мутахассис, ходим ва ҳарбий хизматчилар фаолиятини мувофиқлаштиришга;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги - карантинга олинган шахслар, шунингдек жалб қилинган мутахассис, ходим ва ҳарбий хизматчилар тиббий назоратини тизимли равища олиб борган ҳолда уларни соғлигини сақлашга ва карантин мажмуасида коронавирус инфекцияси тарқалишини олдини олишга;

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги - карантин мажмуалари периметри бўйлаб кеча-кундуз қўриқлашга;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардияси - карантин мажмуаларида ички тартиб-қоидаларига риоя этилишини таъминлашга ва жамоат тартибини сақлашга;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги - карантин марказларини ўрнатилган тартибда Интернет жаҳон ахборот тармоғи билан таъминлашга масъул ҳисобланиши белгилаб қўйилди.

Фойдаланилган манбалар:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 17 августдаги “Аҳолини ва худудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни ЎРҚ-790-сон.

2. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 15 декабрдаги “Фавқулодда ҳолат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонуни ЎРҚ-790-сон.

3. “Фуқаро муҳофазаси тўғрисида”ги Қонун. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. –Т.: 2000 й., 5-6-сон.

4. ЎзРес Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда

ҳаракат қилиш давлат тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 171-сонли Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 сентябрдаги “Аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга ва фуқаро муҳофазаси соҳасида тайёрлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 754-сонли Қарори.

*И.Б.Атамирзаев**
*М.Р.Абдусатторов**

Хуқуқий таълимни такомиллаштиришда ички ишлар органлари имкониятларидан фойдаланиш масалалари

Барчамиз гувоҳи бўлиб турганимиздек, мамлакатимиз таълим тизимида туб ислоҳлар амалга оширилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси халқ таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўтган даврда бу борада муайян ишлар амалга оширилди. Шунинг билан бирга, соҳадаги муносабатларни тартибга солувчи асосий хуқуқий ҳужжат –“Таълим тўғрисида”ги қонун мутлақо замонавий талаблар асосида қабул қилди. Қонунда таълим соҳасидаги асосий принциплар, таълим тизими, турлари ва шакллари аниқ белгилаб қўйилди.

Жамиятда қонун устуворлигига эришиш учун фуқаролар ўзларининг конституциявий хуқуқ ва эркинликларини нафақат билиши, айни пайтда, уларни ҳимоя қила олиши ҳам лозим. Бунда хуқуқий тарғибот ва хуқуқий таълим ривожи муҳим ўрин тутади.

Қонунларни, унда мустаҳкамланган ўз хуқуқ ва бурчларини мукаммал билган ҳар бир шахс ўзини эркин ҳис этади, ўз қадр-қиммати учун ўзи мустақил кураша олади.

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Давлат-хуқуқий фанлари ва инсон хуқуқларини таъминлаш кафедраси тадқиқотчиси.

*Наманган давлат университети Юридик факультети З-босқич талабаси Абдусатторов Мухаммадрасул Рустамжон ўғли.

Қонун ва бошқа хуқуқий-меъёрий хужжатларни муваффақият билан ҳаётга татбиқ этиш кўп жиҳатдан янгича хуқуқий онгни, хуқуқий маданиятни шакллантириш билан боғлиқ.

Хуқуқий маданиятни ижтимоий онгга сингдириш ҳамда аҳолининг юриш-туриши ҳамда феъл-авторида тегишли кўникмаларни шакллантириш осонгина амалга ошириладиган иш эмас. Хуқуқий маданиятни шакллантириш барча давлат органлари, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, нодавлат ташкилотлар, таълим муассасалари, маҳалла институти, мактаб, оила, ўзини-ўзи бошқариш органларининг баҳамжиҳат, мақсадга йўналтирилган улкан маърифий-ташкилий фаолияти натижасида амалга ошадиган фаолият ҳисобланади. Зеро, хуқуқий маданият даражаси қабул қилинган қонунлар сони билан эмас, балки уларнинг бажарилиш савияси ва самараси билан белгиланади [1].

Халқимиз, айниқса, ёшларнинг хуқуқий онги ва маданиятини ошириш ва хуқуқий тарбияни янада яхшилаши - давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 9 январдаги "Жамиятда хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармонида аҳолининг хуқуқий маданиятини ошириш ҳамда қонунийликни мустаҳкамлаш каби вазифаларга алоҳида эътибор қаратилиб, хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни юксалтиришда шахсий манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш ғояларини аҳоли онгига сингдириш ишларининг етарли олиб борилмаслиги ҳам қонун устуворлигини таъминлашга ўзининг жиддий салбий таъсирини кўрсатаётганлиги танқид остига олинган.[2]

Хусусан, бу борада аҳоли орасида хуқуқий маданиятни юксалтиришда ўз ўрнига эга бўлган ички ишлар органларига ҳам бир қатор вазифалар юклатилган.

Жумладан, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда таълим муассасаларида турли хуқуқбузарликлар, қоидабузарликлар, гиёхвандлик ва

бошқа салбий ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича маҳсус дастурлар ишлаб чиқилиши ва уларнинг амалга оширилиши, оилавий нотинчлик ҳамда болалар назоратсизлиги ва қаровсизлигини жиноятларнинг олдини олиш, болалар орасидаги салбий оқибатлари тўғрисида телекўрсатувлар, ток-шоулар тайёрлаш, профилактика инспекторларининг ёрдамчилари ва «Фидокор ёшлар» жамоатчилик патруль гуруҳлари аъзоларининг янги қабул қилинаётган қонун хужжатларидан хабардорлик даражасини ошириш мақсадида тегишли тадбирларни амалга ошириш, тарбияси оғир вояга етмаганларга кучайтирилган ҳуқуқий таълим бериш ва тарбиялашга оид маҳсус дастурларни қўллаш, диний экстремизм, терроризм, «коммавий маданият» ва бошқа ёт ғояларга қарши мустаҳкам иммунитетни шакллантиришга қаратилган маҳсус видеороликлар тайёрлаш, соҳага тегишли ахборот-таҳлил мультимедиа марказларининг ҳуқуқий тарғибот соҳасидаги фаолиятини кучайтириш, озодликдан маҳрум этилган шахсларнинг келгусида ижтимоий ҳаётга мослашуви учун қўмак бериш мақсадида жазони ижро этиш муассасаларида масофадан туриб таълим олиш тизимини йўлга кўйиш, жазони ижро этиш муассасаларида ҳуқуқий билимларни ўргатиш, ҳуқуқий маърифат ва судланганларни ҳуқуқий тарбиялаш мақсадида «Ҳуқуқ ва мен», «Жиноят оламидан қайтиш» номли маърифий-ҳуқуқий машғулотларни мунтазам ўtkазиш тизимини жорий этиш, юридик олий таълим муассасаларининг илмий-тадқиқот институтлари, судлар, ҳукукни муҳофаза қилувчи органлар билан алоқаларини кучайтириш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, ҳуқуқий фанларни ривожлантиришнинг илмий асосланган режаларини ишлаб чиқиш ва унинг устувор йўналишларини аниқлаш каби вазифаларни ўз ичига олган.

Ички ишлар органлари ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим соҳасида амалга оширган ишлари таҳлил қилинганда, ўтган давр мобайнида ушбу йўналишда аниқланган камчиликлар бартараф этиб борилаётганлиги, тарғибот ва ҳуқуқий таълим соҳасида ишни тўғри ташкил қилиш борасида дастур ва чора-тадбирлар ишлаб чиқилганлиги, Адлия органлари билан

ҳамкорликда жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтириш борасида аҳоли ва ёшлар билан "Жамиятда қонунларга ҳурмат руҳини қарор топтириш демократик хуқуқий давлат қуришнинг гаровидир!" деган концептуал ғоя асосида учрашув, конференция, мунозара ва давра сұхбатлари ташкил этилди.

Хуқуқий таълимни шакллантиришнинг ўзагини хуқуқий ахборот ташкил қылса, бу борада ҳам телевидения, матбуот ва интернет тармоғи орқали етказиб бериш амалиёти кенг йўлга қўйилди. Интернет тармоғида "Хуқуқий тарғибот", "Маърифат дарси" ва бошқа кўплаб номлар остида вазирликнинг расмий саҳифалари фаолият юритиб, аҳолини хуқуқий ахборот билан таъминлаб келмокда.

Жамиятимиз ҳуқуқий таълим тизимининг бугунги ҳолатини таҳлил қиласиган бўлсак, ҳуқуқий таълим тизимнинг таркибий қисми ҳисобланган барча ҳуқуқий институт ва муассасалар бир маромда ҳаракат қилмаётганлигини қўришимиз мумкин.

Масалан, қонунчилик фаолияти жўшқин ривожланаётган бўлса, уларни амалга ошириш, қўллаш, аҳоли орасида тарғибот фаолиятида муайян муаммолар кўзга ташланмоқда. Маълумки, ҳуқуқий маданият даражаси қабул қилинган қонунлар сони билан эмас, балки уни тўла ҳаётга тадбиқ қилиш билан белгиланади. Энг пишиқ ва пухта қонун ҳам ижтимоий ҳаётда ўз амалини топмаса, қадрият сифатида аҳамиятсиз бўлиб қолаверади.

Буюк француз мутафаккири Ш.Л.Монтескье шундай деб ёзган эди: «Мен бирор мамлакатга борсам, у ерда яхши қонунлар мавжудлиги билан эмас, балки қонунларга қандай итоат этилаётганлиги билан қизиқаман, чунки яхши қонунлар ҳамма жойда бор».[3]

Демак, Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий таълим тизимини шакллантиришда ички ишлар органларининг ўрни ва аҳамиятини оширишда, унинг ижобий тенденцияда бўлишига эришишда аҳолига мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иктисодий ислоҳотлар, қабул қилинаётган қонун хужжатлари ва давлат дастурларининг мазмуни ва моҳиятини изчил

етказиши тизимини шакллантириш, ёш авлод онгига ҳуқуқ ва бурч, ҳалоллик ва поклик тушунчаларини ҳамда одоб-аҳлоқ нормаларини чуқур сингдириб бориш, аҳоли ўртасида ҳуқуқий маданиятни шакллантириш бўйича ҳуқуқий-маърифий тадбирларни ҳалқимиз тарихи, дини, миллий қадриятларини ўргатиш билан уйғун ҳолда ташкил қилиш, шунингдек, ҳар бир фуқарода давлат рамзлари билан фахрланиш туйғуларини шакллантириш орқали мамлакатга дахлдорлик, ватанпарварлик ҳиссини кучайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг манзили ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш борасидаги ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, соҳага тегишли таълим муассасаларида юридик таълимни такомиллаштириш, шунингдек, юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ривожлантириш мақсадга мувофик бўлади.

Ички ишлар органлари ходими ўқиши, ўрганиши ва изланишдан чарчамайди. Ўз ватанининг тарихи, адабиёти ва санъатини ўрганади. Касбий билимларини, нутқ маданиятини ўстиришга интилади. Мустақил фикрга эга бўлишга, ўз устида ишлаб, янгиликлар яратишга ҳаракат қиласи. Ўзига нисбатан талабчан ва хизматдошларининг яхши фазилатларини ўзлаштиришга ҳаракат қиласи.

Кундалик матбуот ва оммавий ахборот воситаларини мунтазам равишда кузатиб боради. Ўз билим ва тажрибаларини ёшларга ўргатиб боради. Жамиядаги ўзгаришларга бефарқ бўлмайди. Замонавий техника воситаларидан фойдаланиш усулларини ўрганади. Ички ишлар органлари ходими ишлатиши мумкин бўлган қурол ва бошқа воситалардан яхши хабардор бўлиши лозим.

Ҳар қандай шароитда ўзининг, касбдошларининг ҳамда фуқароларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлашга тайёр бўлиши шарт. Ички ишлар органларида узоқ йиллар давомида самарали хизмат қилаётган ходимларнинг

хизмат фаолияти давомида орттирган бой амалий тажрибаларидан унумли фойдаланади.

Хулоса килиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий таълим тизимини шакллантиришда ички ишлар органлари имкониятларидан фойдаланиш:

биринчидан, қонун устуворлигини таъминлайди;

иккинчидан, ҳукукни инсонларга якинлаштириб, конунга итоаткорлик рухини шакллантиради;

учинчидан, ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи омилларга нисбатан ҳуқуқий иммунитетни яратади;

тўртинчидан, ҳуқуқнинг қадрини оширади;

бешинчидан, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиради;
олтинчидан, демократик-ҳуқуқий давлат барпо этишда самарали восита сифатида хизмат қиласди;

еттинчидан, ҳуқуққа нигилистик (ишонмаслик, менсимаслик) муносабатнинг олдини олади.

Фойдаланилган манбалар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. <https://lex.uz/docs/35869>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги "Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида"ги ПФ-5618-сонли Фармони. <https://lex.uz/docs/4149765>
3. Монтескье Ш.Л. Избранные произведения. О законах, об их отношениях к различным существам. -М.: 1955. с. 164-165.

*А.А.Бабаев**
*А. Б.Есботаев**

Правовая подготовка в органах внутренних дел республики узбекистан и ее значение в профессиональной деятельности сотрудников

В последнее время в связи с повышением значимости и активности правового фактора в жизни общества правовая подготовка сотрудников органов внутренних дел приобрела положительную актуальность, организационно обособляясь от других видов профессиональной практики. Всё больше ресурсов вовлекается в процессы, связанные с разработкой нормативных стандартов, с формированием правовой культуры общества и профессионального правосознания сотрудников органов внутренних дел. Отражением этого процесса является нормативное закрепление обязанности обладания правовыми знаниями каждым сотрудником органов внутренних дел.

Не маловажное значение в сфере правового регулирования и юридического сопровождения деятельности сотрудников органов внутренних дел Республики Узбекистан сыграло подписание главой нашего государства Указа Президента Республики Узбекистан от 29 ноября 2021 года за № УП-27 «О мерах по утверждению и реализации Концепции общественной безопасности Республики Узбекистан».

Для реализации Концепции общественной безопасности разработана и утверждена «Стратегия развития системы общественной безопасности в Республике Узбекистан на 2022 – 2025 годы» в которой предусмотрено не только расширение практики проверки знания Конституции Республики Узбекистан, законодательных и иных нормативных правовых актов Республики Узбекистан сотрудниками органов внутренних дел, но и инициирование внесения ходатайств об отстранении от выполнения обязанностей в случае непрохождения сотрудниками органов внутренних дел

* Начальник Специализированного учебного центра Национальной гвардии Республики Узбекистан, доктор философии (Ph.D) юридических наук.

* Преподаватель цикла Обеспечения общественной безопасности и правовой подготовки Специализированного учебного центра Национальной гвардии Республики Узбекистан E-mail: ium@exat.uz

проверки на профессиональную пригодность при неудовлетворительной оценке правовых знаний.

И все же организация правовой подготовки в системе МВД Республики Узбекистан – не самоцель. Ее основным предназначением является обеспечение оперативно-служебной деятельности органов через создание надлежащих юридических условий. Она призвана содействовать укреплению законности в деятельности правоприменителей, повышению правовой грамотности сотрудников, социально-правовой защите личного состава, снижению непроизводительных потерь.

Позиция руководства МВД Республики Узбекистан относительно места и значения правовой подготовки в обеспечении эффективной деятельности органов внутренних дел остается неизменной – правовая подготовка рассматривается в качестве важнейшего обстоятельства и эффективного средства формирования профессионального правового сознания сотрудников органов внутренних дел и повышения качества правоприменительной деятельности.

Центральное место в профессиональном правосознании юриста занимает внутреннее согласие с правовой нормой. Таким образом формируется ценностное отношение к закону, что определяет соответствие поведения и деятельности нормативно установленным положениям. Кроме того, для юристов-профессионалов одинаково значимыми являются правовые знания и умение их применять. Юристов отличают глубокие знания понятий и принципов права, правовых обычаев и аксиом, источников и норм права. Более того, в связи с тем, что законодательство Республики Узбекистан достаточно динамично развивается, юристы должны постоянно совершенствовать свой уровень знаний, быть готовыми осваивать и применять новые отрасли права.

Правосознание, с одной стороны, отражает уровень соответствия поведения нормам права, с другой, напротив, является их источником, выражаяющим объективные потребности развития общества. Правосознание,

находя отражение в нормативных правовых актах, в результате оказывает влияние на процесс и результаты правотворчества.

Но существует и обратная связь, правовые нормы воздействуют на развитие правового сознания каждого человека, на формирование определенных представлений о принципах и нормах права, правоотношениях и юридической ответственности.

Правосознание играет значительную роль и в процессе реализации права. Особая роль в правореализации, осуществляющейся сотрудниками органов внутренних дел, отводится правоприменению, которое осуществляется

в определенной последовательности, проходит ряд стадий. Правоприменительные акты содержат конкретные юридические решения, которые воздействуют на лиц, в отношении которых выносятся. И здесь очень важно понимать, что от уровня правосознания правоприменителей во многом зависит соответствие поведения целям и воле, выраженным в праве. Уровень правосознания напрямую влияет на обеспечение законности и правопорядка

в обществе и государстве. Более того, социальная оценка полиции зачастую служит основой оценки государства в целом.

Процесс формирования профессионального правосознания – это сложное социально-правовое явление, испытывающее на себе воздействие множества факторов. Их действие на профессиональное правосознание сотрудников органов внутренних дел может изменяться в связи с развитием системы управления ими, например, совершенствованием нормативно-правового регулирования деятельности органов внутренних дел, форм, методов и средств ее организации, правовой подготовки сотрудников.

К значимым факторам, влияющим на профессиональное правосознание сотрудников органов внутренних дел, относятся особенности их деятельности. К наиболее важным видам деятельности органов внутренних дел относятся: административная, уголовно-процессуальная, оперативно-

розыскная. Основной формой их осуществления является правоприменительная деятельность. Безусловно, что она, в свою очередь, оказывает достаточно серьезное влияние на развитие профессионального правосознания сотрудников. На первой стадии правоприменительного процесса, в ходе установления и оценки фактических обстоятельств дела, у сотрудника формируются и совершенствуются навыки анализа правовых норм применительно к фактическим обстоятельствам дела и умения использовать правовую информацию при установлении юридической основы дела. Для квалифицированного разрешения конкретной правовой ситуации сотруднику необходимо обладать не только достаточным объемом правовых знаний и умением их применять. Действие данных компонентов профессионального правосознания напрямую зависит от сформированности ценностно-оценочного отношения сотрудника к праву и практике его применения. При разрешении конкретной правовой ситуации на основе ценностно-оценочного отношения к праву и практике его применения у сотрудника формируется ценностное (оценочное) правовое мышление, которое определяет его действия. На третьей стадии правоприменительного процесса в ходе принятия решения по делу производится оценка результатов деятельности и каждого решения в правовой сфере на основе правового сознания. Результатом такой оценки является признание поведения или деятельности правомерным или противоправным. В то же время, формируются правовые установки и ценностные ориентации, направленные на решение профессиональных (служебных) задач.

Таким образом, правовое сознание является органической составной частью правотворческой и правореализующей деятельности и играет существенную роль в правовой подготовке сотрудников органов внутренних дел. Правосознание сотрудников органов внутренних дел формируется и совершенствуется в ходе осуществления их практической деятельности, но, в то же время, профессиональная деятельность сотрудников реализуется на основании имеющихся представлений о праве и собственного отношения

к нему. То есть это два постоянно осуществляющихся неразрывных процесса, которые направлены на повышение эффективности и качества деятельности органов внутренних дел.

Уровень доверия граждан Республики Узбекистан к сотрудникам органов внутренних дел в период становления молодого Независимого государства и на современном этапе развития Нового Узбекистана является одним из важнейших критериев официальной оценки деятельности сотрудников ОВД и характеризует взаимодействие между органами и подразделениями МВД Республики Узбекистан, и обществом в целом. В связи с этим правовая подготовка в органах внутренних дел является основой не только для формирования и совершенствования профессиональных правовых знаний, умений и навыков каждого сотрудника Министерства, но и содержит в себе элементы воспитательного процесса.

Правовая подготовка внедрена в систему профессиональной подготовки наряду со служебной и физической подготовкой. Ее целью является формирование у сотрудников органов внутренних дел готовности действовать профессионально, грамотно, четко, качественно и быстро выполнять поставленные задачи в любых условиях служебной деятельности. Особенностью правовой подготовки сотрудников органов внутренних дел является ее многофункциональный характер. Знание и грамотное применение нормативных правовых актов различного уровня является необходимым условием эффективного осуществления всех направлений оперативно-служебной деятельности, возложенной на органы внутренних дел.

Задачи и содержание правовой подготовки сотрудников органов внутренних дел определяются в рамках действующего законодательства Республики Узбекистан, нормативных актов МВД Республики Узбекистан с учетом особенностей и специфики направления оперативно-служебной деятельности, а также конкретного региона Республики Узбекистан.

Основные задачи правовой подготовки в органах внутренних дел можно классифицировать по различным основаниям.

1. Знание нормативных правовых актов, совершенствование умений и навыков их применения в оперативно-служебной деятельности.

1.1. Изучение Конституции Республики Узбекистан, норм международного права, относящихся к деятельности органов внутренних дел, законодательных и иных нормативно-правовых актов Республики Узбекистан, нормативно-правовых актов МВД Республики Узбекистан, регламентирующих оперативно-служебную деятельность сотрудников.

1.2. Формирование и совершенствование умений и навыков анализа, толкования положений нормативных правовых актов, регламентирующих деятельность органов внутренних дел, с целью их качественного применения в оперативно-служебной деятельности сотрудниками.

1.3. Мониторинг правоприменения с целью выявления и устранения пробелов и противоречий в законодательстве, а также создания эффективного механизма нормотворческого процесса, учитывающего потребности в правовом регулировании общественных отношений в сфере внутренних дел.

2. Задачи по правовому воспитанию и совершенствованию личности сотрудника органов внутренних дел.

2.1. Повышение уровня общей правовой культуры сотрудников.

2.2. Повышение профессиональной правовой культуры сотрудников с учетом специфики оперативно-служебной деятельности, осуществляющей ими.

2.3. Совершенствование навыков руководящего состава по управлению, обучению и воспитанию подчиненных.

2.4. Формирование высокого уровня стрессоустойчивости сотрудников с целью эффективного и качественного выполнения задач оперативно-служебной деятельности в различных условиях оперативной обстановки.

2.5. Преодоление правовых деформаций, правового нигилизма среди сотрудников органов внутренних дел путем совершенствования правовых знаний, умений и навыков их применения.

Решение данных задач в процессе правовой подготовки позволяет сотрудникам органов внутренних дел овладеть и постоянно совершенствовать правовые профессиональные знания, умения и навыки, необходимые

им для успешного выполнения возложенных обязанностей.

Таким образом, правовая подготовка сотрудников носит комплексный характер и является одной из важнейших составляющих формирования высокого уровня профессиональной правовой культуры. Совершенно справедливо отметить, что правосознание и правовая культура являются незыблемой основой развития государственности. В результате правовая подготовка сотрудников органов внутренних дел представляется частью более сложного всеобъемлющего процесса развития сильного государства, которое характеризуется, не только властным и функциональным потенциалом, но и имеет прочную духовно-культурную основу.

Органы внутренних дел являются уникальным компонентом государственного механизма, поскольку иные институты не имеют своим прямым назначением защиту такого объема конституционных ценностей (права человека, общественная безопасность). Как видится, формирование высокого уровня правовой культуры представителей властных структур, которые являются самым ближайшим к народу инструментом государственной власти, безусловно, способствует укреплению сильного правового государства с высоким уровнем обеспечения прав и свобод человека.

*А. Б. Есботаев**

Некоторые аспекты правовой и профессиональной под готовки военнослужащих и сотрудников национальной гвардии Республики Узбекистан

В настоящее время, выполняя свои профессиональные обязанности при решении служебно-боевых задач, военнослужащие и сотрудники Национальной гвардии Республики Узбекистан практически ежедневно подвергают своё здоровье и жизнь постоянному риску. Особенno необходимо отметить деятельность военнослужащих и сотрудников Национальной гвардии Республики Узбекистан, которые несут службу по охране общественного порядка и обеспечению общественной безопасности в общественных местах,

*Преподаватель цикла Обеспечения общественной безопасности и правовой подготовки Специализированного учебного центра Национальной гвардии Республики Узбекистан E-mail: ium@exat.uz

ввиду того, что они должны постоянно проявлять бдительность и соблюдать правила личной безопасности, как при передвижении по установленным маршрутам патрулирования, так и в ситуациях, связанных с осуществлением проверки документов у граждан, проведении досмотровых мероприятий, а также действий, по выявлению и пресечению правонарушений. Военнослужащим и сотрудникам Национальной гвардии Республики Узбекистан, осуществляющим службу в общественных местах, всё чаще приходится действовать в экстремальных ситуациях, связанных с задержание вооружённых преступников и пресечением массовых беспорядков.

Проблемы обеспечения личной безопасности военнослужащих и сотрудников Национальной гвардии Республики Узбекистан при несении службы по охране общественного порядка и обеспечению общественной безопасности активно обсуждаются как в средствах массовой информации, так и на межведомственных встречах, семинарах, конференциях, заседаниях коллегий, координационных советах проводимых с участием заинтересованных министерств и ведомств Республики Узбекистан. По итогам обсуждения вопросов несения службы по охране общественного порядка и обеспечению общественной безопасности, сделаны различные предложения о внесении изменений и дополнений в ведомственные нормативные правовые акты, а также дан ряд рекомендаций для обеспечения личной безопасности военнослужащих и сотрудников Национальной гвардии Республики Узбекистан. Но при всем этом, необходимо отметить, что проблема эффективного обеспечения личной безопасности военнослужащих и сотрудников Национальной гвардии Республики Узбекистан, несущих патрульную службу в общественных местах, является больше практической, чем теоретической, и требует решения на базовом, начальном уровне подготовки сотрудников полиции к своей профессиональной деятельности.

Стоит заметить, что личная безопасность сотрудника военнослужащих и сотрудников Национальной гвардии Республики Узбекистан заключается в защите его здоровья и жизни, охране его интересов, ценностей от возможных

внешних и внутренних угроз в сфере его профессиональной деятельности безусловно, зависит не только от его профессионального опыта, но и его правовой и профессиональной подготовленности.

По нашему мнению, военнослужащие и сотрудники Национальной гвардии Республики Узбекистан, которые несут службу в составе патрульных групп и нарядов, должны быть надлежащим образом экипированы, вооружены

и проинструктированы, а также подготовлены в правовом и профессиональном отношении.

В ходе правовой и профессиональной подготовки военнослужащих и сотрудников Национальной гвардии Республики Узбекистан, привлекаемых для несения патрульной службы необходимо отрабатывать как теоретически, так и практически не только типовые ситуации служебной деятельности, но и действия сотрудников в экстремальных условиях, в различных опасных ситуациях. Кроме этого, военнослужащие и сотрудники Национальной гвардии Республики Узбекистан, выполняя свои служебные обязанности по охране общественного порядка и обеспечению общественной безопасности должны знать:

особенности характерные для разных видов массовых мероприятий;

психологические особенности поведения толпы, а также механизмы её образования;

способы эффективного взаимодействия с нарядами и службами других министерств и ведомств в том числе и с сотрудниками органов внутренних дел;

способы и приемы обеспечения взаимной страховки (прикрытия) в составе патрулей и патрульных групп;

процедуру предусмотренного административного регламента поведения и действий военнослужащие и сотрудники Национальной гвардии Республики Узбекистан;

способы и приемы действия патрулей и патрульных групп в различных возможных экстремальных условиях служебной деятельности.

Кроме всего вышеизложенного, необходимо также сказать и о том, что в целях повышения уровня правовой и профессиональной подготовленности военнослужащих и сотрудников Национальной гвардии Республики Узбекистан и исключения случаев их гибели и ранений, необходимо постоянно осуществлять с личным составом подразделений, несущих службу по охране общественного порядка и обеспечению общественной безопасности следующие мероприятия:

проводить анализ чрезвычайных происшествий, связанных с гибелью и ранениями военнослужащих и сотрудников Национальной гвардии Республики Узбекистан при исполнении служебных обязанностей;

осуществлять контроль за соблюдением правил ношения специальных средств и огнестрельного оружия военнослужащих и сотрудников Национальной гвардии Республики Узбекистан (в том числе, при реагировании на сообщения о происшествиях);

регулярно проводить инструктаж о соблюдении мер личной безопасности и проверку знаний требований порядка применения военнослужащими и сотрудниками Национальной гвардии Республики Узбекистан физической силы, специальных средств и огнестрельного оружия;

на занятиях по правовой и профессиональной подготовке отрабатывать ситуации, которые моделируют ту или иную тактическую обстановку, которая может возникнуть в ходе выполнения поставленных задач по охране общественного порядка и обеспечению общественной безопасности (задержание и доставление правонарушителей, проверка документов у подозрительных лиц, проведение досмотра и т.п.).

В заключении необходимо отметить, что эффективное осуществление своих служебных обязанностей военнослужащими и сотрудниками Национальной гвардии Республики Узбекистан напрямую зависит от уровня его правовой и профессиональной подготовки, что предполагает наличие у него не только правовых и профессиональных знаний, умений и навыков, но и сформированной личностной установки на выживание,

его профессиональных и психологических качеств, позволяющих адекватно оценивать обстановку, принимать быстрые и правильные решения и не терять самообладания в экстремальных ситуациях. Также необходимо отметить, что правовых и профессиональных знаний военнослужащего и сотрудника Национальной гвардии Республики Узбекистан, во многом зависит эффективность выполнения им своих профессиональных обязанностей и качество решения поставленных служебно-боевых задач.

Ж. Р. Равшанов *

Правосознание и правовая культура сотрудников органов внутренних дел в обеспечении законности и правопорядка

Правовая культура является одной из основ духовной жизни современного общества. Правовая культура неотделима от таких понятий, как право, правосознание, правотворчество, юридическая деятельность. Правовая культура является регулятором взаимоотношений в обществе, ее состояние – это критерий зрелости общества.

Также, правовая культура является обязательным атрибутом гражданского общества и правового государства. Данное обстоятельство определяет актуальность, научную и практическую значимость различных аспектов проблематики правовой культуры. Исходным постулатом современной юридической науки является признание того, что правовая культура — это определенный уровень качественного состояния правовой системы того или иного общества. В этой связи отличительные особенности правовой системы общества обусловливаются развитостью его правовой культуры.

Уровень правовой культуры оказывает непосредственное влияние на соблюдение законов, норм, правил, тем самым поддерживая стабильность

* Старший преподаватель кафедры специальных профессиональных дисциплин Института повышения квалификации МВД Республики Узбекистан

общественной жизни. Без постоянного совершенствования правовой культуры невозможно построение правового государства в Государстве.

Вопрос формирования правовой культуры в современном обществе стоит достаточно остро. Повышенные требования к правовой культуре предъявляются к сотрудникам органов внутренних дел. По сути, их правовая культура выступает неким мерилом состояния правовых взаимоотношений в обществе.

К органам внутренних дел всегда было приковано особое внимание общества. Оценка деятельности правоохранительных органов является своеобразным маркером состояния правовой культуры, так как профессиональная деятельность сотрудников ОВД затрагивает все сферы жизни общества. Вместе с тем важно понимать, что состояние правовой культуры в правоохранительных органах влияет на состояние правовой культуры всего общества.

В определении параметров и оценке состояния правовой культуры общества могут быть использованы различные критерии — качество нормативного регулирования общественных отношений, эффективность правоприменительной практики, совершенство юридических учреждений и организаций, признание юридической науки, престиж юридического образования и ряд других, которые в совокупности характеризуют уровень правового развития общества. Важнейшим социальным показателем правовой культуры общества выступает состояние законности, которое призвано обеспечивать правовое функционирование государственных и общественных институтов, прав и свобод граждан.

В большинстве современных государств важная роль в обеспечении законности, а именно точного и неуклонного выполнения правовых предписаний всеми субъектами права, принадлежит правоохранительным органам, деятельность которых направлена на предупреждение и борьбу с преступностью. Это опосредованно свидетельствует о недостаточном уровне правовой культуры отдельных граждан, должностных лиц. Данное

обстоятельство обуславливает значимость профессиональной правовой культуры сотрудников правоохранительных органов.

Правосознание является структурным образованием общественного сознания, которое занимает свое, особое место, выполняя только ему присущие функции. Это понятие охватывает совокупность идей, взглядов, настроений, чувств, в которых выражается отношение индивидов, социальных групп к действующему и желаемому праву, правовым явлениям.

В зависимости от уровня, глубины знания права, особенностей его как регулятора общественных отношений правосознание можно классифицировать на обыденное, научное и профессиональное. Профессиональное правосознание представляет наиболее практический интерес.

Базовым элементом деятельности сотрудников органов внутренних дел является правоприменение, т.е. разрешение специфических жизненных ситуаций на основе норм действующего законодательства. В первую очередь, это касается обеспечения охраны жизни, здоровья, собственности граждан от преступных и иных противоправных посягательств. Безусловно, сотрудники органов внутренних дел наделены комплексом соответствующих прав и обязанностей, позволяющих им решать данные задачи. В этой связи возникает актуальный вопрос о том, каков действительный уровень правосознания сотрудников органов внутренних дел, от которого зависит не только эффективность и качество правоохранительной деятельности, но и уровень правовой культуры общества, т.к. образ поведения сотрудников органов внутренних дел оказывает существенное воздействие на поведение людей. Сотрудники органов внутренних дел являются той социальной группой, которая наиболее часто контактирует с населением, разъясняет гражданам содержание правовых норм.

Следует признать, что некоторые сотрудники при разрешении юридических дел не всегда строго придерживаются норм законодательства. Зачастую они придерживаются обстановки, которая складывается в

конкретной ситуации. Прежде всего, это связано со спецификой деятельности органов внутренних дел, нестандартностью жизненных ситуаций, отставанием от требований жизни нормативных правовых актов, наличием в них противоречий, а иногда и превентивным характером действий сотрудника, направленных на недопущение развития правонарушения в дальнейшем. В этом случае не всегда нормы закона могут помочь в урегулировании ситуации.

В данном случае общественным мнением подтверждается, что уровень правосознания сотрудников органов внутренних дел еще не соответствует требованиям времени, идеалу правового государства. Хотелось бы отметить, что даже при наличии у сотрудников органов внутренних дел многогранной правовой идеологии, т.е. комплекса глубоких правовых знаний, обеспечить строгое во всех жизненных ситуациях следование нормам законодательства невозможно. Дать правильную с точки зрения права оценку поступков людей, всесторонне проанализировать сложившуюся ситуацию и принять выверенное, обоснованное решение – задача, которую в состоянии решить лишь специалисты высокой квалификации. Тем не менее, проблема соотношения качественного уровня правовых знаний у отдельной личности с ее фактическим поведением в некоторых жизненных ситуациях, которое по формальным признакам бывает противоправным, остается актуальной.

Таким образом, правосознание сотрудников органов внутренних дел является отдельной разновидностью профессионального правосознания, спецификой которого является правоприменительная деятельность по защите жизни, здоровья, собственности граждан. Конечно же, в связи со складывающимся в обществе мнением о недостаточном соответствии уровня правосознания сотрудников органов внутренних дел предъявляемым на сегодняшний день требованиям, необходимо повышать уровень профессионального правосознания, профессиональной культуры лиц, действующих в сфере обеспечения правопорядка, что позволит улучшить качество и эффективность правоохранительной деятельности, не допускать

нанесение ущерба государственным и общественным интересам. Не стоит забывать о том, что, зачастую, сотрудник органов внутренних дел, обладающий комплексом специальных юридических знаний, осуществляющий их оценку с позиций профессиональной деятельности, должен производить учет того, насколько законы соответствуют интересам и целям общества и государства, а затем принимать юридически значимое решение.

Кроме всего этого следует отметить, что в воспитательной работе с личным составом органов внутренних дел значительная роль отводится – правовому воспитанию.

Воспитание – это систематический, целенаправленный, комплексный процесс, который представляет единство целей, задач, содержания, форм и методов воспитания. Вся трудность воспитательного процесса заключается в том, что данный процесс достаточно динамичен, изменчив и подвижен.

Применительно к деятельности сотрудников органов внутренних дел важность и отличительная черта правового воспитания заключается в том, что оно является неотъемлемой частью профессионального воспитания, призванного через формирование необходимых правовых знаний, правовых установок и правомерных действий добиться от сотрудников качественного выполнения стоящих перед ними служебных задач.

Результат правового воспитания сотрудников, проявляется и в уровне их правовой культуры, которая характеризует состояние законности в органах внутренних дел. Следовательно, чем выше уровень правовой культуры личного состава, тем более неукоснительное соблюдение законности.

Каждодневная деятельность сотрудников органов внутренних дел, ее требования, обеспечение нужного хода ею должны воплощать в себе правовые идеи, не противоречить им. Это достигается, в том числе, и с помощью правового воспитания.

Под правовым воспитанием сотрудников органов внутренних дел подразумевается целенаправленная деятельность руководителей, сотрудников воспитательных подразделений, наставников и других субъектов воспитательного процесса по формированию у них правосознания, то есть связность правовых знаний, представлений, взглядов, убеждений и установок, обеспечивающих их отношение к праву, создающих безупречное личное соблюдение нормативных правовых актов.

Наряду с формированием правосознания у личного состава следует развивать у каждого сотрудника жесткие навыки правомерного поведения при исполнении служебных обязанностей, регулярно нацеливать их к осознанному, честному соблюдению законности. Повысить уровень правовой культуры у сотрудников можно при воспитательном воздействии на их правосознание с использованием современных организационно-правовых и психолого-педагогических технологий. Таким образом, целью правового воспитания является – формирование правовой воспитанности.

Ж.О. Кенжасев *

Ички ишлар органлари ходимларининг касбий ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришда нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорлик муаммолари ва уларнинг ечимлари

Ички ишлар органларидағи хизмат давлат хизматининг тури бўлиб, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкини, конституциявий тузумни ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасини бўйича вазифаларни амалга оширишдан иборат.²⁸

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти Махсус-касбий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси.

²⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.11.2017 йилдаги “Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиши тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3413-сон Қарори билан тасдиқланган “Ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби тўғрисида”ги Низом.

Президентимиз таъбири билан айтганда, “Агар давлат таянадиган асосий устун қонун бўлса, унинг кучини амалда намоён этадиган энг самарали тизим бу – ички ишлар соҳаси, десак, айни ҳақиқат бўлади”²⁹.

Ички ишлар органлари аҳолининг тинч ва фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш, жиноятчилик ва бошқа ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, жамоат тартибини сақлаш, шунингдек, бошқа ҳаётий муҳим вазифаларни амалга оширишда алоҳида ўрин эгаллайди.

Сўнгги йилларда ички ишлар органлари тизимини тубдан ислоҳ қилиш, тизимда касбий ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ҳамда малакали кадрларни тайёрлаш борасида сезиларли ишлар амалга оширилмоқда.

Ички ишлар органларида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириб бориш, уларда коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлик муносабатини шакллантириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлашнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

“Қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳамда жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга доир ишларда иштирок этиш”³⁰ ички ишлар органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Шунингдек, Ички ишлар органлари ходимларининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, ҳуқуқбузарликларга муросасизлик ҳиссини шакллантириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига, миллий ва умуминсоний қадриятларга хурмат билан қарашга қаратилган ҳуқуқий ва бошқа тарғибот ишларини давлат, нодавлат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда олиб боради.

Мазкур йўналишдаги фаолият “жамоат хавфсизлигини таъминлаш давлат идоралари ва ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш

²⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.10.2020 йилдаги “25-октябрь – ички ишлар органлари ходимлари куни байрами муносабати билан йўллаган байрам табриги”.

³⁰ Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги 407-сон Қонуни.

органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар ҳамда оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда амалга оширилади.”³¹

Мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситаларининг фаол ва бунёдкорлиги, жамият ва давлатнинг ўзаро ҳамкорлиги самарадорлигини оширишда муҳим рол ўйнайди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролар жамоат хавфсизлигини бевосита таъминловчи субъектларга кўмаклашиш ҳамда зарур ёрдамни кўрсатиш йўли билан жамоат хавфсизлигини таъминлашда иштирок этади.

Хусусан, ички ишлар органлари ходимларининг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни оширишга доир тадбирларни ташкил этишда, оммавий ахборот воситаларининг, нодавлат ташкилотлар ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг манзилли ҳуқуқий тарғиботни амалга оширишдаги ролини ошириш, ҳуқуқий тарғиботнинг инновацион усулларидан кенг фойдаланиш ҳамкорлигини мустаҳкамлаш орқали кенг ва унумли фойдаланишни тизимли асосда йўлга қўйиш мақсадида тегишли норматив ҳуқуқий хужжатлар қабул қилмоқда.

Жумладан, Ички ишлар органларини аҳолининг ишончли ҳимоячиси сифатида халқчил профессионал тузилмага айлантириш, уларнинг фуқаролар, жамоат ташкилотлари ҳамда кенг жамоатчилик билан яқин ҳамкорликда, ўзаро ишонч ва ҳамжиҳатлик руҳида ишлашини таъминлаш, маҳаллалар, аҳоли турар жойлари ва бутун юртимизда қонун устуворлиги, тинчлик-осойишталикни янада мустаҳкамлаш мақсадида, “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан

³¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.11.2021 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 27-сон Фармони

янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”³²ги қарор қабул қилинди.

Қарорга кўра, ички ишлар органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати тизимини яратиш мақсадида Ички ишлар вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларида жамоатчилик асосида доимий фаолият юритувчи маслаҳат-кенгаш органи ҳисобланган, соҳа олимлари, фахрийлари ва журналистлардан иборат жамоатчилик кенгашлари тузилди.

- ✓ Жамоатчилик кенгашларининг асосий вазифалари этиб, ички ишлар органлари фаолиятида қонунчилик хужжатлари талабларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, соҳа бўйича ижтимоий фикрни ўрганиш ва тизимли мониторинг олиб бориш;
- ✓ ички ишлар органлари фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик хужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнида ижтимоий фикр ва жамият манфаатлари ҳисобга олинишини таъминлаш чораларини кўриш;
- ✓ ички ишлар органлари фаолиятидаги коррупция ҳолатлари бўйича интернет ва ижтимоий тармоқларда эълон қилинган хабарларни батафсил ўрганиш ва унинг натижасини кенг жамоатчиликка етказиш.

Ушбу қарорга асосан “Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми кодекси” тасдиқланди.

Мазкур Кодекс, энг аввало, ички ишлар органлари ходимларини “Инсон қадри учун” тамойили асосида давлатнинг юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, ўз бурчига содик, ватанпарвар ва халқпарвар вакили этиб тарбиялаш орқали аҳолининг чинакам розилигига эришиш, “ички ишлар органлари ходимларида хизмат вазифаларига ҳалол, вижданан, Ватан ва халқ олдидаги бурчини чин дилдан ҳис этган ҳолда, юксак масъулият билан ёндашиш, жамиятда умумэътироф этилган одоб-ахлоқ нормаларига сўзсиз амал қилиш туйғусини шакллантириш, ички ишлар органларида содир этилиши мумкин бўлган ножӯя хатти-ҳаракатлар, суиистеъмолчилик ва коррупция ҳолатларининг барвақт олдини олиш, ҳуқуқ-тартибот тизими

³² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январ кунидаги ПҚ-10-сонли Қарори

обрўсига салбий таъсир кўрсатувчи низоли вазиятларни юзага келтирмаслик”³³ каби муҳим вазифаларни ўз ичига олади.

Ички ишлар органларида ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ҳолати ҳамда бу соҳа ходимларининг юридик таълимни такомиллаштириш, шунингдек, соҳа кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ривожлантириш борасида, бир қанча ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Ички ишлар органлари ходимларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш орқали, уларда ватанпарварлик, фидойилик, касбига нисбатан садоқат ҳамда юқори масъулият, шунингдек, ғуур, ифтихор, виждон, ор-номус ва шаън каби юксак инсоний ҳамда касбий фазилатларни шакллантириш, чинакам “халқпарвар хизматчилар” сифатида халқимиз орасидаги ижобий имиджини ҳамда давлат ва жамият ҳаётидаги аҳамиятини, фаол ҳаётий позициясини мустаҳкамлашга эришиш ҳисобланади.

Ички ишлар органларида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришдаги мавжуд муаммо ва камчиликлар “Ватанга ва халққа садоқат билан хизмат қилиш – олий бурчимиз!” концептуал ғояси асосида ташкил қилиш ва тизимли ишларни амалга оширишни тақозо этмоқда.

Шу билан бирга, ички ишлар органлари ходимларининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат муносабатини шакллантириш, касбий ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, ҳуқуқий саводхонлиги даражасини оширишга тўсқинлик қилувчи бир қатор муаммо ва камчиликлар кузатилмоқда: Хусусан:

биринчидан, ички ишлар органларида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга доир ишлар етарлича тизимли, узвий ташкил этилмаётганлиги;

³³ “Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми кодекси”

иккинчидан, ички ишлар органларининг таълим муассасаларида касбий ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият йўналишидаги ҳуқуқий ахборотларни етказишининг таъсирчан механизми мавжуд эмаслиги;

учинчидан, шахсий манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни таъминлаш ғоялари ички ишлар органлари ходимлари айниқса, тизимга янги қабул қилинган ходимларнинг онига старли даражада сингдирилмаётганлиги;

тўртинчидан, ички ишлар органларида ташкил этилган узлуксиз таълим жараёнлари ҳуқуқий тарбия билан уйғун олиб борилмаётганлиги, айниқса, ёш ходимларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда ўзбек халқининг тарихи, дини, урф-одатлари, миллий қадриятлари, ички ишлар органлари тарихига таянилмаётганлиги;

бешинчидан, касбий ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтиришга доир тадбирларни ташкил этишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорлик тизими яратилмаганлиги;

бешинчидан, ёш ички ишлар органлари ходимларининг касбий ҳуқуқий онги, маданияти ва ҳуқуқий тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи омилларга нисбатан ҳуқуқий иммунитетни шакллантиришнинг аниқ мақсадли чора-тадбирлари белгиланмаганлиги;

олтинчидан, ички ишлар органларида манзилли ҳуқуқий тарғибот тадбирларини ташкил этишда ва амалга оширишда давлат органлари, нодавлат ташкилотлар ва бошқа жамоатчилик тузилмаларининг фаол иштироки таъминланмаётганлиги, бу борада юқори натижадорлик ва самарадорлик қўзга ташланмаётганлиги;

еттинчидан, ички ишлар органларида ҳуқуқий тадбирлар ҳамон анъанавий усулларда, оддий учрашувларни ўтказиш йўли билан амалга оширилмоқда, бу борада тарғиботнинг инновацион усулларидан ёки таъсирчан механизмнинг ишлаб чиқилмаганлиги;

Юқоридаги келтириб ўтилган муаммоларни ҳал этиш борасида қўйидаги таклиф-тавсияларни келтириб ўтиш мумкин:

- Ички ишлар органларининг барча соҳавий хизматларида ҳуқуқий саводхонликка эришиш, мустаҳкам иродали, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини биладиган ва қонунларни ҳурмат қиласиган, ҳуқуқий билимларини қундалик хизмат фаолиятида қўллай оладиган, фаол, намунали ходим позициясига эга бўлган ва ҳукуқбузарликка нисбатан муросасиз муносабатда бўладиган ходимларни тарбиялашнинг кенг қамровли мунтазам тизимини яратиш;
- Ички ишлар органлари ходимларига мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иктисодий ислоҳотлар, қабул қилинаётган қонун, фармон, қарор бошқа соҳага тегишли норматив ҳуқуқий хужжатлар, қонунчиликдаги ўзгаришларнинг мазмун ва моҳиятини изчил етказиш тизимини шакллантириш, ходимлар онгида «Жамиятда қонунга ҳурмат руҳини қарор топтириш — демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг гаровидир!» деган ҳаётий ғояни мустаҳкамлаш;
- Ички ишлар органлари ходимларида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда, энг аввало, таълим-тарбиянинг тизимли ва узвий равищда олиб борилишига алоҳида эътибор қаратиш, “таълим муассасасидан - хизматнинг охирига қадар” тамойили асосида тизимли ва узлуксиз ташкил этиш орқали, ходимларга ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни сингдириш, шахсий манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш ғояларини тарғиб қилиш;
- Ёш ички ишлар органлари ходимларининг онгига ҳуқуқ ва бурч, ҳалоллик ва поклик тушунчаларини ҳамда “Ички ишлар органлари ходимларининг қасбий маданият ва хизмат интизоми кодекси” талабларини чуқур сингдириб бориш;
- Ички ишлар органлари ходимлари ўртасида ҳуқуқий маданиятни шакллантириш бўйича маънавий-маърифий тадбирларни халқимиз тарихи, дини, миллий қадриятларини, ички ишлар органлари тарихини ўргатиш билан уйғун ҳолда ташкил қилиш, шунингдек, ҳар бир ходимда давлат

рамзлари билан фахрланиш туйгуларини шакллантириш орқали мамлакатга дахлдорлик, ватанпарварлик ҳиссини янада кучайтириш;

➤ Ички ишлар органларида касбий ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтириш ҳамда самарадорлигини ошириш учун ходимларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари, шунингдек, фуқаролар билан ҳамкорликда тизимли ишлаш механизмларини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Юқорида кўрсатилган таклиф ва тавсияларни амалда кенг жорий этиш натижасида келгусида ички ишлар органлари ходимларини “Инсон қадри учун” тамойили асосида давлатнинг юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, ўз бурчига содик, ватанпарвар ва халқпарвар вакили этиб тарбиялаш орқали аҳолининг чинакам розилигига эришиш тўлиқ таъминланади.

Н.Л.Меликулов*

Миграция жараёнларининг глобаллашуви

Сўнгги йилларда дунёда юз бераётган жадал ўзгаришлар баробарида миграция жараёнларининг глобаллашуви жаҳон жамоатчилигини кенг ташвишга солаётган муаммолардан бирига айланмоқда. Бу борада кўплаб изланишлар олиб боришга ва долзарб масалалардан бири сифатида уни илмий жиҳатдан таҳлил этиш ва бу борадаги турли соҳа вакиллари томонидан илгари сурилаётган ёндашувлардаги умумийликни аниқлаб, якуний хулосалар чиқариш ҳаётий муҳим бўлган заруратга айланмоқда.

Миграция сўзи лотин тилида “migratio” сўзидан олинган бўлиб, “кўчиш” маъносини англатади. Аҳоли миграцияси деганда, яшаш ҳудудидан инсонларнинг бир ҳудуд (давлат)дан бошқасига, аксарият ҳолларда йирик гуруҳларда ва йирик масофалар бўйлаб кўчиши тушунилади.

Дунё олимлари ўз асарларида миграция масаласига бундай таъриф бериб ўтишган, Миграция бу-аҳолининг ички ва ташқи маъмурий ҳудудий

*ИИВ МОИ КТФ Махсус фанлар цикли ўқитувчиси.

бирликлар чегарасидан кечиб ўтиб, доимий яшаш жойини ўзгартириш ёки етакловчи ва жалб қилувчи омилларнинг таъсиридан қатъий назар таълим олиш ва меҳнат фаолияти билан шуғулланиш мақсадида амалга оширилган ҳар қандай худудий кўчишни аҳоли миграцияси сифатида қаралган.

Давлат ҳудудидан ташқарига кўчиб ўтган шахслар - эмигрантлар, мазкур давлатга кўчиб ўтувчи шахслар эса - иммигрантлардир.

Тарихга назар соладиган бўлсак, олимлар томонидан Буюк Британия ва Шимолий Америкадаги миграцион жараёнлар ўрганилиб, ушбу миграцион жараёнларни тартибга солиш учун ўндан ортиқ миграцион қонунлар ишлаб чиқилганлигини, йиллар давомида ушбу қонунлар такомиллаштириб борилганлигини кўришимиз мумкин.

Миграция муаммосини ўрганишга доир 17 хилдаги ёндашув аниқланган бўлиб, улар ўз ичига 45 турдаги илмий йўналиш, назария ва концепцияларни бирлаштирган бўлиб, ушбу назариялардан 5 нафари иқтисодий, 5 нафари социологик, 4 нафари миграцион, 3 нафари демографик, 2 нафардан тарихий, типологик, сиёсий ва бошқа ёндашувлар ҳиссасига тўғри келади.

Ушбу ёндашувларда аҳолининг кўчишига сабаб бўлувчи омиллар ва уларнинг оқибатларини ўрганишга қаратилган бўлиб, уларни миграцион жараёнларда айнан кимлар иштирок этадилар, мазкур ҳаракат қачон юзага келади, миграция жараёнининг юзага келишига сабаб бўлувчи омиллар нималардан иборат, нима сабабдан аҳолининг бир қисми ўз жойини тарк этмайди, муҳожирлар кўчиш жараёнини қандай ўтказади ва унинг янги жойга мослашуви қандай кечади? каби саволлар ва уларнинг жавоблари қизиқтириб келади.

Шу билан бирга этнографик тадқиқотлар натижасида муҳожир сифатида шахснинг ички кечинмаларини, бир муҳитдан иккинчисига ўтиш натижасида рўй берган ижтимоий ва маданий ўзгаришлар мазмунини ўрганишга ҳаракат қиласилар.

Бугунги кунда дунё ҳамжамиятини “Миграция нима сабабдан юз беради?”, “Миграциянинг макон ва замондаги барқарорлигини таъминловчи омиллар нималардан иборат?” деган саволга жавоб топиш ва унинг ечимини ишлаб чиқиши масалалари долбазарблигича қолмоқда.

Умуман олганда, ўртага ташланаётган саволлар миграцион жараёнларнинг натижалари билан узвий боғлиқдир. Миграцион жараёнларнинг бир қатор натижа ва оқибатлари мавжуд бўлиб, улар ижтимоий капитал, ишчи қучи бозори ҳамда институционал тузилмалар спектри каби омиллар билан узвий боғлиқ бўлса, маданий таркиб ва этник ўзликни англатувчи рамзий белгиларга ҳам қаратиш мумкин.

Бугунги кунда сиёsatшуносларнинг эътибори уч масалага қаратилган. Биринчидан, давлатнинг миграцион оқимларни бошқариш ва давлат чегараларини назорат қилишдаги роли. Иккинчидан, миграциянинг давлат суверенитети ва фуқаролик институтига таъсири ҳамда миграциянинг ташки сиёsat ва миллий хавфсизлик сиёsatи билан ўзаро боғлиқлиги. Учинчидан, инкорпорация муаммоси.

Миграция масалалари бўйича халқаро ташкилот томонидан берилган маълумотларга кўра, 2010 йилда халқаро муҳожирларнинг сони 214 млн кишини ёҳуд дунё аҳолисининг 3,1 % ни ташкил этган. Яқин Шарқда юзага келган вазият натижасида 2014 йилдан буён мазкур қўрсаткич бир неча бор ўсганини кузатиш мумкин. Мавжуд қўрсаткичнинг бу тарзда ўсишда давом этиши 2050 йилга келиб, унинг 505 млн га этиши мумкин. Таълим олиш ва малакасини ошириш мақсадида бошқа давлат ҳудудига ташриф буюрган талаба ва сайёҳлар расман муҳожир сифатида рўйхатга олинмайди. Шундай бўлсада, уларнинг бир қисми сайёҳлик визаси ёрдамида давлат ҳудудига кириб қелгач, у ерда ноқонуний меҳнат фаолияти билан шуғулланади.

Оммавий ахборот воситалари томонидан миграция яъни “муҳожирлар” масаласида кўплаб қўрсатувлар, мақолалар чоп этилиши баробарида, бу борадаги муаммоларни ҳам келтириб ўтишмоқда. Бунга қўйидаги мисолларни келтириб ўтишимиз мумкин. Яъни, Яқин Шарқ, Осиё ва

африкалик минглаб қочқинлар Болгария ва Греция чегарасида Европа Иттифоқига ўтиб олиш илинжида ҳаракат қилмоқдалар. 2022 йилнинг 10 ойи давомида Европа Иттифоқи мамлакатларида бошпана сўраб мурожаат қилиш учун деярли 800 минг ариза топширилган ва урушдан қочган 4,7 миллион украиналик рўйхатга олинган.

Европа Иттифоқининг бошпана масалалари бўйича агентлиги (EUAА) ижрочи директори Нина Грегори «Funke» нашрига берган интервьюсида, 2022 йилнинг январдан октябргacha Европа Иттифоқида 790 мингта шундай ариза рўйхатга олинганлигини, бу 2021 йилнинг шу даврига нисбатан 54 фоизга кўп эканлигини айтиб ўтган.

Таққослаш учун, 2015 ва 2016 йилларда Европа Иттифоқи қочқинлар инқирозига дуч келганида, ҳар йили расмий бошпана сўраб мурожаат қилганлар сони 1,3 миллионни ташкил этган.

2022 йилнинг ўн ойида, Грегорининг сўзларига кўра, урушдан қочган 4,7 миллион украиналик Европа Иттифоқида вақтинчалик ҳимоя мақомига эга бўлган. Европа Иттифоқида бюрократик тартиб-қоидаларни соддалаштириш мақсадида ушбу тоифадаги шахслар Европа Иттифоқига киришда бошпана сўраб расмий ариза топширишлари шарт эмаслиги ҳақида қарор қабул қилинган.

Германиядаги вазият бутун Европа Иттифоқидаги вазиятга ўхшайди. Миграция ва қочқинлар бўйича федерал идора маълумотларига кўра, 2022 йил ноябрь ойи охирига келиб Германияда биринчи марта бошпана сўраганларнинг 190 минг аризаси рўйхатга олинган. Бу 2022 йилнинг шу даврига нисбатан 43 фоизга кўпdir.

Европа Иттифоқидада рўйхатга олинган бошпана сўровлари сони бўйича иккинчи ўринда – Франция, охирги ўринда – Венгрия. 2022 йилда энг кўп аризалар Сурия ва Афғонистон фуқаролари томонидан берилган.

2022 йилда Буюк Британияга Ла-Манш орқали 46 мингта яқин ноқонуний муҳожирлар кириб келган. Бу бир йил аввалгида нисбатан

17 мингтага кўпдир. Мутлақ рекорд 2022 йилнинг 22 август куни бўғоздан 1295 киши ўтганида ўрнатилди.

Британия ҳукумати мамлакатга ноқонуний киришни ният қилган одамлар учун огохлантириш бўлиши керак бўлган қонунларни ишлаб чиқмоқда. Хусусан, у Англияга Ла-Манш канали орқали кирган мигрантлар бошпана сўрашга ҳақли эмаслигини кўзда тутади. Бундан ташқари, ҳукумат ноқонуний муҳожирларни саклаш харажатларини камайтиришни режалаштиromoқда.

Умуман олганда, 2022 йилда Европа Иттифоқи мамлакатларида бошпана сўраб мурожаат қилганлар сони 2021 йилга нисбатан қарийб бир ярим бараварга ошган – 924 мингта ариза.

2022 йилда Германия бошпана сўраб мурожаат қилганлар сони бўйича Европа Иттифоқи давлатлари орасида етакчи бўлди. Германияда 190 000 дан ортиқ одам бошпана сўраган - бир йил олдингига нисбатан 57 фоизга кўп. Мурожаатномалар сони бўйича иккинчи ўринда - Франция (115 мингдан ортиқ), кейинги ўринлардан - Испания (111 минг), Австрия (106 минг) ва Италия (78 минг).

Бу статистика Украина фуқароларини ўз ичига олмайди, чунки улар учун Европа Иттифоқининг маҳсус қоидалари амал қиласди. Украиналик қочқинлар автоматик равишда Европа Иттифоқида вақтинчалик яшаш, ижтимоий ёрдам, соғлиқни саклаш, шунингдек, таълим ва меҳнат бозоридан фойдаланиш ҳукуқини олади.

Бу борада Европа Иттифоқи ташқи чегараларни ноқонуний муҳожирлар оқимидан ҳимоя қилиш учун бир неча лойиҳани амалга оширишни режалаштиromoқда.

Юқоридагилардан хulosса қилиб айтишимиз мумкинки, ҳозирда дунёни ташвишга колаётган миграция жараёнларининг глобаллашуви аянчли оқибатларга сабаб бўлаётгани ҳеч биримиз учун сир эмаслигини таъкидлаш жоиз. Миграция жараёни ўзига хос мураккаб ва зиддиятларга бой бўлган жараёндир. Мазкур ҳодиса кузатувчи ва қабул қилувчи давлатларнинг ҳар

иккиси учун бир қатор ижобий жиҳатлар билан биргаликда кўпсонли муаммоларни кўндаланг қилиб қўяди. Давлат аҳолисининг нечоғли миграцион жараёнларга жалб этилганлиги, унинг оқибатларининг чуқурлашувида акс этади. Миграция муаммосининг ўзига хослиги шундаки, у жамият ҳаётининг турли соҳаларини қамраб олади ва ўзининг кенг қамровли таъсирини намоён этади. Шунга кўра, бугунги кунда замонавий миграция жараёнларини ва сиёсатини тадқиқ этиш орқали илмий-назарий асосларини ўрганиб бориш, хуқуқий ва ташкилий асослар механизмларини шакллантиришни талаб этади.

Ш.Р.Рахимов*

Ички ишлар органлари ходимларининг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашда хуқуқий маданиятини юксалтириш

Жамиятда хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни юксалтириб бориш қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлашнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Сўнгги йилларда миллий хуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш, жамиятда хуқуқий маданиятни шакллантириш ҳамда малакали юридик кадрларни тайёрлаш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди.

“Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январда “Жамиятда хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5618-сон Фармони қабул қилинди. Мазкур Фармонда асосий вазифалар этиб қуидагилар белгиланди:

жамиятда хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни юксалтиришда, энг аввало, таълим-тарбиянинг тизимли ва узвий равища олиб борилишига алоҳида эътибор қаратиш, мактабгача таълим тизимидан бошлаб, аҳолининг барча қатламларига хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни чуқур

*ИИВ МОИ КТФ Махсус фанлар цикли ўқитувчиси.

сингдириш, шахсий манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш ғояларини кенг тарғиб қилиш;

давлат хизматчиларининг хуқуқий онги ва хуқуқий маданиятини юксалтириб бориш, уларда коррупция ва бошқа хукуқбузарликларга нисбатан муросасизлик муносабатини шакллантириш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан, хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг манзилли хуқуқий тарғиботни амалга ошириш борасидаги ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш;

жамиятда хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни оширишга доир тадбирларни ташкил этишда ижтимоий шериклик принципларидан кенг ва унумли фойдаланишни тизимли асосда йўлга қўйиш;

оммавий ахборот воситаларининг хуқуқий ахборот билан таъминлашдаги ролини ошириш, хуқуқий тарғиботнинг инновацион усулларидан кенг фойдаланиш, шу жумладан, веб-технологияларни қўллашни кенгайтириш;

юридик таълимни такомиллаштириш, шунингдек, юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ривожлантириш;

жамиятда хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни юксалтиришнинг илмий асосларини чуқур тадқиқ этиш”³⁴.

Ички ишлар органлари ходимларининг хуқуқий онги ва хуқуқий маданиятини оширишда ҳам самарали ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институтида ташкил этилаётган ўқув жараёнларида ички ишлар тизимида фаолият юритаётган ходимларнинг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашда билим кўникмалари ошириб борилмоқда.

³⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ти ПФ-5618-сон Фармони. 2019 йил 9 январь

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрда “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар кўрсатилган:

ариза — хукуқларни, эркинликларни ва қонуний манфаатларни амалга оширишда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимос баён этилган мурожаат;

таклиф — давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларни ўз ичига олган мурожаат;

шикоят — бузилган хукуқларни, эркинликларни тиклаш ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги талаб баён этилган мурожаат;

электрон мурожаат — белгиланган тартибда ахборот-коммуникация технологиялари воситасида берилган, шу жумладан давлат органининг, ташкилотнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилган мурожаат, реал вақт режимида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда берилган оғзаки мурожаатлар бундан мустасно;

такрорий мурожаат — айни бир жисмоний ёки юридик шахсдан келиб тушган, унинг аввалги мурожаати юзасидан қабул қилинган қарор устидан шикоят қилинаётган ёки бошқача тарзда норозилик билдирилаётган, шунингдек, агар такрорий мурожаат келиб тушган пайтга келиб қонунчилиқда белгиланган кўриб чиқиш муддати тугаган бўлса, илгариги мурожаати ўз вақтида кўриб чиқилмаганлиги тўғрисида хабар қилинаётган мурожаат;

аноним мурожаат — жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар ёки юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёхуд улар ҳақида ёлғон маълумотлар кўрсатилган мурожаат, шунингдек уни идентификация қилиш имкониятини бермайдиган электрон мурожаат ёхуд имзо билан тасдиқланмаган ёзма мурожаат;

мурожаатнинг дубликати — айни бир жисмоний ёки юридик шахс мурожаатининг кў chirma нусхаси;

оммавий қабул — давлат органи раҳбарининг ёки бу борада ваколат берилган мансабдор шахсининг жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари билан оммавий учрашувларида мурожаатларни қабул қилишга доир ҳаракати;

видеоконференцалоқа — узокда жойлашган бир нечта абонентларнинг реал вақт режимида аудио- ва видеоахборот алмашиш имконияти билан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда интерактив ҳамкорлик қилиши;

давлат иштирокидаги ташкилот — устав фондида давлат улуши мавжуд бўлган тижорат ташкилоти ёхуд тўлиқ ёки қисман давлат органи томонидан ташкил этилган ёки таъсис этилган нотижорат ташкилоти”³⁵.

Мазкур қонунга асосан мурожаатлар оғзаки, ёзма ёхуд электрон шаклда ариза, таклиф ва шикоят тарзида берилиши мумкин.

Мурожаатлар шакли ва туридан қатъи назар, бир хил аҳамиятга эга.

Мурожаатлар уларда қўйилган масалаларни ҳал этиш ўз ваколати доирасига кирадиган давлат органига, ташкилотга ёки уларнинг мансабдор шахсига бевосита ёхуд бўйсунув тартибида юкори турувчи органга берилади.

Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатни мустақил равишда беришга, шунингдек бу борадаги ваколатни ўз вакилига беришга ёхуд мурожаатни почта алоқаси воситалари орқали ёки электрон шаклда юборишга ҳақли. Вояга етмаганлар, муомалага лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган шахсларнинг манфаатларини кўзлаб мурожаатлар уларнинг қонуний вакиллари томонидан қонунчиликда назарда тутилган тартибда берилиши мумкин.

“Давлат органига, ташкилотга ёки уларнинг мансабдор шахсларига келиб тушган мурожаатлар шу орган, ташкилот томонидан ёки мурожаатларни кўриб чиқиши бўйича зиммасига мажбуриятлар юклатилган мансабдор шахслар томонидан кўриб чиқилади.

³⁵ Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни. 2017 йил 11 сентябрь.

Давлат органига, ташкилотта келиб тушган мурожаатлар бўйсунув тартибида қуи турувчи бўлинмаларга ҳам юборилиши мумкин.

Агар мурожаатда давлат органлари, ташкилотларнинг бир нечта таркибий бўлинмаларига тааллуқли масалалар мавжуд бўлса, уларнинг барчаси мурожаатни кўриб чиқиши бўйича ижрочилар этиб белгиланади. Ижрочилар ўртасида биринчи кўрсатилган таркибий бўлинма мурожаатнинг кўриб чиқилишини бошқа таркибий бўлинмалар билан биргаликда таъминлайди.

Мурожаатни тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқиши учун қўшимча маълумотлар, маълумотномалар ва материалларга зарурат пайдо бўлган тақдирда, мазкур мурожаатни кўриб чиқаётган давлат органи, ташкилот ёки уларнинг мансабдор шахслари мурожаат этувчидан, шунингдек ўз ваколатлари доирасида бошқа давлат органларидан, бошқа ташкилотлардан ва мансабдор шахслардан қўшимча ахборотни сўраб олиши мумкин. Агар ахборот давлат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни ўз ичига олган бўлмаса, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳукуклари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига, жамият ва давлат манфаатларига заарар етказмаса, давлат органлари, ташкилотлар ва мансабдор шахслар ўзларидан сўралаётган ахборотни ўн қун ичидан тақдим этиши шарт.

Мурожаатларни кўриб чиқаётган давлат органи, ташкилот ёки уларнинг мансабдор шахслари зарур ҳолларда, мурожаатнинг жойнинг ўзига бориб кўриб чиқилишини таъминлаши мумкин.

Агар мурожаатда қўйилган масалалар хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига дахлдор бўлса, уларнинг вакиллари мурожаатларни кўриб чиқишида иштирок этиш учун давлат органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида жалб этилади”³⁶.

³⁶ Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни. 2017 йил 11 сентябрь.

“Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2021 йил 1 январдаги “Ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 2-сон буйруғи қабул қилинди.

Мазкур буйруқда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаат этиш ҳукуқлари кафолатланган, яъни;

жисмоний ва юридик шахсларга таркибий ва худудий бўлинмалар ҳамда уларнинг масъул ходимларига якка тартибда ёки жамоа бўлиб мурожаат этиш ҳукуқи кафолатланади.

Мурожаат этиш ҳукуқи ихтиёрий амалга оширилади. Ҳеч ким бирон-бир мурожаатни ҳимоя қилишга ёхуд унга қарши қаратилган ҳаракатларда иштирок этишга мажбур қилиниши мумкин эмас.

Хорижий давлатларнинг жисмоний ва юридик шахслари, фуқаролиги бўлмаган шахслар таркибий ёки худудий бўлинмаларга ушбу Низомга мувофиқ мурожаат этиш ҳукуқига эга.

Мурожаат этиш ҳукукидан фойдаланаётганда жисмоний шахсларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеига, шунингдек, юридик шахсларнинг мулк шакли, жойлашган ери (почта манзили), ташкилий-ҳукукий шаклларига ва бошқа ҳолатларига қараб камситишга йўл қўйилмайди”³⁷.

“Мурожаатлар билан ишлаш муддатлари улар таркибий ёки худудий бўлинмага келиб тушган кундан бошлаб ҳисобланади.

Агар тегишли муддатнинг охирги куни дам олиш ва байрам кунларига тўғри келса, навбатдаги иш куни муддат тугайдиган кун ҳисобланади.

Ариза ёки шикоят масалани мазмuni бўйича ҳал этиши шарт бўлган келиб тушган кундан эътиборан ўн беш қун мобайнида, қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда асослантирилган билдириги орқали таркибий ёки худудий бўлинма

³⁷ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг “Ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 2-сон буйруғи. 2021 йил 1 январь

раҳбарининг рухсати билан бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади.

Ариза ва шикоятни кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, қўшимча материалларни сўраб олиш ёки бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, уни кўриб чиқиш муддатлари Вазир ва Вазир ўринbosарлари, Қорақалпогистон Республикаси Ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари, вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқлари томонидан истисно тариқасида, асослантирилган билдирги орқали узоғи билан яна бир ойга узайтирилиши мумкин, бу ҳақда мурожаат этувчига хабар қилинади.

Таклиф келиб тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади, қўшимча ўрганишни талаб этадиган таклифлар бундан мустасно, бу ҳақда таклифни киритган жисмоний ёки юридик шахсга ўн кун муддатда ёзма шаклда хабар қилинади.

Айрим ҳолларда мурожаатнинг мазмунидан келиб чиқиб, Вазир ва унинг ўринbosарлари, таркибий ёки худудий бўлинма раҳбари ҳамда Бошқарма томонидан мурожаатни кўриб чиқиш муддатлари кисқартирилиши мумкин.

Мурожаатнинг белгиланган муддатларда кўриб чиқилишига уни кўриб чиқишга масъул бўлган ходим ва унинг бевосита раҳбари жавобгар ҳисобланади”³⁸.

Мурожаатларни кўрмай қолдириш

Куйидаги мурожаатлар кўриб чиқилмайди:

аноним мурожаатлар;

жисмоний ва юридик шахснинг вакиллари орқали берилган мурожаатлар, уларнинг ваколатини тасдиқловчи хужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда;

мурожаат муаллифи суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса;

³⁸ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг “Ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 2-сон буйруғи. 2021 йил 1 январь

Қонунда белгиланган бошқа талабларга мувофиқ бўлмаган мурожаатлар.

Хуроса ўрнида, ички ишлар органлари ходимларининг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш, мурожаатларни кўриб чиқиш ва мурожаатларни кўрмай қолдириш қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширилиши зарур.

Фойдаланилган манбалар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.–Т:Ўзбекистон, 2023.;
2. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги ЎРҚ-407-сон қонуни;
3. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрда “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ти қонуни.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январда “Жамиятда хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ти ПФ-5618-сон фармони.

*Н.З.Тасимов**
*А.А.Абдибоситов***

“Ички ишлар органлари тўғрисида”ти қонун - ходимлар томонидан ўқотар қуролларни қўллашнинг хуқуқий асоси сифатида

Сўнгги йилларда мамлакатимизда жиноятчиликка қарши курашиш механизмини янада такомиллаштириш мақсадида Ички ишлар органлари фаолиятида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада Президентимиз, муҳтарам Шавкат Мирмонович Мирзиёев “Ҳар бир жиноятнинг илдизигача етиб борищ, жамиятда жиноятчиликка қарши курашиш иммунитетини шакллантириш керак. Акс ҳолда, жиноятнинг

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти Жанговар тайёргарлик цикли катта ўқитувчиси
**ИИВ Малака ошириш институти Юридик фанлар кафедраси ўқитувчиси.

оқибатлари билан овора бўлиб юраверамиз. Бундай кайфият билан ишлашга йўл қўймайман”³⁹ деб таъкидлаган.

Ички ишлар органларининг асосий вазифалари “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуннинг 2-моддасида белгиланган бўлиб, унга кўра: ички ишлар органларининг асосий вазифалари:

1. фуқароларнинг хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкини, конституциявий тузумни ҳимоя қилиш;

2. қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш;

3. хукуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасидан иборат⁴⁰.

Қонун, ички ишлар органлари ходимларидан ноқонуний тажовузлардан ҳимоя қилишга муҳтож бўлган ҳар бир кишига дарҳол ёрдамга келишини талаб қиласди. Ички ишлар органлари ходими юқоридаги вазифалардан келиб чиққан ҳолда хизмат олиб борар экан, хизмат фаолияти давомида турли хил вазиятларга тўғри келиши мумкин. Албатта, ўқотар қуролларни қўллашга тўғри келадиган вазиятлар ҳам истисно эмас.

Ички ишлар органи ходими қўйидаги ҳолларда ўқотар қуролни қўллаш хукуқига эга:

- фуқароларни ёхуд ўзини ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлган, зўрлик ишлатиш билан қилинган хужумдан ҳимоя қилишда;
- гаровдагиларни озод қилишда;
- ўта оғир жиноятни содир этиш чоғида кўриб қолинган ва яширинишга уринаётган шахсни ушлашда, агар бошқа воситалар билан бу шахсни ушлаш имкони бўлмаса;

³⁹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигидаги 2018-йил 27-июл куни жиноятчиликнинг олдини олиш, давлат идоралари ва жамиятнинг бу борадаги масъулиятини ошириш масалаларига бағищланган видеоселектор йиғилишидан/ <https://president.uz/oz/lists/view/1914>

⁴⁰ Ўзбекистон Республикасининг 2016-йил 16-сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги ЎРҚ-407-сонли қонуни 2-моддаси.

- ички ишлар органларининг ўқотар қуролларини, ўқ-дориларини, портловчи моддаларини, транспорт воситаларини, махсус ва жанговар техникасини эгаллаб олишга бўлган уринишларга чек қўйишда;
- фуқароларнинг уй-жойларига, давлат органларининг ва бошқа ташкилотларнинг қўриқланадиган обьектларига, ўта муҳим юкларига, транспорт воситаларига, биноларига гурӯҳ бўлиб қилинган ҳужумни ёки қуролли ҳужумни даф этишда;
- қуролли қаршилик кўрсатаётган шахсни, шунингдек ёнидаги қуролни, ўқ-дориларни, портловчи моддаларни, портлатиш қурилмаларини, заҳарли ёки радиоактив моддаларни топшириш тўғрисидаги қонуний талабни бажаришни рад этаётган шахсни ушлашда;
- жиноят содир этишда гумон қилиниб ушлаб турилган шахсларнинг, ўзига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг қамоқдан қочиб кетишига чек қўйишда, шунингдек ушбу шахсларни куч ишлатиб озод қилишга бўлган уринишларга чек қўйишда;
- агар транспорт воситасининг ҳайдовчиси фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига ҳақиқий хавф туғдирса ҳамда ички ишлар органи ходимининг қонуний талабларига қарамай, тўхташдан бош тортса, ушбу транспорт воситасини шикастлаш йўли билан тўхтатишда;
- инсоннинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солаётган ҳайвонни зарарсизлантиришда;
- қурол ишлатиш нияти ҳақида огоҳлантириш сифатида ўқ отишда, юқорига қаратада ёки бошқа хавфсиз йўналишда ўқ отиш орқали хавф-хатар сигнални беришда ёки ёрдамга чақиришда⁴¹.

Юқорида ички ишлар органи ходими томонидан ўқотар қурол қўллаш мумкин бўлган ҳолатларнинг барчаси келтирилган бўлиб, ушбу ҳолатлардан ташқари ҳар қандай вазиятда ўқотар қуролни қўллаш тақиқланади.

⁴¹ Ўзбекистон Республикасининг 2016-йил 16-сентабрдаги “Ички ишлар органлари тоъғрисида”ги ОъРҚ-407-сонли қонуни 24-моддаси.

“Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуннинг 24-моддасида ходим ўқотар қуролни қўллашдан олдин огоҳлантириши шарт эканлиги белгилаб қўйилган, бундан ходимнинг ҳаётига ёки фуқароларнинг ҳаётига бевосита хавф таҳдид солаётган ҳоллар мустасно.

Шунингдек, ушбу ҳуқуқ нормаси билан ўқотар қуролни қўллаш тақиқланган шахслар ҳам белгиланган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- аёллар;
- ногиронлик белгилари кўриниб турган шахслар;
- ёши аниқ кўриниб турган ёки маълум бўлган вояга етмаганлар.

Юқорида келтирилган шахсларга нисбатан улар томонидан қуролли хужум қилинганда, қуролли қаршилик кўрсатилганда ёки фуқароларнинг ёхуд ички ишлар органи ходимининг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид этиб, гуруҳ бўлиб хужум қилинганда ходим томонидан ўқотар қурол қўлланилиши мумкин.

Бундан ташқари ўқотар қурол қўлланилиши натижасида тасодифий шахслар жабрланиши мумкин бўлса, ички ишлар органи ходими кўп фуқаролар тўпланганда уни қўллаш ҳуқуқига эга эмас.

Ички ишлар органлари қуроллантириладиган ўқотар қурол ва унинг ўқдорилари турларига тўхталадиган бўлсақ, Қонунда уларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланиши белгиланган. Ушбу рўйхатга кирмайдиган ўқотар қурол ва унинг ўқдорилари билан ички ишлар органларини қуроллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тақиқланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни хulosа қилиш мумкинки, ички ишлар органлари ходимлари томонидан ўқотар қуролларни қўллашда ходимнинг касбий-ҳукукий онги қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

биринчидан, қонун билан бирлик ва ҳамжихатлик ҳисси, қуролни фақатгина қонун билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларни ҳимоя қилиш мақсадида (бошқа чоралар билан ҳимоя қилишнинг имкони бўлмагандан) қўллаш;

иккинчидан, ўқотар қуролларни қўллашнинг қонунда белгиланган тартиби қатъий ва о'згармаслиги;

учинчидан, ўқотар қуролларни қўллаш билан боғлиқ бўлган вазиятларда вазиятларда тўғри қарор қабул қилиш имконини берувчи юқори даражадаги назарий билимларга эга бўлиш;

тўртинчидан, амалдаги қонунчиликда белгиланган қоидаларни тўлиқ ўзлаштирганлик ва ўқотар қуролларни қўллаш жараёнида уни тўғри қўллай олиш.

ДЖ.Р.Ураков*
А.С.Шарипов*

Ҳарбий соҳа вакилларининг соҳавий салоҳиятини юксалтириш борасидаги ишлар

Янги Ўзбекистонни азму шиҷоатли ёшларимиз билан биргаликда барпо этамиз.

Ш.М.Мирзиёев

Мамлакатимизда олиб борилаётган юксак ўзгариш ҳамда ислоҳотлар ҳар биримизнинг Она Ватанга бўлган муҳаббатимизни янада ошироқда.Қадимдан бу юрт Темурийлар, Бобурийлар, Мангуберди, Нажмиддин Кубролар юрти бўлиб келган.Азал азалдан буюк саркардаларимиз юртимиз сарҳадларини мардларча ҳимоя қилиб келишган. Шу ўринда даврлар мобайнида ҳам етук саркардалар жанг қилиш маҳорати, давлатни бошқариш санъати, шу жумладан қиличбозлик, камондан ўқ узиш, найза улоқтириш, жанговор ҳимоя усуллари каби машғулотлардан пири комилларидан сабоқ олганлар.Бу каби ишларни биз ота – боболаримиз томонидан биз ёш авлодгача етиб келган буюк саркарда Амир Темурнинг „, Темур тузуклариъ китоби орқали, Захириддин Муҳаммад Бобурнинг „,

*Ш.Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети Юридик факултети Махсус ҳукукий фанлар кафедраси о'қитувчиси udjahongir@gmail.com

*Ш. Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети Юридик факултет 1-босқич талабаси Asoroxsharipov777@mail.com

Бобурномаъ асари орқали, Низомулмулкнинг „Сиёсатномаъ“ асарларидан ўқиб билиб олишимиз мумкин. Ота – боболаримизнинг бу каби ишларини бугунги кунда ҳам юртимиз сарҳадларини мардларча ҳимоуялаб келаётган мард ва жасур ўғлонларимиз давом эттириб келмоқдалар. Она Ватанни мард ўғлонлар қўриқлади, унинг муҳофазаси йўлида хизматда бўлишади. Ватан туйғуси ҳар биримизнинг қалбимизнинг туб-тубидан жумбушга келтирадиган бир туйғу. Йигитлик бурчини адo этишилик ҳар бир эр-йигитнинг йигитлик бурчи ҳисобланади. Жорий конституциямизнинг 64-моддасида „Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирларъъ дейилади. Бу орқали биз шуни англашимиз мумкинки, Она Ватанни севиш билан бирга унинг муҳофазасини ҳам ҳар биримиз ўз олдимизга бурчимиз сифатида амалга оширишимиз керак. Даврлар ўзгарган сари турли хил турдаги жаҳон сиёсий майдонида юзага келиб турган ахборот урушлари, тинчликка раҳна соловчи бошқа иллатлар диний экстремизм, терроризм, ақидапарастлик, кибер жиноятчиликларнинг сони йилдан йилга кўпаймоқда экан, бу барчамизни хушёрликка чорлайди. Ушбу жараёнларда мамлакат мудофаа салоҳиятини янада такомиллаштириш, унга бўлган эътиборни кучайтириш мамлакат бошқарув органларининг асосий вазифаларидан бири бўлиб келмоқда. Мамлакатимиизда ҳам мустақилликка эришганимиздан сўнг хусусан мудофаа соҳасида 1992-йилга қатор ислоҳотлар амалга оширилди. Юртимизда олийгоҳлар сони йилдан йилга ортиб бормоқда. Бу яхши корсаткич албатта. Бошқа соҳалар билан биргаликда ҳарбий соҳада ҳам жадал ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан соҳанинг асосий принциплари сифатида бошқа давлатларга ҳарбий куч ишлатмаслик, худудларнинг яхлитлиги ҳамда хавфсизлигини таъминлаш каби соҳа принципларини мисолқилиб олишимиз мумкин бўлади. Бугун кунимиз жадал суратларда ўтиб бормоқда, бу барчамизнинг такрор ва такрор тақидлашимиз лозимки, хушёрликка чақирмоқда. Мудофаа соҳасининг юртимизда етарли даражада

асбоб-ускуна қурол яроқлар, жаҳоннинг етакчи давлатлари билан беллаша оладиган ҳарбий техникаларинг мавжуд эканлиги юртимиз аҳолисининг фаравон ҳаётини, осойишталиги ҳамда тинчлигини таъминлашдаги ислоҳотлар самараси ҳисобланади. Яна бир натижа сифатида юртимизда ҳарбий соҳада кадрларнинг етук мутахассислар сифатида тарбияланаётганлиги десак янглишмаган бўламиз. Бунда кадрларнинг асосий муҳаббати Она Ватанга бўлганлиги кишини шу юртнинг фарзанди эканлигини ва шу юрт билан фахрланиши билдириб туради.

Замонамизнинг келажаклари бўлмиш ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш жамоатчилик вакилларининг асосий мақсад ва вазифаларидан бири бўлиб келмоқда. Ҳарбий тузилмадаги олийгоҳлар сифатида Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Академияси, Чирчиқ Олий танк ўқув қўмондонлик билим юрти, Жиззах авиаатсия билим юрти. Бу каби ҳарбий тузилмалар юртимизда ҳарбий кадрлар тузилмаларини тўлдириб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Академияси – юртимизга салоҳиятли кадрларни етказиб келмоқда. У ерда төхсил олган курсант кадрлар юртимизда кўплаб хуқуқ-тарғибот органлари, ҳарбий хизматнинг бошқа соҳаларида фаолият олиб бормоқдалар. Авваломбор Академияга қабул жараёнларига келадиган бўлсак, ушбу жараён бўйича Вазирлар Маҳкамисининг „Ички ишлар вазирлиги академиясининг қундузги ва сиртқи таълим шаклларига номзодларни танлаш ва ўқишига қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақидаги қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаъ ги қарор лойиҳаси ишлаб чиқилган. Лойиҳага кўра кадрлар тайёрлаш тизими бўйича магистрлар даражасига тенглаштирилган олий маълумотли ходимлар тайёрланиб келинмоқда. Таълим шакли қундузги ҳамда сиртқи шаклга эга. Қабулнинг 10 фозини ўрта маҳсус маълумотга эг шахслар бўлса, 90 фоизини Ички ишлар вазирлигининг академик лицейлари битирувчилари, ҳарбий тузилмалари каби соҳа вакилларини ташкил этади. Имтиҳонлар биринчи галда ходимларнинг ҳарбий-тиббий кўрсаткичлари синовдан ўtkазилса, кейинг

галда қабул қилинаётган шахсларнинг психологик жараёнлари синовдан ўтказилади. Ушбу синовларни муваффақиятли амалга оширган шахслар четтили имтиҳонига киритилади. Умумий ҳолатда айтганда ушбу билим юртида төхсил олиш жуда ҳам кўплаб инсонларнинг орзуси бўлса керак. Негаки ушбу олийгоҳ ҳарбий тузилмалар доирасида нуфузли ҳисобланади. Ҳар биримиз кўча кўйда бирор бир ҳарбийни кўрадиган бўлсак ўша инсонга жуда ҳам ҳавас қиласиз. Негаки ҳарбийларнинг хусусан барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи соҳа вакилларини оладиган бўлсак уларнинг кийиниш этикаси, юриш туриши орқали барчамиз ҳавас қиласиз ва шу орқали ҳам Ватанга бўлган муҳаббатимиз ошиб боради. Бўлажак офицерларнинг ҳуқуқий онгини ҳамда шу билан бирглиқда уларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш бўйича ҳарбий билим юртининг етук мутахассислари томонидан турли хил кўринишларга эга бўлган амалий кўникмалар бериб борилмоқда. Кадрларни жиноятчиликни олдини олиш борасида тарбиялаш мақсадида авваломбор бўлажак офицерларга жиноятларнинг келиб чиқиши сабаблари унинг обекти, обектив томони, субекти ҳамда субектив томони шу билан биргаликда жиноятчиликларнинг ортидан келиб чиқадиган салбий оқибатлар тушунтирилиб борилмоқда. Жиноятларнинг олдини олиш борасида уларни бартараф этиш чора тадбирлари ҳақида дастлабки кўникмалар тўғридан – тўғри амалиёт орқали ўргатилиб келинмоқда. Бу каби кўникмаларнинг берилиши соҳа вакилларининг билим салоҳиятини ҳамда амалий тажрибасини оширишга хизмат қилиб келмоқда.

Хуроса қилиб айтганда юртимиздаги бугунги кундаги ўзгаришлар орқали халқимиз жуда ҳам мамнун бўлмоқда. Юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида юртимиздаги кадрлар ҳеч жабҳада жаҳон мамлакатлари кадрларидан ортда қолаётганлиги йўқ. Бундан кўриниб турибдики, юртимизда таълим жараёнлари, ушбу соҳадаги сифат яхши даражада ривожланмоқда. Биз ёшлар ҳам ўз имкониятларимизни ишга солиб ҳеч ҳам билим олишдан, хунар ўрганишдан шу билан биргаликда

изланишдан тўхтаб қолмаслигимиз керак. Зероки биз бу буюк давлатнинг эртаси, келажагининг бунёдкорларимиз.

Фойдаланилган манбалар:

Раҳбарий адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг конституцияси Т-; 01.05.2023, Т-;

Норматив-хуқуқий ҳужжатлар:

1. ПФ-67-сон 08.05.2023. Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чоратадбирлар тўғрисида

2. ПФ-6108-сон 06.11.2020, Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида.

3. ВМҚ 533-сонли 28.09.2022-йил. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги академияси бакалавриатининг кундузги ва сиртқи таълим шаклларига номзодларни танлаш ва ўқишига абул қилиш тўғрисида низомларни тасдиқлаш ҳақида.

Ж.Б.Мухаммадаминов*

Судга қадар босқичларда шикоят қилиш хуқуқига эга процесс иштирокчилари

Жиноят процесси судловга қадар босқичларда шикоят қилиш хуқуқига эга субъектлар доирасини суриштирув ва дастлабки тергов фаолиятини амалга оширувчи давлат органлари ва мансабдор шахслар процессуал фаолиятни амалга оширишлари оқибатида ўз хуқуқ ва эркинликларига ноқонуний дахл этилган барча процесс иштирокчилари тушунилади.

Процесс иштирокчилари жиноят процесси судга қадар боқичларда жиноий таъқибни амалга оширувчи хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва мансабдор шахслар томонидан ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар ва қабул

*Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши хузуридаги Судьялар олий мактаби ЖИБ-1 тингловчиси
177

қилингандык нопроцессуал қарорларидан норози бўлган жиноят содир этганликда гумон килинувчи ёки айбланувчи шунингдек, жиноят натижасида ўзларига нисбатан жисмоний ҳамда моддий ва маънавий зарап етказилган шахслар (жабрланувчилар) ёхуд жиноят ишини хал қилишда у ёки бу даражада мулкий зарап кўрган шахслар (фукаровий даъвогар ва фукаровий жавобгар) нинг бевосита ўзлари ёки вакиллари уларнинг шахсий ҳукуқ ва манфаатларини самарали ҳимоя қилиш мақсадида шикоят қилиш ҳукуки қонунчилиқда мустаҳкамланган шахслардир. Шикоят қилиш ҳукукини амалга оширишда химоячи мухим ўрин тутади. Юқорида санаб ўтилган субъектлар жиноят процессида ўз манфаатларини ҳимоя қиласидан шахслар деб аталади. Шунингдек, “Жиноят процессида иштирок этувчи бошқа шахслар” деб юритилувчи, жиноят иши юритилишида ёрдамчи яъни ташкилий — исботлашга кўмаклашувчи ёки техник функцияни бажарувчи (таржимон, мутахассис, ҳолислар ва экспертлар) шахслар ҳам процесс жараёнида ўзларига нисбатан ҳукуклари мансабдор шахслар томонидан бузилган ҳолларда уларнинг ҳам қонунларда шикоят қилиш ҳукуки мустаҳкамланган.

Жиноят процесси назариясида шикоят қилувчи субъектларни уларнинг ҳукуқ ва манфаатлари ҳажмидан келиб чиқиб икки гурухга бўлишади яъни: биринчи гурухга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, фаолият туридан қатъий назар ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари ва қарорларига нисбатан, яъни тинтув ёки олиб қўйиш ўтказилувчи уй эгалари ёки уни ижарага оловчилар (иш билан процессуал боғланмаган фуқаролар, корхона, муассаса ва ташкилотлар), олиб қўйилган ашёларнинг эгалари ёки улардан фойдаланувчи шахслар киритилиши мумкин. Муҳими, тергов қилинаётган жиноят иши билан бирон-бир алоқа бўлса, бас. Аммо шикоят билан арз қилинаётган ҳаракат ёки қарор жиноят ишини тергов қилиш билан боғлиқ бўлиши лозим.

Иккинчи гурухга суриштирув ва дастлабки тергов босқичларда суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг хатти-ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят қилиш хукуқига эга субъектларга бўлинади. Хусусан, уларнинг юритилаётган ишдан шахсий манфаатдорлиги мавжуд бўлади. С.А.Минаеванинг фикрига кўра, “бундай манфаатдорлик, албатта, иш якунидан бевосита манфаатдор бўлган ва шу туфайли ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилиш имконини берувчи тегишли процессуал ҳукуқлар берилган шахслар: айбланувчи, гумонланувчи, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва жавобгар, шунингдек, бу шахсларнинг вакилларида бўлади”⁴².

З.Ф.Иногомжонова ва Г.З.Тўлаганованинг ёндашувига кўра жиноят-процесси иштирокчиларини иш якуни билан боғлиқ бўлган манфаатини ҳимоя қилувчи; процессда фаол иштирок этиш ва ишнинг бориши ва якунига таъсир кўрсатиш имконини берувчи кенг процессуал ҳукуқларга эга бўлган; давлат органи ёки мансабдор шахснинг алоҳида қарорига биноан жалб қилинган субъектлар гурухига бўлишади⁴³. Бу ўринда Россия адабиётларида, қонун процесс иштирокчилари доирасини чекламайди ва шу сабабли иштирокчилар доирасига жиноят ишини юритиш жараёнида у ёки бу даражада иштирок этувчи барча шахсларни киритади⁴⁴. Баъзилар эса “жиноят процесси иштирокчилари гумонланувчи, айбланувчи, ҳимоячи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари, жабрланувчи ва унинг вакили билан чегараланади”⁴⁵ деган фикрларни илгари суради.

Жиноят процесси судга қадар босқичларда шикоят қилиш институти субъектлари асосан суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам, шикоят қилиш асосан жиноят иши

⁴² Минаева С.А. Процессуальная деятельность руководителя следственного органа по обеспечению законности в досудебном производстве : дис. ...канд. юрид. наук.– М., 2015. –С. 61.

⁴³ Иногомжонова З.Ф. Тўлаганова Г.З. Жиноят процесси иштирокчилари. Ўқув қўлланма / ю.ф.д. проф. М.Ҳ.Рустамбоевнинг умумий таҳрири остида. – Тошкент: ТДЮИ, 2007. – Б.8-9.; Жиноят процесси (умумий қисм): Юридик институт ва факультетлари талабалари учун дарслик (Иногомжонова З.Ф.нинг умумий таҳрири остида.). – Тошкент:ТДЮИ, 2008. – Б.126-127.

⁴⁴ Попова Т.Ю. Уголовно-процессуальный статус руководителя следственного органа: монография.–М. 2013. –С.104.

⁴⁵ Колоколов Н.А. Методика проведения основных судебноконтрольных действий в стадии предварительного расследования. Учебное пособие. – М., 2015. –С. 217.

қўзғатилганидан сўнг ёки жиноий тақибни амалга оширувчи давлат органи ёки мансабдор шахснинг чиқарган қарори асосида ишга жалб қилингандан сўнг амалга оширилади.

ЖПКда, гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгарнинг ва уларнинг ҳимоячиси ёки қонуний вакиллари ёхуд гувоҳ, эксперт, мутахассис, таржимон, холислар учун шикоят қилиш хуқуки жиноят-процессуал қонунчилигида аниқ белгилаб қўйилган. Жумладан, ариза берувчи фақат жиноят ишини қўзғатишни рад этиш устидан шикоят қилишга ҳақли эканлиги ЖПКда тўғридан-тўғри кўрсатилган (333-модда). Бироқ, ариза берувчини юқорида қайд этилган шикоят қилиш субъектлари билан бир қаторга қўйиш лозим.

Мазкур шахс ҳам жиноят процессининг иштирокчиси деб қаралиши ва унинг шикоят билан мурожаат қилиш хуқуки тўла таъминланиши керак⁴⁶. Дархақиқат, жиноят процессида содир этилган иштимоий хавфли қилмишдан жабр кўрган шахснинг қилган арзи суриштирув босқичидаги ваколатли шахснинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлик) ва чиқарилган қарорлари устидан шикоят қилиш имконияти ҳимоя қилиш учун процессуал хукуклардан фойдаланишда муайян муаммоларга дуч келади. Қачонки суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан жабрланувчи деб топилгандагина, процессуал хуқукий мақомга эга бўлади. Шахсни жабрланувчи деб эътироф этиш тўғрисидаги қарор қачон қабул қилиниши жиноят-процессуал қонунида аниқ назарда тутилмаган.

Агарда етарли асослар мавжуд бўлгани ҳолда мумкин қадар тезроқ амалга оширилиши лозим. Амалда шахсни жабрланувчи деб эътироф этиш доим ҳам ўз вақтида юз беравермайди, бундай қарор баъзан дастлабки тергов тамомланишига яқин қабул қилинади. Бундай ҳолат жиноятдан жабрланган шахснинг конституциянинг 35-моддасида белгиланган конституциявий

⁴⁶ Мамадиев С.Н. Суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарорлари ва ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш. Монография. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2010. – Б.78.

хуқуқини тўғридан-тўғри бузиш деб ҳисобланиши тўғри бўларди. Бизнинг назаримизда, бу ҳолда шахснинг хуқуқий мақомидан эмас, балки фуқаронинг шикоят қилиш конституциявий хуқуқидан келиб чиқиш лозим. Демак, бошқа шахслар ҳам, гарчи уларнинг шикоят қилиш хуқуқи қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилмаган бўлса-да, суриштирув, дастлабки тергов органлари, прокурорнинг хатти-ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят қилиш субъектлари ҳисобланадилар. Улар жиноят-процессуал хуқуқий муносабатларнинг иштирокчилари бўлгани учун шикоят қилиш хуқуқига эга бўлади. Жиноят процесси судгача жиноий таъқибни амалга оширувчи давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан судлов ишларига жалб қилинган барча процесс иштирокчиларни бир қаторга қўйиш, албатта, ўринли эмас – уларнинг процесс босқичларида иштирок этиш даражаси, шакллари ва функциялари ҳар хил, худди шунингдек, уларнинг хуқуқлари ва манфаатлари бузилиши ва камситилиши эҳтимоли ва имкониятлари ҳам ҳар хил. Жиноят-процессида иштирок этувчиларнинг хуқуқий ҳолати турли-хил бўлишига қарамай, улар иштирокининг замирида муайян умумий жиҳатлар мавжудки, бу уларга тенг ҳуқуқлилик, суд ва қонун олдида ҳамманинг тенглиги, кўрилаётган масала ҳам шакл ва мазмунидан қатий назар бир ҳил муносабатни талаб этади.

Жиноят иши бўйича иш юритишга ҳали жалб қилинмаган ва бирон-бир муайян хуқуқий мақомга эга бўлмаган, бироқ уларга нисбатан почтателеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш, уларни кўздан кечириш ва олиб қўйиш (ЖПК 166, 167-моддалари), шунингдек, телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш (ЖПК 170-моддаси) шахсларга нисбатан қабул қилинган қарорлар ва бажарилган ҳаракатлардан мазкур шахслар, одатда бехабар бўлади. Бу эса процессуал ҳаракатлар ёки қарорлар фуқароларнинг шахсий дахлсизлиги, шахсий сир, шунингдек хат-хабарлар сирини саклаш борасидаги конституциявий хуқуқларини сезиларли даражада чеклайди.

Бунда субъектлар ўз ҳукуқлари ва қонуний манфаатларига дахл этувчи мазкур ҳаракатлар устидан шикоят қилиши қийинлашади, аникроғи – бундай имконият мавжуд бўлмайди, чунки шахслар кўрсатилган ҳаракатлар амалга оширилаётганидан бехабар бўлади⁴⁷. Бизнингча тергов ҳаракатлари тезкор-қидирув фаолияти тадбирларидан процессуал тартибда мустаҳтаҳкамланган қоидалар билан ажралиб турадиган фаолият тури ҳисобланади. Тергов ҳаракатлари айнан кимга нисбатан амалга оширилаётган бўлса ўша шахсни ҳабардор қилиш лозимлигини назарда тутади.

Аммо айрим тергов ҳаракатлари ўтказилиши тўғрисида шахсни ўзига нисбатан амалга оширилаётган сўзлашувларни назорат қилиш ва ёзиб олиш ёки почта-телеграф жўнатмаларини олиб қўйиш ҳақида огоҳлантиришни талаб қилиш, албатта, бу ҳам тўғри бўлмайди. Бироқ шахс мазкур ҳаракатлар амалга оширилаётганидан хабар топган ҳолда у процессуал ҳаракатларда ва тегишли равища ҳукуқий муносабатларда иштирок этмаган бўлса ҳам шикоят қилиш ҳукуқига эга бўлиши керак. Бунда шахс шикоят билан мурожаат этган пайтдан эътиборан жиноят-процессуал ҳукуқий муносабатлар иштирокчисига айланади, чунки шикоятни кўриб чиқиш ва амалга ошириш жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши лозим. Қонунга мувофиқ кўрсатилган процессуал ҳаракатлар ва қарорлар устидан гумон қилинувчи, айбланувчи ҳамда жиноят иши бўйича иш юритища иштирок этувчи шахслар шунингдек, қонунда назарда тутилган бошқа шахсларга ҳам шикоят қилиш ҳукуқи берилган. Шу сабабли Олий суд Пленуми қарорларида жиноят-процесси судга қадар иш юритиш босқичларди процессуал ҳаракат (ҳаракатсизлик) ёки қарорлар устидан шикоят келтириш ҳукуқига эга шахслар рўйхати ёки уларнинг умумий тушунчаси шарҳланиши мақсадга мувофиқ.

⁴⁷ Облаков А.Ф., Облаков А.А. Развитие института судебного обжалования и практика применения его норм на досудебных стадиях уголовного процесса. Дисс. ... канд. юрид. наук. – Москва, 2015. – С.58.

Хулоса қилилиб айтсак, юқоридаги барча масалаларни ҳисобга олиб шикоят қилиш хуқуқига эга бўлган шахсларга таъриф берсак: Жиноят процессида у ёки бу даражада иштирок этувчи, хуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган ҳар қандай шахс шикоят қилиш хуқуқига эга. Фуқаролар субъектив ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилиш хуқуки нафақат Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, балки чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга ҳам қонунчиликда бирон-бир расмий чеклов мавжуд эмаслигини кўрсатади.

Шикоят қилиш хуқуқи субъектлари билан боғлиқ масаладаги ноаниқлик, бир томондан, мазкур шахслар доираси асоссиз равишда кенгайишига олиб келиши, суриштирув, дастлабки тергов органлари, прокурорнинг хатти-харакатлари ва қарорлари устидан шикоят қилиш хуқуқи субъекти бўлмаган шахслардан шикоятлар қабул қилиниши ва кўриб чиқилиши натижасида процессуал воситалар беҳуда совурилишига сабаб бўлиши мумкин, бошқа томондан, бундай шахслар доираси асоссиз равишда торайтирилиши шахс шикоят қилиш хуқуқидан керакли пайтда фойдалана олмаслигига олиб келиши мумкин.

*М.Б.Косимов
А.М.Абдумажидов**

Хуқуқий таълим-тарбиянинг – жамият тараққиётидаги ўрни

Хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни юксалтириш масаласи хуқуқий демократик давлатда доимо устувор вазифа ҳисобланади. Хуқуқий маданият жамиятдаги турли хил ҳаётий жараёнларга фаол таъсир кўрсатувчи, фуқароларнинг, барча ижтимоий гурухларнинг жипслашувига кўмаклашувчи, жамиятнинг яхлитлиги ҳамда батартиблигини таъминловчи ва мустаҳкамловчи омилдир.

Жамиятда хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни юксалтириб бориш

* Наманган давлат университети Юридик факультети талабалари.

хуқуқий давлатчиликни қарор топтиришнинг, мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлашнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Шахс фуқаро ўз хуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятларини даражада англаб етиши, улардан фойдалана олиши, хуқуқ ва мажбуриятларнинг унинг зиммасига юклайдиган жавобгарлигини англаши учун унда хуқуқий онг, хуқуқий маданият, хуқуқий саводхонлик мавжуд бўлиши керак.

Албатта, хукукий онги бўлмаган ёки хуқуқий онги паст бўлган ёки хуқуқий маданият ва саводхонликка эга бўлмаган шахс тегишли хуқуқ ва эркинликлардаи фойдалана олмайди дегани эмас, чунки тегишли доирадаги хуқуқ ва эркинликлар давлат томонидан кафолатланган бўлиб, давлат, шахс, фуқаронинг унга тегишли бўлган хуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қиласди ва у томонидан унга юклangan мажбуриятларниш бажарилишини талаб киласди. Лекин, шуни таъкидлаш лозимки, тегишли даражадаги хуқуқий онгга ва хуқуқий саводхонликка эга бўлмаган шахс ўз хуқуқ ҳамда эркинликларидан тегишли даражада фойдалана олмайди.

Хатто давлат томонидан кафолатланган ва ҳимоя килинадиган бу хуқуқ ҳамда эркинликлар у учун декларатив холатда колиб кетиши мумкин. Эркин фуқаролик жамиятига асосланган демократик давлатни қуришга бел боғлаган эканмиз, жамиятимиз аъзоси бўлган ҳар бир шахснинг хуқуқий маданияти ва саводхонлиги доимий тарзда эътиборимизда бўлмоғи лозим.

Президентимиз бу тўғрида шундай деган эди: «Хуқуқий маданият, хуқуқий билим ҳамда моддий, маънавий, аҳлоқий ва бошқа мафкуравий омиллар асосида шаклланиб ва ривожланиб боради. Хуқуқий маданият фуқароларнинг етуклиги ва онглилигини кўрсатувчи меъёрдир. Хуқуқий билимларга эга бўлган ва уларни амалиётда татбиқ эта оладиган кишигина хуқуқий билимли ва маданиятли ҳисобланиши мумкин».[1]

Жамиятда хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни шакллантириш бўйича хуқуқий маърифий тадбирлар ва учрашувларни кенгайтириш, халқимиз

тарихи, дини, миллий қадриятларини ёш авлод онгидаги шакллантириш орқали ватанпарварлик ҳиссини кучайтириш каби долзарб вазифалар турган бир пайтда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618-сонли Фармонининг қабул қилиниши айни муддаодир.

Мазкур Фармонда инсон ҳукуқ ва эркинликларига ҳурмат муносабатини шакллантиришга, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги даражасини оширишга тўсқинлик қилувчи бир қатор муаммо ва камчиликлар кўрсатиб ўтилган.

Жумладан, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда энг аввало, ҳуқуқий таълим ва тарбия борасидаги ишлар тизимли ва узвий олиб борилмаётганлиги, узоқ йиллар давомида бу масала ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва айрим давлат органларининг иши сифатида қараб келиниб, бунда оила, маҳалла ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг иштироки етарлича таъминланмаганлигини, ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи омилларга нисбатан ҳуқуқий иммунитетни шакллантириш, ҳар бир шахсда қонунларга ва одоб-ахлоқ қоидаларига ҳурмат, миллий қадриятларга садоқат, ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлик ҳиссини уйғотиш ишига комплекс тарзда ёндашилмаганлиги ҳамда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда шахсий манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш ғояларини аҳоли онгига сингдириш ишларининг етарли олиб борилмаслиги ҳам қонун устуворлигини таъминлашга ўзининг жиддий салбий таъсирини кўрсатаётганлиги айтиб ўтилган. Шу ўринда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият ўзи нима деган саволга ойдинлик киритиб ўтамиш.

Хукуқий онг – қисқача қилиб айтганда хукуқ ва қонунчиликка оид одамларнинг тасаввурлари, уларнинг ҳис-туйғулари, амалий тажрибалар таъсирида пайдо бўлган хукуққа нисбатан муносабатини ифодалайди.

Хукуқий маданият эса – фуқароларнинг давлат ва хукуқ ҳақидаги муҳим билимларни эгаллаб олиши, амалдаги норматив-хукуқий хужжатлар ҳақидаги тушунчаларини талқин қила олиши ҳамда улардан тўғри фойдалана олишидир.

Бугунги кунда юртимизда барча жабҳаларда туб ўзгаришлар юз берадётган масъулиятли паллада хукуқий тарбиянинг барча шакл ва усулларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этишини ёдимиздан чиқармаслигимиз лозим.

Шу сабабли хукуқий маданиятимиз даражасига танқидий баҳо бераб, муаммоларимиз сабабини чуқур ўрганишимиз керак. Бироқ фақатгина қонунларни ўргатиш ва жавобгарлик билан қўрқитиш орқали қонун устуворлигига ва тараққиётга эриша олмаймиз. Бундан ташқари, ҳозирги глобаллашув, илмий-техник тараққиёт даврида аҳолининг хукуқий онги ва хукуқий маданиятини юксалтиришнинг инновацион усулларидан, тарғиботнинг илгор ва таъсирчан воситаларидан, хорижий давлатларнинг бу борадаги ижобий тажрибаларидан етарли даражада фойдаланмаётганлигимиз юқоридаги фикрларимиз исботидир.

Хукуқий таълим тарбиянинг мақсади турли хил юридик муносабатларда ўзини йўқотиб қўймаслик, давлатимиз олиб бораётган сиёsatнинг, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмуни, моҳиятини англаб этиш учун хар бир шахсда тегишли сифатларни вужудга келтириш ҳисобланади.

Хукуқий тарбиянинг обьекти бўлиб шахс ҳисобланади. Бунда у хукуқий онг ва хукуқий маданиятнинг сохиби бўлади. Хукуқий тарбия ҳозирги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда хукуқий маданият, тегишли даражадаги хукуқий мулосотни шакллантириш мақсадида тарбияланувчиларнинг онги, рухиятига боғлиқ бўлади.

«Хуқуқий тарбия - фуқароларнинг онги ва рухиятига таъсир қилишга қаратилган, режалаштирилган, бошқариладиган уюштирилган, тизимли, мақсадга йўналтирилган, ҳозирги замоп ҳуқуқшунослиги тасарруфида мавжуд бўлган турли хил ҳуқуқии тарбия шакллари, воситалари ва услубларидан фойдаланишидир.[2]

Шундай экан, ҳуқуқнинг тарбияловчи механизми унинг ижтимоий муносабатларни тартибга соловчи механизмига ўхшашлиги мантиқан тўғри бўлади. Ҳуқуқий тартибга солиш механизми ва ҳуқуқий тарбия институтлари битта методологик тизимда (текислиқда) жойлашган. Агар ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий тарбиянинг умумий даражаси паст бўлса, ҳуқуқий тартибга солиш жараёни шу даражада кийин бўлади.

Ҳуқуқий онгнинг мафкуравий қисми давлат иродаси билан боғлик бўлиб, давлат иродаси эса ҳуқуқий тартибга солишнинг асосини ташкил қилувчи юридик нормаларга ўз таъсирини кўрсатади. Тегишли мезонга асосланган ҳуқуқий тартибга солиш ижтимоий мухитнинг барқарорлигига ўз таъсирини кўрсатгани учун, бевосита ҳуқуқий онгга таъсир қиласди.

Ҳуқуқий тарбия воситалари шакллари ва тегишли шарт шароити ҳақида ран бошлашдан олдин ҳуқуқий тарбия доираси ва механизми ҳақида фикр юритишимиз лозим.

Ҳуқуқий тарбия доираси — бу инсонларда ҳуқуқий тушунчаларнинг шаклланишига бевосита ёки билвосита таъсир қилувчи объектив тарзда вужудга келувчи шарт-шароитларнинг йифиндиси ҳисобланади.

Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш хусусида фикр юритганда, биринчи навбатда, эътиборни «ҳуқуқий онг» ва «ҳуқуқий маданият» тушунчаларига қаратиш мақсадга мувофиқдир. Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият тушунчалари ҳамда улар ўртасидаги уйғунлик тўғрисида фикр юритамиз.

Ҳуқуқий онг ҳуқуқий тизимнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Ҳуқуқий онг ижтимоий онгнинг бир шакли ҳисобланиб, нисбатан мустақилдир. Ҳуқуқий онгнинг илмий-назарий таҳлилига оид ўтказилган

кўплаб тадқиқотларга қарамасдан ҳанузгача ҳуқуқшунос олимлар унинг тушунчаси бўйича яқдил фикрга келмаганлар.

С.С.Алексеевнинг фикрича, ҳуқуқий онг бу инсонларнинг ҳуқуқقا бўлган муносабатидир. Ҳуқуқий онгнинг энг муҳим жиҳати бу инсонлар томонидан ҳуқуқий қадриятларни англаш, бир вақтда ҳаракатдаги позитив ҳуқуқ, унинг онг ваadolat, ғоялар талабларига қанчалик мувофиқ келиши тўғрисидаги қарашлари[3]. В.С.Нерсесянц эса ҳуқуқий онгни инсонларнинг ҳуқуқий ҳодисаларга нисбатан қарашлари, тасаввурлари, эътиқодлари, кайфияти ва ҳис-туйғулари йифиндиси сифатида таърифлайди [4]. «Ҳуқуқий онг, – деб таъкид этади, Х.Т.Одилқориев, – ижтимоий онгнинг бир шакли ҳисобланиб, нисбатан мустақилдир. Ҳуқуқий онг жамият аъзоларининг ҳуқуққа, қонунга нисбатан муносабати ҳамда давлат механизми фаолияти хусусидаги тасаввурлари, қарашлари, таърифлар, ҳис-туйғу ва кайфиятларининг мужассам ифодасидир»[5].

Хулоса қилиб айтганда, ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтириш ислоҳотларнинг барча босқичларида ўз долзарблигини йўқотмайди. Ҳозирги ҳуқуқий модернизация даврида ҳам аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашувига мўътадил муҳит яратиб, унинг тўғри ва самарали шаклланишига бевосита таъсир кўрсатади.

“Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Концепцияси” фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини юксалтиришга хизмат қилиш орқали баркамол авлодни шакллантиришда муҳим омили сифатида ўзини оқлади.[6]

Фойдаланилган манбалар:

1.Мирзиёев Ш.М Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисга Муроажаатномаси.2022 йил

2.Рябко И.Ф. Основы правовой педагогики- Ростов на Дону, 1973. - С. 18. 283

3.Алексеев С.С. Право: азбука – теория – философия: Опыт комплексного исследования. –М.: 2001. – С. 50-51.

4. Нерсесянц В.С. Общая теория права и государства: Учебник для юрид. вузов и факультетов. –М.: 2000. –С. 213-214.

5. Одилқориев Х.Т. Мустақиллик ва ҳуқуқий қадриятлар. Ҳуқуқ-Права-Лав. 2001. №3. –Б. 4-5.

6. Атамирзаев И.Х. Янгиланаётган жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш - шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашувининг муҳим омили. / “Илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг инновацион ривожлантиришдаги замонавий муаммолар” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция. Андижон. 2020. 593-600-бетлар.

*С.Т.Шукуруллаева**

Ҳуқуқий маданиятни шакллантиришда ҳуқуқий тарбиянинг ўрни

Ҳуқуқий маданият - умумий маданиятнинг муҳим қисми бўлиб, қуйидаги асосий таркибий қисмларни ўз ичига олади.

1. Давлат томонидан халқ ва жамоат бирлашмалари нуқтаи назарларини ҳам ифодаловчи ҳуқуқий сиёсатнинг ишлаб чиқарилиши ва амалга оширилиши. Бу сиёсат даврнинг рухини ҳуқуқда ифодалashi лозим. Масалан, мустақиллик ва бозор муносабатлари билан боғлиқ масалалар ва вазифалар ҳуқуқий сиёсатдаги бош йўналишларданdir;

2. Юксак даражада ривожланган юридик фанларнинг мавжудлиги қуқуқий маданиятнинг муҳим қисмидир;

3. Кенг ва фаол ҳуқуқий онг ҳуқуқий маданиятнинг бир қисми бўлиб, у давлат ва ҳуқуқий воқеликлар ҳақидаги ғоялар, далиллар, хис-туйғулар, фикрлар, кайфиятлар

тизимиdir. Ҳуқуқий онгда ҳуқуқий руҳият ва ҳуқуқий мафкура жиддий ўрин тутади;

4. Ҳуқуқий маданият - бу инсонларнинг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги муҳим билимларни эгаллаб олиш даражасидир;

* Низомий номидаги Тошкент Давлат Университети Хорижий тил ва адабиёти факултети 3-боскич талабаси

5. Илгари эришилган ва тўпланган барча ҳуқуқий тажриба, ҳуқуқий ёдгорликлар ва уларнинг оммага тарқатилиши ҳуқуқий маданиятга киради;

6. Амалдаги меъёрий ҳуқуқий хужжатлар: Конституция, қонунлар, кодекслар, фармонлар, қарорлар ва бошқа ҳуқуқий манбалар ҳуқуқий маданиятнинг асосини ташқил этади;

7. Ҳуқуқ ижодкорлиги маданияти, ҳуқуқ меъёрларини яратиш масаласи, юридик техника даражаси, масалан, депутатлар ва аппарат хизматчиларининг ҳуқуқий билимлари, дунёқараши, ҳуқуқда ёндашуви қанчалик юқори ва холисона бўлса, ҳуқуқий маданият ҳам шунчалик юксак бўлади;

8. Ҳуқуқни амалга ошириш ишларининг ташқил этилиши қанчалик юқори бўлса, у ҳуқуқий маданиятга ҳам ўз ижодий таъсирини кўрсатади ва аксинча;

9. Ҳуқуқий маданиятнинг яна бир қисми - ҳуқуқни амалга оширувчи давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг ҳуқуқ меъёрлари талаблари даражасида ҳамда доирасида ўз ҳуқуқ, бурчларини бажариши, уларни англаб олишидир;

10. Мамлакатнинг давлат ва жамият ҳаётидаги қонунчилик даражаси, ҳамманинг қонун ва суд олдида тенглиги ҳуқуқий маданиятнинг ажralmas қисмидир.

Ҳуқуқий маданиятни мунтазам бойитиб бориш учун изчил ҳуқуқий тарбия ишларини олиб бориш лозим. Бу йўналишда қўйидагилар ўта муҳим аҳамият касб этади: юксак малакали суд-адлия кадрларини тайёрлаб бориш; барча ўкув юртларида, мактабларда ҳуқуқ ҳақидаги билимларни ўргатиш-ўрганиш, мазкур фанлардан имтиҳонлар жорий этиш, радио, телевидение, вақтли матбуотда ҳуқуқий билимларни кенг тарғиб ва ташвиқ қилиш; аҳолининг, мустакил равища, ҳуқуқий билимларни ўрганиш мақсадида қонун хужжатларини мунтазам чоп этиб бориш; суд, прокуратура, милиция органларининг иш тажрибасини оммалаштириб бориш; адлия ва ҳуқуқшунослик фанларини ривожлантириш, ошкораликни таъминлаш;

бошқа давлатларнинг хуқуқий тажрибасини ўрганиш ва улардан фойдаланиш; бадиий адабиётда, санъатда хуқуқий билимларни тарқатиш; хуқуқий хулқни рағбатлантириш. Хуллас, хуқуқий маданият инсон маданиятининг муҳим қисми, унинг билан ўзаро боғлиқир.

Хуқуқий маданият тарихан аста-секин шаклланган ижтимоий воқеа бўлиб, ҳозирги даврда илғор хуқудий давлатларнинг ва уларнинг фуқароларининг зарурий хислати ва тараққиёт омилига айланди. Илғор мамлакатлар бу борада сезиларли ютуқларга эришдилар ва уларнинг ҳар бир фуқароси ҳар бир масалада қонунларга суюниб иш олиб боради, ўз ҳақ ва хуқуқлари давлат ёки айрим шахслар томонидан бўзилган тақдирда, уларнинг даражаси ва мавқсидан қатъи назар, суд орқали адолатли эчимга эришади.

Мамлакатимизда инсон хуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳаётни демократлаштириш учун шартшароитлар яратиш ва хуқуқий давлат асосларини шакллантириш заруриятидан келиб чиқсан ҳолда ушбу “Жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтириш” Миллий дастур қабўл қилинган.

Миллий дастурнинг мақсади аҳолининг барча қатламлари хуқуқий саводхонликка эришишлари, юксак даражадаги хуқуқий онгга эга бўлишлари ҳамда хуқуқий билимларини кундалик ҳаётда қўллай олишлари учун хуқуқий маданиятни шакллантиришнинг кенг қамровли мунтазам тизимини яратишидир.

Кўрсатилган мақсадга эришишда асосий вазифалар қўйидагилардан иборат:

- хуқуқий таълим ва хуқуқий тарбия тизимини такомиллаштириш;
- барча давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг қонунга ҳамда хуқуққа ҳурмат билан муносабатда бўлишига эришиш;
- аҳолининг хуқуқий саводхонлигини ошириш;
- фуқароларнинг ижтимоий-хуқуқий фаоллигини таъминлаш.

Хукуқий маданиятни шакллантириш ва юксалтириш соҳасидаги давлат сиёсати қўйидаги принципларга асосланади:

- инсон хукуқлари ва эркинликларининг устуворлиги;
- Конституция ва қонуннинг устунлиги;
- демократияга асосланганлик;
- ижтимоий адолат;
- илмийлик;
- узлюксизлик;
- хукуқий тарбиядаги ворислик ҳамда умумийлик;
- хукуқий ахборотнинг ҳамма учун очиқлиги;
- хукуқий тарбия ва хукуқий маорифнинг бирлиги ҳамда уларга табақалаштирилган ёндашув.

Юксак хукуқий маданиятни шакллантириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари қўйидагилардан иборат:

- фуқаро, жамият ва давлатнинг ўзаро муносабатларида аҳолининг хукуқий маданияти ҳамда ижтимоий фаоллиги юксалишини таъминлаш;
- аҳолининг хукуқий маданиятини шакллантиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш;
- аҳолини хукуқий ахборот билан таъминлаш, илмиёммабоп юридик адабиётлар нашр қилиниши ва тарқатилишини давлат томонидан қўллаб-кувватлаш;
- хукуқий таълим ва хукуқий тарбия воситалари ва усулларини такомиллаштириш;
- юридик таълим, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг замонавий тизимини ривожлантириш;
- хукуқий маданиятнинг илмий асосларини тадқиқ этишини рағбатлантириш, ижтимоий-хукуқий тадқиқотларни ташқил этиш;
- миллий анъаналар ҳамда жаҳон тажрибасидан фойдаланиш асосида аҳолининг хукуқий онги ва хукуқий маданиятини шакллантириш.

Аҳолининг хуқуқий маданиятини шакллантириш бўйича давлат сиёсатини муваффақиятли амалга ошириш, бир томондан, жамиятнинг ҳар бир аъзоси хуқуқий билимларнинг муайян даражасини ўзлаштириб олиши учун зарур бўлган шарт-шароит яратишни, иккинчи томондан - турли ижтимоий гурухларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда хуқуқий маорифни табақалаштиришни назарда тутади.

Ўзбекистон демократик хуқуқий давлатни қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан дадил бориб, жаҳон ҳамжамиятида мустаҳкам ўрин эгалламоқда. Барқарорлик ва тартиб, миллатлараро тотувлик ва фуқаролар аҳиллиги туфайли ёш давлатимиз ишонч ва ҳурматга сазовор бўлмоқда. Мамлакатимизда иқтисодиёт, сиёsat, давлат қурилиши, хуқуқий тизим ва жамиятни маънавий ўзгартириш соҳасида кенг кўламли ислоҳотлар ўtkazilmokda. Ўтказилаётган ислоҳотларнинг қонуний замини яратилди. Ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг хуқуқий асослари-изчиллик билан мустаҳкамланмоқда ва такомиллаштирилмоқда.

Ватанимизнинг ривожланиши ва ислоҳотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан халқнинг хуқуқий онги ҳамда хуқуқий маданияти даражасига боғлиkdir. Шахснинг сиёсий фаоллиги, унинг чинакам фуқаровий муносабати, демократик ислоҳотларга интилевчанлиги белгиланган мақсадларга тезрок эришишнинг мухим омилидир.

Юксак хуқуқий маданият-демократик жамият пойдевори ҳамда хуқуқий тизим этукликнинг ифодасидир. У жамиятдаги турли хил ҳаётий жараёнларга фаол таъсир кўрсатувчи, фуқароларнинг, барча ижтимоий гурухларнинг жипслашувига кўмаклашувчи, жамиятнинг яхлитлиги ҳамда батартиблигини таъминловчи ва мустаҳкамловчи омилдир. Қонунни ҳурмат қилиш хуқуқий жамиятнинг, сиёсий ва хуқуқий тизимлар самарали фаолият кўрсатишининг асосий талабларидан бири ҳисобланади.

Хуқуқий маданият-умумий маданиятнинг ажралмас таркибий қисми. Инсонлар онгода шундай ишонч қарор топиши керакки, хуқуқий билимларга

эга бўлган ва уларни амалиётда татбиқ эта оладиган кишигина маданиятли ва билимли деб ҳисобланиши мумкин. Жамият ва давлат тараққиётининг ҳозирги ҳолати ҳуқуқий муносабатлар барча иштирокчиларининг ҳуқуқий маданиятини, ҳуқуқий саводхонлигини ҳар томонлама оширишни талаб қилмоқда. Ҳуқуқий маданият ҳуқуқий билим, ҳуқуқий эътиқод ва изчил амалий фаолият мажмуи сифатида жамият ва давлат олдида тўрган вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилишини таъминлайди. Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳаётни демократлаштириш учун шарт-шароитлар яратиш ва ҳуқуқий давлат асосларини шакллантириш заруриятидан келиб чиқсан ҳолда ушбу Миллий дастур қабул қилинмоқда. Ҳуқуқий маданиятнинг моҳияти, мазмуни, таркибий тўзилиши ва намоён бўлишининг фалсафий, ижтимоий, иқтисодий, психологик ва юридик муаммоларини тадқиқ этиш, уни шакллантириш ва янада юксалтириш усулларини аниқлашга илмий изланишларнинг устувор йўналиши деб қаралмоғи лозим.

Хуроса қилиб айтадиган бўлсак ҳуқуқий маданият муаммоларини тадқиқ этишнинг сотсиологик негизини ривожлантириш, умуман жамиятдаги ҳуқуқий маданият ва аҳолининг турли қатламлари ҳуқуқий маданияти ҳолатининг ҳақиқий манзарасини аниқлаш учун сўровлар ўтказиш ва ҳуқуқ, унинг ижтимоий қадри ҳамда тартибга солувчанлик вазифаси тўғрисида жамоатчилик фикрини аниқлашнинг бошқа усулларини қўлланиш зарур.

Ҳуқуқий маданиятни шакллантиришнинг педагогик муаммоларини тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоғи лозим. Халқ таълими, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирликлари манфаатдор ташқилотларнинг иштирокида ёшларни ҳуқуқий тарбиялашнинг илмий асосланган услубиётини ишлаб чиқишлиари керак.

Ўзбекистон Республикасининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, хорижий давлатлардаги ҳуқуқий маданиятни оширишга доир илмий тадқиқотларнинг натижаларини нашр этиш ва улардан фойдаланишни

кенгайтириш, бу соҳада илмий ахборот айирбошлишни йўлга кўйиш мухимдир.

Фойдаланилган манбалар:

1. Сайдкулов Н. Ҳуқуқий маданият ва хуқуқий тарбия асослари. – Гулистан, Университет. 2020.
2. Топилдиев В.Р. Таълим – тарбия жараёнларини ташкил этишининг қонунчилик нормалари–Т., 2016. -144 бет.
3. Олий таълим. Меъёрий - хуқуқий ва услубий хужжатлар тўплами. “Истиқлол” -Т.: 2013.

*Ш.Т.Шукуруллоев
М.Н.Носирханов**

Ички ишлар органлари ходимлари касбий фаолиятида хуқуқий маданиятнинг аҳамияти

Бугун Янгиланаётган Ўзбекистонда барча соҳаларда кенг ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Айниқса Давлатимиз раҳбари томонидан 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ана шу ислоҳотларни амалга оширишда мухим манба бўлиб ҳизмат қилмоқда[1].

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг иккинчи йўналишида мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш масалаларига бағишлиланган.

Бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларига ҳам кенг қўламли вазифалар белгиланган.

Давлатимиз раҳбарининг “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори эълон қилинди.[2]

Қарордан қўзланган мақсад ички ишлар органлари ходимларини «Инсон қадри учун» тамоили асосида давлатнинг юксак маънавий-ахлоқий

*Наманган давлат университети Юридик факультети 1-босқич талабалари.

фазилатларга эга, ўз бурчига содик, ватанпарвар ва халқпарвар вакили этиб тарбиялаш орқали аҳолининг чинакам розилигига эришиш, ички ишлар органлари ходимларида хизмат вазифаларига ҳалол, вижданан, Ватан ва халқ олдидаги бурчини чин дилдан ҳис этган ҳолда, юксак масъулият билан ёндашиш, жамиятда умумэътироф этилган одоб-аҳлоқ нормаларига сўзсиз амал қилиш туйғусини шакллантириш, ички ишлар органларида содир этилиши мумкин бўлган ножӯя хатти-ҳаракатлар, суистеъмолчилик ва коррупция ҳолатларининг барвақт олдини олиш, ҳуқуқ-тартибот тизими обрўсига салбий таъсир кўрсатувчи низоли вазиятларни юзага келтирмаслик каби мақсадларга эришиш қўзда тутилган.

Шу ўринда Ички ишлар органлари ходимлари ўз касбий фаолиятини қонунийлик, фуқаролар ҳуқуклари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги, ватанпарварлик ва хизмат бурчига фидойилик; давлат ва жамият манфаатларига содиклик, адолатлилик, ҳалоллик ва холислик, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик каби принциплар асосида амалга оширишлари белгиланган.

Мазкур принципларни тўла қонли амалга оширишда Ички ишлар ходимларидан юқори даражадаги ватанпарварлик, фидойилик ва ўз ўрнида ҳуқуқий маданиятлилик талаб қилинади.

Ички ишлар органлари ходимлари ҳуқуқий маданияти ушбу ходимларнинг ўз касбий бурчларини ўташда муҳим ахамиятга эга. Мазкур омил ҳуқуқий маданиятни тадқиқ, этишни тақозо қиласди. Бу эса, ўз навбатида, ҳуқуқий маданиятнинг ижодий моҳияти ва ижтимоий кадр-қимматини чуқурроқ, тушуниш, уни бошқариш, шунингдек, маънавий ижтимоий ҳуқуқий фаолиятда қатнашадиган ходисалардан аниқрок, ажратиб изоҳлашга имкон беради.

Уларда ҳуқуқий маданиятнинг ҳуқуқни самарали жорий этишини таъминлайдиган муҳим омил эканлиги, унинг мақсад ва воситаларини тўғри танлаш, ҳуқуқий оқибатлар тўғрисида аниқ тасаввурларни ҳосил қилишдаги

ўрни қайд этилади. Холбуки, шахс ҳуқуқий маданиятининг вазифалари тўғрисидаги муаммо анча мураккабдир.

Шахс ҳуқуқий маданияти мазмунини тадқиқ этишнинг, ҳеч бўлмаганда, икки асосий жиҳатини кўрсатиб ўтиш жоиздир.

Биринчиси - инсоннинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳаётнинг фаол ва ижодий субъекти сифатидаги камолотида ҳуқуқий маданиятнинг ўрнини белгилашни такозо этади.

Иккинчиси - ҳуқуқий маданиятнинг ижтимоий вазифасини аниқлашни талаб килади.

Иккинчи жиҳат шахснинг ғоявий-руҳий ҳолати ва ҳуқуқий ҳатти-харакати акс этадиган мураккаб тизим каби намоён бўлади. Индивидуал ҳуқуқий маданият жамият ва инсон муносабатларидаги ўта мураккаб жараён. Шу боисдан у фақат шахс шаклланиши ва унинг камолотга эришувига ижтимоий муносабатларнинг таъсирини ўрганишни эмас, балки инсонга мансуб бўлган фазилатларни тадқиқ этишни ҳам тақозо этади. Мазкур фазилатларда айrim қусурларнинг мавжудлиги боис ижтимоий ҳуқуқий тажрибани ўзлаштириш жараёни тўлақонли бўлмайди. Аксинча, маданий камолот савиясини ифодалайдиган шахсий фазилатлар инсоннинг ижтимоийлашуви самарадорлигини таъминлайдиган омил бўлиб хизмат қиласди.

Ушбу мулоҳазаларга кўра, шахс ҳуқуқий маданиятини ҳуқуқий онгнинг ижтимоий фойдали хусусиятлари, ҳуқуқий ҳатти-харакат малакаларига боғлиқ бўлган ва ижтимоий муносабатлар ривожига баракали таъсир этадиган фаол ижодий субъект бўлмиш инсоннинг ғоявий-ҳуқуқий камолотини сабабий-амалий таъминлаш омили каби таърифлаш мумкин[3].

Ҳуқуқий маданиятнинг ички ишлар органлари ходимларининг хизмат бурчларини адо этишлари сифатига амалий таъсир этиш жараёнининг мазмунида бир-бири билан ўзаро боғлиқ икки жиҳатни ажратиш мумкин. Булар ғоявий-рухий ва ижтимоий амалий жиҳатлардир. Энг умумий маънода

хуқуқий маданиятнинг ғоявий-рухий мазмуни хуқуқий тушунчалар, хуқуқий қоида ва тамойилларни, хуқуқ ижодкорлиги ва хуқуқни қўллаш фаолияти тажрибасидек хуқуқий таг заминларни мустақил равищда батафсил ва чуқур ўрганишни ифодалайди. Бу эса хуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимининг қонунийлик принципига мувофиқ тарзда ўз касбий бурчларини самарали бажариши учун зарурдир.

Мазкур жараёнда хуқуқий билимларнинг ўрни уларнинг жонли мушоҳададан мавҳум тафаккургача юксалиб бориши учун муайян ахборот замини бўлишдан иборатдир.

Хуқуқий маданият сохиби бўлган ички ишлар органлари ходимларининг хуқуқий воқелик ҳодисаларини мавҳум фикрлай олиш қобилияти хуқуқни қўллаш фаолиятида ғоят муҳимдир. Аслида хуқуқни қўллашнинг ақлий негизини умумий моҳиятга эга бўлган хатти-ҳаракатларнинг норматив хужжатлардаги мавҳум тушунчалардан ҳодисанинг аниқ тафсилотларигача ва, аксинча, улардан кўрсатмалар матнигача илгарилаб борадиган диалектик тафаккур йўли ташкил этади.

Ички ишлар органлари ходимларида хуқуқий воқеликни илмий-назарий муҳокама қилиш қобилиятининг етишмаслиги ножуя тасаввурларнинг ва ғайри хуқуқий дунёқарашнинг шаклланишига олиб келиши мумкин. Масалан, аксарият хуқуқий билимларга эга бўлган Ички ишлар органлари ходимлари хуқуқбузарликка қарши курашнинг самараси сифатида жазони оғирлаштириш керак, деган ақидани илгари сурадилар. Бундай қарашлар, фикримизча, улардаги назарий тафаккурнинг саёзлигидан, маърифий жамиятнинг хуқуқий масъулият соҳасидаги сиёсатини, жазонинг мақсад ва вазифаларини, жиноятнинг олдини олиш ва тарбиявий ишнинг моҳиятини тушунмаслик оқибатидир. Бу борада икки муҳим қоидани унутмаслик лозим.

Биринчидан, ҳар қандай ғайриқонуний хатти-ҳаракат муқаррар равищда хуқуқий жавобгарликни келтириб чикаради.

Иккинчидан, жазо қилмиш ишига яраша тайинланиши лозим.

Ушбу икки қоида амал қилса, жиноятчиликка қарши кураш самарали бўлади. Ҳуқуқий вокеликни англашда ҳуқуқий билимлар билан бирга якка инсондаги ҳуқуқий маданият қўрсаткичлари - ҳуқуққа, ижтимоий фойдали ҳуқуқий хатти-ҳаракатлар, мақсадларга, сабабий омилларга нисбатан ҳурмат-эътиборнинг ўрни беназирдир. Ҳуқуқни муҳофаза килиш органларининг ҳуқуқий маданияти юксак ходимларида мазкур фазилатларнинг тарбияланиши давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасидаги манфаатлари, мақсадлари ва вазифаларидан иборат объектив омилларнинг субъектив инъикосидир. Бу эса, ўз навбатида, ҳуқуқий ходисаларни чуқурроқ ва кўламлиро билиш учун эҳтиёж ва қизиқишларни ривожлантиради, касбий фаолиятни амалга ошириш учун муҳим бўлган ҳуқуқий ахборотни танлаб олишга якиндан ёрдам беради.

Ҳуқуқий соҳада хизмат қиласиган маданиятли ходим, энг аввало, ўзининг хизмат бурчини бажариши учун ижтимоий-ҳуқуқий ҳаётда фаол қатнашишга кўмаклашадиган билимларни эгаллашга ҳаракат қиласи. Худди ана шу боис ички ишлар органлари, жумладан, ички ишлар органлари ходимлари учун ҳуқуқий ахборотнинг асосий манбаи - кодекслар, уларга ёзилган шархлар ва бошқа қоидавий қўрсатма адабиётлар, ҳуқуқий ойномалар, рўзномалар, телевидение, радио, хизмат нашрлари бўлади. Ходимларнинг ҳуқуқий билимларига эга бўлишларининг яна бир манбаи уларнинг касбий тайёргарлигидир, лекин мазкур тайёргарликнинг савияси ҳамиша талаб даражасида бўлавермайди.

Ички ишлар органлари фаолиятида ироданинг ўрни бекиёс бўлиб, у ходимнинг ҳуқуқий хатти-ҳаракат турларидан бирини танлаб олиши, ўз олдига қўйилган мақсадга етишишда ғайрат-шижоати қўрсатишида намоён бўлади. Ички ишлар органлари ходимларининг ҳуқуқий маданияти иродавий ибтидосининг ҳуқуқни қўллашда объектив ҳакикатга эришищдаги мавқеини эътиборсиз қолдириб бўлмайди.

Фуқаролар уларнинг хатти-ҳаракатларига қараб ички ишлар органлари ходимларига, қолаверса, мустақил Ўзбекистон давлати фаолиятига баҳо

берадилар. Шунинг учун ички ишлар идораларининг ҳар бир ходими фуқаролар билан мулокотда бўлганида давлатнинг нуфузини ўйлаб туғри, қонуний муносабатда бўлиши лозим. Шу боисдан ички ишлар идоралари ходимлари ўртасида ҳам тушунтириш ишларини олиб бориш, уларнинг маълумотини, билим савияларини хуқукий маданиятларини ошириб бориш зарур.

Фойдаланилган манбалар:

1. “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон, 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон, 21.04.2022 й., 06/22/113/0330-сон; 10.02.2023 й., 06/23/21/0085-сон)
2. “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори.

*A.K.Каримов**
*A.Қ.Қўчкоров**

Хуқуқий таълим ва хуқуқий маданиятнинг узвий алоқадорлиги

Бугун Янгиланаётган Ўзбекистонда миллий таълим соҳасида туб ислоҳотларни амалга ошириш учун замин яратилди. Замонавий талаблар инобатга олинган ҳолда, ёшларни хуқуқий онги ва маданиятини ошириш борасида дастурларини мунтазам такомиллаштириб бориш ишларини ташкил этиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири хисобланади.

«Жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан одамларнинг хуқуқий онги ва хуқуқий маданият даражасига боғлиқдир.

* Наманган давлат университети Юриспруденция йўналиши талабалари Илмий раҳбар: И.Атамирзаев.

Юксак ҳуқуқий маданият – демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг етуклик кўрсаткичидир».[1]

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Конституциямизнинг 26 йиллигига бағишлиланган маъruzасида таъкидлаганидек; “Биз жамиятимизда ҳуқуқий маданиятни лозим даражада шакллантирмас эканмиз, ҳуқуқбузарликка чек қўймас эканмиз, қонунни бузиш ҳолатлари давом этаверади. Қонунларга ҳурмат одамларимизнинг ҳуқуқий онги ва маданияти асосида шаклланади. Яъни, айрим кишилар жазодан қўрқиб қонунга итоат этса, бошқалар болаликда олган тарбиясига қўра қонунни ҳурмат қиласди. Шу боис биринчи навбатда аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида ҳуқуқий тарбияни кенг йўлга қўйишимиз лозим”.

Мамлакатимиз раҳбари мазкур мавзуни Президентнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам давом эттиради. У ижтимоий ривожланиш соҳасидаги улкан инсонпарварлик ва бунёдкорлик вазифаларини белгилар экан, олдимизга қўйган улкан вазифаларни амалга оширишда биз учун кучкуват манбаи бўладиган миллий ғояни ривожлантиришимиз зарур, деб алоҳида эътироф этди. Миллий ғояни омма онгига сингдириш, маънавий тарбияни кучайтириш, албатта, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришни ҳам назарда тутади.

Бу мақсадга эришиш учун, – деди Президент, – биринчи навбатда, барча даражадаги раҳбарлар ва халқ депутатлари, барча етакчилар ўз фаолиятини танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик асосида ташкил этишларини бугун ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда. Жамиятимизда шундай ҳуқуқий маданияти шакллантириш керакки, унга мувофиқ Конституция ва қонунларга риоя қилиш, бошқаларнинг ҳукуқ ва эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш мажбурият эмас, балки кундалик қоида ва одатга айланиши шарт.

Юқоридаги маъруза ва Мурожаатномадаги фикр ҳамда кўрсатмалар тез орада ўзининг расмий ҳуқуқий ифодасини топди. 2019 йил 9 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ҳуқуқий онг ва

хуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тұғрисида”ги фармони қабул қилинди ва айни вақтда “Жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтириш Концепция”си тасдиқланды.[2]

Ушбу Концепцияда белгилаб берилған мақсад вазифаларга самарали эришиш учун оиласында да таълим муассасаларида хуқуқий тарбияни шакллантириш да хуқуқий маданиятни юксалтириш бүйіча амалға ошириладын чора-тадбирларни белгилаш, жумладан:

- оиласында нотинчлик да зўравонликнинг болалар тарбиясидаги салбий оқибатларини ҳақида маълумот етказиши да уларнинг олдини олиш ҳамда таълим муассасаларида ўқувчиларни таъқиб қилишга қарши чора-тадбирларни амалға ошириш;
- ёшлар ўртасида хуқуқий нигилизм ҳолатларини бартараф қилиш, уларда хуқуқбузарликларнинг жамият да давлат тараққиёти учун салбий иллат эканлигига оид дунёқарааш шаклланишини тарғиб қилишга қаратылған комплекс тарғибот тадбирларини ташкил қилиш;
- маҳаллаларда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларига имтиёзлар да моддий ёрдам беріш, нафақа тайинлаш, ишсизликдан ҳимояланиш, вақтингчалик бир марталик иш билан таъминлаш, ижтимоий ёрдам олиш тартиби бүйіча тизимли тарғибот тадбирларини ўтказиши;
- олий таълим муассасалари ҳамда кадрларни қайта тайёрлаш да малакасини ошириш ўқув марказларыда «Инсон хуқуқлари», «Аёллар хуқуқлари», «Бола хуқуқлари» ўқув курсларини жорий этиши;

Давлат органлари да ташкилотлари ходимларининг хуқуқий маданиятини юксалтириш бүйіча амалға ошириладын чора-тадбирларни белгилаш, жумладан:

- давлат органлари да ташкилотларыда ходимларнинг меңнат хуқуқи, хуқуқбузарликларнинг олдини олиш, мурожаатлар билан ишлаш бүйіча билимларини оширишга қаратылған «Хуқуқий саводхонлик ойлиги», «Коррупцияга қарши курашиш ойлиги» да «Конституциявий хуқуқ ойлиги»ни ўтказиши;

- давлат органлари ва ташкилотлари ходимлари хуқуқий саводхонлигига оид минимал талаблар бўйича ўқув дастурларини мустақил равиша ўзлаштириб бориш ва уларни баҳолаш орқали хуқуқий билимларини ошириб бориш;

- давлат хизматининг ягона электрон-ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда ходимларнинг хуқуқий саводхонлиги даражасини ошириш бўйича ўқитиш ва баҳолаш ишларини мониторингини йўлга қўйиш;

- давлат органлари ва ташкилотларида фаол, жамоатчилик билан ишлаш кўникмаларига эга хуқуқий тарғибот гуруҳларини ташкил қилиш ва қонунчилик ҳужжатларининг тарғибот қилинишини таъминлаш;

Аҳоли барча қатламларининг хуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирларни белгилаш, жумладан:

- аҳолининг турли муаммоларини ўрганиш, уларга бепул хуқуқий маслаҳат ва кўмак бериш мақсадида «Бепул хуқуқий маслаҳат билан ҳар бир уйга» шиори остида тарғибот тадбирларини ўтказиш;

- ногиронлиги бўлган шахслар учун ижтимоий лойиҳалар, хайрия акцияларини ўтказиш («Биз биргамиз», «Ранглар дунёси»);

- Халқ қабулхоналарига келиб тушган мурожаатларни таҳлил қилиш ва таҳлил натижасига кўра манзилли ва предметли хуқуқий тарғиботни амалга оширишни йўлга қўйиш;

- хорижда меҳнат қилиш истагида юрган фуқаролар учун қонуний меҳнат миграцияси, хусусий бандлик агентликлари хизматидан фойдаланиш тартиби, ноқонуний миграция оқибатлари тўғрисида кенг тушунтириш ишларини олиб бориш;

Жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтиришда хуқуқий тарғиботнинг инновацион усулларини жорий қилиш, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш, жумладан;

- жиноятчилик ҳолатини чукур таҳлил қилиш натижалари асосида жамиятда хуқуқбузарликларнинг олдини олиш, аҳоли орасида қонунга хурмат қилиш маданиятини шакллантириш;

- ахолини қизиқтирадиган хуқуқий масалалар юзасидан ижтимоий тармоқларда тарғибот тадбирларини ўтказиш;
- ахолини қийнайдиган хуқуқий мавзуларда видеороликлар тасвирга олиш ҳамда оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар орқали кенг тарқатиш;
- ахоли ва тадбиркорлик субъектларига хуқуқий масалалар бўйича ечимларни берувчи порталларни хуқуқий мавзудаги материаллар билан бойитиш ва қонунчиликдаги ўзгартиришлар билан мувофиқ ҳолда материалларни янгилаш, «Хуқуқий ахборот» телеграм канали қамровини кенгайтириш;

Юридик таълимни, шунингдек, юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ривожлантириш, хуқуқий маданиятни юксалтиришнинг илмий асосларини тадқиқ этиш, жумладан:

- юридик олий таълим муассасалари ўкув дастурларига «Тазийқ ва зўравонликдан жабр кўрган хотин-қизлар билан ишлаш» мавзусини киритиши;
- юридик соҳада илмий тадқиқотларни амалга ошириб келаётган тадқиқотчилар учун онлайн хизматларни кўрсатиш имконини берувчи электрон платформа яратиши;
- аниқ ҳаётий масалалар юзасидан ахолининг хуқуқий билимини аниқлаш бўйича сўровномалар, шу жумладан электрон тарзда ўтказиш, мазкур жараёнга блогер ва оммавий ахборот воситаларини жалб қилиш вазифалари белгиланди.

Бугунги қунда ахоли ўртасида хуқуқий онг ва хуқуқий маданият иборалари кўп қўлланилмоқда. Тўғрисини айтиш керак, одамлар орасида хуқуқий маданият, хуқуқий саводхонлик ҳақида гап кетганда кўпчилик буни факат қонунларни билиш ёки улардан хабардор бўлиш сифатида тушунади. Аслида хуқуқий маданият кенг тушунча бўлиб, давлат ва жамият ривожланишини белгилайдиган муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Хуқуқий маданияти юксак инсон қонунларга итоаткор бўлади, ҳамиша унга бўйсунади ва қонунларга нисбатан ҳурмат билан қарайди. Бундай инсонлар қонунларда белгиланган қоидаларга зид ҳатти-ҳаракатларни қилмасликка ҳаракат қиласди, аксинча, бошқалардан хам шуни талаб қиласди, улар қонунларнинг аҳамиятини англай олади. Хуқуқий маданият инсонларни ижтимоий-сиёсий фаолликка ундейди, бундай фуқаро жамиятда рўй берастган воқеа-ходисаларга онгли муносабатда бўлиб, ислоҳотларга дахлдорлигини сезиб, давлат ва жамият олдидаги фуқаролик масъулиятини ҳис қилиб яшайди.

Фойдаланилган манбалар:

1.Каримов И.А. Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т.19. –Т.: Ўзбекистон, 2011. – 73-бет.

2.Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.01.2019 й., 06/19/5618/2452-сон, 11.12.2019 й., 06/19/5892/4134-сон; 09.10.2020 й., 07/20/4857/1357-сон

*Х.И.Сувонқулов**
*Э.У.Эргашев**

Ички ишлар идоралари ходимларининг касбий хуқуқий онги ва маданияти ва инсон хуқуқлари ҳимояси

Мамлакатимизда амалга оширилаётган хуқуқий ислоҳотлар жараёнида ички ишлар идоралари ходимларининг қонунийлик ва хуқуқий тартиботни таъминлашда, фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда касбий хуқуқий маданиятни шакллантириш муаммолари мухим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига кўра инсон, унинг ҳаёти, шаъни, қадр-қиммати, хуқуқ ва эркинликлари олий қадрият

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Хукуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси кабинет бошлиғи.

* Тошкент шаҳар Бектемир тумани ИИОФМБ бошлиғи.

хисобланади. Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини тан олиш ва ҳимоя қилиш давлатнинг асосий мажбуриятидир.

Мамлакатимиздаги мавжуд ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимида ички ишлар идоралари алоҳида мавқега эга бўлиб, уларга қонунийлик ва ҳуқуқий тартибот ўрнатишда катта ҳажмдаги маъсулиятли вазифа юклатилган. Ички ишлар идоралари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органларга нисбатан иш ҳажми ва штат бирлиги нуктаи назаридан ҳам жуда катта фарқ қиласди. Шунингдек, ички ишлар идоралари ходимлари кундалик иш фаолиятида узлуксиз равишда, доимо ҳалқ билан ҳамкорликда фаолият юритадилар. Мамлакатимизнинг тинчлиги, осойишталиги ва барқарор тартиботи ҳам кўп жиҳатдан ички ишлар идораларига боғлиқдир. Шундай экан, ички ишлар идоралари ходимларидан ҳалқ билан бўлган турли хил шакллардаги муносабатларида юксак даражадаги ҳуқуқий маданият талаб килинади.

Ҳуқуқий маданият жамият ва шахснинг ҳуқуқий ҳолати тимсолида қабул қилиниши мумкин бўлган алоҳида ижтимоий ҳодисадир. Юксак ривожланган ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуришни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган ҳар бир давлатнинг асрий орзуси бу ўз аҳолисининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтиришдир. Ҳар қандай давлатнинг ижтимоий ривожланиши фуқароларининг ҳуқуқий маданияти билан боғлиқ бўлади. Зеро, юксак даражада ривожланган ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг ажralmas белгисидир. Юксак даражадаги ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият эса ҳуқуқий тарбиянинг маҳсули.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5618-сон Фармонида жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг асосий вазифалари сифатида *биринчидан*, давлат хизматчиларининг, шу жумладан ички ишлар органлари ходимларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини

юксалтириб бориш, уларда коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлик муносабатини шакллантириш; *иккинчидан*, юридик таълимни такомиллаштириш, шунингдек, юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ривожлантириш; *учинчидан*, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг илмий асосларини чукур тадқиқ этиш каби белгиланганлиги бежиз эмас албатта.

Жамиятнинг ҳуқуқий маданияти ҳуқуқий онгнинг, қонунийликнинг, қонунларни такомиллаштиришнинг ва ҳуқуқий тажрибанинг муайян даражасини акс эттирадиган ҳамда инсоният ҳуқуқ соҳасида яратган бутун бойликларни қамраб оладиган ижтимоий маданиятнинг бир тури сифатида кўрилади. Жамиятнинг ҳуқуқий маданияти шахс эркинлиги ва хавфсизлиги, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, унинг ҳуқуқий ҳимоя этилишини ва ижтимоий фаоллигини кафолатлаш учун замин бўлиб ҳисобланади.

Шахснинг ҳуқуқий маданияти жамият ҳуқуқий маданиятининг узвий таркибий қисмидир. Бу фаолият ҳуқуқ соҳасида жамият тараққиётига ва унинг маданиятига мос келади, натижада шахснинг ва жамиятнинг доимий ҳуқуқий бойиши содир бўлади. Шубҳасиз, шахснинг юксак ҳуқуқий маданияти жамият тараққиётини таъминлайди.

Шахс ҳуқуқларининг рўёбга чиқарилиши ҳар қандай демократик жамиятнинг зарурӣ шарти сифатида инсон ва фуқароларнинг шахсий, ижтимоий-иктисодий ва сиёсий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш орқали амалга оширилади. Негаки, шахс ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш – ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар олдида турган асосий вазифалардан биридир.

Ички ишлар органлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг мустақил институти сифатида, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга оширишнинг кафолатлаш тизимида муҳим аҳамият касб этади.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва уларни кафолатлашда ички ишлар органлари ходимларидан юқори даражадаги

хуқуқий маданият талаб этилади. Ички ишлар органлари ходимлари фаолиятининг ўзига хослиги, уларнинг ҳуқуқий маданиятини алоҳида хусусиятга эгалигини билдиради. Ушбу тизимдаги мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий маданияти бошқа соҳа вакилларининг ҳуқуқий маданиятдан нафақат таркибий тузулиши жиҳатидан, балки мазмун ва моҳияти билан ҳам кескин фарқ қиласи. Ҳуқуқий билимларни чуқур ва тўлиқ билиш ва уни амалиётда тўғри қўллай олиш ички ишлар органлари ходимлари учун хос хусусиятдир.

Чунки, ички ишлар идоралари ходимларининг хизмат фаолияти давомида қонунга итоаткор, маҳалладаги обрў-эътиборли шахслар билан бир қаторда муқаддам судланганлар, шартли жазога тортилганлар, оилавий жанжалкашлар, маъмурий назоратдагилар ва жиноятга мойил бўлган турли хил тоифадаги шахслар билан мулоқотда бўлади. Бу каби шахслар билан бўлган мулоқотларда ички ишлар идоралари ходимларидан қўполлик, калондимоғлик, беписандлик, лоқайдлик иллатларидан ҳоли бўлиши, уларга нисбатан эътиборли, хушмуомалали бўлган ҳолда муносабатда бўлиш талаб этилади.

Инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадр-қимматини хурмат қилиш, ҳар бир демократик давлатга хос бўлган инсонийликнинг муҳим йўналишларидан биридир.

Инсон қадри ва қимматини тан олиш, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини хурмат қилиш, инсонларнинг бир-бирларига нисбатан ўзаро хурматда бўлиш рухида тарбиялаш – жамият ҳуқуқий ҳаётининг асосий мазмунини ташкил этади.

Жамиятда инсон ҳаётини ва унинг фаолиятини ҳуқуқсиз тасаввур этиш жуда қийин. Давлат ва шахс ўртасидаги ўзаро муносабатлар қонун ва бошқа норматив актлар орқали тартибга солинади, шунингдек шахснинг жамиятдаги ҳуқуқий ҳолати ҳам қонунлар орқали белгиланади.

Умумий маънода хуқуқий маданият ўзида хуқуқий борлиқни акс эттиради ҳамда ҳар қандай шахснинг хуқуқ соҳасидаги хатти-ҳаракатини белгилайди.

Юридик борлиқни моҳиятии шундаки, шахс нафақат хуқуқий тартибот мавжудлигини тушуниши эмас, балки хуқуқ, бурч ва мажбуриятларни англаши ва шу орқали хуқуқни бошқа соҳаларида юзага келадиган муносабатларни фарқлай олиши талаб этилади.

Ўз-ўзидан маълумки, шахснинг фақатгина ўз хуқуқ, бурч ва мажбуриятларини билиши унда жамият хуқуқий ҳаётига нисбатан муносабатини шакллантирмайди. Яъни, шахснинг ўз хуқуқ, бурч ва мажбуриятлари бир қаторда унинг ўз жавобгарлик масаласини ҳам тўлиқ англаб етиши ва шундан сўнгра хуқуқий борлиқнинг бошқа кўринишларига баҳо бера олиши тушунилади. Шахснинг жамиятдаги хуқуқий масалаларга баҳо бера олиши – хуқуқий маданиятнинг муҳим жиҳати ҳисобланади.

Шахснинг хуқуқий ҳаётга нисбатан муносабати қонунда белгиланган хуқуқ, эркинлик ва бурчларнинг қанчалик даражада шахснинг шахсий эҳтиёжи, манфаати, мақсади ва ижтимоий мавқеига мослигига эътибор қаратилади.

Ушбу эҳтиёжлардан келиб чиқсан ҳолда шахс қонунда белгиланган қоида талабларга онгли равишда бўйсунади ёки ушбу нормаларни бажаришдан бўйин товладиди. Яъни хуқуқ ижодкорлари томонидан яратилаётган қоидаларнинг талаби, инсонларнинг кундалик эҳтиёжидан келиб чиқсан ҳолда уларнинг талабларига жавоб бериши, яъни уларнинг иродасига зид бўлмаслиги лозим. Акс ҳолда, инсонлар мавжуд хуқуқ нормаларига бўйсунишдан бош тортадилар. Хуқуқ ижодкорлик субъектлари томонидан яратилган хуқуқ нормаларини бажара олиш имкони бўлиши лозим. Инсон хуқуқ ва эркинликларини қонунларда ифодаланиши, уларни амалга оширилиши учун етарли бўлмайди, аксинча мавжуд хуқуқ нормалари муайян даражада инсоннинг иродаси зид бўлмаслиги ва у инсонлар томонидан бажара олиниши инобатга олиниши лозим.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширилишини таъминлаш асосан ички ишлар органларининг ҳуқуқий маданиятига боғлиқ. Айнан, ички ишлар органлари фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, уларнинг қонуний манфаатлари ҳамда мамлакатдаги жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашда асосий ўринни эгаллайди. Ушбу вазифани бажариш жараёнида, ички ишлар органлари фуқароларни ҳуқуқ ва эркинликларини ва мажбуриятларини амалга оширишлари учун шароит яратадилар.

Жамиятда ҳуқуқ ва мажбуриятларни рўёбга чиқарилишини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширилишида қонунийликка риоя қилинишини шарти сифатида бевосита ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг ҳуқуқий маданиятига боғлиқдир. Айнан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ходимларининг юксак ҳуқуқий маданият даражасига эгалигигина шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматига нисбатан ҳурмат ва эҳтиромни юзага келтиради. Шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан ҳурматда бўлиш ҳуқуқий маданиятнинг ажралмас қисмидир. Инсон қадр-қиммати – маънавий қадриятдир.

Шахснинг қадр-қиммати нафақат инсоннинг ўзи томонидан баҳоланишида, балки ўзининг ижтимоий аҳамиятини англағанлигига ҳамда жамият аъзолари томонидан унинг ҳуқуқларини тан олиш ва унга ҳурмат руҳида муносабатда бўлишларида қўринади.

Шахснинг ҳуқуқларига ҳурмат муносабатида бўлиш деганда, фақатгина уни ҳимоялаш деб тушуниш катта хато бўлиб, балки инсонга ўзининг жамиятдаги ўрнини топиш учун кенг имкониятлар яратиб беришда ҳам номоён бўлади.

Ушбу талаблардан келиб чиққан ҳолда ички ишлар идоралари ходимлари кундалик хизмат фаолиятларида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини олий қадрият сифатида тан олиб, гуманиз ва ижтимоий адолат принципларига қатъий риоя қилиши лозим. Ички ишлар идоралари

ходимларида юксак даражадаги ҳуқуқий маданиятнинг мавжудлиги, бир тарафдан инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида фаолиятининг қонунийлигини кафолати ҳисобланса, иккинчи тарафдан инсон ҳуқуқларини амалга оширилиши замин яратилган бўлади.

Жамиятда инсонлар онгida ҳуқуқ бузилиш ҳолатларига нисбатан нафрат туйғусини шакллантириш ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятининг бош мезони ҳисобланади. Айнан ушбу мезон ички ишлар идоралари ходимлари ҳақида кенг жамоатчилик орасида ижобий ижтимоий фикрнинг шаклланишга ҳамда бир вақтнинг ўзида фуқароларнинг ҳам мамлакатда ўрнатилган қонунларга сўзсиз итоатда этилишини кафили бўлади. Ички ишлар идоралари ходимларида ҳуқуқий маданиятни шаклланишининг ўзига хос хусусияти шундаки, у ходимларда ҳуқуқقا ва қонунийликка бўлган ҳурмат ҳиссини орттиради.

Ҳуқуқ – ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи восита сифатида ўз вазифасини бажарар экан, авваламбор у ҳуқуқ нормаларига риоя қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни қўллаш шаклларида намоён бўлади.

Ички ишлар идоралари учун қонунийлик – конституциявий принцип сифатида қонунларга, даставвал, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳамда уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий хужжатларга сўзсиз риоя қилишни назарда тутади.

Ички ишлар органлари ходимлари томонидан қонунийликнинг бузилишини бир қатор омиллари мавжуд бўлиб. Улардан қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир: ҳуқуқий маданият даражасининг юқори эмаслиги туфайли ходимларда мавжуд қонунчилик хужжатларини билмаслиги, ҳуқуқقا нисбатан ҳурматсиз муносабатда бўлиши, жамоада ҳуқуқий тарбиянинг нотўғри йўлга қўйилганлиги, ички ишлар органлари устидан амалга ошилиши лозим бўлган назоратнинг сусайганлиги, ходимларнинг ҳуқуқбузарлик содир этган ҳолатларида жазоланмаслиги. Қонунийликни бузулишининг энг жиддий ва кўп такрорланадиган тuri ички

ишлиар органлари ходимларининг мавжуд қонунчилик хужжатларини тўлиқ ёки умуман билмасликларида намоён бўлади.

Ички ишлиар органлар ходимларининг ҳукукий маданият даражасининг яхши шаклланмаслигини объектив ва субъектив сабаблари мавжуд.

Жумладан, бугунги кунда ички ишлиар органлари ходимлари тегишли қонунчилик хужжатлари ва ИИВнинг тизимлаштирилган ҳукукий хужжатлари билан ўз вақтида ва лозим миқдорда етарли даражада таъминланмаган. Шу билан бир қаторда ички ишлиар идоралари ходимлари маҳсус юридик адабиётлар, қонунларга берилган шарҳлар, маъмурий ва жиноят қонунчилигини қўллаш амалиётлари билан тўлиқ танишмаганлигига намоён бўлади.

Шунинг учун, ички ишлиар идораларида ўтказилаётган хизмат тайёргарлиги машғулотларида ходимларни ҳукукий саводхонлигини ошириш мақсадида, биринчи навбатда ва доимий равишда мамлакатимиз қонунчилик тизимида юзага келган янгиликлардан боҳабар қилиб бориш, улар учун етакчи мутахассисларни таклиф этган ҳолда маҳсус ўқув машғулотларини олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Зеро, ҳуқуқни қўллаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятида қонунийликка риоя қилиши, муайян ишни ҳал қилиш жараёнида асослантирилган ва адолатли қарор қабул қилиши, уларни амалга оширилиши факат қонун доирасида ҳал қилиниши ички ишлиар идораларининг қанчалик даражада ҳукукқа мос самарали фаолият юритаётганлигидан далолат беради.

Ички ишлиар идоралари ходимларининг ҳукукий маданияти хусусида гапирганда, ушбу муаммонинг яна бир муҳим жиҳати, яъни ходимнинг шахсий тавсифига жиддий эътибор қаратиш лозим. Ички ишлиар органлари ходимларининг ҳукукий маданиятиги тўғри баҳо бериш учун, унинг маълумоти, юридик ва касбий малака тажрибасини инобатга олиш зарур. Касбий малака – ички ишлиар органлари ходимлари ҳукукий маданиятининг муҳим мезонларидан бири.

ИИО ходимларининг ҳуқуқий маданияти сифатида қўйидагилар назарда тутилади:

Биринчидан, амалдаги қонунларни мукаммал билиш ички ишлар идоралари ходимларининг хизмат фаолияти жараёнида ўз ҳуқуқларида тўғри фойдаланиш ва мажбуриятларини аниқ бажарилиши ҳамда қонунийликка амал қилинишининг гарови, шунингдек инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга оширилишининг кафолати ҳисобланади.

Иккинчидан, ҳуқуқ талабларига ҳурмат руҳида бўлиши, ҳуқуқий кўрсатмаларнинг тўғрилиги ва зарурийлигига ишониши.

Учинчидан, ички ишлар идораси ходимининг фаолият жараёнида қонунларга риоя қилиш одатий ҳолатга айланиши, яъни ҳеч иккиланмай, доимий равишда, қонун талабларини бажариш руҳида яшashi, қонун унинг кундалик шиорига айланиши лозим.

Тўртинчидан, юқорида зикр этиб ўтилган ҳуқуқий маданиятнинг ўзига хос хусусиятлари инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга бел боғлаган ҳар бир ички ишлар идоралари ходими учун тааллуқли бўлиши зарур. Шундагина ички ишлар идораси ходимлари инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат руҳида қарайди, қонунийликка риоя қиласи ва албатта ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва ҳуқуқни қўллаш фаолияти жараёнида ўз касбига лойиқ бўлади.

Демак, ички ишлар идоралари ходимларининг ҳуқуқий маданияти қанчалик юксак бўлса, қонунийлик таъминлаш, инсон ва фуқарорларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш, уларни қўриқлаш ва ҳимоя қилиш ҳам шунчалик самарали бўлади.

Ички ишлар идоралари ходимларининг юксак ҳуқуқий маданият инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга оширишнинг тўлиқ ва барқарор равишда амалга оширишини таъминлайди, шу билан бир қаторда демократик жамиятда қонийнийликни даражаси ва ҳолати ҳамда ҳуқуқий маданиятнинг ижобий кўрсаткичини намоён қиласи.

Шунинг учун, ички ишлар идоралари ходимларининг хуқуқий маданиятини ҳар тарафлама, юксак даражада шакллантиришга жиддий эътибор қилиш талаб этилади, негаки айнан уларнинг хуқуқий маданият даражаси амалдаги қонунчиликка бўлган муносабатни белгилайди, жамиятда ўрнатилган хуқуқий тартиботни таъминлайди, фуқароларнинг субъектив хуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминланшга ва ҳимоя қилишга ҳамда шахс хуқуқий маданиятини юксалишига бевосита таъсир кўрсатади.

Э.О.Қодиров*

Ёшларнинг хуқуқий маданиятини юксалтиришнинг илмий назарий асослари

Янги Ўзбекистоннинг истиқболи, унинг келгусидаги ривожи ва тақдири жамият аъзолари, айниқса, ёшларнинг хуқуқий маданиятини юксалтириш, ижтимоий онгда хуқуқий қадриятларни қарор топтириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлашга боғлиқ. Жумладан, референдум йўли билан қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституциямизда Оила, болалар ва ёшларга оид алоҳида бобнинг киритилгани ҳам масаланинг моҳияти ва қўлами нақадар кенглигини англатади.

Шунингдек, Конституциямизнинг 77-моддасида “Ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўз фарзандларини вояга етгунига қадар боқиши, уларнинг тарбияси, таълим олиши, соғлом, тўлақонли ва ҳар томонлама камол топиши хусусида ғамхўрлик қилишга мажбур...” эканлиги тўғрисидаги конституциявий норманинг мустаҳкамлангани ёшлар тарбияси учун масъул шахслар категорияси ва уларнинг мажбуриятини асосий қонунимизда аниқ мустакамлаб қўйяётгани ҳам фикримизнинг далилидир.

Конституциямизнинг 79-моддасида эса “Давлат ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, экологик хуқуқлари ҳимоя

*Тошкент давлат юридик университети “Конституциявий хуқуқ” кафедраси профессори, ю.ф.д., профессор.

қилинишини таъминлайди, уларнинг жамият ва давлат ҳатида фаол иштирок этишини рағбатлантиради.

Давлат ёшларнинг интеллектуал, ижодий, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан шаклланиши ҳамда ривожланиши учун, уларнинг таълим олишига, соғлигини сақлашга, уй-жойга, ишга жойлашишга, бандлик ва дам олишга бўлган хукуқларини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратади”⁴⁸ дея конституциявий даражада белгиланиши мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатининг нақадар долзарблигини қўрсатади. Шу боис ёшларнинг хукуқий маданиятини юксалтириш масаласига комплекс тарзда ёндашиш, унда давлат органлари билан бирга нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ижтимоий шериклигини уйғун равища амалга ошириш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш устувор вазифа саналади.

Агар мамлакатимиз аҳолисининг 64 фоизини ёшлар ташкил этишини инсобатга олсак, масаланинг устувор аҳамият касб этиши маълум бўлади. Яъни, юрт тараққиёти учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, хукуқий маданияти юксак ёшларни тарбиялашнинг самарали тизимини яратиш стратегик вазифа саналади.

Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: «Қонунларга ҳурмат одамларимизнинг хукуқий онги ва маданияти асосида шаклланади. Яъни, айрим кишилар жазодан қўрқиб қонунга итоат этса, бошқалар болаликда олган тарбиясига кўра қонунни ҳурмат қиласди. Шу боис, биринчи навбатда, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида хукуқий тарбияни кенг йўлга қўйишимиз лозим»⁴⁹.

Табиийки, юқоридаги фикрлар ёшларнинг хукуқий маданиятини юксалтиришга йўналтирилган фаолиятимизда ҳам дастуруламал бўлиб хизмат қиласди. Шунингдек, “...ёшлар ўртасида хукуқий ниглизм ҳолатларини бартараф қилиш, уларда хукуқбузарликларнинг жамият ва

⁴⁸ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 2023. 16-17-бетлар.

⁴⁹ Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 26 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2018 йил 8 декабрь.

давлат тараққиёти учун салбий иллат эканлигига оид дунёқараш шаклланишини тарғиб қилишга қаратилган комплекс тарғибот тадбирларини ташкил қилиш”⁵⁰га ҳам бевосита назарий асос бўлиб хизмат қиласди. Зеро, ҳуқуқий тарбия ва ахлоқий, маданий савия баркамол ёшлар маънавиятигининг узвий таркибий қисми саналади.

Мамлакатимизда 2022-2026 йилларга мўлжаллаб амалга оширилаётган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг мақсади инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали ҳалқпарвар давлат барпо этиш, мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантиришдан иборатдир. Бинобарин, олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини тубдан ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, мамлакатни модернизациялаш ва ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштириш ҳам асосий мақсад ҳисобланади. Бу тараққиёт стратегиясининг 70-мақсадида Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш⁵¹ сифатида белгилангани ҳам бежиз эмас.

Ҳуқуқий маданият муайян жамоада яшовчи одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятининг юксаклиги даражаси, юридик нормалар ва юридик фаолият (ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти)нинг юксалиш даражаси билан белгиланади. Унинг негизини ҳуқуқ ҳақидаги билимлар ва унинг талқинлари, шунингдек, унга мувофиқ бўлган саъй-ҳаракатлар ташкил этадики, буларнинг барчаси жамиятда фуқаролар ҳуқуқий маданияти даражаси билан бевосита боғлиқ.

Ҳуқуқий маданият бу ҳар бир жамиятда ҳуқуқнинг ижтимоий қадрият сифатида мавжуд бўлиши ва ривожланишида ифодаланадиган ҳуқуқий онг ва қонунийлик ҳамда юридик амалиётнинг реал ахволи, қонунчиликнинг сифат

⁵⁰ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2022 йил 16 майдаги 259-сон “2022-2023 йилларда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги карори.

⁵¹ 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси. «Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази, - Т.: 2022 й. – 51-бет.

даражаси бўлиб, у мазкур жамиятнинг ўзига хос юридик бойлиги ҳам саналади. Айнан шу боис аҳоли, айниқса муҳим ижтимоий қатлам саналмиш ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш вазифаси давлат ва жамиятимизнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашни талаб этади. Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш вазифасининг долзарблиги ёшларнинг ҳар бир янги авлоди олдинги аждодлар тажрибасини ўрганиб, янги ижтимоий муносабатларни англаши, уларга мослашиш ва жамият тараққиётига ўз ҳиссасини қўшишга интилиши билан изоҳланади. Бу ҳолат эса ўз навбатида, ҳуқуқий маданиятни шакллантиришнинг янги усул, шакл ва воситаларини ишлаб чиқиши тақозо этади.

Маданият — инсоният тарихида унинг маънавий жабҳасини ташкил этувчи муҳим омилдир. Маданият тушунчаси ўзида фалсафий, тарихий, этнографик, психологик, социологик ва бошқа йўналишларни мужассам этган ва у мазкур соҳа вакилларининг эътиборини ўзига тортиб келган. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида:

«1. Маданият (араб. цивилизация) — жамиятнинг ишлаб чиқариш, ижтимоий, маънавий-маърифий ҳаётида қўлга киритган ютуқлари мажмуи.

2. Бирор ижтимоий гурӯҳ, синф ёки ҳалқнинг маълум даврда қўлга киритган шундай ютуқлари даражаси.

3. Ўқимишлилик, таълим-тарбия қўрганлик, зиёлилик, маърифат.

4. Маданиятли шахс талабларига жавоб берувчи шароит», деб таъриф берилади⁵².

Ўзбекистон миллий энциклопедиясига кўра: «Маданият жамият, инсон, ижодий куч ва қобилияtlари, тарихий тараққиётнинг муайян даражаси. Кишилар ҳаёти ва фаолиятининг турли кўринишларида, шунингдек, улар яратадиган моддий ва маънавий бойликларда ифодаланади. «Маданият» тушунчаси муайян тарихий давр (антик маданият) конкрет жамият, элат ва миллат (ўзбек маданияти), шунингдек, инсон фаолияти ёки

⁵²Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж.П. — Т.: «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти, 2006. — 521-б.

турмушининг ўзига хос соҳалари (масалан, меҳнат маданияти, бадиий маданият, турмуш маданияти)ни изоҳлаш учун қўлланилади. Тор маънода «маданият» атамаси кишиларнинг фақат маънавий ҳаёти соҳасига нисбатан ишлатилади. «Маданият» араб тилидаги «мадина» — шаҳар сўзидан келиб чиқкан. Араблар кишилар ҳаётини икки турга: бирини бадавий ёки саҳроий турмуш; иккинчисини маданий турмуш деб атаганлар. Бадавийлик — кўчманчи ҳолда дашту сахроларда яшовчи халқларга, маданийлик — шаҳарда ўтроқ ҳолда яшаб, ўзига хос турмуш тарзига эга бўлган халқларга нисбатан ишлатилган.

Европада «маданият» дейилганда, дастлаб инсоннинг табиатга кўрсатадиган мақсадга мувофиқ таъсири, шунингдек, инсонга таълим-тарбия бериш тушунилган (лот. «cultura» — ерни ишлаш, парваришлаш; русчадаги «культура» сўзи ҳам шундан олинган). Маданият фақат мавжуд норма ва урф-одатларга риоя қилиш истагини рағбатлантиришни ҳам ўз ичига олган.

Юқорида таъкидланганидек, «маданият» кенг маънода инсон ақл-заковати ва фаолиятининг маҳсули ҳисобланади. Ҳозирги кунгача «маданият» тушунчасига мутахассислар томонидан берилган юзлаб таърифларга асосланиб биз унинг қуидаги умумий характерли белгиларини қайд этамиз: биринчидан, энг муҳими маданиятда жамиятдаги инсоннинг кўп қиррали меҳнат фаолияти ўз аксини топган бўлади; иккинчидан, маданият ўзида инсон фаолиятининг жамиятдаги имконияти натижаларини акс эттиради; учинчидан, маданиятнинг моҳиятан инсонпарвар, яратувчанлик ва умуминсоний қадриятларни бирлаштириш каби хусусиятлари ҳар бир инсонга, бутун жамиятга хослиги боис аҳамиятлиdir.

Бизнингча, маданият инсоннинг дунёга, жамиятга ҳамда ўзига муносабатларининг кенг соҳасини: савод чиқариш ва оддий ахлоқ меъёрларига риоя этишидан бошлаб, у юксак маънавий қадриятлардан баҳраманд бўлиш даражасига қадар масофани қамраб олади. Маълумки, умумий маданийлик ва ўқимишлиликдаги камчиликлар ёшларнинг хуқукий ва сиёсий онгига жиддий таъсир қўрсатади. Ёшларда жамият хуқукий

тизимиға бўлган қизиқишининг сустлиги уларда хуқуқий маданиятининг паст бўлишига олиб келади. Мазкур ҳолатни илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Умуман маданият ҳақида фикр юритганимизга сабаб унинг, яъни хуқуқий маданиятнинг ривожланишидаги етакчилик ролини илмий-назарий асослашдан иборат.

Хуқуқий давлатни барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда муайян хуқуқий онг ва маданиятга эга бўлган ёшларга эҳтиёж мавжуд. Бироқ, хуқуқий маданият ўз-ўзидан вужудга келиб қолмайди, уни ёшларимизда эрта болалиқдан бошлаб ижтимоий институтлар ёрдамида шакллантириш зарур.

Шунинг учун хуқуқий тарбияни Президентимиз Шавкат Мирзиёев эътироф этганидек: “...мактабгача таълим тизимидан бошлашимиз, бу борадаги илк кўникмалар она алласи каби фарзандларимиз қалбидан умрбод жой олиши зарур”⁵³.

Ўспирин ёшларнинг аксарияти ўз конституциявий хуқуқларини маълум даражада билади. Бироқ, конституциявий бурчларига келганда, ахвол анча салбий. Бу жамоатчилик фикрини ўрганиш «Ижтимоий фикр» маркази билан 2015 йил сентябрь ойида ноюридик йўналишдаги ўрта маҳсус касб-хунар таълими тизими муассасалари ўқувчи ёшлари ўртасида ўтказилган социологик тадқиқот жараёнида аниқланди. Ўқувчи ёшларга «Сизнинг қандай конституциявий хуқуқларингиз мавжуд?» деган савол берилганда, респондентларнинг фақат 52,3 фоизи ижобий жавоб беришди. Жумладан, респондентларнинг 45,0 фоизи таълим олиш; 28,6 фоизи сўз эркинлиги; 26,7 фоизи касб танлаш ва меҳнат қилиш; 14,5 фоизи дам олиш; 13,3 фоизи сифатли тиббий хизматдан фойдаланиш; 10,1 сайловларда қатнашиш хукуқларим бор, деб жавоб беришган. «Сизнинг қандай конституциявий бурчларингиз бор?», деган саволга сўралганларнинг 14,1 фоизи қонунларга

⁵³ Конституция ва қонун устуворлиги — хуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. Халқ сўзи, 2019 йил 8 декабрь.

итоат этиш; 10,3 фоизи таълим олиш; 9,5 фоизи ота-онага кўмаклашиш; 5,9 фоизи соликларни ўз вақтида тўлаш; 5 фоизи тарихий ёдгорликларни асраш; 2,5 фоизи болалар тарбияси, оила қуриш ва уни таъминлаш, деган жавобларни беришди. Социологик сўров давомида ўқувчи ёшлар ўзларининг конституциявий ҳуқуқларини конституциявий бурчларига нисбатан яхшироқ билиши маълум бўлди.

Ўқувчи ёшларнинг ҳуқуқ ва бурчларини тенг англамаслигига ҳуқукий таълим, ҳуқукий тарбия ҳамда ҳуқукий тарғиботнинг инновацион замонавий, таъсирчан услублари ҳамда илмий-назарий асосларининг яратилмаганлиги сабаб бўлган.

Ижтимоий маданиятнинг муҳим йўналиши саналмиш ҳуқукий маданият ҳам тадқиқотчилар учун муҳим изланиш обьектига айланди. Хусусан, XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ҳуқукий маданият илмий жамоатчилик, ҳуқуқшунослар томонидан назарий жиҳатдан эътироф этила бошланди. Ҳуқукий маданият инсоннинг ҳуқуқ, жамият ва давлатга бўлган муносабати ҳамда жамият ва давлатнинг ҳар бир инсонга, унинг ҳуқуқ ва манфаатларига бўлган муносабати билан моҳиятан алоқадор саналади.

Ҳуқукий маданият ҳуқукий тизим юксалишининг ўлчови бўлиб, айни вақтда, ижтимоий, ҳуқукий ва сиёсий институтларнинг халқчиллиги, аҳолининг саводхонлик даражаси, ҳуқукий онги ҳамда жамиятдаги ҳуқукий мафкура билан ўзаро боғлиқ.

Мустақиллигимизнинг дастлабки даврида ҳуқукий маданият масаласи қуидагича таърифланди: «Ҳуқукий маданиятнинг юқори даражада бўлиши ҳуқукий давлатнинг ўзига хос хусусиятидир. Бозор иқтисодиётини шакллантириш шароитида ҳуқукий маданиятни ошириш муҳим иш ҳисобланади. Шу билан бирга, ҳуқукий маданият савияси қабул қилинган қонунлар сони билан эмас, балки ушбу қонунларнинг барча даражаларда ижро этилиши билан белгиланади. Ушбу муҳим ишда одамларда қонунларга ва норматив-ҳуқукий ҳужжатларга нисбатан чуқур ҳурмат ҳиссини тарбиялаш алоҳида аҳамиятга эгadir. Зоро, ҳуқукий нормалар одамлар

онгига сингган ва улар орқали амал қилган тақдирдагина яшайди ва рўёбга чиқади»⁵⁴. Фақат қонунларга асосланган ва маърифий оқилона бошқарув орқалигина ҳуқуқ ҳамда эркинликлари юридик кафолатланган, юқори ҳуқуқий мақомга эга ҳуқуқий фаол шахсни тарбиялаш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев ҳуқуқий маданиятнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлайди: «... қонун устуворлигини таъминлашда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларни қонунга ҳурмат руҳида тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади»⁵⁵. Бинобарин, ҳуқуқий маданиятнинг зарурияти давлатимизнинг стратегик мақсади бўлган ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш билан бевосита боғлиқ.

Ҳуқуқий маданият бўйича шуғулланган олимлар: «Ҳуқуқий маданият халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, динига, руҳиятига асосланган ҳолда инсоф ва иймон, адолат ва қонунийлик, инсонга юксак ҳурмат ва эътибор, сабр-тоқат каби маърифат ва ҳақиқат туйғуларини онгимизга сингдиришга хизмат қиласи. Шунинг учун ҳам кишиларнинг фикрини, дунёқарашини мустақиллигимиз йўлида фидокорона меҳнат қилишга йўналтирилган ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ҳаётий заруриятдир»⁵⁶, деб қайд этишган. Мазкур фикрдан маълум бўладики, ҳуқуқий маданият фақат тор ва формал юридик тушунча эмас. Ҳуқуқий маданият жамиятимизда мавжуд миллий қадриятлар, маънавият каби устувор тушунчалар билан бевосита боғлиқлиги боис ҳам уни юксалтириш бугунги кундаги устувор вазифалардан саналади.

Ҳуқуқий маданият — шахс ва жамиятнинг ҳуқуқий фаолият соҳасида эришган ижобий даражалари ҳолатини характерловчи ҳамда субъектнинг юридик нормаларга нисбатан ҳуқуқий онги ва даражасининг юксалиши,

⁵⁴ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёsat, мағкура. Т.1 — Т.: «Ўзбекистон», 1996. — 322-б.

⁵⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 24 йиллигига багишланган тантанали маросимдаги маъруzasи. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш — юрт тараққиёти ва ҳалқ фарновлигининг гарови / Ҳалқ сўзи, 2016 йил 8 декабрь.

⁵⁶ Таджиханов У., Сайдов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. Дарслик. 2 томли. 1-том / Маъсул мухаррир академик Ш.З.Ўразаев. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1998. – 7-б.

шунингдек, давлат ёки фуқаролик жамияти томонидан фуқароларнинг ҳуқук ва эркинликлари таъминланишининг кафолатланганлигини англатувчи ижтимоий ҳодисадир.

Ҳуқуқий маданият жамиятнинг ижтимоий-ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий фаоллиги ҳамда қонунчилик юридик фаолиятнинг ривожланганлик даражаси каби таркибий қисмлардан иборат. Жамият ҳуқуқий маданияти ахолининг ҳуқуқий онги қай даражада шаклланганлигига бевосита боғлик.

Жамият ҳуқуқий маданияти унинг ҳуқуқий онг даражаси, ҳуқуқий институтлар фаолиятининг самарадорлиги, мамлакатда қонунчилик ҳолати ва ривожланганлик даражаси ҳамда халқаро ва миллий ҳуқуқ нормаларининг ўзаро нисбати каби белгилар билан тавсифланади. Шахснинг ҳуқуқий маданияти — бу ҳуқуқни тушуниш, идрок этиш ва уни қўллашни англатади. Шахснинг ҳуқуқий маданияти ҳуқуқий онг билан узвий алоқадор бўлиб, бевосита унга таянади. Шахс ҳуқуқий маданиятининг асосий элементлари таркибига: индивиднинг ҳуқуқий онги; шахснинг ҳуқуққа итоаткорлик ва унга бўйсуниш хулқ-атвори; шахснинг ҳуқуқий фаоллиги кабилар киради. Ҳуқуқий маданиятнинг таҳлили қонун чиқарувчи орган, ҳуқуқни қўлловчи субъектлар орқали, фуқаро ва жамиятнинг ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш мақсадини амалга оширишда инсоннинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий эҳтиёжлари, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда ҳуқуқий қадриятларни англаш, идрок этиш ҳамда тушуниш учун зарур бўлади⁵⁷.

Ўзбек ҳуқуқшунос олимларидан профессор Х.Одилқориев: «Аслида, ҳуқуқий маданият ўз моҳият-эътибори билан инсоннинг сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатдан ижтимоийлашуви (социализацияси) натижасидир. Бунда инсоннинг ижтимоий тажрибаси, билим ва қўнималари тўлалигича намоён бўлади. Инсон ўз манфаат ва эҳтиёжларини қондиришга қай даражада қобил, айни вақтда, жамият манфаатларини таъминлашга қанчалик самарали ҳисса қўша

⁵⁷ Большая юридическая энциклопеди. — М.: Изд-во «Эксмо», 2007. — С.455.

² Одилкориев Х. Конституция ва фуқаролик жамияти. — Т.: «Шарқ», 2002. - 225-6

олади, деган саволларга жавоб кўп жиҳатдан унинг ички маънавияти, эътиқоди ва хуқуқий маданиятига боғлиқ. Шахснинг хуқуқий ижтимоийлашуви унинг жамият хуқуқий ҳаёти ва амалиётига фаол дахлдорлик ҳолатини қўрсатади. Мазкур дахлдорлик даражаси шахс хуқуқий билимларини қадам-бақадам ўзлаштириб боргани сайин ўсиб боради ва унинг хуқуқий меъёрларига онгли, ихтиёрий риоя этиш савияси орқали намоён бўлади»⁵⁸, — деб таърифлайди. Шу ўринда хуқуқий маданият шахснинг сиёсий ва хуқуқий ижтимоийлашувининг натижаси сифатида намоён бўлади. Сабаби, фуқароларнинг ижтимоий, хуқуқий ва сиёсий ҳаётда иштирок этиш зарурати ва кенг қамровли ислоҳотлар жараёнига жалб этилганлик даражаси жамиятдаги маънавий муҳитга, сиёсий тизимнинг табиати ҳамда ўзига хос хусусиятларига ва табиийки, инсоннинг ўзига боғлиқ ҳисобланади.

Мутахассис олимлар хуқуқий маданият таркибига нафакат хуқуқий онг, балки унинг ривожланиш даражаси ҳам киришини қайд этади: «Хуқуқий маданият мазмунига шунчаки қонунийлик, хуқуқий онг эмас, балки уларнинг ривожланиш даражаси ҳам киради. Шунингдек, аҳолининг хуқуқий онгининг юксаклиги, яъни аҳоли хуқуқдан қай даражада хабардорлиги, хуқуқий қадриятларни қай даражада ўзлаштирганлиги, хуқуқий фаолиятнинг қанчалик ривожланганлиги, жамият аъзоларининг хуқуқлари мустаҳкамланган қонун хужжатларининг мукаммаллиги ҳам хуқуқий маданият мазмунига мансуб бўлади. Уларнинг орасида давлат қонунчилиги ўта муҳим аҳамият касб этади»⁵⁹.

Айрим мутахассислар, хуқуқий маданиятнинг ижтимоий қадрият сифатидаги хусусиятига эътибор қаратади: «Хуқуқий маданият — бу ҳар бир жамиятда хуқуқнинг ижтимоий қадрият сифатида мавжуд бўлиши ва ривожланишида ифодаланадиган хуқуқий онг ва қонунийлик ҳамда юридик амалиётнинг реал аҳволи, қонунчиликнинг сифат даражаси бўлиб, у мазкур

⁵⁹ Семитико А.П. Правовая культура общества // Правоведение. — М., 1997. №4. - С.9.

жамиятнинг ўзига хос юридик қадрияти ҳамдир»⁶⁰.

Хуқукий маданиятнинг моҳияти ва аҳамияти: «... ҳозирги амалга оширилган ўзгаришлар, жумладан, Конституциямиз ҳам муайян хуқукий онгга эга бўлган кишиларга мўлжалланган. Бироқ, на хуқукий саводхонлик, на хуқукий маданият ўз-ўзидан вужудга келиб қолмайди. Уни мактаб партасидан бошлаб шакллантириш зарур, яъни моҳиятан гап хуқукий савод чиқаришни мактабларда, касб-хунар коллежларида, лицейларда ва бошқа ўқув юртларида ташкил этиш ҳақида бормоқда. Бинобарин, вояга етаётган авлодга тегишли хуқукий эътиқодларни — хуқуқка, хуқукий ҳодисаларга ижобий муносабатни, хуқукий билимларни доимий равишда кенгайтириб ва чуқурлаштириб бориш эҳтиёжини тарбиялашда намоён бўлади»⁶¹. Демак, хуқукий маданиятнинг юксалиши ва самараси шахснинг ёшлигидан унинг онгидаги шакллантирилиши билан боғлиқ бўлади.

Хуқукий маданият — умумий маданиятнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, у шахснинг ижтимоий, хуқукий ва сиёсий институтлар таъсирида, миллий менталитетни инобатга олган ҳолда хуқуқ нормаларини замон талаблари даражасида ўзлаштириб, хуқукий ва сиёсий ижтимоийлашуви ҳамда ўз хуқуқ ва бурчлари тўғрисидаги индивидуал хуқукий онги, хуқукий билими ва хуқукий хулқ-авторининг амалдаги ифодасидир. Айниқса, хуқукий маданият индивиднинг шахсий фаоллигига намоён бўлади.

Хуқукий маданият — бу хуқукий билимлар, хуқукий тизим, қонунга нисбатан ҳурмат ва хуқукий хулқ-автор йифиндиси бўлиб, хуқуқ нормалари, қоидалари ҳаётда қўлланилиши ёки қўллашга интилишдир. У ижтимоий ва сиёсий маданият билан мустаҳкам алоқадор бўлади. Инсоният умумий маданиятининг мазкур учта тури ўзаро боғлиқ бўлиб, улар бир-биридан ўзаро куч олади. Хуқукий маданиятнинг шаклланиш жараёнида дастлаб умумий маданиятнинг: инсоф, шаън, ростгўйлик, қадр-қиммат ва эзгулик каби

⁶⁰ Алексеев С.С. Право: азбука-теория философия: Опыт комплексного исследования. — М.: Статус, 1999. — С.269.

⁶¹ Исломов З.М. Давлат ва хуқуқ назарияси. — Тошкент: «Адолат», 2007.- 579-б.

элементлари пайдо бўлади. Ушбу элементларсиз ҳуқуқий маданият яхлит юзага келмайди. Ижтимоийлашув натижасида одамлар эзгулик ва адолат, инсон шаъни ва унинг топталиши ҳамда эркинлик ва қуллик каби қонуниятнинг мавжудлигини англаб идрок этишади. «Нима яхшию нима ёмонлигини» тушуниб етишда эса уларга айнан ҳукуқ соҳаси ёрдам беради⁶².

Ёшлар ҳуқуқий маданиятини шакллантириш муаммоларини илмий-назарий жиҳатдан ўргангандан ҳукуқшунос олимлар: «Ёшларнинг ҳуқуқий маданияти — бу ҳуқуққа доир билимларни шунчаки ўрганиб олиш эмас, балки улардан ҳуқуқий тарғиботни ва қонунийликни мустаҳкамлашга онгли суръатда йўналтирилган амалий фаолиятда фойдалана билишdir. ... Демак, реал ҳуқуқий маданиятнинг мавжудлиги ёшларнинг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллиги юксалишида намоён бўлади», — деган таърифни келтирадилар⁶³. Мантиқан бу фикр тўғри. Бироқ, унда ёшларнинг ёш чегара доираси аниқ эмас. У мавхум умумий тарзда берилган. Агар ёшларнинг ёш чегара доираси қанчалик аниқ таҳлил қилинса, тадқиқот шунчалик самарали бўлади.

«... Ёшлар ҳуқуқий маданияти — ёшларнинг ҳуқуқий билимлари, ҳуқуқий саводхонлик даражаси, уларнинг қонунларга бўлган ҳурмати, ҳуқуқий меъёрларни ижро этиш, ҳаётга татбиқ эта олиш даражаси, ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасиз бўлиш, қонунларга итоаткорлик, фаоллик ва ташаббускорлик даражасидир ...»⁶⁴, — деган талқинни илгари суради. Бу ерда, тадқиқотчи талаба ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини тор доирада, фақат ҳуқуққа боғлаб таҳлил этади. Ваҳоланки, ҳуқуқий маданият расмий юридик доирадан анча четга чиқади. Яъни, ёшлар ҳуқуқий маданияти ҳуқуқий маданият сингари комплекс аҳамият касб этади. Ёшлар ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда фақат ҳуқуқий ҳодисаларнинг йиғиндиси етарли эмаслигини эътиборга олиш лозим.

⁶² Юридический словарь / Сост., предисл., прилож. А.Ф.Никитина. — М.: ОЛМА-ПРЕСС Образование, 2004. — С. 413-415.

⁶³ Абзалов Э.М. Проблемы формирования правовой культуры молодежи. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. — Ташкент, 2000. — С.18.

⁶⁴ Турдибоева Р. Талаба ёшларда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш муаммолари. Юридик фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. — Тошкент, 2000. — 52-б.

«Ёшларнинг ҳуқуқий маданияти гурухий маданиятнинг мустақил ва жуда муҳим қисмини ташкил этади. У ўқув юртларида ва жамоат бирлашмаларида шаклланади. Айрим ҳолатларда мазкур ҳуқуқий маданият жамиятга нисбатан маргинал хусусият касб этади, унда умумий эътироф этилган хулқ-автор нормаларидан четлашиш ҳолатлари кузатилиши мумкин»⁶⁵, — деб ҳисобланган фикр илмий- назарий жиҳатдан тўғри ва асосли. Унда ёшлар ҳуқуқий маданияти тушунчаси ҳуқуқий маданиятнинг типологияси нуқтаи назаридан таҳлил этилгани ҳамда унинг соф юридик доирадан четга чиқишига эътибор қаратгани билан аҳамиятлидир.

Айрим тадқиқотчилар эса талаба ёшлардаги ҳуқуқий маданиятни ўқув юртларидаги ижтимоий муҳит, таълим-тарбия жараёнларининг натижаси, деб ҳисоблайди. Ҳуқуқий маданиятнинг шаклланиши маълум бир вақт ва маконда давом этадиган, зиддиятсиз кечиши мумкин бўлмаган жараён, — деган фикрни илгари суради⁶⁶. Бу фикрга қўшиламиз. Лекин, талаба ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини илмий жиҳатдан талқин этганда, мазкур тоифа ёшларининг индивидуал хусусиятлари ҳар бир талабанинг қобилиятига эътибор қаратиш, уни янада аниқроқ таснифлаш имконини беришини унутмаслик керак. Талаба ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш объектив ҳодиса бўлиши билан бирга, муҳим субъектив томонларни ҳам назардан қочирмасликни талаб қиласди.

Яна бир тадқиқотчи ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш масаласининг долзарблигини эътироф этиб, таълим тизимининг барча бўғинларида ёшларни тарбиялашга жуда масъуллик билан ёндашиш зарурлиги замон талаби эканини илмий жиҳатдан асослашга уринган⁶⁷. Лекин бу талқинда ҳам талаба ёшларнинг барчасига бир хил қараш тенденциясига амал қилинган. Аслида ёшларнинг бир неча босқичдан иборат ёш гурухлари

⁶⁵ Маматов Х.Т. Ҳуқуқий маданият ва Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг шаклланиш муаммолари. Юридик фанлар доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. — Тошкент, 2011. — 93-б.

⁶⁶ Насриддинова О.Т. Ҳуқуқий маданият — фуқаролик жамиятини шакллантиришда муҳим омил (ёшлар мисолида). Юридик фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. — Тошкент, 2009. — 23-б.

⁶⁷ Садикова Ё.С. Ҳуқуқий онгни шакллантиришда демократик қадриятларнинг ўрни. Юридик фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. — Тошкент, 2010. — 77-б.

мавжуд. Тадқиқотчи талаба ёшларни ўзига хос хусусиятлари жиҳатидан таснифлашни эътибордан четда қолдирган. Бизнингча, ёшлар ҳуқуқий маданиятини илмий жиҳатдан таҳлил ва тадқиқ этишда мавжуд ҳар бир ёшлар гурӯҳи тоифасининг жисмоний, физиологик, психологик, биологик ва социологик хусусиятларига эътибор қаратиш ижобий илмий натижа беради. Ҳуқуқий маданият субъектив ҳодиса бўлгани боис, ёшлар ҳуқуқий маданияти ҳам айрим ҳолатларда индивидуал ёндашувни талаб қиласди.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, қуйидаги таърифни келтириш мумкин. **Ёшлар ҳуқуқий маданияти — бу адолат, масъулият, фаоллик, шаън, ғурур ва қадрият каби умумий маданиятнинг элементлари асосида шаклланадиган ҳамда ёшларнинг ҳуқуқий-сиёсий ижтимоийлашуви натижаси ёхуд қонунларга муносабати, ҳуқуқий саводхонлик даражаси, ҳуқуқ бузилишларига муросасизлигини англатадиган, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий билим ва ҳуқуқий хулқ-атворни мужассам этадиган воқеликдир.**

Ҳуқуқий маданиятга оид адабиётлар бўйича олиб борилган илмий таҳлиллар бугун замоннинг ўзи ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг янги инновацион, оптимал, ахборот технологиялари ёрдамига таянадиган янгича таъсирчан тарғибот усусларининг илмий асосини яратиш масаласининг долзарб эканлигини кўрсатмоқда.

Ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан саналади. Ижтимоий-сиёсий ҳаётни ривожлантиришнинг муҳим талабларидан бири ҳам айнан ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий ҳаётдаги фаоллигини оширишdir. Бу эса бир нечта омилларни ўз ичига оладиган ўзига хос мураккаб жараён. Мазкур жараёнда дастлаб масаланинг илмий ечимини топиш ижобий самара беради.

Ёшлар гурӯҳи ўзига хос хусусиятга эга бўлган, алоҳида эътиборталаб ижтимоий гурӯҳ ҳисобланади. Ёшларнинг мазкур ижтимоий гурӯҳини

мутахассислар ўспирин ёшлар деб аташади. Тарбия энциклопедиясида: «Ўспирин — инсон тараққиётининг тахминан 15 ёшдан 18 ёшгача бўлган даври; педагогикада «катта мактаб ёши» ҳам дейилади. Ўспиринлик сўнггида, одатда, йигит-қизлар жисмоний ва руҳий жиҳатдан балоғатга етадилар.

Ўзбекистон Республикасида 1992—2016 йилларда амал қилган таълим тизимиға кўра, ўспирин ёшидагилар касб-хунар коллежлари ёки академик лицейларда таҳсил олишди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги «Умумий ўрта, ўрта маҳсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони билан 11 йиллик таълим тизими қайта тикланди. Шунга кўра, касб-хунар коллежларига 11-синфни тамомлаган ёшлар қабул қилиниши йўлга қўйилган эди⁶⁸.

Ўспиринликда туйғуларнинг ранг-баранглиги ва теранлиги кузатилади. Улар салбий ҳолатларни оғир кечирадилар, адолатсизлик, ноҳақлик сингари кўринишларга муросасиз бўлишади ва бундан кучли таъсирланадилар. Ўспиринлик куч-қувват тўлиб тошган, интилишлар чегара билмайдиган, романтик хаёллар оғушида яшайдиган даврdir. Ўспиринлар қаҳрамонликлар кўрсатишига, кўпчиликнинг эътирофи ва эътиборини қозонишига интилиб яшашади. Ўспиринда ўз-ўзини англаш кучли бўлади. Улар ўз-ўзини англашда ўзини тарбиялаш босқичига ўтишга қобил бўлишади», — деб қайд этилган⁶⁹.

Педагог олим профессор М.Куронов ўспиринлик даврига: «Ўғлинг 14, қизинг 12 ёшида ўспирин бўлади. Бу даврни педагоглар болаликдан катталикка ўтиш даври деб атайди. Ҳозир акселерация — ўспиринларнинг жисмоний ўсишида тезлашув рўй бермоқда. Бу ёшда уларда интизом, ўқишига қизиқишининг сусайиши, характеристида дағаллик пайдо бўлиши кузатилади. Тез

⁶⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги «Умумий ўрта, ўрта маҳсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 5311-сон Фармони / Халқ сўзи, 2018 йил 26 январь.

⁶⁹ Тарбия (ота-оналар ва мураббийлар учун энциклопедия). — Т.: «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти, 2010. — 504—506-б.

жаҳли чиқади. Ота-онанинг гапларига илгари сўзсиз қўшилган бўлса, энди танқид қиласди. Бирорлардаги камчиликларни бўрттириб қўрсатади»⁷⁰, — деган таъриф беради. Ушбу фикрлардан келиб чиқиб, ўспирин тушунчасига қуидаги таърифни таклиф этамиз.

Ўспиринлик — одамнинг болалик билан ёшлик ўртасида куч-куватга тўлиб тошган, интилишлар чегара билмайдиган, романтик хаёллар оғушида, қаҳрамонликлар қўрсатишга, кўпчиликнинг эътирофи ва эътиборини қозонишга, ўз тушунчаси даражасида адолатга бор кучи билан интилиб яшайдиган, тахминан 15—18 ёшли эътиботалаб даври бўлиб, у инсон хаётида муҳим ёш босқичидир.

Давлат тараққиёти ва халқ фаровонлиги йўлида қабул қилинаётган қонунларимизнинг амалда ишлаши бу унинг идеал эмаслигини англатади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев қайд этганидек: «Бугунги тез ўзгараётган дунё инсоният олдида, ёшлар олдида янги-янги, буюк имкониятлар очмоқда. Шу билан бирга, уларни илгари кўрилмаган турли ёвуз хатарларга дучор қилмоқда. Фаразли кучлар содда, ғўр болаларни ўз отонасига, ўз юргига қарши қайраб, уларнинг ҳаётига, умрига зомин бўлмоқда.

Бундай кескин ва таҳликали шароитда биз ота-оналар, устоз-мураббийлар, жамоатчилик, маҳалла-кўй бу масалада ҳушёрлик ва огохликни янада оширишимиз керак. Болаларимизни бирорларнинг қўлига бериб қўймасдан, уларни ўзимиз тарбиялашимиз лозим»⁷¹. Жамиятдаги ижтимоий-иктисодий йўналишларни адолат мезонлари асосида қонуний тарзда ташкил этилганини ўқувчи ёшларимиз онгига сингдириш муҳим саналади. Шу нуқтаи назардан ўспирин ёшларнинг хуқуқий маданиятини юксалтиришдаги мавжуд муаммоларни илмий-назарий жиҳатдан социологик ёндашув асосида тадқиқ этишга зарурат мавжуд. Давлатимиз раҳбари томонидан 2019 йил 9-

⁷⁰Қуронов М. Болам баҳтли бўлсин, десангиз ...: ота-оналар учун. — Т.: «Маънавият», 2013. — 239-б.

⁷¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 24 йиллигига багишланган тантанали маросимдаги маъруzasи. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш — юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови / Халқ сўзи газетаси, 2016 йил 8 декабрь.

январдаги «Жамиятда хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонида белгиланганидек: «Ёшларнинг хуқуқий тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи омилларга нисбатан хуқуқий иммунитетни шакллантириш, ҳар бир шахсда қонунларга ва одоб-ахлоқ қоидаларига ҳурмат, миллий қадриятларга садоқат, хуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлик ҳиссини уйғотиш ишига комплекс тарзда ёндашилмаган»⁷².

Ёшларнинг хуқуқий маданияти ўспиринлик даврида алоҳида аҳамият касб этади. Сабаби бу пайтда, унда улғайиш билан боғлиқ турли ўзгаришлар пайдо бўлади. У ўзига эътибор талаб қиласди. Мустақил фаолият юритишига ҳаракат қиласди. Шу пайтда у ҳар хил тоифадаги дўстлар орттиради, бу пайтгача унга айтилган нарсаларга танқидий қарай бошлайди, кичик мактаб ёшидаги даврига нисбатан мустақил ва ўз нуқтаи назарига эга бўлади, ота-онанинг панд-насиҳатлари, қаттиққўллиги, доимий назорати ёқмайди, унинг мустақил фикрлашга, мустақил қарор чиқаришига интилиши кучаяди.

Демак, айтиш мумкинки, биринчидан, хуқуқий маданият жамият хуқуқий ва сиёсий тизими билан боғлиқ мураккаб жараён. У ўз моҳиятига кўра умумбашарий ва миллий хусусиятларга эга. Хуқуқий маданият, бир томондан, хуқуқ ва сиёсат билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, инсон унинг тафаккури ва дунёқараси ҳамда у яшаётган ижтимоий муҳит билан боғлиқ. Иккинчидан, хуқуқий маданиятни аҳоли, айниқса ёшларда юксалтиришнинг инновацион, янгича усулларини жорий этишга илмий-назарий томондан таҳлил ва тадқиқ этилишига эҳтиёж бор. Хуқуқий маданият тушунчаси ўз мазмун-моҳиятига кўра ниҳоятда кенг ва мураккабдир. Шу боис, у ҳанузгача жамият аъзоларининг онгидаги осонликча сингиб қетмаган. Айнан шу ўринда хуқуқий маданият тушунчаси илмий-назарий жиҳатдан объектив таҳлил ва тадқиқ этилиб, ёшларнинг онгига уларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда етказиш вазифаси ҳам

⁷² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги ПФ— 5618-сон «Жамиятда хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони // Халқ сўзи, 2019 йил 10 январь.

мутахассис олимларнинг зиммасига тушиши табиий. Ҳуқуқий маданият тушунчасини илмий-назарий томондан ўрганиш унинг амалий ривожлантирилишига асос бўлишини унутмаслик лозим. Сабаби ҳуқуқий маданиятни шакллантириш бугунги кунда долзарб масала. Чунки бу бевосита умумбашарий ва миллий демократик тамойилларнинг талабидир. Учинчидан, жамиятнинг ҳар бир аъзосидан унинг касбу коридан қатъи назар, юксак ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият талаб этилади. Негаки, ҳар бир инсон жамиятда яшар экан, бошқа одамлар ёки давлат билан ўзаро муносабатга киришади.

Ў.С.Очилов*

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимни ривожлантириш муаммолари

Бундан 75 йил муқаддам 1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси Иккинчи жаҳон уруши даврида инсон қадри ва ҳуқуқларининг қўпол равишда оёқ ости қилиниши, инсониятга нисбатан ваҳшийликлар, геноцид жиноятлари сабоқларига асосланган.

Умумжаҳон декларациясида инсоннинг қадрланиши, унинг ҳуқуқларини хурмат қилиш ва давлатлар томонидан уларга устувор аҳамият берилиши, жамиятларда "эркинлик", "тенглик", "адолат" тамойилларининг қарор топиши ҳақида сўз боради.

Декларация "барча халқлар ва давлатлар интилиши лозим бўлган қоидалар" сифатида эълон қилиниб, у тавсия характеристига эга эди. Декларацияда давлатлар, ташкилотлар ва шахсларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги фаолият йўналишлари белгилаб берилиб, улар инсон ҳукуқ ва эркинликларни хурмат қилиниши ҳамда уларга риоя этилишини белгилашда асосий мезонга айланди.

*Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази бўлим бошлиғи, юридик фанлар доктори (DSc), доцент.

Декларация асосида давлатлар зиммасига инсон хуқуқлари соҳасида халқаро мажбуриятларни юклаган инсоннинг асосий хуқуқ ва эркинликларини қамраб олувчи кенг қамровли халқаро шартномалар тизими яратилди, кўплаб принцип ва нормалар шаклланди, уларнинг аксарияти умумжаҳон тан олинди. Умумжаҳон декларациясини, кейин эса Инсон хуқуқлари тўғрисидаги халқаро пакт ва конвенцияларни қабул қилиш орқали давлатлар илгари ўзларининг ички ваколатларига тегишли бўлган инсон хуқуқларини таъминлаш соҳасида халқаро-хуқуқий мажбуриятларни ўз зиммаларига олдилар. Давлатлар, ўзларининг инсон хуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларига зид равишда фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини чеклайдиган қонунларни қабул қилишга ҳақли бўлмай қолдилар. Ҳозирги кунга келиб инсон хуқуқлари соҳасидаги асосий халқаро шартномалар сони 18 тага етди, яъни иккита халқаро пакт, 7 та халқаро конвенция ҳамда 9 та факультатив протоколлар.

1993 йилда Венада бўлиб ўтган Инсон хуқуқлари бўйича Иккинчи Жаҳон конференциясида қабул қилинган Вена декларацияси ва Ҳаракат дастурида ‘Барча инсон хуқуқлари универсал, ажralmas ва ўзаро боғлиқдир. Халқаро ҳамжамият инсон хуқуқларига глобал миқёсда, адолатли ва тенг равишда, бир хил ёндашув ва эътибор билан муносабатда бўлиши керак. Миллий ва минтақавий хусусиятлар ва турли тарихий, маданий ва диний хусусиятларнинг аҳамиятини ҳисобга олиш керак бўлса-да, давлатлар, уларнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий тизимларидан қатъи назар, барча инсон хуқуқлари ва асосий эркинликларини тарғиб қилиш ва ҳимоя қилишга мажбурдирлар” деб таъкидланди.

Шу билан бирга Вена конференциясида Инсон хуқуқлари бўйича Олий комиссар лавозимини ташкил этиш тавсия қилиниб, унинг мақсадларидан бири “Инсон хуқуқлари умумжаҳон декларациясига риоя қилиш зарурати” билан боғлиқ эди.

Шундай қилиб, 75 йил аввал барча халқлар ва барча давлатлар интилиши лозим бўлган қоидалар сифатида қабул қилинган Умумжаҳон

декларацияси бугунги кунда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги энг муҳим манбалардан бирига айланди, унинг қоидалари кўплаб мамлакатлар томонидан инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари бўйича конституция қоидаларини ишлаб чиқишида кенг қўлланилган намуна бўлиб хизмат қилмоқда. Декларация матни 375 та тил ва лаҳжаларга таржима қилинган, у барча одамлар эга бўлган универсал ҳуқуқларнинг биринчи мажмуавий ифодасидир.

Декларация билан белгиланган ҳуқуқ ва эркинликлар мамлакатимизнинг 2023 йил 30 апрелда бўлиб ўтган референдум натижаларига асосланиб қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституцияси 2-боби нормаларида янада кенгроқ ва батафсилроқ баён этилди. Шунингдек, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойиллари ва нормаларини ва халқаро шартномаларни Ўзбекистон ҳуқуқий тизимининг ажralmas қисми сифатида конституциявий даражада тан олинди ва уни таъминлашнинг аниқ механизмини мустаҳкамлади.

Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги асосий 18 та халқаро шартномаларнинг 11 тасини, жумладан 2 та халқаро пакт, 5 та халқаро конвенция, 4 та факультатив протоколларни ратификация қилган. Энг охирги ратификация қилинган инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро шартнома – бу 2021 йилда ратификация қилинган Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциядир.

Бугунга қадар Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларнинг бажарилиши бўйича 42 та даврий ҳисботларни Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш ва конвенциявий қўмиталарга тақдим қилган.

2023 йил 12 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 75 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги фармонни имзолади. Фармон билан Декларация қабул қилинганлигининг 75 йиллигига бағишлиланган тадбирлар дастури тасдиқланди. Мазкур тадбирларда давлат ташкилотлари ва муассасалари, жамоатчилик бирлашмалари, оммавий ахборот

воситаларининг фаол иштирок этиши энг муҳим вазифа этиб белгиланди. Уларнинг энг муҳим мақсадларидан бири жамиятда инсон ҳуқуқлари маданиятини юксалтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурматга қаратилган ёндашувни аҳоли орасида тарғиб этишдан иборат.

Масалан, мазкур тадбирлардан бири 2023 йилдан бошлаб ҳар йили 1-10 декабрь кунлари мамлакатимизда “Инсон ҳуқуқлари” ўн кунлигини эълон қилиш ҳамда умумий ўрта, ўрта маҳсус, профессионал ва олий таълим муассасаларида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинган кунга бағишлиланган умуммиллий дарслар ўтказишни назарда тутади.

Охирги йилларда мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим-тарбияга эътибор кучаймоқда. Бундан асосий мақсад жамиятда инсон ҳуқуқ ва манфаатлари устуворлигини таъминлашнинг асосий омилларидан бири бўлиб хизмат қиласиган аҳолининг инсон ҳуқуқлари маданиятини оширишидир.

Инсон ҳуқуқлари маданиятининг юксалишига фақат таълим муассасаларининг ўқув дастурига инсон ҳуқуқларига оид ўқув курсларини жорий қилиш орқалигина эришиб бўлмайди, балки инсон ҳуқуқлари соҳасидаги тарбия, яъни ўзаро муносабатларда инсон ҳуқуқларига риоя қилиш тажрибасини қўллаш қўнималарини шакллантириш ҳамда инсон ҳуқуқлари тўғрисида ахборот етказиш ҳам муҳим бўлиб ҳисобланади. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим ва тарбиянинг муваффақияти уч вазифага боғлиқ: булар билим бериш, муносабатга киришишга ўргатиш ва хулқатворни шакллантириш.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим ва тарбия бошқалар билан қонун доирасида мулоқотга кириша олиш, ўзгача нуқтаи назарларни тинглаш ва ҳурмат қилиш, ўз фикрини билдира олиш, низоларни зўравонликсиз ҳал қила олиш қўнималарни ривожлантиради. Истиқболда бундай қўнималар инсон ҳуқуқларига ҳурмат руҳида тарбияланган ва демократик ҳаётда фаол иштирок этишга тайёрланган авлодни вояга екташишга катта ҳисса қўшади.

Инсон ҳуқуқлари асосан ҳаракатлар орқали ифодаланадиган номоддий қадриятлар билан боғланганлиги сабабли инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим ва тарбия назарий ҳамда амалий машғулотларни ўз ичига оладиган тизимли ёндашувни талаб қиласди. Айниқса, инсон ҳуқуқларига риоя қилиш нуқтаи назаридан ҳуқуқий хулқ-автор ва муносабат моделини ўргатишга тўғри келади. Бунга таълим муассасалари ҳамда корхона ва ташкилотлардаги мухитнинг инсон ҳуқуқларига риоя қилишга мувофиқ бўлишини тъминлаш орқали эришиш мумкин. Масалан, таълим муассасаларида ўзаро ҳурмат ва инсон ҳуқуқлари устуворлиги мухитини яратиш учун таълим-тарбиянинг барча иштирокчилари хулқ-аторини тартибга соладиган, барча тарафларнинг масъулиятини белгилайдиган, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилишни талаб қиласди ган хулқ-автор кодексларини яратиш мақсадга мувофиқ.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимни такомиллаштириш, авваламбор, илғор педагогика услубларининг қўлланилишини, бунинг учун эса инсон ҳуқуқлари соҳасида сифатли билим бериш ва кўникмаларни тарбиялаш бўйича юқори малакага эга илмий ва педагогик кадрларни тайёрлаш тақозо этилади. Бунда илмий ва педагогик кадрларнинг тайёргарлиги инсон ҳуқуқлари тўғрисида нафақат маълумот бериш, балки талабаларга ўзларини инсон сифатида ҳурмат қилинишларини ҳис қилишлари ҳамда ўз ҳуқуқларини қандай амалга ошириш, мажбуриятларни қандай бажариш, бошқаларнинг ҳуқуқларини қандай ҳимоя қилиш бўйича амалий кўникмаларни тарбиялаш эҳтиёжларига мос бўлиши керак.

Бугунги кунда мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари бўйича таълим-тарбияни самарали амалга оширишда қатор муаммолар мавжуд?

Охирги йилларда Ўзбекистонда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия тўғрисидаги декларацияси ҳамда Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги жаҳон таълим дастурининг тўртинчи босқичини амалга ошириш бўйича қатор ҳужжатлар қабул қилинди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 июндаги Фармони билан тасдиқланган Инсон

хуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий стратегияси асосида инсон ҳуқуқлари мутахассислиги бўйича магистрлик дастури жорий қилинди, инсон ҳуқуқлари ихтисослиги бўйича илмий кадрларни тайёрлаш йўлга қўйилди, таълим муассасалари ўқув режаларига Инсон ҳуқуқлари фани киритила бошланди.

Лекин кўрилган чора-тадбирлар самарадорлигини ўрганиш бўйича ўтказилган мониторинглар натижасида инсон ҳуқуқлари соҳасида педагогик кадрларни тайёрлаш ишларида муаммо ва камчиликлар мавжудлиги маълум бўлди. Жумладан, 2021 йил мамлакатнинг қатор ҳудудларидаги олий ўқув юртларида, лицей ва техникумларда ўтказилган мониторинг ва сўров натижалари шуни кўрсатдики (мониторинг давомида 248 нафар профессор-ўқитувчи ва 456 нафар талабалар ўртасида сўров ўтказилган), айрим олий ўқув юртларида молиявий манбалар белгиланмаганлиги сабабли инсон ҳуқуқлари бўйича ўқув курси ўқитилмаган, педагогик кадрлар малакасини ошириш институтларининг ўқув режасига инсон ҳуқуқлари бўйича курслар киритилмаган. Бундан ташқари, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим бўйича замонавий дарсликлар, ўқув-дидактик, мультимедиа материалларини тайёрлаш ишлари амалга оширилмаганлиги аниқланди.

Мутахассисларнинг фикрича, агар таълим муасасаларида инсон ҳуқуқлари бўйича ихтисослаштирилган курслар жорий қилинмаса ва улар асосий фанлар сифатида ўқитилмаса, ёш авлодни ижтимоий ўзгаришларни амалга оширишга, бунёдкорликка йўналтириб тарбиялаш самараси паст бўлади. Чунки инсон ҳуқуқлари нимани англатишини ва у қандай таъсир қилишини кенгроқ тушунмасдан туриб, том маънодаги бунёдкор инсонни тарбиялаб бўлмайди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича тайёрланган ўқитувчи-педагогларнинг етишмаслиги, молиялаштиришнинг йўлга қўйилмаганлиги, ўқув дастурлари ва қўлланмаларнинг такомиллашмаганлиги ва етишмаслиги инсон ҳуқуқлари бўйича курсларнинг барқарорлигига тўсқинлик қиласи. Бундай ҳолат инсон

хуқуқлари бўйича таълимни амалга ошириш масаласига тизимли ёндашиш, сифат ва баҳолаш стандартларига мувофиқлаштириш зарурлигини кўрсатди.

Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 7 февралдаги қарори билан Инсон хуқуқлари соҳасидаги миллий таълим дастури тасдиқланди, унда инсон хуқуқлари маданиятини ривожлантиришга қаратилган комплекс тадбирлар назарда тутилди. Бунда инсон хуқуқлари ўқув курсларини жорий қилиш, инсон хуқуқлари соҳасига ихтисослашган ўқитувчи-педагогларни тайёрлашни йўлга қўйиш, инсон хуқуқлари бўйича магистратура мутахассислигини такомиллаштириш, инсон хуқуқлари ихтисослиги бўйича илмий кадрларни тайёрлашни такомиллаштириш, кадрларни тайёрлаш ва малакасини оширишда хорижий олий таълим ва илмий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш масалалари қамраб олинди.

Мазкур тадбирларни амалга ошириш давомида мамлакатимиизда инсон хуқуқлари соҳасидаги таълим ва тарбияни амалга оширишнинг бир неча муаммоларига алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

Биринчидан, инсон хуқуқлари соҳасидаги таълимнинг ғарбона ахлоқ тарғиботига айланишиб кетишининг олдини олиш керак. Инсон хуқуқлари универсал қоидалардир, улар жаҳоннинг барча халқлари маданиятидан келиб чиқсан. Унинг ғарбона талқинини тарғиб қилиш миллий қадрият ва маданиятлар таназзулига сабаб бўлмаслиги керак. Шундан келиб чиқиб, инсон хуқуқлари соҳасидаги таълим ва тарбия ҳам турли миллий қадриятларга мансуб маданиятга эга мамлакатлар учун турлича ахлоқий-хуқуқий мазмунга эга. Бунда бериладиган билим ва кўнимкамлар умуминсоний қадриятлар билан бир қаторда миллий-ахлоқий қадриятларга ҳам асосланиши керак. Инсон хуқуқлари соҳасидаги таълим бўйича ривожланган мамлакатлар тажрибасидан, технологияларидан кенг фойдаланиш лозим, лекин таълим ва тарбия мазмунига миллий-ахлоқий қадриятлар сингдирилган бўлиши керак. Шунингдек, таълим ва тарбияда Ўзбекистон халқига хос бўлган меҳр-оқибат, ҳурмат-иззат, ота-она ва

фарзандларга ғамхўрлик, ҳалоллик каби қадриятлар ўз ифодасини топса, унинг амалийлиги, хулқ-атворга таъсир этиш самараси юқори бўлади.

Иккинчидан, ўқувчи-талабаларнинг инсон ҳуқуқлари бўйича кўникумлари шаклланишига улар таҳсил олаётган таълим муассасасидаги руҳий муҳит, уни бошқаришга инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тамойил ва механизмларининг жорий қилинганлиги, ўқитувчи-педагогларга яратилган шарт-шароитлар ва уларнинг руҳий барқарорлиги салмоқли таъсир кўрсатади. Таълим муассасалари бошқарувида инсон ҳуқуқларига мувофиқ бўлган тамойиллар устуворлиги, ўқитувчи-педагоглар ҳуқуқ ва манфаатларининг тўлақонли таъминланганлиги, ўзаро ишонч ва ёрдамга асосланган юқори ижодий фаолиятнинг рағбатлантирилганлиги муҳити талаба-ўқувчиларда инсон ҳуқуқлари соҳасида билим бериш ва кўникумларни тарбиялашда муҳим роль ўйнайди.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, инсон ҳуқуқларини ўргатишда кўпинча хориждаги, узоқдаги, мавхум, номаълум ёки бегона одамларнинг ҳуқуқлари бузилиши ва уларни ҳимоя қилиш билан боғлиқ мисоллар инсон ҳуқуқлари устуворлигига ишончнинг шаклланишида роль ўйнамайди. Балки инсон ҳуқуқларини ўқувчи-талабаларга яқин бўлган мисоллар билан, уларнинг яшаш ва таълим шароитлари билан боғлаш инсон ҳуқуқларини ўқитишда юқори самара беради. Ўқувчи-талабалар таълим муасасаси ҳаётида инсон ҳуқуқлари тамойиллари устуворлигини кўрса, инсон ҳуқуқлари бўйича билимлар ўқувчи-талабаларнинг кундалик ҳаёти билан боғланади ва тажрибадан ўтказилади, уларда инсон ҳуқуқлари устуворлигига ишонч мустаҳкамланади, натижада улар инсон ҳуқуқлари соҳасидаги билим ва кўникумларни самарали ўзлаштиради.

Учинчидан, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимнинг муваффақиятли амалга оширилишида ўқитувчи-педагогларнинг тайёргарлиги ҳам катта таъсир кўрсатади. Мутахассисларнинг фикрича, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимни жорий қилишда ўқитувчи-педагоглар тайёргарлиги билан боғлиқ қатор муаммолар мавжуд: биринчидан, кўп ҳолларда ўқитувчи-педагоглар

инсон ҳуқуқлари бўйича таълимнинг аҳамиятини, унинг ўқитувчилар зиммасига қандай масъулият юклашини англамайди; иккинчидан, инсон ҳуқуқлари ўқув курсларининг соҳа бўйича етарли билимларга эга бўлмаган ўқитувчи-педагоглар томонидан ўтказилиши, сифатли дарсликлар билан таъминланмаганлик, дарсларнинг зерикарли, реал ҳаётдан узоқ ва мавхум бўлишига олиб келади; учинчидан, инсон ҳуқуқлари қийин ва мураккаб таълим соҳаси бўлиб, бунда ўқитувчилар бир вақтнинг ўзида ҳаётий ҳолатларни мисол келтириши, ҳис-туйғуларни ифодалаши, ахлоқий меъёрларни тушунтириши ва фикр-мулоҳазаларни таҳлил қилиши керак; тўртинчидан, одатда, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим ва тарбия мазмунида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартлар ва давлат мажбуриятлари тўғрисида хабардор қилиш устуворлик қиласи, лекин инсон ҳуқуқларига риоя қилиш бўйича амалий хулқ-атворни, маданиятни шакллантириш масаласига камроқ эътибор берилади.

Ўқитувчи-педагоглар инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартлар, инсон ҳуқуқларининг умуминсоний ва миллий-ахлоқий асослари ҳамда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий-ҳуқуқий нормаларни яхши ўзлаштирган бўлиши ҳамда уларни амалий хулқ-атвор билан боғлай олиш бўйича билим ва малакаларга эга бўлиши муҳим.

Тўртинчидан, мутахассисларнинг таъкидлашича, ўқувчи-талабаларнинг инсон ҳуқуқлари бўйича билими ва тарбиясига кўпинча интернет, ижтимоий тармоқлар ва оммавий маданият салбий таъсири қиласи. Бинобарин, улар онгига изчил таъсири қилиб турадиган салбий ахборот уларнинг инсон ҳуқуқлари бўйича таълим ва тарбия олишига тўсқинлик қиласи. Инсон, айниқса ёшлар зўравонлик элементлари таъсирига осонгина тушишга мойил бўлиб, руҳий заиф бўлиб қолиши мумкин. Худди шундай, айрим ёшлар зўравонлик хукм сурадиган оила шароитида ўсиб-улғаяди. Шунинг учун инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбияда салбий ахборотлар таъсирининг мазкур жиҳатини ҳисобга олиш ва унга қарши курашиш муҳим.

Ш.Ярлакобов*

Ички ишлар органларида кадрлар салоҳиятини оширишнинг хуқуқий асослари

Бугунги кунда мамлакатимизда ички ишлар органларини халқчил профессонал тузилмага айлантириш яъни уни фуқаролар, жамоат ташкилотлари ҳамда кенг жамоатчилик билан ўзаро ишонч ва ҳамжиҳатлик руҳида ишлайдиган адолатли ва халққа яқин органга айлантириш долзарб масала саналади. Бунинг учун эса дастлаб соҳа ходимларининг салоҳиятини ошириш талаб этилади. Ички ишлар органларида кадрларнинг салоҳиятини ошириш соҳада туб ислоҳотларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2023 йил 20 январдаги ПҚ 10-сонли қарори билан қабул қилинган Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми Кодекси шундай муҳим механизмларнинг яратилишига асос бўлган норматив-хуқуқий хужжат саналади. Бу Кодекснинг қабул қилингани ҳам барча даражадаги шахсий таркиб кадрларининг фаолияти фақат қонун ва норматив-хуқуқий хужжатларга таяниб амалга оширилишининг белгилангани билан ҳам аҳамиятли саналади. Сабаби Кодекс ички ишлар органлари кадрларини учта устувор йўналиш яъни, биринчидан, инсон қадрини чукур англайдиган, юксак маънавий-ахлоқий фазилатли, бурчига содик ва аҳолини рози қилоладиган, иккинчидан, Ватан ва халқ олдидағи бурчини чукур англайдиган ва юксак масъулиятли, учинчидан, коррупцияген ҳолатларга муросасиз ҳамда ўзининг ва ички ишлар органларининг обрўсини сақлай оладиган руҳда тарбиялашни назарда тутган⁷³.

Шунингдек, ушбу Кодексда республикамизда ички ишлар органлари кадрлари билан бевосита ишловчи Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар

* ИИВ Академияси магистри

⁷³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги “Ички ишлар органларини халқчил профессонал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-10-сонли қарори.

билин таъминлаш департаменти янгидан ташкил этилгани ҳам ички ишлар органлари фаолияти такомиллашиб, унинг самараси ошатганини қайд этиш лозим. Бу борада мазкур Департаментнинг олдига ички ишлар органларида хизматга қабул қилиш бўйича номзодларни тўғри, холис адолатли ва очик ҳамда содда тартибда бюрократик тўсиқларсиз танлаш ҳамда кадрларнинг дунёқараш ва билимини шакллантириш мақсадида маънавий-маърифий ишларни мунтазам йўлга қўйиш, шунингдек, тизимда хизматнинг ўзига хос хусусиятини эътиборга олган ҳолда манзилли психологик тадбирларнинг жорий этилиши ёхуд истиқболли ёш кадрларнинг захирасини шакллантиришнинг янги механизмини яратиш ёки жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг хусусиятидан келиб чиқиб шахсий таркибнинг жанговар ва жисмоний тайёргарлигини оширишнинг мунтазам тизимини яратиш каби муҳим масалаларнинг қўйилгани эътиборга молик бўлди. Шу ўринда коррупция ҳолатларининг барвақт олдини олиш учун ички ишлар органларида кадрлар билан ишлаш, хизмат олиб бориш қоидаларига қатъий амал қилиш, шахсий таркиб ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоялаш тизимини тўлиқ рақамлаштиришни амалга ошириш устида ишланаётгани ҳам диққатга сазовор масала ҳисобланади.

Ички ишлар органлари кадрлари учун бугунги давр ва давлатимизнинг амалга ошираётган туб ислоҳотлари ҳамда халқимизнинг талабларидан келиб чиқиб тегишли талабларни белгиланаётганида ҳам кўринади. Кодексда белгиланган қоида ва талабларни билиш, уларга қатъий ва сўзсиз амал қилиш ҳар бир кадр учун мажбурий аҳамиятга эгалиги бугунги кунда ички ишлар органлари тизими кадрларининг салоҳиятини оширишни замоннинг ўзи талаб қилаётганини англашиб шубҳасиз. Кодексда белгиланган қоида ва талабларнинг ички ишлар органлари кадрлари томонидан уларнинг меҳнат фаолиятида самарадорликка эришиш ёки унинг хизмат интизомини баҳолашда асосий мезон сифатида мустаҳкамланаётгани норматив-ҳуқуқий хужжатнинг заруратини билдиради.

Ички ишлар органлари кадрлари томонидан Кодексдаги қоида ва талабларга амал қилмаслик ёхуд уларнинг қўпол тарзда бузилиши кадрнинг тизимдаги хизматдан бўшатилишигача бўлган интизомий чора кўлланилишига асос бўлишининг мустаҳкамланаётгани ички ишлар тизимида процессуал ҳужжатга зарурат борлигини кўрсатади.

Кодекснинг барча даражадаги ҳудудий, соҳавий ва тармоқ ички ишлар органларидаги бошлиқларнинг ўз қўл остидаги кадрлар билан биргаликда унинг мазмунини тушуниши борасида турли тарбиявий ва маънавий-маърифий тадбирлар асосида ташкил этишга ҳамда кадрларнинг оилаларида майший муаммоларни ўрганиб боришига эътибор қаратилаётгани ички ишлар тизимида ушбу ҳуқуқий актнинг эскирган жойларини олиб ташлаб, янгиларини ўrnатаётгани ёки барча тармоқ соҳаларини тартибга солишга қаратилганини ҳам билдиради⁷⁴.

Кодекс ички ишлар органи кадрлари, шунингдек, Ички ишлар вазирлиги таълим муассасалари курсантлари ва тингловчиларининг хизмат ва хизматдан ташқари фаолиятида одоб-ахлоқ интизомига қўйиладиган талабларни белгилаб, бошлиқлар ва ходимлар ўrtасидаги муносабатларни ҳамда уларга нисбатан рағбатлантириш ва интизомий жазо чораларини қўллаш масалаларини тартибга солади.

Кодекснинг яна бир муҳим жиҳати, ички ишлар органлари кадрлари томонидан шахсий важ ёки бошқа сабабларга кўра унинг қоидалари бузилишига йўл қўйилмаслигида ҳам кўринади. Яъни Кодекснинг қоида ва талаблари дастлаб барча кадрлар ва таълим муассасалари курсант ҳамда тингловчилари томонидан ўрганилиб, ўзлаштирилиб кейин унга ҳамма бирдек амал қилиши муҳим ҳисобланади. Ва унинг процессуал аҳамияти ҳам шунда кўриниши бежиз эмас.

Янги Кодекснинг ички ишлар органлари кадрлари учун процессуал аҳамияти биринчидан, касбий маданият қоидалари қайси лавозимни

⁷⁴ Юридик энциклопедия / Юридик фанлар доктори, профессор У.Таджихановнинг умумий таҳрида. – Т.: “Шарқ”, 2001. – 189-бет.

эгаллашидан қатъий назар, кадрларнинг хизмат ва хизматдан ташқари вақтда одоб-ахлоқи ва хизматда ўзини тутишнинг мажбурий асосий талаб ва мезонларини ўзида ифодалайди.

Иккинчидан, ички ишлар органларида хизмат интизоми кадрлар ва курсант ёки тингловчилар томонидан мазкур Кодекс талаблариға қатъий ва сўзсиз амал қилиш ҳамда ҳар бир кадрнинг хизмат бурчини юксак даражада англаши ёки қўйилган вазифалар учун шахсий жавобгарлигини англашини билдиради.

Учинчидан, бошлиқ юксак касбий маҳорат, қонунийлик талаблари ҳамда қасамёдга риоя этишда кадрларга намуна қўрсатиши, ташаббус, интилиш ва хизматларини рағбатлантириши, шунингдек, хизмат интизоми бузилган ҳолатларда таъсир чоралари қўлланилишини таъминлаши ҳамда ноқонунийлиги яққол кўриниб турган ва хизмат фаолиятига алоқаси бўлмаган буйруқ ва топшириқлар бермаслиги керак.

Тўртинчидан, ички ишлар органларида касбий маданият қоидалари ва хизмат интизоми талаблариға амал қилиш кадрларда юксак онгу тафаккурни шакллантириш, маънавий-маърифий ишларни изчил олиб бориш, шунингдек, уларга нисбатан рағбатлантириш ва интизомий жазо чораларини қўллаш орқали таъминланади.

Бешинчидан, ҳар бир кадр бошлиқнинг унга нисбатан қонунга зид ёки ноҳақ ҳаракатлари устидан юқори турувчи раҳбар ёки хизмат жойидаги шахсий хавфсизлик бўлинмасига ёзма шикоят беришга ҳақли.

Умуман олганда, Ички ишлар органлари кадрларининг касбий маданият ва хизмат интизоми Кодекси тизимда қуидаги самарали натижаларга олиб келади. Биринчидан, ички ишлар органлари билан ҳалқнинг ўзаро яқинлашувига ҳамда ҳалқнинг ушбу давлат органига нисбатан розилиги ва ишончи ортишига олиб келади. Иккинчидан, кадрлар ва тизим фаолиятининг такомиллашуви, масъулиятининг ошишига ёхуд обрўси юксалишига асос бўлади. Учинчидан, кадрларнинг Ватан ва ҳалқ олдидаги бурчини чин дилдан ангалаб, унга масъулият ва ташаббускорлик

хисси билан ёндашиб, уларда юксак маънавий-ахлоқий фазилатлар, ватанпарварлик ва ўз касбига садоқат туйғусининг шакллантирилиб, содир этилиши мумкин бўлган турли ножӯя хатти-ҳаракатлар, суиистеъмолчилик ва коррупция ҳолатларининг барвақт олдини олишга замин яратади. Тўртинчидан, ички ишлар органида қонун устуворлигига ҳамда ички ишлар органи кадрининг қасамиёдига содик бўлиш, фақат халқ ва давлат манфаатларига хизмат қилишдан иборат бўлган ўз хизмат бурчини сўзсиз бажаришга эришилади. Бешинчидан, ички ишлар органида бошлиқ унга бўйсунувчи кадрлар томонидан Кодексга амал қилиниш натижасида буйруқ ва топшириклар бўйсуниш тартиби фақат унинг талабидан чиқмаслигига эришилади. Олтинчидан, ички ишлар органлари кадрларининг ижтимоий фаоллиги, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданияти шаклланади.

МУНДАРИЖА:

Кириш.....	3
О.Т.Ахмедов Ички ишлар органлари ходимларида қонунга ҳурмат рухини қарор топтириш – жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг гаровидир.....	4
И.Исмаилов Жамоат хавфсизлиги таъминлаш тизимида ҳуқуқий таълим ва тарбияни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари.....	8
И.Т.Тультеев Профессионализм и правовая культура.....	17
М.И.Суванқулов, И.Ш.Ниязов Инсон ҳуқуқларига оид саводхонликни ошириш – ички ишлар органлари ходимларининг қонунийликни таъминлашнинг гарови.....	22
Х.А.Тураббаев, А.Б.Кулахмедов Особенности дополнительного обучения основам назначения и производства криминалистической экспертизы.....	30
Э.Э.Марупов Ҳорижий мамлакатлар жиной қонунчилигига кибержиноятлар учун жавобгарликнинг айрим жиҳатлари.....	38
Б.Т.Акрамходжаев, Г.А.Алимов, З.М.Мирзаахмедов Ҳуқуқий таълим жараёни ва уни таъминловчи детерминантлар тўғрисида.....	44
А.Э.Имамов Социально - общественные аспекты норм правовой культуры и правосознания.....	50
Х.Х.Бахрамов Ички ишлар органлари учун юксак малакали мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда ҳуқуқий онг ва касбий маданиятини юксалтириш масалалари.....	58
О.С.Субанов Ички ишлар органлари ходимлари, таълим муассасалари тингловчи ва курсантларининг касбий-ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш тизимини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари.....	64
Б.Қ.Мусурмонов, А.А.Абдибоситов Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданиятида ҳуқуқий онгнинг ўрни.....	70
Ш.Х.Ғаниев Ҳуқуқбузарликлар профилактикасида – ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг аҳамияти	77
Д.Ж.Эшқулов Ички ишлар органларида юксак маънавиятли, етук, профессионал кадрлар тайёрлашда ҳуқуқий таълимнинг аҳамияти.....	81
Ж.Қ.Хамраев Ички ишлар органлари ходимларининг професионал кадрлар сифатида тайёрлашда ҳуқуқий таълимнинг ўрни.....	86
М.Р.Рафикова Бўлажак божхона хизмати органи ходимларининг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини такомиллаштиришда ҳуқуқий тарбиянинг ўрни.....	91
А.Ж.Қурбонов Қонунбузарликларни фош қилишда ҳуқуқни қо‘ллаш амалиётини такомиллаштиришнинг айрим масалалари.....	96
Р.А.Абсаламов, А.Б.Ахмедов Маҳалла фуқаро муҳофазаси тизимини ташкил этишда ҳамда машғулотларда профилактика инспекторларининг вазифа ва мажбуриятлари.....	106

Р.А.Абсаламов, А.Б.Ахмедов	Шаҳар худудларида фавқулодда вазиятлар шароитида ва уларнинг оқибатларини бартараф этишда профилактика инспекторларининг вазифалари.....	116
И.Б.Атамирзаев, М.Р.Абдусатторов	Хуқуқий таълимни такомиллаштиришда ички ишлар органлари имкониятларидан фойдаланиш масалалари.....	129
А.А.Бабаев, А.Б.Есботаев	Правовая подготовка в ОВД республики Узбекистан и ее значение в профессиональной деятельности сотрудников.....	135
А.Б.Есботаев	Некоторые аспекты правовой и профессиональной подготовки военнослужащих и сотрудников национальной гвардии Республики Узбекистан.....	141
Ж.Р.Равшанов	Правосознание и правовая культура сотрудников органов внутренних дел в обеспечения законности и правопорядка.	145
Ж.О.Кенжасев	Ички ишлар органлари ходимларининг касбий хуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришда нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорлик муаммолари ва уларнинг ечимлари.....	150
Н.Л.Меликулов	Миграция жараёнларининг глобаллашуви.....	157
Ш.Р.Рахимов	Ички ишлар органлари ходимларининг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашда хуқуқий маданиятини юксалтириш.....	162
Н.З.Тасимов, А.А.Абдибоситов	“Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонун - ходимлар томонидан ўқотар қуролларни қўллашнинг хуқуқий асоси сифатида.....	169
Д.Р.Ураков, А.С.Шарипов	Ҳарбий соҳа вакилларининг соҳавий салоҳиятини юксалтириш борасидаги ишлар.....	173
Ж.Б.Мухаммадаминов	Судга қадар босқичларда шикоят қилиш хуқуқига эга процесс иштирокчилари.....	177
М.Б.Қосимов, А.М.Абдумажидов	Хуқуқий таълим-тарбиянинг – жамият тараққиётидаги ўрни.....	183
С.Т.Шукуруллаева	Хуқуқий маданиятни шакллантиришда хуқуқий тарбиянинг ўрни.....	189
Ш.Т.Шукуруллоев, М.Н.Носирханов	Ички ишлар органлари ходимлари касбий фаолиятида хуқуқий маданиятнинг аҳамияти.....	195
А.К.Каримов, А.Қ.Қўчқоров	Хуқуқий таълим ва хуқуқий маданиятнинг узвий алоқадорлиги.....	200
Х.И.Сувонқулов, Э.У.Эргашев	Ички ишлар идоралари ходимларининг касбий хуқуқий онги ва маданияти ва инсон хуқуқлари химояси.....	205
Э.О.Қодиров	Ёшларнинг хуқуқий маданиятини юксалтиришнинг илмий-назарий асослари.....	214
Ў.С.Очилов	Инсон хуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва инсон хуқуқлари соҳасидаги таълимни ривожлантириш муаммолари	231
Ш.Ярлакобов	Ички ишлар органларида кадрлар салоҳиятини оширишнинг хуқуқий асослари.....	240

**«ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ
ХУҚУҚИЙ ОНГИ ВА МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШДА
ХУҚУҚИЙ ТАЪЛИМНИНГ ЎРНИ»**

Республика илмий-амалий конференция тўплами

Босишга рухсат этилди 23.06.2023 й. Нашриёт-ҳисоб табоғи 14.4
Адади 40 нусха. Буюртма № _____. Нархи шартнома асосида

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти,
100213, Тошкент ш., Хусайн Байқаро кўчаси, 27а-уй